

Очиқ ва самарали мұлоқотларимиз, илгари сурىлған мұхим ташаббуслар, ишга туширилған күп томонлама лойиҳалар ва дастурлар, амалға оширилған күплаб құшма тадбирлар ва шу каби бошқа ҳаракатларимиз минтақа қиёфасини ва имижини тубдан ўзгартируди.

Биз самарали ҳамкорлик қилиб, мұхим масалаларни ҳал қила бошладик. Ўзаро савдо, инвестиция, юқ ташиш, фуқароларнинг ташрифлари ҳажми бир неча баробар күпайди.

Ташқи шерикларимиз томонидан амалий қизиқиш сезиларли даражада ортди. “Марказий Осиё плюс” форматидаги турли учрашувлар шундан далолат беради.

Бугун биз умуммінтақавий ўзига хосликни шакллантириш жараёни бошлангани ҳақида ишонч билан айтишимиз мүмкін.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Оллоҳшукур пошшозода: ЎЗБЕКИСТОН – ДОИМО ЮРАГИМДА!

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода “Ватан” журнали мухбирига интервью берди

– Аввало, таклифимизга рози бўлганингиз учун раҳмат. Номингиз юртимиизда анча таниқли, ҳатто, машҳур, десам ҳам бўлади. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Биринчидан, Сиз диний илмни бизнинг Ватанда, яъни Бухорода олгансиз. Бу, ислом оламида таниқли сиздай уламони “ўзимизники” қилишга асос беради, деган ўй бўлса, иккинчиси, Ўзбекистонга бўлган муҳаббатингиз билан боғлиқ: кўп бор эшиятганмиз, гувоҳ бўлганмиз, юртимиз ҳақида ҳамиша айро бир меҳр билан гапирасиз?!

– Дарҳақиқат, бу юрт мен учун фоятда муқаддас. Ҳозирги даражага етишимда сиз, ўзбек қардошлиримнинг жуда улкан хизматлари бор. Аввало, бу ҳалқнинг меҳри, самимияти менинг руҳониятимга жуда катта таъсир ўтказган. Диний бағрикентглик, ўзга маданият ва урф-одатларга тоқатлиликни ҳам сизлардан ўргандим. Дунё кезиб, ёшим маълум бир жойга етганда англадимки, жаҳонда ўзбеклардек одамохун, меҳр-оқибатли ҳалик жуда кам экан. Буни ҳамиша тан оламан.

Бугунги кунлар ҳақида сўз айтмоқдан олдин мен Президент Шавкат Мирзиёев жаноблари ҳақида гапирсан дейман. Бу инсонни ҳалқингизга Яратган томонидан берилган бир тухфа, дегим келади. Буюк шахсиятлар тўғрисида гапириш, уларга баҳо беришга ҳамма ҳам ўзини маънавий ҳақли санайвермаслиги мумкин. Аммо мен қарийб 45 йилдан бўён сиёсатнинг ичидаги юрган, дунёнинг пасту баландини кўрган одам сифатида бу борада ўзимда журъат топгандай бўламан. Мақтанчоқликка йўймасантиз айтай, ўша Горбачёв замон-

ларидан буён шайхулисломманд. Собиқ иттифоқ Олий Совети депутати бўлдим. Озарбайжон миллатининг лидери Ҳайдар Алиев билан ёнма-ён юрдим, нафақат собиқ иттифоқ, балки дунёда бўлиб ўтган қўплаб воқеаларга бевосита гувоҳман ва энг муҳими, уларнинг келиб чиқиши, оқибатлари ҳақида ўз хulosаларим бор...

Албатта, ҳар бир мамлакатнинг ривожи унинг раҳбарига бевосита боғлиқ. Агар шу нуқтаи назардан шахсий хulosаларимга таяниб айтадиган бўлсам, ўз ҳалқини жаҳонга танитиб, унинг қаддими баландларга кўтаришда Шавкат Мирзиёевдек жонкуяр, фидойи раҳбарлар ниҳоятда кам. Мен бу одамнинг сиймосида жуда катта бир яратувчилик қурдатини кўраман. Курдатки, ўз вужудига сифмайди. Айтаётган бу гапларим фақат мажоз эмас. Бугун Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёда амалга ошираётган ишларини ҳамма кўриб турибди: нохолис сиёсат туфайли деярли душманга айланниб қолган қўшни ҳалқлар бугун яна худди ўтмишдагидек бир элга дўниб бораёттир. Шу маънода гапирганда, унинг шахсияти бугун нафақат Ўзбекистон, балки минтаقا ижтимоий-сиёсий ҳаётига даҳлдор кучга айланди, десак хато қилмаган бўламиз.

Одамийлик борасида ҳам Шавкат Миромонович ҳар қандай раҳбарга намунадир. Масалан, ҳеч бир байрам ёки алоҳида сана йўқки, у киши бизни эсламасалар. Бир оғиз яхши сўз, табрик одамнинг кўнглини қанчалар кўтаради. У киши шуни билади, яхши фаҳмлайди. Инсонларга меҳр-муҳаббат кўргазишни истайди. Айни туйғу одамгарчилкнинг, самимиятнинг, эътиборнинг энг юқори чўқиси, деб ўйлайман. Бўлмаса, ўзингиз ўйланг, мен қайдада-ю, у инсон қайдада? Очиги, у кишидаги



мана шу юксак эътибор мени мудом ҳайратлантиради.

Ўзбекистон тупроғи – муқаддас. Агар қалб поқиза бўлса, бу зиёдан, албатта, баҳраманд бўлади. Ислом оламига Бухорий, Мотуридий каби ўнлаб олиму фузалоларни берган бу муборак заминдан дунёни нурга тўлдирадиган яна кўплаб қаҳрамонлар етишиб чиқади, десак, ким бу сўзни инкор эта олади?!

Улуғ Туркистон маданият, илм-фан, ислом та-маддуининг бешигидир. Буни кўп-кўп айтиш лозим, зотан, халқ бунинг қийматини билиши керак. Дуо қиласманки, Шавкат Мирзиёев жаноблари Ўзбекистонда бу масалаларга алоҳида эътибор бермоқда. У кишининг БМТ минбаридан туриб аксилисломчилик(исломофобия)га қарши ўта жиддий фикрларни билдирганлари бир мусулмон сифатида барчамизнинг қалбимизда ўчмас из қолдириди. Дарҳақиқат, Шавкат Мирмонович таъкидлаганларидек, ислом динини никоб қилиш, уни суиистеъмол қилиш йўли билан инсонларни бу муқаддас динга қарши қўйиш жирканч жиноятдир. Ва бунга Аллоҳ ҳеч қачон йўл бермайди ҳам.

Юртбошингизнинг бугунги глобал дунёга интеграция бўлиш борасидаги уринишларида ҳам

шу мақсад мужассам, деб ўйлайман. Ҳеч бир му-болагасиз айтаманки, Ўзбекистон тарихи бу ислом тарихи, туркийлар ва бутун дунё тарихидир. Ва бу табаррук заминнинг дунё тарихи маркази бўлишга ҳам ҳақи бордир.

Озарбайжон – Ўзбекистон халқининг бугунти қардошлиқ, дўстлик муносабатларидан мудом қувонамиз. Ҳайдар Алиев давридан бошланган бирдамлик риштаси энди муҳтарам Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев жанобларининг ўзаро дўстлиги, ҳамжиҳатлиги билан янада мустаҳкамланаётганидан беҳад шодмиз. Аллоҳ бизнинг бу дўстлигимиз, қардошлигимизни абадий қилсин, дея дуодамиз.

– Ўзбекистонда ўтган ишларингизни эслаб турасизми? Ўзбек халқи Сизнинг қалбинизда қандай из қолдирган? Бу борада ўз хуласаларингиз, хотираларингиз бор, албатта.

– Ватан – бебаҳо, унинг баҳоси йўқ. Айни тушунчани мен ўзим учун ҳудудларни кесиб ўтган симтўрлардан юқорироқ тушунаман. Масалан, мен Озарбайжонда туғилганман, барчамиз бирдек қабул қилган мантиққа кўра, бу ер менинг Ватаним.

Ўзбекистондан, шу юрт аҳлидан беҳад миннатдорман. Бу халққа бўлган чексиз меҳрим ўзимни бевосита шу халқнинг бир фарзандидай кўришга мудом ундан турди. Назаримда, бу ташқаридан қараганда ҳам сезилиб турса керак. Ҳатто, бундан кўп йиллар илгари, хурматли Ҳайдар Алиев жаноблари ҳам айтардиларки, сен ўзбекистонликларга ўхшайсан, сенинг тимсолингда ўзбекларни кўргандай бўламиз...

Аммо масалага теранроқ қарасангиз ва кўнгилни кенгроқ қилсангиз, манзара ўзгаридаи. Шу ракурсдан ёндашганда, Ўзбекистон ҳам мен учун Ватан. Нимагаки, бу ерда менинг энг қайноқ дамларим ўтди. Янада чукурорқ кирсангиз, аслида бу замин, бутун она ер бизнинг Ватанимизdir.

Мен узоқ вақт Ўзбекистонга фақат таълим олиш учун борганиман, деб юрадим. Энди ёш бир жойга келиб ўйласам, у табаррук заминда нафақат таълим, балки шу буюк халқнинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлган, тарбиясини олган эканман. Аллоҳнинг чексиз мўъжизаси бўлган инсонни ардоклаш, ундан меҳрни дариг тутмаслик каби юксак фазилатлар қалбимда ўша кезлар куртак ёзган экан.

У ерда муаллимларим, устозларим бор. Эсимда, пахта теришга укувим йўқ эди. Кучим борича ҳаракат қилардим, аммо белгиланган режани уддалай олмасдим. Шундай кезларда менга узатилган қўлларни – дўстларимнинг ёрдамини эслаб, уларни соғинаман. Ўша самимиятни излайман... Эҳ, у даврларни эсламаган куним бормикан...

Ўқишидалигимда йўлнинг олислиги, қолаверса, чиқимни ўйлаб Озарбайжонга кам келардим. У ердаги дўстларим эса оиласлари бағрига тез-тез боришар ва ҳар гал қайтганларида биз учун ҳам совға-саломлар олиб келишарди. Уларнинг ота-оналари менга ва бошқа узоқдан келиб таҳсил олаётганларга ҳадялар юборишарди. Бу меҳрни, одамгарчилликни унугтиш мумкинми?! Асло! Буни хеч вақт унугтиб бўлмайди.

Ўзбекистондан, шу юрт аҳлидан беҳад миннатдорман. Бу халққа бўлган чексиз меҳрим ўзимни бевосита шу халқнинг бир фарзандидай кўришга мудом ундан турди. Назаримда, бу ташқаридан қараганда ҳам сезилиб турса керак. Ҳатто кўп йиллар илгари, хурматли Ҳайдар Алиев жаноблари ҳам айтардиларки, сен ўзбекистонликларга ўхшайсан, сенинг тимсолингда ўзбекларни кўргандай бўламиз...

Ўзбекистоннинг бугунги саодатли, хушвақт кунларидан беҳад шодман. Унинг келажаги янада буюк ва янада порлоқ бўлади, иншааллоҳ.

– Президентимиз Шавкат Мирмонович ташаббуси билан мамлакатимизда Ислом цивилизацияси маркази барпо этиляпти. Айтиши жоиз бўлса, Юртбошимиз бу лойиҳага жуда ҳам кўп вақт ва куч сарф қилмоқда. Сиз ислом оламида нуфузли бир уламо, қолаверса, Ўзбекистонни яқиндан биладиган инсон сифатида бу ташаббусининг қимматини қандай баҳолайсиз?

– Мен Ўзбекистонга зиёратга борганимда, марказ қурилаётган жойни кўриш насиб қилди. Хурматли Президент билан кўришиб, икки соатдан ортиқ сухбатлашдик. Гўзал учрашув бўлди. Цивилизация маркази ҳақида гаплашдик. Бу ҳақиқатан муҳим масала. Тошкентдаги Ислом цивилизацияси маркази нафақат Ўрта Осиё, балки дунё мусулмон оламининг юраги бўлади. Унинг маънавий қиммати жуда юксак.

Бу марказни бунёд этаётган меъморнинг улуғ орзулари бор, назаримда, у бу бебаҳо маънавий пойдевор қадларидан яна Термизийлар, Бухорийлар, Мотуридийлар, Навоийлар зиёси барқ уриб чиқишини орзу қилади.

Аслида Ўзбекистоннинг ҳар қарич тупроғида бир алломанинг, авлиё зотнинг хоки бор. Бу – нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон тарихи, унинг ривожланиши, юксалишига чамбарчас боғланиб кетган умуминсоний мерос. Бир сўз билан айтганда, мана шундай пойдевор устига қурилаётган Ислом цивилизацияси маркази замонавий дунё маданияти, тамаддуни қаршисида бақувват бир қимматга эга бўлади. Қолаверса, юқорида айтганимиздек, бу марказ фаолияти динимизни исломга ёт бўлган бошқа фикр ва тоялар таъсиридан тозалайди, поклайди. Шу боис Ислом цивилизацияси маркази нафақат Ўзбекистон ёки минтақа, балки бутун ислом олами учун зарур бўлган илмий маскандир. Бу тарихий лойиҳада биз – Кавказ мусулмонлари идораси ҳам кўмакчи бўлишга тайёрмиз. Шундай муқаддас ишга бош қўшиш, албаттa, биз учун ҳам шарафдир.

– Туркий давлатларнинг ҳамжиҳатлиги кейинги йилларда барчамизни хурсанд қилимоқда. Бугунги жуда тез ўзгараётган, боз устига, маданиятлар қоришиб, дунё глобал бирликка интилаётган бир паллада ўтмиши мустарак бўлган халқларнинг бир-бирига интилишида ёрқин бир истиқбол бор, деб ўйлайсизми?

– Албатта, ҳар қандай яқинлик, биродарлик ва ўзаро самимиятнинг берадиган меваси бўлади. Қолаверса, бу халқларимизнинг буюк орзуси. Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёев жаноблари туркий давлатларнинг мустаҳкам дўстлиги, бунга қўшимча равишда, Озарбайжон – Марказий Осиё давлатлари биродарлиги, ҳамкорлиги йўлида катта ишларни амалга оширишди. Биз буни узоқ йиллар кутдик. Ушбу ҳаракатлар ривожланишимизга, тараққиётимизга катта туртки беради. Бизнинг туркий халқлар каби яқинроқ, самимийроқ, дили ва тили бир дўстимиз борми? Албатта, йўқ! Бунинг маънавий жиҳати қанча аҳамиятли бўлса, иқтисодий томонлари ҳам бундан кам эмас. Сўнгти йилларда ўзаро алоқаларимизнинг мазмуни бойиб бораётгани халқларимиз манфаатларига ҳар тарафлама хизмат қиласи.

Мавриди келганда алоҳида таъкидламоқчиманки, давлат раҳбарларининг самимий дўстлиги, илиқ ижтимоий-сиёсий ҳамкорлик бевосита халқларимизни ҳам бирлаштироқда. Мисол учун, бундай ҳамжиҳатликни Туркий давлатлар мусулмонлари ташкилотлари ҳамкорлигига ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир соҳада бўлгани каби бу жабҳада ҳам бизнинг муҳокама қилишимиз, келишиб олишимиз зарур бўлган масалалар жуда кўп эди. Бугунга келиб бизда шундай имконият пайдо бўлди. Дейлик, ҳозир биз диний байрам кунларини ўзаро кенгашган ҳолда бир вактда белгилашга келишиб олдик. Илгари бундай ҳамжиҳатлик йўқ эди ва қайси мамлакат қачон истаса, ўша кунни Рама-



зон ёки Қурбон ҳайити байрами дея эълон қиласи, бу, албатта, мантиқан олиб қараганда, бироз ғалати ҳам эди. Умуман, вазифаларимиздан яна бири давлат томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг аҳамияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб боришда ҳам ҳамкорликда ишлашга келишдик. Ҳозир фаолиятимизнинг умумий концепцияси ишлаб чиқилган.

Биз маънавий бирлиқда чет таъсир доираларидан чиқа оламиз. Туркий давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг кучайиши бизни, шубҳасиз, шу манзил сари олиб боради.

– Ватандошларимизга тилакларингиз бўлса, марҳамат...

– Сизларни ўзимга ватандош сифатида қабул қиласман. Гарчи паспортимда озарбайжонлик эканлигим қайд этилган бўлса-да, Ўзбекистонни ҳеч маҳал хориж деб билмаганман. Бу юрт, унинг одамлари доимо қалбимнинг тўрида. Яратгандан Ўзбекистонга доимо тинчлик, азиз халқига фаровонлик тилайман.

– Мазмунли сұхбат учун Сизга катта раҳмат!


Ўз мухбиримиз

МАМЛАКАТИМИЗ IT-HUBга АЙЛАНМОҚДА

Шерзод ШЕРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Рақамли технологиялар вазири

Сўнгги йилларда ахборот-коммуникация тизимини мамлакат иқтисодиётининг “драйвер”ларидан бири, шиддат билан ривожланнаётган соҳа, деб ҳеч иккиланмасдан айтиши мумкин. Янги асрда бирор-бир давлат бу тармоқни равнақ топтирмай туриб тараққиётга эришиши имконсиз. Шу сабабли кейинги даврда IT-инфратузилмани ривожлантириш, бу соҳа бўйича малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда хорижий компанияларни жалб этган ҳолда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш устувор вазифага айланган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Юртбошимиз бизнинг йўналишишимиз олдида турган масалаларни аниқ белгилаб берган. Бундай дейишимиға сабаб шуки, хорижда “Vision”, яъни узоқни тасаввур қила олиш, деган тушунча бор. Давлатимиз раҳбарида худди шу қобилият бор.



Президентимиз томонидан 2017 йилда ахборот технологиялари соҳасида экспортни ошириш ҳамда Ўзбекистонни IT-Hubга айлантириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш юзасидан олдимизга вазифа қўйилганди.

Ўша пайтга қадар мамлакатимиз анча ёпиқ, хорижий валюталарни конвертация қилиш имкони йўқ, чет элдан пул ўтказиш муаммо эди. Бунинг устига, интернетдан фойдаланиш ҳам қиммат эди.

Топшириқ бўйича давомиди Юртбошимиз олдида тақдимот қилганимизда, бизни қўллаб, ITдан даромад олиш мумкинлиги ва муҳимлигини таъкидлаганди. Бу амалий ишларни бошлишимизга туртки бўлганди.

Тақдимот давомида Юртбошимиз ақлли ёшларимиз чет элга кетиб қолмаслигини, улар шу ерда туриб, яхши даромад топишлари лозимлигини қайд этиб, кўпчилик қаршилик кўрсатган Фармонга имзо чекканди.

IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажми 5 миллиард долларга етказилади

Ўзбекистон географик жойлашуви жиҳатидан денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган мамлакат ва шу боис логистика харожатлари юқорилиги маҳсулотларни экспорт қилиш жараёнини янада қийинлаштиради.

Шуни инобатга олиб, хукумат IT-маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга асосий эътиорини қаратди.

Юқорида таъкидлаганимдек – кўпчилик қарши бўлган Ўзбекистон Президентининг “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони 2017 йил 30 июнь куни имзоланди.

Ушбу хужжатда “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун энг қулай шароитларни яратиш мақсадида бутун республика худудида Технопарк резидентларини жойлаштирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида экстерриториаллик принципи асосида ташкил қилинади”, деб белгилаб қўйилди.

Тассавур қилиш учун биргина мисол келтираман. IT-Park резидентлари томонидан кўрсатилган экспорт ҳажми 2017 йилдан 2023 йилгача **573 баробарга** ортди. Бу кўрсаткич 2017 йилда **600 минг долларни** ташкил этган бўлса, 2023 йил якунида **344 млн. долларгача** етказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон динамик IT-Hub-

га айланиб бормоқда ва IT-Park Uzbekistan ушбу жараёнда стратегик роль ўйнамоқда. IT-Park мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш ва юртимизда бизнесни юритиш афзалликларини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

2023 йилда республикада ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатилган IT-хизматлар ҳажми **12,8 трлн. сўмни** ташкил этган бўлиб, **2017 йилга** нисбатан **71 баробар** ўсиш суръати кузатилди.

Республика бўйлаб IT-хизматларини кўрсатадиган ҳамда IT-Park резиденти сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолият юритаётган IT-компаниялар сони **2172 тага** етказилди, шунингдек, уларда **32 мингдан** ортиқ (2017 йилга нисбатан қарийб **15 баробар** ўсиш) иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, бугунги кунга қадар IT-Parkning инкубация ва акселерация дастурларини мувафақиятли якунлаган **42 та** истиқболли стартап-лойиҳага **жами 787,1 млрд. сўм** мидорида инвестиция жалб қилинган.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг энг катта афзалликларидан бири – 21 миллион меҳнатга лаёқатли аҳолидан иборат инсон капиталига эгалигини, уларнинг салмоқли қисми инглиз тилида bemalol гаплашишни ўрганаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айнан мана шу омил хорижий IT-компанияларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга, чунки кўплаб мамлакатлар кадрлар танқислигига дуч келмоқда. Масалан, яқинда вазирлик вакилларининг Корея Республикасига ташрифи давомида соҳа етакчилари Ўзбекистондаги қуай бизнесс муҳитига катта қизиқиши билдириди. Ташириф натижасида 700 та янги иш ўринини қамраб олган 7 та компания очилиши бўйича келишувга эришилди. Ҳозирги кунда IT-Park 2200 дан ортиқ резидентга эга. Уларнинг 800 дан ортиги экспорт қилувчи компания ҳисобланса, 540 дан зиёди хорижий капиталга эга компаниялардир.

Резидентлар мамлакат бўйлаб ёшлар учун юқори маошли янги иш ўринлари яратадиган бўлиб, бугунги кунда 32 минг нафар ўзбекистонлик шу компанияларда ишламоқда. Бу маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишларига хизмат қилмоқда.

Стартап экотизимини венчур фонdlари ва акселераторлар билан фаол ривожлантириш ёшларнинг тад-

биркорлик имкониятларини кенгайтиряпти. Ёшлар Plug & Play каби халқаро акселераторлар ёрдамида ўз стартапларини ташкил этиб, кейинчалик уларни IT-компанияларга айлантиришлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, янги маҳаллий мутахассисларни юқори даромадли иш билан таъминлашга хизмат қиласди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда ҳимояга муҳтоҷ қатламлар, жумладан, аёллар ва имконияти чекланган шахсларни рақамли кўникмаларга ўргатишга қаратилган Uzbekistan Digital Inclusion дастури амалга оширилмоқда. Бу уларга рақамли рақамли технологияларга интеграциялашиб ва юқори даромад олиш имконини яратади.

2030 йилгача IT-Park резидентлари томонидан экспортга ўйналтирилган 100 мингдан ортиқ янги иш ўрнини яратиш режалаштирилган. Бу мутахассисларимизга юқори маошли иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, деб умид қиласмиз. Шу билан бирга, **IT-хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажми 2030 йилга келиб, йилига 5 миллиард долларга етказилади.**

1 миллион долларлик Президент соврини

Салмоқли иш ўринлари яратилгач, ўз-ўзидан малакали мутахассисларга талаб ортади. Бугунги кунда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг ҳудудлардаги олтита филиали, шунингдек, Инҳа ва Амити университетларида 35 та мутахассислик бўйича 29 мингдан ортиқ кадрлар тайёрланмоқда. Шунингдек, мамлакатимиздаги IT-университетлар сони деярли 100 тага етди. Уларнинг асосий қисмини хусусий ва хорижий таълим муассасалари ташкил қилиб, бу ўқув юртларида сунъий интеллект, маълумотлар фанлари, ахборот хавфсизлиги ва муҳандислик каби соҳаларда кадрлар тайёрланади.

2022 йилда “EPAM Systems” халқаро IT-компанияси билан ҳамкорликда биринчи онлайн шаклдаги “IT-Park University” рақамли университети фаолияти ўйлга қўйилди. Муассаса битирувчиларига республикада олий таълим тўғрисидаги хужжат сифатида тан олинадиган ўз намунасидағи диплом берилади.

IT соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида 2021 йил Бирлашган Араб Амирликларида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Унинг биринчи босқичида 2,5 млн. нафардан ортиқ фойдаланувчи рўйхатдан ўтди ва шундан 1,7 млн. нафардан





Замонавий АКТ инфратузилмаси яратилди

Бир пайтлар интернетдан қайсиdir файлни юклаб олиш учун соатлаб кутишга тўғри келарди. Бугун эса сониялар ичидагигабайтлаб маълумотларга эга бўлиш имкони бор. Юртимизда шундай қулайлик яратиш мақсадида оптик толали алоқа линиялари узунлиги **20 минг** километрдан **252 минг** километрга етказилди. Бу — **12 баробар** ўсиш кўрсаткичи. Қолаверса, интернет тармоғига уланишнинг умумий ўтказувчанлик қобилияти 65 баробарга, тезлиги эса **55 Гб/с** дан **3 600 Гб/с** га оширилди.

Килинган ишлар натижасида ижтимоий соҳа обьектлари, яъни жойлардаги маҳалла фуқаролар йигинлари, мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда ички ишлар органлари таянч пунктларининг мазкур интернет тармоғи билан таъминланди.

Аҳоли пунктларининг интернет тармоғи билан таъминланганинг даражаси 95 фоизга етказилди.

Кун сайин эҳтиёж ортиб бораётган мобил алоқа қамрови 2024 йилда **93 фоизга** етказилди.

Худди шундай янгиланишлар туфайли халқаро интернетта уланиш нархи оператор ва провайдерлар учун қарийб **33 баробарга** арzonлашиб, 2,7 АҚШ долларини ташкил этиди. Бу борада Ўзбекистон дунё рейтингида 236 давлат орасида 22-уринда турибди.

Шу йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, юртимизда 10 ва ундан катта ёшдаги аҳоли ўтрасида ўз уйида интернетдан фойдаланаётганлар улуши 2023 йилги 67 фоиздан 79,2 фоизга етди. Республика бўйича мобиль алоқа қамрови 89 фоиздан 99 фоизга ошиди. Кенголосали мобиль интернет қамрови эса 12 фоиздан 98 фоизга етказилди. Пировардида Ўзбекистон БМТнинг кенголосали мобиль интернет хизматлари нархи бўйича икки фоизлик мақсадли кўрсаткичини бажарган 4 та янги давлат сафига кўшилди.

Шу билан бирга, республикамизда охирги 7 йилда мобиль интернет нархи қарийб 9 баробар арzonлашиб, дунё рейтингида 68-уриндан 15-уринга кўтарилиганимиз мухим янгилик. Бу — 2016 йилдаги таянч станциялар сони 17 721 тадан 2024 йилда 66 300 тага етказилгани самараси. Ўзбекистон, “Speedtest.net” (Ookla) нашрига кўра, 2019 йилга нисбатан кенголосали симли интернет тезлиги бўйича Ўзбекистон 49 погона юқорилаб, 82-уринга кўтарилди.

Шунингдек, **2022 йил август ойида** Тошкент вилоятидаги юқори қувватли (**20 Петабайт**) TIER III тоифали сертификатга эга “Электрон хукумат” тизимининг маълумотларни сақлаш ва қайта ишлап маркази ишга туширилди.

зиёди таълим олиб, сертификатларни қўлга киритди.

Ёш тоифаси бўйича таълим олувчиларнинг 91,5 фоиздан ортиги 13–34 ёш оралиғидаги ўқувчилар хиссасига тўғри келди. Шунингдек, қатнашчиларнинг 47 фоизини аёллар ташкил этиди.

Лойиҳани муваффақиятли тамомлаб, сертификатларни қўлга киритган кам таъминланган оиласлар фарзандлари, “Темир дафтар”га киритилган ёшлар ҳамда ишсиз йигит-қизларнинг ўзини ўзи банд қилишини ривожлантириш мақсадида уларга компьютер техникаси сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш йўлга кўйилди. Айни кунга қадар 15 минг нафардан ортиқ ёш шундай имкониятдан фойдаланди.

Бундан ташқари, 2023 йилдан uzbekcoders.uz платформаси орқали “Coursera” онлайн курслари йўлга кўйилди. Натижада республика бўйича жами 402 385 нафар таълим олувчи бошланғич, 1 816 нафари эса профессионал курсларни тамомлаб, халқаро IT-сертификатларни қўлга киритган. “Coursera” платформасида Ўзбекистон меҳнат бозори учун зарурий кўнималарга эга кадрларни тайёрлашга сармоя киритаётган дунё мамлакатлари рейтингида биринчи ўринни эгаллагани қайд этилди.

Мазкур йўналишда фаолият юритувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, ёш IT-мутахассисларга ўзларини намоён қилишлари учун имконият яратиш, уларни тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга ва мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга руҳлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташабbusи билан 2023 йилда ilk бор соврин жамғармаси 1 миллион АҚШ долларига тенг Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” танлови ўтказилди ва голиблар тақдирланди.

Ушбу танлов Ўзбекистоннинг энг истеъододли ва креатив дастурчиларини бирлаштиради ҳамда уларга ўз стартапларини ташкил этиш ва хукуматдан молиявий ёрдам олиш имкониятини тақдим этади. Ҳар бир йўналиш бўйича 3 та совринли ўрин белгиланган бўлиб, 1-уринга 100 минг, 2-уринга 50 минг, 3-уринга 30 минг АҚШ доллари берилади.

Жорий йилда иккинчи марта ўтказиладиган мазкур танловга қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда.

Рақамлаштириши орқали инсонлар ҳаётини енгиллаштириш – асосий мақсадимиз

Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак! Ана шу тамойилга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали негизида “Давлат органлари ахборот ресурсларининг ягона платформаси” ишга туширилди ҳамда 40 дан ортиқ давлат органи ушбу платформага ўтказилди.

“Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасида хизматлар сони **205 тага** етказилди. Идоралараро электрон ҳужжат алмасиши тизими (edo.ijro.uz) фойдаланувчилари сони **117** минг нафардан (ўтган йилга нисбатан ўсиш 121 фоиз) ошди.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ([YIDXP.tur.uz](http://yidxp.tur.uz), my.gov.uz) **652 та** давлат хизматидан инсон омилисиз рақамли тарзда фойдаланиш имконияти яратилди ва рақамли хизматларга бўлган талаб 10 баробарга ошди (937 мингдан 9,5 млн. тага етди). ЯИДХП орқали орқали хизматлардан фойдаланиш 2023 йил (май ойи ҳолатига) – **7,9 млн.га** етказилди (йиллар кесмида: 2017 йил – 1,7 млн., 2018 йил – 2,4 млн., 2019 йил – 5,8 млн., 2020 йил – 9,8 млн., 2021 йил – 10,2 млн., 2022 йил – 12 млн.).

Шу билан бирга, Ягона порталнинг мобил иловасида 335 та (йил бошидан 70 та янги электрон хизмат жорий қилинди) электрон давлат хизмати аҳоли ва юридик шахсларга тақдим этилмоқда. Аҳоли ва тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда қулайликлар яратиш мақсадида ҳудудларда **1 038 та** почта алоқаси обьектида ЯИДХП платформасидан фойдалangan ҳолда **62 турдаги** давлат хизматини тақдим этиш йўлга қўйилган.

Электрон ҳукуматнинг Ягона идентификация тизими фойдаланувчилари сони 2024 йил (июнь ойи ҳолатига) – 10 млн.дан ошди. Электрон ҳукуматнинг Ягона идентификация тизими фойдаланувчилари сони 2023 йил (май ойи ҳолатига) – 7 000 мингга етказилди (йиллар кесмида: 2017 йил (июнь ойидан жорий қилинган) – 198 минг, 2018 йил – 262 минг, 2019 йил – 426 минг, 2020 йил – 636 минг, 2021 йил – 2 млн. 900 минг, 2022 йил – 4 млн. 500 минг).

Амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон **БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириши рейтингида 193 та** давлат орасида **+18 поғонага** кўтарилиб, **69-ўринни** эгаллаб, **энг катта поғона юқорилаган** мамлакатлар **ТОП-10** талигидан жой олди.

Қисқача қилиб айтганда, бундай электрон

хизматлар аҳолининг ҳам вақти, ҳам нақдини тежамоқда. Оддий бир мисол. Яқинда мактаб битирувчилари олий таълим мусассасалари га ҳужжат топширди. Хўш, олдин бу жараён қандай амалга ошириларди? Ҳужжатларни тўплаб, Тошкент ёки ОТМ қайси ҳудудда жойлашган бўлса, ўша манзилга йўл олардик. Камида бир-икки кун вақтимиз кетарди. Албатта, шунга яраша харажат ҳам! Ҳозир-чи? Уйдан чиқмасдан туриб, бу ишни амалга ошириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳа олдига Ўзбекистонда бизнес юритиш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш вазифаси қўйилган.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, Президентимизнинг шахсий диққат-эътибори туфайли жадаллик билан иқтисодиётимизнинг асосий механизмларидан бирига айланиб бораётган ИТ соҳаси инсонлар ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилмоқда, дейиш мумкин.

Ушбу натижаларнинг барчасига рақамили иқтисодиётни ривожлантириш ва электрон ҳукумат тизимини такомиллаштиришга қаратилган давлат дастурларини, шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини сифатли амалга оширмасдан эришиб бўлмайди.

Бунинг учун эса, албатта, маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамият касб этишини инобатта олиб, Рақамли технологиялар вазирлиги республикада АКТ соҳасини ривожлантиришга тайёр бўлган маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга додимо тайёр.

Биз Давлатимиз раҳбари томонидан олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш, яъни рақамлаштириш орқали инсонлар ҳаётини енгиллаштириш ва қўшимча даромад топиш имкониятларини кенгайтиришни мақсад қилганмиз.



Азиз САНЖАР,
Нобель мукофоти лауреати

ТАМАДДУН ПОЙДЕВОРИ ИЛМ-ФАНДИР

Ўзбекистонда сўнгги саккиз йилда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган улкан янгиланишларни бутун дунёдаги дўст ва қардошларингиз қатори мен ҳам катта ҳаяжон билан кузатиб боряпман. Иқтисод ва сиёсатдаги ўзгаришлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, жамиятни эркинлаштириш борасидаги саъи-ҳаракатлар юртингизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини бекиёс даражада юксалтиргди.

Ўтган йил янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш бўйича ўтказилган умумхалқ референдуми кунлари Самарқандда эдим. Ўшанда ўзбек жамиятидаги ижтимоий-сиёсий фаолликни кўриб, қардош ўлкада янги бир давр бошланадигани чуқур ҳис қилдим.

Қолаверса, қардош Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлиб киргани ва унинг энг фаол, ташаббускор иштирокчиларидан бирига айлангани нафақат мени, балки 250 миллион кишилик Турк дунёсидаги инсонларни мамнун этди.

Бу борада Президент Шавкат Мирзиёевнинг тарихий хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Мамлакатингизнинг мазкур нуфузли ташкилотга аъзо бўлиши, албатта, Ўзбекистон раҳбарининг номи билан боғланади.

Узоқ вакт ўзаро дўстлик ришталари узилиб қолган туркий халқларнинг бир-бири билан яқинлашиб, кучларини бирлаштириши муҳим сиёсий ҳодиса бўлди. Турк дунёси лидерларининг Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртингизда тўпланиб, халқларимизнинг иқтисодий-сиёсий, илмий-техник, таълим ва маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлиги муҳокама этилиб, бу хусусда Самарқанд декларацияси қабул қилинганидан жуда хурсандман.

Ушбу қадим ва навқирон шаҳар азалдан Турк олами ва мусулмон дунёсининг илм-маърифат, фан, маданият бешиги, маънавий пойтахтидир. Бу қутлуг заминда турк-ислом дунёсининг биринчи ва иккинчи Ренессанслари бошланган ҳамда бутун Шарққа ёйилган. Европа тамаддуни тараққиётiga ҳам ўз таъсирини ўтказган.

1420 йилда барпо этилган Улугбек мадрасаси ўз даврининг энг нуфузли олий ўқув муассасаси эди. Унинг таълим дастурлари математика, фалакиёт, тарих, фалсафа ва теология соҳаларида жаҳоннинг энг юксак стандартлари даражасида йўлга кўйилган эди.

Мирзо Улугбек, устози Қозизода Румий, шоғирдлари Фиёсиiddин Жамшид Коший, Али Кушчи ва бошқалар ўз даврининг энг улуғ олимлари бўлиб, улар яратган асарлар илм-фан тарихида алоҳида из қолдирган. Агар ўша замонда Нобель сингари илмий мукофотлар мавжуд бўлганида, Улугбек астрономия, ал-Коший ва Али Кушчи математика соҳаларида уни муқаррар қўлга киритган бўлишарди.

2021 йилда Улугбек мадрасаси ва унинг вориси – Самарқанд давлат университетининг 600 йиллик юбилейида иштирок этиш учун бу қадим кентга келганимда, Самарқанд давлат университетида Улугбек мадрасасининг боқий илмий анъаналари давом этаётгани, математика, биокимё, физика, тилшунослик ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича уш-

бу даргоҳ етук олимлари дунё стандартларига мос изланишлар олиб бораётганига гувоҳ бўлдим.

Университетнинг таълим инфратузилмаси беш юлдузли олий ўқув юртлари даражасига эришгани ҳақидаги хабарни катта мамнуният билан қабул қилдим.

2023 йили Самарқанд давлат университетига тақрор ташриф буюриб, каминанинг номи берилган лаборатория ва Биокимё институти билан танишганимда, бунга яна бир карра ишончим комил бўлди. Мазкур инфратузилма ва салоҳиятли олимлар жамоаси билан олийгоҳ янада юқори натижаларни қўлга киритишига шубҳам қолмади... Қолаверса, ушбу илм даргоҳи ва умуман илм аҳлига вилоят ҳокимлигининг илиқ муносабати мени жуда хурсанд қилди. Хусусан, мен иштирок этган анжуман доирасида ҳокимлик ўтказган қабул маросими мамлакатда илмга бўлган эътиборнинг юксаклигини кўрсатади, албатта.

XXI асрда инсоният ҳаётига даҳлдор барча жабҳаларда таълимнинг роли тобора ошиб бормоқда. Ушбу соҳага устувор даражада эътибор қаратган, уни кунма-кун ривожлантириб ва такомиллаштириб борган халқлар, давлатлар бугун дунёда етакчи позицияда...

Нобель мукофотини олганимда нафақат ўз ўлкам, балки бутун Турк дунёсини тамсил этаётганимни ҳис қилдим ва бундан жуда фахрландим. Аммо, шу билан бирга, қалбимда бир оғрикли ўй ва дардни ҳис этдим. Биз – буюк тамаддуларга тамал тоши қўйган улуғ туркий халқлармиз. Нега мен Нобель мукофотини қўлга киритган Турк дунёсининг илк ва ҳозирча ягона вакили бўлишим керак?!

Биз ўз тарихимиз билан ифтихор туюмиз. Туркийлар буюк цивилизацияларга асос согланинги тарих китобларида ўргатишган. Тўғриси, бошлангич синфда, ўрта мактабда шунга ишонганман. Аммо лицей ва университетга боргач, бунга шубҳа уйғонди. Чунки ўзим таҳсил олаётган таълим дастурларидан Ньютон, Кюри, Эйнштейн, Пастер, Koch ва бошқалар ўрин олган эди. Лекин Улугбек, Ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Али Кушчиларнинг номини ҳеч эшитмас эдик.

Орадан йиллар ўтиб, Фарб муаллифларининг асарларини ўқиб, 750-1450 йиллар оралиғида Турк дунёси илм оламининг маркази бўлганини англадим. Дарҳақиқат, биз буюк цивилизацияларни яратдик. Аммо турли сабабларга қўра бундан кейин фан билан шуғулланишин тўхтатдик ва Европа, Америка Қўшма Штатлари ўзиб кетди.

Дарҳақиқат, биз, туркий халқлар сўнгти 500 йил ичида илм-фанга муносаб ҳисса қўша олмаганимиз кўриниб турибди. Хўш, нега бундай бўлди? Бальзилардан “Сиз ақлли эмаслигиниз учундир” деган жавобни эшитаман. Аммо илм билан шуғулланиш генетика ёки ақлга эмас, балки анъанага боғлиқ. Яхудийлар сайдерамиз аҳолисининг 0,2 фоизини ташкил

қилади ва фан бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлганларнинг 20 фоизи – уларнинг вакиллари. Бу миллат намояндалари бошқаларга қарагандা ақлироқми? Йўқ! Гап шундаки, уларнинг маданияти ва анъаналарида илм-фан ҳамда таълимга алоҳида аҳамият берилади. Туркий қавмлар ҳам буюк тамаддулар, илм-маърифат масканлари барпо этганларида айнан шундай ўйл тутганлар, албатта. Самарқанд, Бухоро, Кўхна Урганч, Хирот, Марв, Коня, Истанбулда мавжуд бўлган минглаб мадрасалар ўз даврида илм-маърифат машъалини ёққани ҳаммага маълум. Ана шу мадрасаларни қурган, уларда ўз фарзандларини ўқитиб-тарбиялаган, илм-фан эшикларини очиб берган ҳам бизнинг боболаримиз эди. Шундай экан, бу анъанани қайта тиклаб, фарзандларимиз қалбига энг кичик ёшиданоқ сингдиришимиз керак.

*Мен кейинги йилларда сафар
қилганим туркий мамлакатларда
технологияга аҳамият берила
бошланганини кўрдим. Технология
муҳим, бироқ уни фундаментал
билимсиз яратиб бўлмайди. Европа ё
Америкадан машина харид қиласман,
уларга асосланиб технология
ишлаб чиқаман, патент оламан,
деган хомхаёлларга алданмаслик
лозим. Зоро, тайёр технологияни
сотиб олиши билан Туркия ҳам,
Турк дунёси ҳам юксалмайди. Агар
жашонда ном ва эътироф қозонмоқчи
бўлсан, кимлардир устимииздан
ҳукмрон бўлишини истамасак, илм
билан шуғулланишишимиз, бу борада
кучли бўлишишимиз керакки, дунё
бизни илмимиз орқали танисин.
Унутмайлик, меҳнат қилганимиз,
изланганимиз, ишлаб чиқарганимиз
сайнин устун бўла борамиз.*

Турк дунёсидаги илмий қолоқликнинг кўплаб институционал ва ижтимоий сабаблари бор. Афсуски, мен бу муаммоларни қандай ҳал қилиш йўлини кашф қилганимча йўқ. Лекин, тушунишимча, фан-техника ривожи учун молиявий сармоя киритишдан ташқари, олий таълим муассасаларида илмий муҳитни ривожлантириш керак. Улугбек, Ибн Сино, ал-Берунийлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Ўша даврда Турк оламида илмий муҳит, юзлаб салоҳиятли олимлар бор эди, илм-фангага қизиқиши жуда катта, давлат бу соҳанинг ҳомийиси эди.

Улугбек ва у сингари бошқа алломалар ўша давр Турк дунёси олимлари билан узвий алоқада, ҳамкор ва ҳамқадам эди. Шундай экан, биз ҳам илм-фан, технологиялар жабҳасини қўлни-қўлга бериб, биргаликда ривожлантиrsак, мақсадга мувофиқ бўлар эди...

Азиз қардошларим ва дўстларим, мен ўз

камтарона кузатувларим асосида Турк дунёсида илм-фанни тараққий эттириш ва жаҳон билан рақобатлашиш учун нима қилишимиз кераклиги хусусидаги фикрларимни шу ерда умумлаштиromoқчиман.

Биринчидан, илм-фан адолат, эркин фикр ва мунозара бор муҳитда ривожланади. Биз буни унутмаслигимиз ва фарзандларимизни шу руҳ ва таомил билан тарбиялашимиз керак. Фанда эркин фикр жуда муҳим. Турк жумхуриятларига борсам, тантана билан кутиб оласиз, катта иззат-икром кўрсатасиз. Инсон сифатида, албатта, бу менга ёқади. Аммо фанда хурмат-эътибор билан бир қаторда илмий баҳс-мунозара ҳам мавжуд. Ўзим билан ишлаган олимлар ва камина устозлик қилган энг муваффақиятли шогирдлар мен билан баҳслашган талабалардир. Демак, ёшларимиз, айниқса, болаларимизни эркин тафаккур қилишга, эскича қолипда фикрлайдиган кишиларнинг гапларини шубҳа остига олишга ўргатишимиз керак.

Иккинчидан, фундаментал фанларга устувор аҳамият беришимиш зарур. Ижтимоий фанларимизга ҳурмат билан қарайман, лекин фундаментал фанларга катта сармоя киритишимиз лозим, бу билан шуғулланаётган фарзандларимизни қўллаб-қувватлашимиз, уларда ўзига нисбатан ишонч уйғотишимиз даркор.

Учинчидан, ўғил-қизларимиз габирхилтаълим олиш имкониятини беришимиз шарт. Бу, барча туркий жамиятлар, айниқса, Туркия Республикасида муаммо эканини биламан. Ана шу масалани ҳал қила олмасақ, жамиятимизнинг ярмини ташкил этувчи аёлларимиз интеллектидан тараққиёт йўлида фойдалана олмаймиз, бу салоҳиятни рӯёбга чиқараётган жамиятлар билан рақобатлашолмаймиз.

Тўртингчидан, биз болаларимизни мургаклигиданоқ тажриба қилишга ўргатишимиз керак. Зоро, илм тажрибалар орқали ўзлаштирилади. Америкага Туркияда эгаллаган илмий ва назарий жиҳатдан пухта база билан келгандим. Лекин тажрибаний кўнникмаларимда камчиликларим бор эди. Буни фарзандларимизга эрта ёшдан ўргатишимиз зарур. Ёшлар ҳар қандай фан ҳодисасини амалий жиҳатдан ҳам ўрганиши лозим. Фақат назарий таълим ва ўқиши билан юксак мэрраларга эриша олмаймиз.

Бешинчидан, афсуски, бизда сиёсат вадин илм билан аралашиб кетган, уларни бир-биридан қатъий ажратиш керак. Чунки ҳар уч жабҳа мақсад ва услуг жиҳатидан бир-биридан кескин фарқланади. Агар буларни қоришириб юборсак, диний эътиқодга эга олимлар четда қолади, илм-фангага зарар етади.

Худди шундай, дин ва сиёсат олимларнинг ишига аралашса, илм пароканда бўлади. Самарқандда Улугбек томонидан ташкил этилган расадхона тақдири бунга энг яхши мисол. Диний-сиёсий экстремизм ўз даврида жаҳон андо-

залари даражасидаги илмий марказга айланган ушбу расадхонанинг вайрон бўлиши, олимлари дунёнинг турли бурчакларига қочиб кетишига олиб келмадими?!

Олтинчидан, олимларгалаёқатигамосимкониятлар берилиши керак. Уларни лавозимга тайинлаш, мансабга қўтаришнинг ягона мезони лаёкат бўлиши шарт. Масалан, Америкада кечаги ишларингиз, эришганларингизга ҳеч ким қарамайди. Нобель мукофотини олганимдан кейин чоп этиш учун тақдим этган биринчи мақолам рад этилди. Бу ўлкада ишлайсиз, тинимсиз меҳнат қиласиз, изланасиз ва шунга яраша натижага эришасиз. На олимлар, на АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлиги каби илмий фаолиятни молиялаштирадиган муассасалар ўтмишдаги хизматларингизни тан олмайди. Шунинг учун сиз ўз ишингизни давом эттиришингиз керак. Тўхтадингизми, улар ҳам қўллаб-куватламайди. Нобель мукофоти соҳиби эканингиз ёки бошқа шу каби факторлар этиборга олинмайди.Faқат айни пайтда энг янги, истиқболли йўналишларда самарали меҳнат қилаётган олим ва ёки жамога молиявий ресурслар ажратилади, ана шу тоифа Америкага чақирилади, бу ерда ишлаши рағбатлантирилади.

Еттинчидан, одамлар илм билан шуғулланабошлагач, уларга эркинлик берасиз, “буни қил, буни қилма” демайсиз. Олим эркинликни хоҳлайди. Унда бирор нарсага иштиёқ бор бўлса, шу қизиқиши ортидан кетади ва сиз бунга тўсқинлик қилмаслигингиз керак. Шундагина, инсоният учун фойдали иш қила олади.

Саккизинчидан, Туркдунёсигасадоқатвамуҳабат туйғусисиз бу миллат фарзандлари яхши олим бўла олмайди. Мен фанга ўз саволларимга жавоб олиш учун кирдим. Билмаган нарсаларимни ўрганиш учун қадам қўйдим бу оламга. Ваҳоланки, илм-фан билан шуғулланар эканман, айниқса, чет элда бўлсан, бу ерда Туркий миллатлар вакили эканимни доимо ёдда тутдим. Бу менга ҳам куч, ҳам масъулият баҳш этди. Ҳар сафар илм қилганимда, бундан нима оламан, туркий миллатлар нима олади, деб фикр қилдим. Бу ўзим учун куч-қувват манбаи бўлди.

Мухтасар айтганда, Туркий давлатлар университетлари олдида жуда катта вазифалар турганини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман. Уларнинг олимлари ўзлари мансуб бўлган жамиятни худди буюк аждодларимиз каби илм-фан, маърифат ва маданият ўйлига бошлашлари лозим. Ушбу олий ўқув юртлари ўртасида талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини таъминлаш ҳамда Турк дунёсида муштарақ таълим тизимини яратиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш зарур. Бу борада амалий ҳаракатлар бошлангани, Самарқанд давлат университети каби қадимий маърифат масканлари кўплаб қардош университетлар билан алоқа ўрнатганини ғурур билан таъкидлайман. Бу-



ларни ижобий ўзгаришлар сифатида баҳолайман, ўзаро ҳамкорлик қўшма илмий тадқиқотлар асосида кенгайтирилиши тарафдориман ва бунинг учун Туркий мамлакатлар хукуматларидан зудлик билан кўпроқ маблағ ажратишларини хурмат билан сўрайман.

Ўзбекистон – дунёда икки бор Уйгониш даврини бошидан ўтказган, буюк маданий ва маърифий меросга эга замин. Бу қадимий ва навқирон юрт бугун учинчи Ренессанс пойдеворини тикламоқда. Бу йўлда Сиз қардошларимга буюк муваффақиятлар тилайман ҳамда бутун Турк дунёси қатори мен ҳам ҳамиша ёнингизда эканимни ҳамда мамлакатингизнинг дадил қадамларини қўллаб-қувватлашимни билдираман.

Ўзбекистоннинг эртанги кунига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайдиган омиллардан бири – Президент Шавкат Мирзиёевнинг илм-фан вакилларига кўрсатаётган алоҳида ғамхўрлиги. Тарихни кўздан кечирсак, қайси замонда қайси мамлакатлар тараққий этган бўлса, ўша даврда, ўша ерда айнан илм-фан ривожига алоҳида эътибор қаратилгани ойдинлашади. Шу маънода, янги Ўзбекистон илм-фани юксак чўққиларга қўтарилишига ишончим катта. Бу жаҳон илмий жамоатчилигининг ҳам фикри, эътирофиидир. Ана шу йўлда азиз қардошларимга куч-қудрат, сабот ва матонат тилайман.

Эй улуг Турун, арслонлар ўлкаси!
Сенга не бўлди? Эй, Чингизларнинг,
Темурларнинг, Ўғузларнинг,
Отиллаларнинг шонли бешиклари!
Қани у чиқдиғинг юксак ўринлар?..

Абдурауф ФИТРАТ

УЙФОНАЁТГАН АРСЛОН

Мен ҳозир минтақанинг геосиёсий манзараси, бугунги кундаги мавқеи борасида батабисил тўхтамоқчи эмасман. Ҳозир ўзида айни жараёнларга бевосита таъсири этиши қувватига эга бўлган, сиёсатчилар тили билан айтганда, ҳақли маънода минтақанинг геосиёсий акторига айланиб бораётган Янги Ўзбекистонимизнинг дадил қадамлари, кундан-кун ошиб, юксалаётган халиқаро имижи борасидаги муҳтасар фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман. Очиғи, мени бугун айтмаса бўлмайдиган, юрагимни тўлқинлантириб юборган қувончли воқеалар ёзишга унадади, қўлимга қалам олишига мажбур этди десам, тўғри гапни айтган бўламан.



Кудратилла РАФИКОВ,
сиёсатшунос

Америкалик сиёсатчилардан бири Марказий Осиё минтақасининг айни даврдаги ҳаёти ва тақдири ҳақида “...улар бугун постсовет ёки посткоммунистик мамлакатлар эмас”, деган фикрни билдирган эди.

Илмий тадқиқот доиралари орасида қотиб қолган (стереотип) тушунчаларнинг эскирганига ишора қилувчи ушбу қарашни илғаб олиш учун бутун маҳсус илмлар эгаси бўлиш шарт эмас. Дейлик, бундан ўн-ўн беш йил илгари сиёсий табиати миллий айрмачилик, ўзаро адоват ва пинҳона душманликка мойил бўлган Марказий Осиё жамиятлари – минг йиллик қўшиллар ўртасидаги муносабатлар бутунга келиб, ҳайрон қоларли даражада ўзгариб кетди. Кечагина бир-биридан устунлиги, “қадимий”лиги ва айнан шу сабабларга кўра, минтақанинг тарихий-маданий меросига кўпроқ дахлдор эканини зўр берib исботлашга уринаётган, баъзи ўринларда бир-бирини кескин ҳақорат қилишгacha бораётган одамлар айнан бугун фавқулодда яқдил қўшилларга айланиси колишди.

Бу ҳодисани ифода этувчи, аниқ далил сифатида баҳоловчи воқеа-ҳодисаларни кун-кунора кўриб, эшитиб турибмиз. Ҳолбуки, ҳозиргина айтганимиздек, ён қўшилларнинг бир-бирлари га нисбатан олиб борган ёпиқ ва нохолис сиёсати минтақанинг умумий тарихи, маданий меросини “нафрат тили”га айлантириб қўйганди. Тарих ва боболардан қолган умуммерос ҳукмрон сиёсатлар томонидан мафкура-лаштирилиши, тўқиб-бичилиши оқибатида Евроосиё маркази – бир замонлар улкан империяларга асос солган, шавкати оламни тутган заминда, таасуфки, мустақилликка эришган ва айни пайтда бир-бирига терс бурилган беш давлатни пайдо қилди. Ва айни пайтда бу ҳолат атрофдаги анъанавий акторлар учун минтақани геосиёсий обьект даражасида ушлаб туриш имконини берди.

Мен айни дамда минтақанинг геосиёсий манзараси, бугунги кундаги мавқеи борасида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Ҳозир айни жараёнларга бевосита таъсир этиш қувватига эга бўлган, сиёсатчилар тили билан айтганда, ҳақли маънода минтақанинг геосиёсий акторига айланниб бораётган Янги Ўзбекистонимизнинг дадил қадамлари, кундан-кун ошиб, юксалаётган ҳалқаро имижи борасидаги муҳтасар фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Очиғи, мени бутун айтмаса бўлмайдиган, юрагимни тўлқинлантириб юборган қувончли воқеалар ёзишга унади, қўлимгага қалам олишга мажбур этди десам, тўгри гапни айтган бўламан.

I

Ўтаётган август ойи ҳаммамиз учун хайрли, қувончли ҳарблар ва тафсилотлар билан бошланди. Ва айтиш мумкинки, мен назарга олмоқчи бўлган иккি муҳим воқеа ҳам Янги Ўзбек-

истонимизнинг дунё сиёсати, маданияти ва замонавий тарихидаги юксалиб бораётган ўрни билан боғлиқ. Бу факторлар кечагина Ўзбекистон Президентининг Қозогистонга амалга оширган давлат ташрифи ва Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувидаги иштироки ҳамда спортчиларимизнинг Париж Олимпиадасидаги тарихий ғалабаси сабаб қалбимни жўштираётган фикрлар билан боғлиқ қайноқ ўйлардир.

Тўгри, баъзилар: “Хўш, Президент бундай форматдаги учрашувларда кўп бор иштирок этган, спортчиларимиз ҳам бошқа ғолиб давлатлар атлетлари қатори зафар қучишида-да, шунга шунча ҳаяжонми?” деб писандаги қилиши мумкин.

Аммо бундай кимсаларга менинг ҳам саволим бор: хўш, мустақил бўлганига ўттиз уч йил бўлган Ўзбекистон билан жаҳон давлатлари қачон бу даражада жиддий ҳисоблашган, бошидан оғир ситамларни ўтказган бу мамлакат ва халқ қачон халқаро сиёсатнинг мустақил субъекти сифатида эътироф этилган? Қачон иккى юздан ортиқ давлат спортчилари иштирок этган халқаро беллашувда юртимиз вакиллари ўн учинчи ўринда қайд этилган, қачон Ўзбекистон мадҳияси бундай нуфузли мусобақаларда устма-уст саккиз бор янграган, байроғимиз ўн уч бор ғолиблар шоҳсупаси узра юксалган ва яна биз яна қай маҳал “ўзбек спортчилари дунёда тенгсиз”, деган эътирофларни эшитганимиз!?

Албатта, бутун халқимиз ҳаётидаги муҳим ҳодиса сифатида баҳоланаётган ушбу иккى омил Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг деярли саккиз йилдан бўён олиб бораётган машиқатли меҳнатларининг муносаб меваси десам, мени ҳеч ким инкор қилолмайди.

Аввало, Қозогистондаги учрашувлар ҳақида мухтасар тұхталмоқчиман. Зотан, айни ташриф тафсилотлари Миллатимиз Лидерининг бундан етти-саккиз йил илгари минтақа бүйіча бошлаган ҳаётбахш сиёсатининг самараларини аниқ күрсатғандек бўлди.

Ҳаммамиз яхши биламиз, 7-9 август кунлари давлатимиз раҳбари давлат ташрифи билан Қозогистонда бўлди. Ташриф аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Кези келганда шуни алоҳида айтиш керакки, икки қўшни давлат раҳбарлари ўртасидаги бу даражадаги учрашув тарихимизда илк бор ўтказилди. Жаҳон ҳамжамияти, халқаро эксперtlар томонидан минтақанинг асосий локомотивлари, дәя эътироф этилаётган давлатларнинг ҳамкорлик масаласида бундай юқори даражага чиқиши ҳали кузатилмаган. Тан олиш керак, илгарилари ҳам Марказий Осиё, “минтақа бирлиги” ёки ўта мафкуралаштирилган “Туркистан – умумий үйимиз” деганга ўхшаш устмиллий умумий тупшунчалар мавжуд бўлган эса-да, гурух сифатидаги ўзига хослик ўта мужмал эди. Икки асосий куч бўлган қўшниларнинг минтақада олиб бораётган ҳаракатлари ўша мавхумликни аниқ ҳаракатга айлантиришда муҳим қадам бўлмоқда. Бу ҳақда сал кейинроқ, ҳозир эса бевосита давлатларимиз ва халқларимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилишга арзигулик йиғилиш – Давлатлараро кенгашнинг биринчи мажлиси тўғрисида ба-тафсилроқ тўхталамиз.

Ташриф доирасида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишибилармонлар кенгаши йиғилишлари, бизнес форуми, сиёсий

маслаҳатлашувлар, таҳлилий марказлар форуми, интеллектуал ўйинлар муваффақиятли ўтказилди. Бундан ташқари, кинно кунлари ва бошқа маданий тадбирлар ташкил этилди, бу халқларимизнинг нафақат сиёсий-иктисодий, балки маданий жиҳатдан ҳам яқдиллигини оширишга хизмат қиласи десам, янглишмаган бўламан.

Ушбу учрашувлардаги энг диққатга сазовор воқеалардан бири шуки, икки мамлакат раҳбарларининг 2024-2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинди. Айни ҳужжат Ўзбекистон – Қозогистон дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларида янги босқич бошланганини англатади, албатта.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар динамикаси мисли кўрилмаган даражаларга кўтарилиб бораёттир. Буни бўлиб ўтган учрашувлар, масалан, томонларнинг бизнес форуми ва ишбилармонлик учрашувлари якунлари бўйича 7 миллиард долларлик салмоқли келишувлар имзолангани мисолида ҳам кўриш мумкин...

– Биз кўп қиррали муносабатларимизда янги саҳифа очдик – Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказдик. Ушбу формат давлатлараро ҳамкорликнинг энг юқори дараҷаси ифодаси бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг яқин алоқалари, уларнинг барча йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга қатъий интилишини яққол намоён этади, – деди давлатимиз раҳбари ушбу учрашувда.

Албатта, минтақанинг юраги бўлмиш икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга чиқиши жаҳон ҳамжамиятининг ҳам, халқаро эксперtlарнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Таҳлилчилар, “ақл марказлари” айни ташриф

тафсилотларини кенг шарҳлади. Хусусан, Малая университети (Малайзия) қошидаги Осиё ва Европа институти директори ўринbosари Рой Энтони Рожерс ўз кузатишларини қуидагича баён этди:

“Ўзбекистон ва Қозогистон етакчилари ўртасидаги мустаҳкам тарихий алоқалар ва шахсий дўстона муносабатлар туфайли ўзбек-қозоқ муносабатларининг бугунги ҳолати алоҳида динамика, ўзаро тушуниши ва ишончининг юксак дараҷаси билан ажralиб туради. Ўзбекистон Президентининг Қозогистонга ушбу ташрифи нафақат икки мамлакат халқлари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси равнақи учун ҳам тарихий аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман”.

Минтақа ҳамкорлиги йўлида Ўзбекистон юритаётган сиёсатни юқори баҳоларкан, “Premium Construction” компанияси (Қатар) бошқарувчи ҳамкори Насри ал-Саади эса ўз мақоласида ён қўшниларнинг самимий ҳарататларига ургу беради:

“Икки мамлакат етакчилари халқаро ҳамкорликнинг тобора оммалашиб бораётган механизmlарига айланиб бораётган Маслаҳат учрашувлари ва “Марказий Осиё плюс” платформалари орқали минтақани бирлаштириш ва саъи-ҳаракатларни мувофиқлаштириши тарафдори ҳисобланади. Улар глобал ва минтақавий сиёсат масалаларида ҳам бир-бирларини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда”.

Табиийки, менинг мақсадим ушбу тарихий учрашув ҳақида хориж таҳлилчилари фикрларини қалаштириб ташлаш ёки шарҳлаш эмас. Қўзлаган ниятим – шу муқаддас юрт, азиз халқи учун турли қийинчиликлар, босимлар, ташқи ва энг афсусларлиси, ўзингдан чиқсан бало – ички “ўйинлар”ни енгиб ўтиб, совуқонлик ва донишмандлик

билин кўзлаган манзилига интилаётган ва бу жараёнда улкан ютуқларга эришаётган Миллатимиз Лидери Шавкат Мирзиёевнинг жасорат ва садоқатга эврилган фаолияти ҳақида сўзлаш ва бу кайфиятни сизга ҳам улашишидир. Зотан, мен ўзбек халқи, Ўзбекистон номини баландларга кўтарган, кўтараётган шундай инсон билан замондош ва ватандош бўлганимдан мудом фархтуяман.

II

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода яқинда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида “Шавкат Мирзиёев шахсияти бугун нафақат Ўзбекистон, балки минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор кучга дўнди”, деган эди.

Агар жаҳонга таниқли уламонинг биз учун нейтрал шахслигини ҳисобга олсақ, ушбу търиф мутлақо самимий эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Дарҳақиқат, бугун халқаро сиёсатда катта қизиқишга сабаб бўлган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг ташаббускори ҳам шахсан Президентимиз бўлди.

Эсласангиз, ушбу ташабbus дунё ҳамжамияти томонидан кенг олқишиланган ва илк учрашув 2018 йил 15 марта Остонада бўлиб ўтган эди. Беш қўшни давлат раҳбарларининг яқинда Қозоғистон пойтахти Остонада бўлиб ўтган йигилиши айни форматнинг янги цикли – даврини бошлаб берди.

Бугунги мақоладаги асосий урғу шу мавзуга тегишли бўлмаса-да, бир мулоҳазани айтишим шарт. Шавкат Мирзиёев бундан 7-8 йил илгари бу учрашувни ташкиллаштиришдан кўзлаган мақсадни мен энди аниқ тушунгандай бўлдим. Бу – минтақанинг бирлиги, ҳа, ҳа, минг йилларки, ота-боболари бирга

аҳил-иноқ яшаб келган, аммо турли сиёсий сабабларга кўра, ажралиб, ва ҳатто юқорида айтганимдек, бир-бировига ёвга айланишига озгина қолган халқларимизни бирлаштириш, силтаб узуб олинган тарихий томирларга малҳам қўйиш, бир замонлар чуқур уйкуга кетган “арслон”ни уйғотиш экан...

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, кечаги йигилишда юз йиллардан бўён янграмаган, қўрқув ва талваса ичра тилларга кўчмаган улуғ бир ғоя – “минтақа интеграцияси”, “минтақавий ўзига хослик” деган сиёсий чақириклар ўртага ташланди.

– Маданий-тарихий мероснинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда, – деди давлатимиз раҳбари ўз сўзида, – халқларимизнинг минтақа келажаги учун дахлорлиги, бирдамлиги, умумий масъулиятни англашини кучайтиришига катта эътибор беришимиш лозим.

Ўйлайманки, “Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмииш ва умумий келажак” халқаро медиа платформасининг тезроқ ишига туширилиши ушбу йўналишда мухим амалий қадам бўлади.

Минтақа халқларининг ўзаро бир-бирини тушуниши ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида минтақавий ўзига хосликни шакллантиришининг амалий жиҳатларига бағишиланган илмий форум ўтказишни таклиф қиласиз.

Ушбу иқтибосдаги “минтақавий ўзига хослик” деган иборага чуқурроқ назар солсангиз, бу сўз моҳиятнан нафақат минтақанинг географик, сиёсий-иқтисадий, балки маданий-мағкуравий жиҳатларини ҳам қамраб олганини кўришингиз мумкин. Хусусан, бу узоқ йиллик мустабидликдан сўнг минтақанинг “йўқолган қалби” – умумий кимлиги(идентики)ни тиклаш борасидаги жасоратли қадам экани-

ни англаб оласиз. Содда ва жайдари тилда айтганда, бу минтақа халқларининг “ўғирланган” ўзлиги, умуммиллий ғурурини тиклаш деганидир.

Қозоғистонда Президентимизга берилган икки юксак мукофот – Қозоғистон Республикасининг “Олтин Қирон” (“Олтин бургут”) ордени ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишони – Шавкат Мирзиёевнинг минтақа халқлари, давлатлари ўртасидағи “музлик”ни эритгани, ҳаётимизга боболардан мерос қайнок дўстлик, меҳру муҳаббатни қайтаргани билан боғлиқ десам, янглишмаган бўламан, назаримда.

Зотан, бунга мисоллар кўп, аммо яқинда Парижда ўтган Олимпия ўйинлари жараёнидаги илиқ таассуротлар барчасидан аъло бўлди: шу спорт ўйини қўшни халқларнинг қалбида бир-бирига нисбатан муҳаббат пайдо бўлганини, олдинги ғарразу хусуматлар қалбларимиздан муз каби эриб кетганини исботлади.

Бу, шубҳасиз, минтақада Шавкат Мирзиёев бошлаган ва олиб бораётган меҳр ва самимиятга тўла сиёсатнинг ёрқин на-мунасидир.

III

Шу кунларда қалбларимизни нурга тўлдирган воқеалардан яна бири, шубҳасиз, Париж Олимпиадасида спортчиларимиз эришган ғалабалардир. Ким нима деса десин, бу FAЛАБА Янги Ўзбекистоннинг қалби, ғурури, ифтихорига айланди. Эътибор қилинг, кечагина “колониал”, “постколониал” деб тепадан қараладиган, номи халқаро машваратларда шунчаки тил учидаги айтиб кетиладиган мамлакатимиз жаҳонга ўзининг кимлигини кўрсатиб ва эслатиб қўйди.

Спортчи ўшларимиз 208 та давлат вакиллари қатнашган

мусобақада юксак матонат, маҳорат ва ирода кўрсатиб, дунёда 13-ўрин, Осиёда 4-ўрин, туркий, мусулмон ва МДҲ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Бир йўла З нафар спортчимиз “икки карра олимпия чемпиони”, деган юксак шарафли номга сазовор бўлди. Бу оламшумул воқеани ким ўз-ўзидан бўлди, дея олади?

Айни дамда одамда фавқулодда иккиланиш пайдо бўладики, бугун мамлакатимиз эришаётган ютуқлар биз шу Ватанга дахлдорлигимиз учун кўзимиға ўзгача кўринаётгандир, деган. Аммо у даражада эмас. Бугун мамлакатимиз эришаётган ютуқлар, Президент Шавкат Мирзиёевнинг яратувчилик қудратини четдагилар ҳам назардан қочирмаётир. Масалан, дунё илм-фанида таникли олим, тарихчи, этнолог ва антрополог, тарих фанлари доктори, Санкт-Петербургдаги Европа университети-нинг Антропология факультети профессори Сергей Абашин ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ўз мулоҳазаларини қўйидаги тарзда қолдирган:

“2024 йилги Олимпиада фавқулодда муҳим воқеага айланди. Гендер ва санъат мавзулари муҳокамаси билан эмас, балки, энг аввало, Марказий Осиё мамлакатлари ва айниқса, 8 та олтин медални қўлга киритиб, 13-ўринни эгаллаган Ўзбекистон спортчиларининг кўрсатган ажойиб натижалари билан эсда қоладиган бўлди (Эслатиб ўтмоқчиман, Олимпиада ютуқлари билан бир қаторда, ўзбек шахматчилари ҳам сўнгги шилларда жаҳон рейтингидаги юқори ўринларни эгаллаб келяпти). Спорт тилида айтганда, биз Марказий Осиё давлатлари умумбашарий миқёсда танилаётган ва тан олинаётган муҳим ўйинчиларга айланиб бораётганига ва ўз субъектлигини англаб етаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу дунёда ва собиқ постсовет ҳудудида ҳақиқий тарихий силжиси бўлиб, ҳали узоқ давом этадиган ва шубҳасиз, табиий жараёндир”.

Албатта, озгина сиёсий маданияти бор одам Абашин ушбу матн орқали нимага ишора қилаётганини яхши англайди. Яъни Ўзбекистоннинг бугун спортда эришаётган ғалабалари унинг миллий субъектга айланаётганини ҳам кўрсатади. Бу, очиқ айтганда, мамлакат сиёсий-мағкуравий жиҳатдан мустақиллигини мустаҳкамлади, энди унга ўртада турадиган ўртакашнинг кераги йўқ, дегани бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, шу кунларда ҳаёти-мизда содир бўлган бу икки қувончли воқеа бизнинг эртамиз порлоқ ва ишончли эканини кафолатлади, Янги Ўзбекистоннинг қатъиятини, унинг жасоратли Лидери Шавкат Мирзиёевнинг иродаси букилмас ва йўли ортга қайтмас эканини ифода этди.





Kazakhstan

Kyrgyzstan

Tajikistan



Ли Цзиго,
ХХР Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги
Хитой Халқаро
муаммолар академияси
Евроосиё тадқиқотлар
институты директори

ҚАДИМИЙ БҮЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИМСОЛИ

Давлатлар раҳбарлари уч томонлама шартноманинг имзоланиши ҳақида

Шартномани имзолаш маросими уч давлат раҳбарларининг табрик видеомурожаатлари билан бошланди.

ХХР раиси Си Цзиньпин “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини Хитойнинг Ўрта Осиё билан ўзаро алоқаларини таъминлайдиган стратегик лойиҳа, уч давлат биргалиқда бунёд этадиган “Бир белбоғ, бир йўл” қурилишидаги улкан ҳамкорлик лойиҳаси, деб атади.

Давлатлар ўргасидаги шартнома имзоланиши “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилишининг мустаҳкам хуқуқий асосини таъминлади, концепциядан реалликка ўтишни, шунингдек, халқаро ҳамжамиятга уч мамлакатнинг кўлни кўлга бериб, тараққиёт йўлида ҳамкорлик қилишга қатъий қарор қилганини намоён этди, деди Хитой етакчиси.

Унинг таъкидлашича, Хитой Қирғизистон ва Ўзбекистон билан биргалиқда лойиҳа доираси-

да қурилишни бошлишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ишларни амалга оширишга, ҳар учала мамлакат ва уларнинг халқларига фойда келтирадиган, Марказий Осиёнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига ёрдам берадиган бу стратегик йўлакни қисқа муддатда қуриб битиришга биргаликда жадал киришишга тайёр.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ўз мурожаатида “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли уч мамлакат биргалиқда бунёд этадиган “Бир белбоғ, бир йўл” доирасидаги байроқдор лойиҳа эканини таъкидлади. Бу магистрал қуриб битирилгач, Осиё, Европа ва Форс кўрфази мамлакатларини бирлаштирадиган янги транспорт артерияси пайдо бўлади, у давлатлар ўргасида ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш ва савдо-иктисодий муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

С.Жапаров “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекис-



2024 йил 6 июнь. Бу – уч давлат муносабатларидаги тарихий сана. Яъни шу куни Пекинда “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шубҳасиз, бу темир йўл қурилиши якунланиши билан нафакат Хитой ва Марказий Осиё, аввало, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасида товар айирбошлиш ҳажми ошади, балки Евроосиёнинг кенг кўламли ҳудудида кўп томонлама транспорт йўлаклари тизимларини шаклантиришида янги имкониятлар яратилади.

тон” темир йўлининг қисқа муддатда қуриб битирилишига ишонч билдириб, бу, худуд тараққиёти ва унинг халқлари фаровонлигини яхшилашга янги қуч бағишлишини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бу, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган анъанавий яқин ва кўп қиррали ҳамкорлик ривожидаги чинакам тарихий воқеа эканини таъкидлаб, ўзаро дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилишига ишонч билдириди.

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли тарихий Буюк Ипак йўли бўйлаб ўтади. ...Кел-

гусида ушбу тармоқ бизнинг мамлакатларимизга истиқболли Трансаффон йўлаги орқали Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларининг кенг бозорларига чиқиш имконини беради, транзит салоҳияти ҳамда минтақалараро ўзаро боғлиқликни сезиларли даражада оширади, деди Ўзбекистон раҳбари.

Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, бу лойиҳа амалга ошишининг иқтисодий самараси ўлароқ, янги корхоналар ва ўн минглаб иш ўринлари яратилади, ўзаро савдо ҳажми ва саноат кооперацияси кўлами бир неча баробарга ошади, инвестиция жозибадорлиги ортади, энг муҳими, худуд ахолисининг турмуш даражаси юксалади.

Шартноманинг имзоланиши ва музокара жараёнининг асосий босқичлари

Видеомурожаатдан сўнг XXР-нинг Тараққиёт ва ислоҳотлар бўйича Давлат қўмитаси раиси Чжен Шанъзе, Қирғиз Республикаси Транспорт ва коммуникациялар вазири Тилек Текебоев, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири Илҳом Маҳка-

мов “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Мазкур хужжатда уч мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий тамойил ва механизмла-

ри, жумладан, темир йўл қурилишини молиялаштириш, бунёд этиш, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, унинг “Қашқар – Торугарт – Макмал – Жалолобод – Андижон” йўналиши белгилаб берилган.



2024 йил июль ойи бошидаёқ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли курилиши бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битимни ратификация қилишга оид қарорни имзолади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу воқеагача уч мамлакат ўргасида узоқ ва мураккаб, қарийб икки ўн ийлликка чўзилган музокаралар жараёни кечди.

2022 йил сентябрга келиб музокаралар ўзининг реал натижаларини берди, ўшанда Ўзбекистон раҳбари ташабbusi билан Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммити доирасида биринчи марта темир йўл курилиши лойиҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида уч томонлама шартнома имзоланган эди.

XXР раиси Си Цзиньпиннинг 2022 йил сентябрда Ўзбекистонга давлат ташрифи арафасида эълон қилинган муаллифлик мақоласида ҳам “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли лойиҳасини амалга оширишда ижобий силжишлар кўзга ташланётгани таъкидланганди.

2022 йил сентябрда имзоланган темир йўл курилиши лойиҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида шартномада лойиҳанинг техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқиш бўйича барча ишларни якунлаш кўзда тутилган эди. Бу хужжат мазкур ишларга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш ва тақсимлаш тартибини ҳам аниқлаб берди.

Кейинги муҳим босқич 2023 йил май ойида Сиан шахрида ўтказилган давлатлар раҳбарларининг

“Марказий Осиё – Хитой” форматидаги саммитида лойиҳани амалга оширишда кейинги одимлар бўйича уч томонлама “йўл харитаси” имзоланиши бўлди.

454 километрли “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли курилиши бўйича лойиҳанинг техник-иктисодий асослари Хитой темир йўл куриш корпорацияси Биринчи лойиҳа-тадқиқот институти томонидан белгиланган муддатдан бир ой олдин, 2023 йил май ойида тайёрланган эди. Кутилаётганидек, бу пўлат магистрал курилиши 2024 йил сентябр – октябр ойларидаёқ бошлаб юборилади.

Экспертларнинг баҳолашича, янги темир йўлни ишта тушириш бу лойиҳада иштирок этажтган барча мамлакатларга кўп томонлама самара келтиради. Хитой Жанубий Европа ва Форс кўрфази бозорларига олиб чиқадиган қуруқлиқдаги қисқа йўлга, Марказий Осиё мамлакатлари XXР орқали Тинч океанияга қисқа йўл билан чиқиши имкониятига эга бўлади.

Ўз навбатида, Қирғизистон фақат юклар транзити хисобидан йилига 200 миллион доллардан зиёд даромад олади. Бундан ташқари, мамлакатлар худудида замонавий транзит-логистика инфратузилмаси, омборхоналар ва терминаллар курилади.

Шу билан бирга, янги иш ўринлари пайдо бўлади ва нафақат Қирғизистон, балки Марказий Осиёнинг барча худудлари учун ижтимоий-иктисодий янги имкониятлар юзага келади.

**Киргизистон орқали
үтадиган транзит йўли
Ўзбекистонга қўшимча
тарзда яна**

**5 миллион тонна
юкни ташишга
шароит туғдиради.
Ўзбекистонга Хитойдан
товарлар
келиш муддати
7 кунга қисқаради.
2050 йилга бориб
янги темир йўлда
товар ташишининг бир
йиллик ҳажми
13,5 миллион
тоннага етади.**

Келажакда бу пўлат магис-
трал туфайли кенг Евросиё
макони бўйлаб кўп томонлама
транспорт алоқалари тизими
шакланиши ва Фарбий ҳамда
Шарқий Осиё, Яқин Шарқ йўна-
лишларигача узайтирилиши
мумкин.

Лойиҳанинг амалга ошиши
унинг барча иштирокчилари-
га, бутун Марказий ва Жануб-
ий Осиёга катта фойда кел-
тиради, чунки Шарқдан Фарб-
га янги транзит йўли очилади.
Қолаверса, Хитойдан транзит
товарлар ташиш Европа ва
Яқин Шарққа нисбатан қу-
руқликдаги қисқа йўл орқали
амалга оширилади.

Шубҳасиз, мазкур темир
йўл қурилиши лойиҳаси бўйи-
ча музокаралар жараёнининг
тезлашишига бир қанча тизим-
ли омиллар ижобий шарт-ша-
роит яратди. Биринчи навбатда,
бу ўзбек-хитой муносабатлари,
Президент Шавкат Мирзиёев-
нинг 2024 йил январда тарихий
давлат ташрифидан сўнг юқори
даражага кўтарилиб, ҳар томон-
лама стратегик характер касб эт-
гани билан боғлиқ.

Хитой ва Ўзбекистон барча
соҳалар ва йўналишларда қўп
томонлама ҳамкорликни янада
фаоллаштириб келмоқда. XXR
Ўзбекистон Республикасининг
йирик савдо-иқтисодий ва ин-
вестиция бўйича ҳамкорлари

рўйхатида етакчи ўринда. Икки
давлат БМТ, ШХТ, “Марказий
Осиё ва Хитой” формати доира-
сида, шунингдек, “Бир белбоғ,
бир йўл” ташабbusларида ўзаро
самарали ҳамкорликни йўлга
қўйган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон
Ўрта Осиёда олиб бораётган
янги ҳудудий сиёсати доира-
сида Киргизистон билан муно-
сабатларини тубдан ўзгартири-
ди. Буни, хусусан, Қирғиз Рес-
публикаси Президенти Садир
Жапаровнинг шу йил 18-19
июль кунлари Президент Шав-
кат Мирзиёев таклифига бино-
ан Ўзбекистон Республикасига давлат
таширифининг самарали
натижалари ҳам кўрсатиб ту-
рибди.

Умуман, “Хитой – Қирғизис-
тон – Ўзбекистон” темир йўли
қурилиши лойиҳасини амалга
ошириш Марказий Осиёнинг
тарихий ролини тиклашга қара-
тилганки, зотан, бу ҳудуд асрлар
мобайнида қадимги Буюк Ипак
йўли бўйлаб ўтган транзит тар-
моғини боғловчи бўғин сифати-
да муҳим роль ўйнаган.





Еркин БАЙДАРОВ,
Қозоғистон Фан ва олий
таълим вазирлиги
Фан қўмитаси Р.Б.Сулей-
менов номидаги
Шарқшунослик институти
бош илмий ходими,
фалсафа доктори (PhD)

Қозоғистон – Ўзбекистон: ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳозирги муносабатлар тарихи собиқ иттифоқ парчаланиб, икки қардош мамлакат 1992 йил 23 ноябрда дипломатик алоқаларни ўрнатган пайтдан бошланади. Ўшандан буён ўтган ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида бу давлатлар орасида ўзаро муштараклик ва аҳиллик даври ҳам, совукчилик пайтлари ҳам бўлди.

Янги минг йилликнинг салкам чорак асри ортда қолган бутунги кунда ўзаро муносабатлар ва минтақа тараққиёти истиқболлари борасидаги тушунмовчиликлар “чакалакзори”ни енгид ўтган Қозогистон ҳамда Ўзбекистон икки ёқлама давлатлараро алоқаларни ўрнатиш борасида Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларга намунаидир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас! Зотан, икки мамлакатни нафақат умумий чегара, балки халқларимизнинг тарихи, такдири чамбарчас боғлаб туради.

Хозирги кунда Қозогистон ва Ўзбекистон — Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий-иқтисодий тараққиётнинг “драйверлари”. Ҳар икки давлат яқин ва узоқ келажакда ўзининг ўрни қаердалигини аниқ кўра олади. “Қозогистон – 2050” (2012 йили қабул қилинib, айни пайтда тузатишлар киритилмоқда) ва “Ўзбекистон – 2030” (2023 йили қабул қилинган) стратегиялари шундан далолатdir. Бундан ташқари, Қозогистон ва Ўзбекистонни ҳеч иккilanмай Марказий Осиёдаги минтақавийлашув жараёнларининг етакчилари, дейиш мумкин. Ушбу воқеликларни янада фаоллаштирган расмий Остона ва Тошкент нафақат қўшни мамлакатлар, балки худуддаги, шунингдек, дунёдаги йирик давлатларнинг ҳам минтақавийлашувига қизиқиши уйғотди ва “Марказий Осиё +” (C5+1) мулоқот майдонини фаоллаштируди.

Қозоқ – ўзбек муносабатларининг жадал ривожида давлат раҳбарларининг доимий мулоқоти муҳим аҳамият касб этади. Икки республика етакчилари халқаро ва худудий тузилмалар (МДХ, ТДТ (Туркий давлатлар ташкилоти), ОХИЧК (Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш), ШХТ ва бошқалар) йигилишлари доирасида ҳам мунтазам учрашиб туради, телефон орқали мулоқотлар олиб боради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил баҳорида Қозогистонга ilk расмий ташрифи ўзаро муносабатлarda янги сахифа очди, ўзбек-қозоқ алоқаларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтарди, десак адашмаймиз. Қолаверса, минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг ўйл-йўриклири ҳам белгилаб олинди. Шавкат Мирзиёевнинг Қозогистонга давлат ташрифи олдиндан “Казинформ” агентлигига берган интервьюсида “Марказий Осиё – бир тану бир жон”, дея билдирган фикри Остона томонидан минтақадаги интеграция жараёнини янада фаоллаштириш ўйлида янги ташабbusларнинг илгари сурилишига туртки сифатида қабул қилинди.

Нурсултон Назарбоев, кейин эса Қосим-Жомарт Тоқаев ва Шавкат Мирзиёев ўзаро яқин шахсий муносабатлар ўрнатиши ҳамда бу омил барча жабҳада алоқаларнинг жадал ривожланишига кучли туртки берди. Икки давлат раҳбарининг шу йил апрелда Хивадаги учрашуви Қозогистон ва Ўзбекистон “тандеми ҳаётий зарурият” (Қосим-Жомарт Тоқаев) эканни яни бир бор исботлади.

Ўзаро муносабатлардаги бу “ренессанс” нафақат сиёсий, балки савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳам мустаҳкамлагани ва кенгайтиргани билан катта аҳамият касб этадики, ушбу алоқалар истиқболда янада юксалиши тайин. Ўзбекистон билан ҳамкорлик Қозогистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хозир икки мамлакат йирик келишувлар базасига эга. Жумладан, ҳамкорликнинг турфа жабхаларида 200 дан ортиқ икки ёқлама ҳужжатлар имзоланган. Қозогистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик шартномаси (1998 йил 31 октябрь), Стратегик шериклик ҳақида шартнома (2013 йил 14 июнь), Иттифоқчилик муносабатлари ҳақида шартнома (2022 йил 22 декабрь), Давлат чегарасини демаркация қилиш ҳақида шартнома (2022 йили 22 декабрь) мамлакатларaro асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар хисобланади. Уларда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар, ҳарбий-техник, чегара ва бошқа соҳаларга оид икки томонлама келишувларнинг энг муҳим шартлари, устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Қозоқ-ўзбек муносабатлари ривожида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Остона ва Тошкент ташабbusи билан ташкил этилган бу Кенгаш минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар ва умумий муаммоларга ечим топишда ўзаро ишончга асосланган, амалий ҳамда очиқ муҳокама ўлароқ фойдали, самарали мулоқот майдонига айланди.

Қозогистон ташабbusи билан илгари сурилган беш томонлама “Марказий Осиёнинг XXI асрда барқарор тараққиёти йўлида аҳил қўшничилик ва ҳамкорлик ҳақида шартномалар” Ўзбекистон томонидан тўла қўллаб-қувватланди ва бу ҳужжатни ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилишда фаол иштирок этди. Интилиш ва ёндашувларнинг бундай уйғулиги Марказий Осиё келажаги, барқарор тараққиёти, фаровонлигию баҳт-саодати ички минтақавий алоқалар мустаҳкамлигига боғлиқлигини томонлар ҳам яхши тушунишидан далолатdir. Зоро, мамлакатларимиз аҳил қўшничилик, дўст-биродарлик ва ўзаро ҳурматта асосланган минтақавий алоқаларнинг янада кенгайиши тарафдори. Манфаатларнинг яқинлиги эса ҳар икки давлатга деярли барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш имконини яратади.

Томонлар, авваламбор, савдо-иқтисодий муносабатларни кучайтиришга ургу бермоқда. Ҳусусан, Қозогистон — ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг (Хитой ва Россиядан кейин) энг йирик ташқи иқтисодий ҳамкорларидан бири. Умумий чегара мавжудлиги, эркин савдо худудидаги тижорат ва ўзаро иқтисодий

**Иттифоқчилик
муносабатлари
ҳақидағи битим
умумий манфа-
аттарни чуқур
хис этиб, та-
раққиёт үйлида
олға бориша,
олдимиздаги ва-
зиғаларни бирга-
ликда ҳал этишда
сиесть, иқтисод-
ий, дипломатик
имконияттарни
бираштириши,
минтақада тинч-
лик-тотувлик
мұхитини күчай-
тиши борасида
яқдиллік билан
чора күрши, Мар-
казий Осиёни
хамжихатликка
етакловчи инти-
лиш ва ғояларни
құллаб-құвват-
лаш каби тамо-
йилларга асослан-
ған ҳамкорлик-
нинг янги даврини
күзда туради.**

дий алоқаларнинг эркинлашуви бу жабхадаги ўсиш суръатининг жадаллашувига омил бўлмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Қозогистоннинг энг йирик ўнта иқтисодий ҳамкори қаторидан ўрин эгаллаган ва қозоқ истеъмол маҳсулотлари сотиладиган бозорлар орасида иккинчи ўринда. Аммо икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни 30 йилдан зиёд мустақиллик даври шароити учун ҳали-ҳамон жуда юқори, деб бўлмайди. 2008 йили имзоланган Эркин савдо худудларни яратиш түғрисидаги битим бу ҳолатга унчалик таъсир кўрсатмади.

Марказий Осиёдаги бутун савдо ҳажмининг 70 фоизга яқини Қозогистон ва Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келса-да, икки республика орасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми аргимчоқдек гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб туради. Масалан, 2022 йили ушбу савдо айланмаси илк бор 2020 йилда кутилган 5 миллиард долларга қарийб етган бўлса (4,9 миллиард доллар), 2023 йилги ҳисботга кўра, 10 фоиз пасайиб, 4,4 миллиард долларга тушди. Шундай экан, Қозогистон Президентининг Ўзбекистонга 2022 йил деқабрдаги ташрифи самараси ўлароқ имзоланган “йўл хариталари” доирасидаги келишувларнинг ҳаётта татбиқ этилиши, жумладан, ўзаро савдо айланмасининг 10 миллиард долларга етказилиши ҳар икки томондан жиддий изланишларни талаб этади.

Бошқа жиҳатдан, бу мэррага этиш учун имкониятлар етарли. Масалан, Ўзбекистон Қозогистонга енгил ва оғир автомобиллар, автобуслар, қишлоқ ҳўжалиги техникалари, тайёр тўқимачилик, электротехника ҳамда енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, шиша, мева-сабзавот ва хоказоларни йирик ҳажмларда экспорт қилиш салоҳиятига эга. Ўз навбатида, Қозогистон Ўзбекистонга етказиб берадиган металл прокатлар, темир қотиши-

малари, ёғоч-тахта материаллари кабиларнинг турини кўпайтириши мумкин.

Бундан ташқари, мамлакатлар қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик, енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефть-газ саноати каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтира олади.

Танқидларга қарамай, Қозогистон ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айланмаси ҳажми баркарор суръатда эканини таъкидлаш жоиз. Икки мамлакат статистика идоралари ҳисоб-китобига асосланилса, савдо айланмаси (Қозогистонда 1-чорақ, Ўзбекистонда эса ўтган 5 ой натижасига кўра) жорий йилнинг дастлабки олти ойида 1,8 – 2,0 миллиард долларни ташкил этиши тахмин қилинган. Агар шу мўлжалга эришилса, мамлакатлар ўртасидаги 2024 йилги савдо айланмаси яна 4,0 миллиард доллардан ошади. Бу, авваламбор, сўнгти йилларда савдо ва иқтисодиётга оид “йўл хариталари” рисоладагидек баҷарилаётгани, имзоланган битимлар ва савдо-сотиқ шартномалари бўйича амалий ишлар изчили олиб борилаётгани, саноат, энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилаётганидан далолатdir.

Бинобарин, икки мамлакат чегарасида “Марказий Осиё” ҳалқаро саноат кооперацияси маркази қурилиши бошланган. Бу ердан ишлаб чиқариш майдончалари, маҳсулот ва жиҳозлар сақланувчи омборлар, транспорт инфраструктурунини жой олади. Келажакда янги-янги транспорт йўналишларидан фойдаланган ҳолда, Марказий Осиёнинг энг йирик икки иқтисодиёти ўртасидаги ҳамкорликнинг жадал ривожланиши бутун минтақадаги савдо алоқалари тараққиётiga туртки беради.

2022 йил декабрда Қозогистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи тарихий аҳамиятта мо-

лик воқеа бўлди. Икки мамлакат ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилигини англатувчи мазкур ташриф ўзаро муносабатларнинг иттифоқчилик даражасига етганидан далолатdir. Имзоланган 17 битим, шартнома ва меморандум орасида Иттифоқчилик муносабатлари ҳақидаги битим энг муҳими, албатта. Давлатларнинг ҳамкорликни янада юксалтириш йўлида бор имкониятларни ишга солишга интилаётганини англатувчи ана шу тарихий ҳужжат нафақат миллий манфаатлар, балки бутун минтаقا тинчлиги, барқарорлиги ва хавфсизлиги йўлида келажакни ҳамжиҳатликда қуришга тайёр фуқароларнинг барча талаб-эҳтиёжларини акс эттиради.

Иттифоқчилик муносабатлари ҳақидаги битим умумий манфаатларни чуқур ҳис этиб, тараққиёт йўлида олға борища, олдимиздаги вазифаларни биргаликда ҳал этишида сиёсий, иқтисодий, дипломатик имкониятларни бирлаштириш, минтақада тинчлик-тотувлик мухитини кучайтириш борасида яқдиллик билан чора кўриш, Марказий Осиёни ҳамжиҳатликка етакловчи интилиш ва ғояларни қўллаб-кувватлаш каби тамойилларга асосланган ҳамкорликнинг янги даврини кўзда тутади.

Президентлар учрашувининг яна бир жуда муҳим натижаси Давлатлараро чегара демаркацияси тўтрасидаги битимда акс этди, икки мамлакат ўртасидаги сарҳадларнинг тўлалигича ҳалқаро-хуқуқий асосда расмийлаштирилиши ушбу битимда ўз ифодасини топди. Республикаларнинг бу ҳужжат билан мазкур нозик масалага нукта қўйгани минтақада ечимсиз муаммонинг ўзи йўқлиги, сиёсий иродада келажак авлодлар олдида бурч ҳисси бор экан, томонларни қониқтирувчи келишувга эришиш учун доимо имконият мавжудлигининг яққол исботидир.

Қозоқ-ўзбек муносабатларида маданий-гуманитар ҳамкорликнинг ҳам самараси бекиёс. Бирок

бу йўналишга доир имкониятлар ҳали тўла ишга солинмаган. Мисол учун, 2018 ва 2019 йиллар икки мамлакатда “Қозогистонда Ўзбекистон иили” ва “Ўзбекистонда Қозогистон иили” шиори остида турли тадбирлар ўтди, уларда ҳалқаримиз бир-бирининг маданий мероси билан яқиндан танишп имконига эга бўлди. Шунингдек, кўргазма, концерт, театр гастроллари, маданият ва кино кунлари ҳамда бошқа анжуману сайиллар ҳам қардошларни ўзаро яқинлаштирги.

Дўстлик ва ҳамкорлик ривожида Ўзбекистонда яшаётган қозоқлар ва Қозогистондаги ўзбекларнинг ҳам ҳиссаси катта. Мехнатию ютуқлари билан икки мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётiga ҳисса қўшайтган ватандошларимиз айни чоғда миллий қадриятлар ва ўзига хосликни авайлаб-асрашга, ривожлантиришга камарбаста бўлмоқда.

Ўтган ой 7-9 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Қозогистон Республикасида бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон раҳбари икки муҳим тадбир – Ўзбекистон-Қозогистон давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси ҳамда 9 август куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашуви иштирок этди. Ўша кунлари Қозогистонда ўзбек маданий мухити ҳукмонлик қилди, десак янгилишмайман. Зотан, айни кезларда Остонада Ўзбек киноси кунлари, кўргазмалар, фестиваллар, концерtlар ўтказилди. Табиийки, бундай тадбирлар ёшларимизни янада яқинлаштиради, уларни умумий тарихимиз ва қадриятларимиз билан яқиндан таништиради. Сафар давомида эришилган энг катта натижалардан бири, шубҳасиз, таълим соҳасида бўлди.

Икки томонлама музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

ва Қозогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Олмаота шаҳрида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Чирчик шаҳрида М.Аvezов номидаги Жанубий Қозогистон давлат университетининг филиалларини тантаналиравишда очдилар.

Ўзбек ва қозоқ олийгоҳлари филиалларининг очилиши икки қардош мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг жадал ривожланаётганидан яна бир далолат бўлди.

Мазкур таълим муассасаларида талаб юқори бўлган техник йўналишлар бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Бу олийгоҳлар келгусида нафақат таълим даргоҳлари, балки икки мамлакат ва бутун минтаقا тараққиётидаги долзарб муаммоларни тадқиқ этувчи илмий марказларга айланниши, шубҳасиз.

Худди шундай, Остонада ташкиллаштирилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашуви ҳам тафсилотларга бой бўлди. Албатта, менинг ёритмоқчи бўлган мавзу-йўналишним аниқ белгилангани учун айни масалага кенгроқ киришдан ўзимни тийдим. Қолаверса, журнал саҳифаларидан мазкур ижтимоий-сиёсий форматни батафсилроқ ёритишни мақсад қилган ҳамкасларимиз мақолалари ҳам ўрин олган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жонизки, Қозогистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий тармоқдан маданий-гуманитар соҳагача – барча йўналишларда ўзаро ҳамкорлик юқори даражада, давлат раҳбарларининг доимий учрашувлари эса икки томонлама алоқаларнинг муҳимлигидан далолатdir. Бизнингча, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик истиқболда янада кучаяди, чунки хавфсизлик, фаровонлик ва минтақадаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳар икки давлатнинг миллий манфаатларига мосдир.



Эмилбек ЖҮРАЕВ,
PhD, сиёсатшунос.
Қирғиз Республикасы,
Бишкек шаҳри

Қирғизистон – Ўзбекистон: **УЛАРНИНГ ҲАР БИРИГА КУЧЛИ ВА ФАРОВОН ҚЎШНИ КЕРАК**

Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг 2024 йил июль ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар жўшқинлигига мос навбатдаги муҳим воқеа бўлди. Икки мамлакат раҳбари ҳам кўп қиррали ҳамкорликнинг шиддат билан ривожланаётганини тасдиқловчи асосларга эга эди ва қирғиз чанқовузи билан ўзбек дуторининг моҳирона “мулоқоти”ни кузатиб, уларнинг халқларимиз қардошлиги ҳамда бирдамлигига ишончи янада ортди.

Икки яқын қүшни ҳар доим ҳам бундай дўстона алоқаларни қўллаб-қувватламаган. Роппа-роса саккиз йил муқаддам, 2016 йил ёзида томонлар баҳсли чегара можароси туфайли кескинлашган вазиятда, эҳтимолки, ўзаро муносабатларнинг энг мураккаб нуқтасига етган эди¹.

Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимият тенпасига келгач, вазият тубдан ўзгарди. 2023 йил январь ойида, Ш.Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи доирасида томонлар чегара чизиқларига оид баҳсли масалаларни охиригача бартараф этишга бағищланган сўнгги келишувлар бўйича фикр алмашди ҳамда ҳамкорликнинг янада юксак даражадаги битими – кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолади².

2024 йил амалиётида икки мамлакатнинг яхши қўшничилиги ва ҳамкорлиги ягона тўғри ҳамда томонлар учун маъқул, мувофиқ йўл бўлди. Бу ўзаро баҳслашадиган масала қолмаганини эмас, балки уларнинг муаммоларни ҳар икки томон учун манфаатли ва очиқ-ошкора тарзда ечишга қарор қилганини англатади. Яқинда Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чогида айнан шундай ёндашув кузатилди.

Субҳидам

2016 йил ёзида муносабатларнинг таранглашуви туфайли орадаги совуқчилик давом этди ва айрим жабхаларда алоқалар бутунлай тўхтаб қолди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов билан Қирғизистоннинг аввалги барча раҳбарлари – Аскар Акаев, Курманбек Бакиев, Роза Отунбаева

ва Алмазбек Атамбаев ўртасида муносабат бекарор ва носамий эди. Хусусан, И.Каримов дастлабки икки қирғиз етакчиси билан турлича, қоришиқ муносабатда бўлган. Отунбаева билан эса унинг қисқа муддатли президентлиги даврида кўпроқ бир-бирини тушунишга эришилган. Айниқса, 2010 йилги Ўш воқеалари томонларни бир мунча яқинлаштириди ҳам. А.Атамбаев билан эса муносабатлар қисқа алоқалардан нарига ўтмаган, ошкора хуш кўрмаслик, нодўстона луқма ташлаш ҳолатлари жанжалли вазиятларнинг кескинлашувига олиб келди.

Хуллас, бу каби келишмовчиликлар оқибатида 2010 йил ўрталарида ўзаро муносабатлар энг қуийи даражага тушиб кетди. Қирғиз-ўзбек сарҳадлари бўйлаб назорат-ўтказиш пунктлари “вақтингча” ёпилди, жумладан, жисмоний шахсларнинг ҳам чегарадан ўтиши тўхтатилди. Ваҳоланки, ҳар икки томонда минглаб оиласларнинг қариндош-уруғлари бор эди³.

Икки қўшни давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ийлига атиги 120 – 140 миллион АҚШ доллари атрофида бўлган, авиақатновлар амалга ошмаган ва ўзаро савдо-сотиқ алоқаларининг энг асосий, бироқ доимо муаммоли бўлиб келган – ўзбек табиий газининг Қирғизистонга импорти Россия “Газпром”и томонидан бажарила бошланди⁴.

Кескин бўрилиши нуқтаси

2016 йил кузида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбари этиб сайлангач, расмий Бишкеқда икки томонлама муносабатларнинг соғломлашишига умид уйғонди. Ва бу умид оқланди ҳам

– ўз мамлакатининг ўша пайтдаги вақтингчалик етакчиси мақомида бўлган Ш.Мирзиёев қирғиз ҳамкори Алмазбек Атамбаев билан дастлабки мулоқотларида уни изчил ва муваффақиятли музокаралар жараёнининг самарали кечишига, жумладан, умумий чегаралар делимитацияси масалалари ечим топишига ишонтириди⁵.

Янги сайланган давлат раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни яхшилашни ўз маъмуриятининг бирламчи вазифаси этиб белгилаб олгани муҳим воқелик бўлди. Ш.Мирзиёев президентлигининг биринчи йили охирида Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисида декларация имзоланди ва бу муносабатлар ҳар томонлама жонланнишининг расмий асоси бўлди⁶.

Шундан кейин қисқа муддатда амалга оширилган ишлар халқаро тажрибада ўзаро муносабатларни тезкор ва ҳар томонлама яхшилашнинг ноёб намунаси сифатида ўрганишга муносаб. Шу маънода, жамоатчилик фикрининг кескин ўзгаргани ибратли ҳодиса: Қирғизистонда 2016 йили, яъни ўзгаришларгача бўлган даврда ўтказилган ижтимоий сўровда иштирокчи-レスпондентлар Ўзбекистонни энг нодўст давлатлардан бири, деб ҳисоблаган бўлса, 2017 йилги сўровларда энг яқин дўст мамлакатлардан бири сифатида қайд этишган⁷.

Ш.Мирзиёев Президентлик лавозимига киришганидан кейин саноқли ойлардаёт умумий чегарадан ўтиш жойлари очилди, ҳар икки мамлакат фуқаролари катта хурсандчилик билан қўшниларникуга меҳмондорчиликка отланди, трансчегаравий савдо-сотиқ жонланди, Ўш ва Андижонда теран рамзий аҳами-

¹ <http://www.bbc.com/russian/features-37169385>

² http://24.kg/vlast/256995_poitogam_vizita_shavkata_mirzieeva_vkyirgyizstan_podpisano_24dokumenta/

³ <http://ru.sputnik.kg/20160320/1023398472.html>

⁴ <http://iwpr.net/global-voices/turning-point-kyrgyz-uzbek-relations>

⁵ <http://president.uz/ru/lists/view/93>

⁶ <http://tinyurl.com/45cuxx3r>

⁷ Халқаро Республика Институти, “Қирғизистон аҳолиси ижтимоий фикри сўрови”: 2016 йил март ойида ўтказилган сўров натижаларини 2017 йил ноябрь- декабрь ойлари ўтказилган сўров натижалари билан қиёсланг.

ятга молик қирғиз-ўзбек дўстлиги ҳамда бирдамлигига бағишлиланган тадбирлар бўлиб ўтди. Бундай тезкор ўзгаришларга Ўзбекистоннинг ўзида амалга оширилган, айниқса, иқтисодий соҳаларда олиб борилган туб ислоҳотлар асос бўлди ва бу жараён Қирғизистонда ижобий ҳодиса сифатида қайд этилди.

Икки қўшни давлат муносабатларининг бундан кейинги ривожи Марказий Осиё республикалари ўртасидаги алоқаларнинг изчиллик билан яхшилашиб бориши жараёнида кечди ва бунда Президент Ш.Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари катта аҳамият касб этиди. У Қозогистоннинг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан сұхбатда Маслаҳат учрашувлари форматида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитини ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Қирғизистон ушбу ташаббусни қизгин қўллаб-қувватлади, Марказий Осиё худудий мулоқоти ва ҳамкорлигига бағишлиланган учрашувда фаол иштирок этиди. Бу мулоқотларнинг энг муҳим ютуғи уч давлат – Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон томонидан Чўлпон-Ота шаҳрида тўртинчи Маслаҳат учрашуви чоғида имзолаган “Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги шартнома бўлди⁸.

Қардошлар бир-бирига қучоқ очди

Чинакам қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатлари тикланишини, биринчи галда, ҳар икки мамлакатнинг оддий фуқаролари қувонч билан қарши олди⁹. Янгиликларда қардошлар, туғишганлар – ака-укалар ва опа-сингиллар, болалар ва ота-оналар, неваралар ва келинларнинг бахтиёр дийдорлашув онлари, қайта топишишлари

намойиш этиб борилди. Зеро, улар узоқ вақт давомида чегара муаммолари туфайли бир-бирлари билан қўришишга имкон тополмаган ёки бунга журъат этолмаган эдилар. Энди чегарадош манзиллардаги ўзбек ва Қирғиз маҳаллий ҳокимияти ходимлари, таълим, маданият ҳамда спорт соҳалари вакиллари ҳар икки томон делегацияларини қучоқ очиб кутиб олдилар. Ишбилармонлар ўртасида бизнес ва савдо алоқалари жонланда бошлади.

Чегаралар делимитацияси жараёни фаоллашди. 2022 йил охирига келиб, икки мамлакат етакчиларининг бевосита иштиrokerida бу масала бўйича якуний қарорга келинди, шунингдек, ҳануз баҳсли бўлиб келаётган Кампиробод сув омбори ва Унгар-Тов каби обьектлар бўйича келишувга эришилди¹⁰. Гарчи бу воқеалар, маълум сабабларга кўра, Ўзбекистонда, айниқса, Қирғизистонда муайян танқидий муносабатни туғдирган бўлса-да, уни икки қўшни давлатнинг муҳим стратегик ютуғи, деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур шартнома мамлакатлар парламентлари томонидан тасдиқланиши ва президентлар томонидан имзоланиши билан, бир жиҳатдан, энг оғрикли масалага нуқта қўйилди, бошқа тарафдан, ўзаро ишонч ортиб, сифат жиҳатдан янгича, манфаатли, мазмунли ташабbusларга йўл очилди.

Шулардан бири Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги (бунга Қозогистон ҳам қўшилди) “Қамбар-Ота-1” гидроэнергетика лойиҳасини ҳамкорликда амалга ошириш бўйича эршилган келишув бўлди. Ваҳоланки, бу масала Ўзбекистон билан Тожикистон муносабатларида Рогун ГЭСи сингари, 2016 йилдан бери ҳамкорлик йўлидаги принципиал тўсиқлардан бири бўлиб келаётганди. Дўстона алоқалар қайта тиклангач, Қамбар-Ота-1 ГЭСи

ўзаро тараққиёт йўлида томонлар учун манфаатли экани тасдигини топди.

Тўхтаб қолган яна бир муҳим стратегик лойиха Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли эди. Гарчи бу ғоя 10 йил бурун туғилган ва иштирокчilar томонидан вақти-вақти билан кўтариб турилган бўлса-да, кўплаб омиллар, жумладан, ташқи сабабларга кўра, амалга ошиши даргумон ишдек қолиб келаётганди. Барча иштирокчи мамлакатлар ўртасида ўзаро мулоқот яхшилангани туфайли Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли ғоядан лойихага айланди. Уни амалга оширишга уч давлат биргаликда жиҳдий киришди. 2022 йил ёзида Самарқандда уч томонлами меморандум имзоланиши билан бу ишга старт берилди. Қирғизистон ва Ўзбекистон учун мазкур лойиха икки мамлакатнинг Шарқ ҳамда Фарб ўртасидаги трансконтинентал (қитъалараро) савдо йўлига боғланишида муҳим қадам бўлди.

Бошқа кўплаб кўрсаткичлар ҳам ўзаро муносабатларнинг изчил ўсиб бораётганини тасдиқлайди. Бу туристлар оқими кескин ортганида ҳам намоён бўлмоқда: Қирғизистон фуқаролари Марказий Осиёнинг тарихий дурдоналари – Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларрга саёҳат қилаётган бўлса, Ўзбекистон фуқаролари тўғридан-тўғри авиақатновлар орқали Иссикқўлга бориб ҳордик чиқаришмокда. Бундан ташқари, бизнес ҳамжамиятлари ҳамкорлигига тўқимачилик ва тикувчилик, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, қурилиши ва озиқ-овқат соҳаларида қўшма корхоналар барпо этилди. Қирғизистонда “ЎзАвто”нинг автомобиллар ийғиши заводи ишга тушди. Қўшма лойиҳаларга инвестиция жалб этиш мақсадида Ўзбек-Қирғиз тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Томонлар унинг ҳажмини 200

⁸ <http://rus.azattyk.org/a/31953278.html>

⁹ <http://mir24.ru/news/16310090/kyrgyzstan-uzbekistan-otkrytye-granicy-novye-vozmozhnosti>

¹⁰ http://24.kg/vlast/256885_kyrgyzstan_iuzbekistan_ofitsialno_zavershili_delimitatsiyu_granitsyi/

миллион долларга етказиши мүлжалламоқда.

Иқтисодий соҳада эришилган кўрсаткичларнинг ўзиёқ қўлга киритилган ютуқларни яққол ифодалаб турибди. Агар 2016 йил охирида ўзаро савдо ҳажми 200 миллион доллардан (ўша пайтда бундан-да кам эди) ошимаган бўлса, 2022 йилга келиб ушбу кўрсаткич бир неча баробарга ўси – қўшнилар билан 1 миллиард 300 миллион долларлик ташки савдо амалга оширилди. Яқин орада бу кўрсаткичи икки миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Чинакам биродарлик алоқалари

Парижда 2024 йилги Олимпия ўйинлари энди бошланган паллада Диёра Келдиёрова Ўзбекистон ҳиссасига биринчи олтин медални қўшиб қўйди ва бу воқеадан юртимиз аҳолиси ўзбекистонликлардан кам хурсанд бўлгани йўқ – ижтимоий тармоқлар Қирғизларнинг Ўзбекистонга ва Диёрага йўллаган табрикларига тўлиб кетди. Яна бир ажойиб воқеа ҳам юз берди. Қирғиз боксчиси Мунарбек Сейитбек ўғли Олимпиада лицензиясини энг охирги кунларда қўлга киритди ва шу сабабли Парижга ўз мураббийисиз келишга мажбур бўлди. У кетма-кет қозонган ғалабалари билан юртдошлирини хурсанд қилди: бутун Қирғизистон халқи Мунарбекка рингда ўзбек мураббийи Ақмал Ҳасанов секундантлик қилганини чуқур миннатдорлик билан кузатди. Ана шу воқеа икки халқ ўртасидаги юксак даражадаги аҳил қўшничилик ва биродарликни ҳар қандай расмий келишув ёки статистик маълумотлардан кўра таъсирчанроқ руҳда яққол намоён этди.

Париж Олимпиадаси бошланнишидан икки ҳафта бурун, 2024

йил 18 – 19 июль кунлари Президент Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи амалга оширилди. Икки давлат раҳбарлари ва ўзаро музокараларнинг бошқа қатнашчилари якунда ҳамкорликнинг турли йўналишлари га доир 16 та ҳужжатни имзоладилар, истиқболдаги маҳобатли ва айни пайтда ҳаётий мақсадларни белгилаб олдилар¹¹.

Қирғиз матбуоти Президент Ш.Мирзиёевнинг, икки мамлакат муносабатларидағи конструктивизм принципини (win-win) аниқ-тиниқ ифодалаган “Бизга кучли ва фаровон қўшни – Қирғизистон керак”, деган сўзларини иқтибос қиласди¹². Бу – шунчаки меҳмондорчилик ёки эҳтиром белгиси эмас, балки икки биродар давлатнинг чинакам дўстона муносабатлари тасдиги сифатида қабул қилинди. Зоро, бир мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлигига унга қўшни юртда ҳам шундай шарт-шароит барқарор бўлгандагина эришиш мумкин.

Фақат ўта содда, анои кузатувчигина бу икки давлатнинг яқинлигини улар ўртасида ихтилоф, турлича фикр-қарашлар йўқлиги билан изоҳлаши мумкин. Ахир, энг яқин, қардош ва ҳар жиҳатдан қалин мамлакатлар орасида ҳам турли баҳсли масалалар бўлиши табиий.

Шу маънода, тили, урф-одатлари, қадриятлари, маданияти ўҳшаш, тарихий илдизлари тутиш икки қардош халқ ўртасида узоқ йиллик танаффусдан сўнг чинакам биродарлик алоқалари мустаҳкамланаётгани ҳар қанча эътироф этишга арзиди. Шу аснода иқтисодий, сиёсий, гуманитар ва бошқа соҳалар бўйича давлатлараро муносабатларда туб бурилиш юз бермоқда. Ҳар икки томон шунинг тарафдори. Уларнинг ҳар қайсисига “кучли ва фаровон қўшни” керак. Зоро, шундагина Қирғизистон ҳам, Ўзбекистон ҳам барқарор тараққиётга эриша олади.

Чинакам қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатлари тикланишини, биринчи галда, ҳар икки мамлакатнинг оддий фуқаролари қувонч билан қарши олди. Янгиликларда қардошлар, түғишганлар – ақа-укалар ва опа-сингиллар, болалар ва отоналар, неваралар ва келинларнинг баҳтиёр дийдорлашув онлари, қайта топишишилари намойиш этиб борилди. Зоро, улар узоқ вақт давомида чегара муаммолари түфайли бир-бирлари билан кўришишига имкон тополмаган ёки бунга журъят этолмаган эдилар.

¹¹ <http://economist.kg/enierghetiika/2024/06/11/kyrgyzstan-kazakhstan-i-uzbekistan-dogоворилис-о-совместное-работе-над-камбар-атинской-гес-1/>

¹² <http://daryo.uz/en/2024/07/18/uzbekistan-kyrgyzstan-aim-to-reach2bn-trade-volume>



МИНТАКА:

БИЗГА УМУМИЙ ЎЗЛИК НЕ УЧУН ДАРКОР?



Шерали РИЗОЁН,
сиёсий фанлар номзоди
Тоҷикистон
Республикаси,
Душанбе шаҳри.

Маданий-гуманитар омил умумий маконни шакллантирадиган муҳим таркибий қисмлардан бўлиб, пировард натижада давлатларнинг янада яқин, чамбарчас ҳамкорлигига, яъни интеграциясига олиб келиши мумкин.

Бу фактор, қолаверса, ҳудудий интеграциянинг аҳамияти шундаки, мазкур жараён, биринчи навбатда, одамлар ҳаётини яхшилашга, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, мамлакатларнинг биргалиқдаги тараққиёти учун кулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Модомики, Ўрта Осиё интеграциясидан кўзланган мақсад ушбу ҳудудда яшаётган одамлар ҳаётининг фаровонлигини таъминлаш экан, бу омилга алоҳида эътибор бериш зарур бўлади.

Пировардида айнан шу нуқтаи назардан туриб Ўрта Осиё мамлакатлари ҳудудий ҳамкорлигида маданий-гуманитар омилнинг ўрнига баҳо берилади.

Маълумки, 2016 йилдан бошланган ички ҳудудий ҳамкорлик яхшиланиб боргани 2018 йилга келиб, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви иш бошлаши билан ярим институционал мазмун касб этди.

Ушбу тузилма фаолияти йўлга қўйилгандан кейин минтақа мамлакатлари раҳбарлари учрашувларида “ҳудудий идентик(ким)лик”, “Марказий Осиё идентик(ким)лиги” атамалари кенг ишлатила бошланди ва бу ибора сиёсатчилар, тадқиқотчилар, журналист ва бошқалар нутқларида тез-тез учрайдиган бўлди. “Марказий Осиё иден-

ти(ким)лиги” атамаси қандай кўлланаётганини кузатганда, ушбу атамага турлича маънно юкланиши баъзан мазкур гоянинг ўзига зид эканига гувоҳ бўламизки, бунда муайян бир давлатнинг ўзи яқин келажакда эришишни истаган мақсади олдинга сурилади.

Аслида эса айнан фуқаролик идентик(ким)лиги асосида худдий идентик(ким)лик ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин, бундай идентик(ким)лик Марказий Осиёning тамаддуний тараққиети учун шарт-шароит яратиши мумкин. Бугун биз мазкур жабҳада ишлайдиган курилмани шакллантиришга имкон бермас эканмиз, бу неосоветизм (яни советчилик) синдроми (яни советча тузумга хос характерли аломатлар мажмуи)ки, бунда бирлашишга қаратилган ҳар қандай ташбусга мафкура аралашади. Ана шу мафкуранинг мавжуд воқеликка мувофиқлиги, афсуски, асосий масала, деб қаралмайди. Агар шундай давом этаверса, у ҳолда хаёлий байнамилаллик ғояси пайдо бўлади. Бу гоядаги реал амалга ошириладиган ишлар ва дабдабали тарзда эълон қилинган режалар ўртасида катта фарқ бор.

Ўрта Осиё мамлакатларида истиқомат қилувчи-ларнинг маданий коди. Ижтимоий-сиёсий фанларда маданий код (ахборот, маълумот узатувчи шартли ифодалар, сигналлар тизими) нима, деган саволга аниқ-тиниқ жавоб йўқ ва бу тушунча ҳануз баҳсталаб. Марказий Осиё ҳалқлари маданияти моддий ва маънавий қадриятлар билан белгиланади, буларга биринчи галда тил, тарих, дин, санъат, анъаналар, урф-одатлар, фан, мифология ва бошқалар киради. Маданий код улар орқали шаклланади, акс этади ва мавжуд идентик(ким)ликнинг муҳим элементи, яни мураккаб бир бутуннинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Ўз навбатида,

идентик(ким)лик доимий тарзда ўзгаришга учрайди, чунки мамлакатлар ижтимоий-сиёсий муносабатлари ўзгариш жараёнлари ва сиёсий-иқтисодий имкониятлари кенгайиши билан турланади, бошқа шаклга киради.

Бугунги кунда ислом Марказий Осиё ҳалқлари учун бирлаштирувчи омил саналади, чунки ҳудуд аҳолисининг асосий қисми мазкур динга эътиқод қиласди. Минтақа мамлакатлари умумий тарихга эга, бу эса давлатлар мустақиллиги шароитида турлича талқин қилина бошлианди. Марказий Осиёни миллий таомлар ҳам бирлаштиради. Шунингдек, оиласиананлари жуда ўхшаш. Зеро, оиласда ота-онага ҳурмат ўзига хос ахлоқ меъёри саналади. Қолаверса, Тожикистонни истисно этганда, қолган барча мамлакатлар туркий тилли. Бошқа бирлаштирувчи элементларга батафсил тўхталиб ўтирамай, маданий коднинг айрим муаммоли аспектлари ҳақида сўз юритамиз, шунингдек, қатъий жавоби топилмаган очиқ саволларни белгилаб оламиз.

Маданий код деганда биз нимани назарда тутамиш? Марказий Осиё мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, бу саволга қатъий жавоб бериб бўлмайди. Чунки айримлар маданий кодни кўчманчилик анъаналари, бошқалар ўтроқ турмуш тарзи ёки ўтроқ-кўчманчи ҳаёт билан боғлайди. Бошқа томондан, мустақиллик шароитида тарихни турлича талқин қилиш, соҳта тарихий “ишлар” ёзиш жараёнида муаллифлар ўз ҳалқини кўкларга кўтаради ва ҳудуднинг умумий ўтмишида бошқаларнинг ўрнини камайтириб кўрсатади. Бу ҳолда ҳудуднинг маданий коди умумий элементларини муҳокама қилиш мушкул.

Маданий код ўзгарадими? Примордиализм (дастлабки, бошланиши, асоси) тарафдорлари (улар ақлий меҳнат кишилари

орасида кам эмас) ҳалқларнинг маданий коди ўзгармайди ва илк ўзига хос хусусиятини сақлаб қолади, деб ишонадилар. Конструктивистлар ва модернчилар эса маданий код ўзгаришларга учрайди ва глобаллашув шароитида у турланади, бойиб боради, деган хulosада. Улар анъана ва байрамларнинг ижтимоий лойиҳасини тузишда давлат институтларининг ролини алоҳида таъкидлайди ва бу анъана ҳамда байрамлар маълум вақт ўтиши билан “қадимий” мазмун касб этади.

Биз ўтмишга қандай қараймиз ва нимани қайта тиклашни истаймиз? Ушбу саволга ҳам аниқ жавоб йўқ, чунки ўтмиш турлича талқин қилинади ва биз нимани қайта тикламоқчи эканимиз номаълум. Бу XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан бошиб олиниши оқибатида Ўрта Осиё маконида мустақил давлатчилик тутатилгани билан боғлиқ. Расмий дискурсда буюк ўтмиш ҳақида таъриф-тавсифлар мавжуд. Бироқ ҳудуддаги мамлакатлар ўша анъаналарга қайтишга тайёрлиги ва яқин тарихдаги улуғворликни қайта тиклаш мумкинлиги ноаён. Бошқа тарафдан, Марказий Осиёning яқин мозийдаги кечмиши ҳудуддан ташқаридаги сиёсий ўйинчиларнинг геосиёсий ҳийла-найранглари обьектига айланди ва улар ўз манфаатларига мос бўлган тарихий хотирани сақлаб қолишга уринишмоқда. Бошқа ҳар қандай талқинга эса, турли салбий ёрлиқлар ёпиштирилади. Афсуски, “онгни мустамлакачилик асоратидан халос қилиш” ва “умумий тарихий ўтмиши асраш” борасидаги фикр-мулоҳазаларга ҳозирги кунда ўз таъсирини кенгайтириш ҳамда сақлаб қолишни мақсад қилган ташқи омиллар туртки бермоқда. Бу жиҳатдан қараганда, ҳалқларнинг ўз тарихини билиши, айниқса, идентик(ким)ли-

гининг маданий кодлари доимо ташқи омилларга боғлиқ бўлиб қолиши эҳтимоли юқори.

Кўлланилаётган чоралар нимага олиб келиши мумкин ёки якуний натижка қандай бўлади? Бу саволга ҳам аниқ жавоб йўқ, чунки лойиҳаси тузилган қадриятларни ва анъаналарни мустаҳкамлаш учун кўп вақт талаб этилади. Бошқа бир муаммо шундаки, минтақадаги мамлакатлар Конституциялари барча этник гурухлар учун бирдай teng хукуқ ва имкониятларни кафолатлайди, бироқ амалиётда бошқа автохтон тиллар (туб жой аҳоли тили) зарарига расмий тил давлат томонидан қўллаб-куватланади, натижада аҳолининг маълум қисми ўз она тилида таълим олиш имкониятига эга бўломайди.

Балансни излаш ва Ўрта Осиё идентифик(ким)лигини шакллантириши. Бугун бир қатор шартлар мавжудки, уларни ҳисобга олмай туриб, амалий Ўрта Осиё идентифик(ким)лигини шакллантириш (албатта, зарурат бўлса) мушкул. Ушбу жараёнда биргаликда тинч, фаровон яшаш, Марказий Осиёда ҳамкорликда тараққиётга эришиш учун ушбу ҳодисалар ўртасида балансни излаб топиш лозим бўладики, бу халқлардан сиёсий ирода ва етукликни тақозо этади.

Биринчидан, худудий интеграциянинг муҳимлиги ва миллий давлатчиликни барпо этиш ўртасидаги баланс. Муаммолар таҳлили ва баҳоси шуни кўрсатадики, бир томондан, худудий интеграция, иккинчи томондан, миллий давлатчиликни мустаҳкамлашнинг баланс моделини излаб топиш муайян “курбонлик”ни талаб қиласди. Негаки, агар худудий интеграция муҳим ҳисобланса, шунга мувофиқ тарзда мамлакатлар ўртасидаги муҳокамалар ва намойиш этиладиган кўрсатувларни мувофиқ тарзда модификация қилмоқ (бошқа кўринишга, шаклга келтирмоқ) зарур. Бунга минтақа республикалари қанчалик тайёр эканини вақт кўрсатади. Хуллас, ушбу жабҳада худудий ва мамлакатлар кун тартибидаги ишлар ўртасида балансни топиш керак. Агар бунга мос келадиган қарор топилмаса, интеграция жараёни узоқ йиллар ҳал этилмай қолаверади.

Иккинчидан, илмий фактлар ва миллий идентифик(ким)лик ўртасидаги баланс. Кейинги юз йил мобайнида худудда у ёки бу моддий мерос, дунёга машҳур олим, мутафаккир ва бошқалар кимга тегишли экани хақидаги мунозаралар авж олди. Бу

нозик мавзу, биринчи навбатда, маданий-тамаддуний бойликка тааллуқли. Мунозаралар марказида худуд тарихи мавжуд реалликдан келиб чиқиб қайта ёзиб чиқилган, алломалар, моддий ва маънавий мерос, энг муҳим тарихий воқеалар “ўзлаштирилган” тезислар ётади. Афсуски, ана шу масала кўпдан бери мавжуд ва миллий идентик(ким)лик бошқаларни инкор этиш асосига курилган. Айрим Facebook гурухларида шундай мунозаралар кузатилади, уларда модераторлар ва иштирокчилар ибтидоий, жўн миллатчилик усулини қўллаб, қўшниларига нисбатан нафрят ва душманлик муносабатини қўзгайди. Бу разил мақсадлар ўйлида тарихий ўтмишни ўзиники қилишга қанчалик уринилмасин, китоблар ва мақолалар чиқарилмасин, жаҳон тарих фанини ўзлаштиришнинг, ўзиники қилишининг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам, худудий ҳамкорлик жараёнини қўллаб-куватлашда худуд тарихини ўзлаштириш ёки “миллийлаштириш”га уриниш амалиётидан воз кечиш керак.

Учинчидан, тарихий фактлар ва худуддаги давлатларга доир тарихий манбаларни ўрганишдаги соҳтакорликлар ўртасидаги баланс. Босма ва электрон шаклдаги илмий ва “соҳта илмий” ишларни таҳлил қила туриб, Марказий Осиё халқлари алоҳида-алоҳида ривожланган экан, деган фикрға келиш мумкин. Минтақадаги мамлакатлар тарихшунослигида алоҳида бир халқлар роли бўрттириб ва бошқаларнинг ўрни камайтириб кўрсатилгани кузатилади. Оқибатда бу умумхуддий қадриятларнинг шаклланшига салбий таъсир кўрсатади, ижтимоий тармоқлар фаоллари ўртасида кераксиз тортишувларга замин ҳозирлайди, минтақа интеграцияси учун ножоиз муҳитни юзага келтиради. Шу боис ўтмишни соҳталаштиришга уринишларга қарши ҳар томонлама курашиш ва айрим тарихшунослар ўртасидаги жанжалларни камайтириш, умуман олганда, худуддаги мамлакатлар тарихшунослигида келишмовчиликларни бартараф этиш лозим. Масалага бундай ёндашишнинг асосий воситалари: ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш, уларнинг натижаларини эксперtlар ҳамжамияти, маданият, санъат вакиллари ва жамоатчилик иштирокида ошкора муҳокама қилиш, мазкур жараённи ОАВда ёритиш ҳамда якуний холоса сифатида уларни китоб ва тўпламлар тарзида босиб чиқаришдан иборат.

Минтақадаги мамлакатлар тарихшунослигида алоҳида бир халқлар роли бўрттириб ва бошқаларнинг ўрни камайтириб кўрсатилгани кузатилади. Оқибатда бу умумхуддий қадриятларнинг шаклланшига салбий таъсир кўрсатади, ижтимоий тармоқлар фаоллари ўртасида кераксиз тортишувларга замин ҳозирлайди, минтақа интеграцияси учун ножоиз муҳитни юзага келтиради. Шу боис ўтмишни соҳталаштиришга уринишларга қарши ҳар томонлама курашиш ва айрим тарихшунослар ўртасидаги жанжалларни камайтириш, умуман олганда, худуддаги мамлакатлар тарихшунослигида келишмовчиликларни бартараф этиш лозим. Масалага бундай ёндашишнинг асосий воситалари: ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш, уларнинг натижаларини эксперtlар ҳамжамияти, маданият, санъат вакиллари ва жамоатчилик иштирокида ошкора муҳокама қилиш, мазкур жараённи ОАВда ёритиш ҳамда якунний холоса сифатида уларни китоб ва тўпламлар тарзида босиб чиқаришдан иборат.

Тұртқинчидан, ўтмишда, ҳозирда ва келажақда форсий-туркий асос мавжуд эканини тан олиш. Айрим илмий ва “сохта илмий” китобларда ҳамда бошқа асарларда Марказий Осиё тарихи ва ҳозирги ҳаётида форсий элементни инкор этиш ҳолати кузатилади, ҳудуд туркий тамаддун ёки туркий-мусулмон маданияти ареали сифатыда тақдим этилади. Вақт талабига мувофиқ тарзда улуғ мутафаккирлар, шоирлар, ёзувчилар, дин арбблари ва бошқа тарихий шахсларнинг этник келиб чиқишини ўзгартириш ҳоллари рўй бермоқда. Масалан, Иммануил Кант ҳозирги Калининград шаҳрида туғилгани, ишлагани ва вафот этгани уни “рус файласуфи”га айлантиrmайди. Иммануил Кант немис файласуфи саналади ва бу фактни ҳамма бирдек тан олади. Шунинг учун тарихий шахслар ҳақида ҳар томонлама ўйлаб, асосли тарзда сўз юритиши, бунда ҳудуд тарихини ўзлаштириб олишдан ти-иилиш лозим бўлади.

Бешинчидан, тил сиёсати билан она тилини қўллаш ва она тилида таълим олиш учун шарт-шароит яратиш ўртасидаги баланс. Бу хийла мураккаб вазифа саналади, чунки бунда бир асрдан бўён мавжуд бўлган ва ҳудуддаги давлатларнинг мустақиллик даврида янгидан куч олган амалиётдан воз кечиш зарур. Марказий Осиёда гуманитар омил ҳақида мулоҳаза юритарканмиз, аста-секин бу масалага доир янги ечимлар топишга киришиш керак. Евро-

па мамлакатлари интеграцияси бир давлат ҳудудида кўплаб тиллар мавжуд бўлиши ва бу ҳол расмий тил мавқеини ҳеч ҳам пасайтирмаслигини кўрсатмоқда. Минтақа давлатларининг барча халқлари вакиллари учун миллий тикланишга шарт-шароит яратиш – тараққиётнинг ягона тўғри йўли.

Таъкидлаш жоизки, ҳудуддаги мамлакатлар Марказий Осиё идентик(ким)лигининг реал мазмунини ўзлаштиришга ҳали тайёр эмас, чунки идентик(ким)ликни бир мамлакат доирасида тушуниш жиддий тўсиқларни юзага келтиради.

Ҳозирги пайтда Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасида икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириб бориш ва ҳудудий ҳамкорликнинг бутунги суръатини қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. Минтақада кун тартибидан жой олган, тезкор ҳаракат қилишни талаб этадиган янада муҳим вазифалар бор. Бу ерда транспорт имкониятларини кенгайтириш ва янги транспорт йўлакларини барпо этиш, об-ҳаво ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ечиш йўлларини излаш, ҳудуддаги давлатларнинг хавфсизлик ва барқарор тинчликни таъминлашда ҳамжиҳатлигини таъминлаш ана шулар сирасидандир. Умуман олганда, Марказий Осиёнинг тинч ва барқарор тараққиёти учун давлатлар ўртасида ҳам икки томонлама, ҳам ҳудудий миқёсда ҳамкорликнинг янги муваффақиятли шарт-шароитларини яратиш зарур.





Фарҳод ТОЛИПОВ,
“Билим карвони”
нодавлат нотижорат
иљмий муассасаси
раҳбари,
сиёсатшунос

МАСЛАҲАТ УЧРАШУВЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ИНТЕГРАЦИЯ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бундан етти йил бурун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ташкил этиши ташаббусини илгари сурган ва уни қўйши мамлакатлар етакчилари қўллаб-қувватлашганди.

Шундан сўнг биринчи учрашув 2018 йили Қозогистон пойтахти Остона шаҳрида, иккинчиси 2019 йили Ўзбекистон бош кенти Тошкентда, учинчиси 2021 йили Туркманистоннинг “Аваза” миллий сайёхлик зонасида, тўртинчиси 2022 йили Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида, бешинчиси 2023 йили Тожикистон пойтахти Душанбеда бўлиб ўтди.

Шу йил 9-10 август кунлари Остонада ўтказилган олтинчى Маслаҳат учрашуви бу тадбирнинг янги босқичини бошлаб берди. Дарвоҷе, мазкур саммит тарихий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиши кутилган эди.

Бироқ бундан олдинги – бешинчи Маслаҳат учрашувидан кейин қўзланган натижалар қайд этилмади, жумладан, минтақавий интеграция жараёнини жадаллаштиришда эришилган муайян ютуқларни кўрмадик. Ўша йигинда бу форматнинг Координаторлар кенгаши тузилгани эълон қилинган эди, бироқ мазкур тузилма фаолияти, координаторлар кимлиги ҳақида маълумот берилгани йўқ. Чунки айнан улар жамоатчилик билан ҳамкорликда янги таклифларни ишлаб чиқиши керак. Эҳтимол, шу сабабли, интеграция жараёни бирор секинлашиб.

Ўтган даврга қисқача баҳо берганда, қўлга киритилган айрим ютуқлар ва мавжуд муаммоларни таъкидлаб ўтиш ўринли, албатта.

Ютуқлар

Маслаҳат учрашувлари ўтган 7 йил давомида мунтазам алоқаларни ушлаб туриш ва минтақавий муаммоларни мухокама қилиш учун мустаҳкам замин яратди, давлатларнинг ўзаро ишончини янада кучайтириди. Бугунги кунда Марказий Осиёнинг яхлит тузилма сифатида халқаро субъектлиги барқарор шаклланиб бормоқда. Йилдан йилга беш давлат ўзининг минтақавий ва халқаро позициясини янада мустаҳкамлаш йўлидаги изчил сайди-харакатини намоён этмоқда.

Маслаҳат учрашувлари давомида минтақавий ҳамкорлик, жумладан, хавфсизлик ва таҳдидларга бир хил муносабатда бўлиш бўйича қабул қилинган қўшма баёнотлар доирасида мухим режалар эълон қилинди.

Чўлпонота шаҳрида 2022 йили “Марказий Осиёнинг XXI асрда ривожланиши учун дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида” битим қабул қилинди. Бу эса минтақавий интеграция жараёнида янги дадил қадам бўлди.

Юқоридагиларни умумлаштириб шундай хуносага келиш мумкин: беш марта бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувлари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларига минтақавий мулоқотни узлуксиз

давом эттириш ҳамда манфаатлар, таҳликалар умумийлиги, ўзаро хурмат ва ишончини янада кучайтириш имконини берди.

Муаммолар ёхуд тўсиқлар

Умуман, минтақавий интеграция жараёни жуда секин боряпти. Беш мамлакат интеграциясини олий мақсад, деб қарашда давлат раҳбарларининг эҳтиёткорлик билан ўзларини тийиб туриши кузатилмоқда. Улар маъруза ва баёнотларида интеграцияга ургу бермаган ҳолда, кўпроқ “ҳамкорлик”, “боғланниш”, “кооперация” каби атамаларни қўллайди.

Маслаҳат учрашувлари ўз номи билан фақат расмий маслаҳатлашиш формати, холос. Улар минтақавий ҳамкорлик ва интеграцияни ҳар томонлама мувофиқлаштирувчи ҳамда йўналтирувчи доимий орган сифатида ишлай олмайди.

Минтақавий жараён шу пайтгача юқори сиёсий даража билан чекланиб, фуқаролик жамияти институтлари, эксперталар ва бошқа нодавлат ташкилотлар ҳамда манфаатдор гуруҳларнинг иштирокисиз олиб борилди.

Юқорида зикр қилинган Чўлпонота битими фақат Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари томонидан имзоланган эди. Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари эса имзо қўйиши кечиктирди, бу мазкур ҳужжатнинг таъсир кучини камайтиради.

Беш давлатнинг минтақадан ташқаридаги бошқа форматлар (ЕОИИ, ШХТ, ТДТ, ЖХБТ ва бошқалар)га аъзолиги борасида фаолиятни ўзаро мувофиқлаштириш бўйича аниқлик йўқ. Бу эса Марказий Осиё минтақавий форматини заифлаштириши ва яшовчанлигига салбий таъсир қўрсатиши мумкин.

Тавсиялар

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, биринчи беш йилликда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувлари муваффақиятли яқунланганини эътироф этган ҳолда, навбатдаги беш йиллик даврда янги босқичга ўтиш мақсадга мувофиқ. 2030 йилга қадар Марказий Осиё ҳамжамиятининг институционал тўла шаклланишига эришиш лозим ва бу борада бажариладиган вазифаларни эълон қилиш зарур. Шу нуқтаи назардан қўйидаги масалалар бўлажак Маслаҳат учрашувларида қўриб чиқилса, фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Минтақавий интеграцияни Марказий Осиё давлатларининг олий мақсади, деб эълон қилиш ҳамда Марказий Осиё минтақавийлигини расман бошқа барча кўп томонлама форматлардан устувор, деб белгилаш лозим.



Тожикистон ва Туркманистон томонидан Чўл-
понота битимиға имзо қўйилишига эришиш ке-
рак.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг
Маслаҳат учрашувларига миңтақадан ташқари-
даги давлатлар вакилларини таклиф этиш амали-
ётидан воз кечиш ва мазкур учрашувларнинг соғ
миңтақавий бўлишини таъминлаш лозим.

Миңтақавий маслаҳатлашув жараёнига фуқа-
ролик жамияти вакиллари ва эксперталарни фа-
ол жалб қилиш зарур. Марказий Осиёнинг барча
мамлакатларидаги кўплаб ижтимоий манфаатдор
турухлар, шу жумладан, фуқаролик жамияти, ме-
дия, бизнес уюшмалари, касаба бирлашмалари-
нинг интеграция доирасида турли миңтақавий
коммуникация, ҳамкорлик ва тадбирларни режа-
лаштириш ҳамда ташкил этишдаги иштирокини
таъминлаш фойдадан холи бўлмайди.

Миңтақавий транспорт, энергетика ва озиқ-
овқат консорциумларини тузиш, шунингдек
сув-энергетика муаммоларини мувофиқлашти-
риш бўйича инновацион қарор қабул қилиш,
Марказий Осиё ягона энергетика тизимини
тиклаш ҳам кун тартиbidаги долзарб масала-
лардан.

Маслаҳат учрашувлари ташқи ишлар вазир-
ликлари даражасида давом этиши мумкин. “Мар-
казий Осиё давлат раҳбарлари Кенгаши” (Европа
Иттифоқидагидек давлат раҳбарлари Кенгаши)
эса миңтақавий интеграциянинг стратегик йўна-
лишлари билан шуғулланиши мумкин. Миңтақа-
вий иқтисодий, транспорт, инфраструктуравий ва

бошқа лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида
Марказий Осиё тараққиёт ва инвестициялар бан-
кини ташкил этиш мумкин.

Давлат чегараларининг делимитация ва демар-
кациясини якунлаш, шу билан бирга, фуқаролар
чегарадан ўтишининг соддалаштирилган тар-
тибини жорий этиш ҳамда умумий миңтақавий
“Ипак йўли” визасини жорий этиш кўплаб қулай-
ликлар туғдиради.

Олтинчи Маслаҳат учрашуви натижалари

Остонада бўлиб ўтган олтинчи Маслаҳат уч-
рашувининг асосий натижаларига тўхтадиган
бўлсак, қўшма баёнотлар ва умумий музокара-
лардан ташқари, давлат раҳбарлари Миңтақавий
ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2040 йилга-
ча мўлжалланган концепциясини қабул қилгани-
ни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бир томондан, ушбу
воеа миңтақавий ишлар йўлга қўйилгани, бирла-
шиш жараёни барқарор кечәётгани ва энди ортга
қайтилмаслигидан далолат беради. Бироқ, бошқа
томондан, бу жуда узоқ муддатдек туюляпти, чун-
ки тезкор ривожланаётган замонда интеграция-
нинг шакли ва динамикаси йил сайин ўзгариб,
такомиллашиб боради. Қолаверса, мазкур ҳужжат
концепция бўлгани учун ҳатто 2040 йилгача ҳам
интеграция бўлмас экан, деган тасаввурни уйғоти-
ши муқаррар.

Олтинчи Маслаҳат учрашувида кўзга ташлан-

ган яна бир жиҳат энергетика ва транспорт вазирларининг учрашуви бўлди. Демак, ушбу соҳаларда жиҳдий интеграциявий силжиш юз бераётир. 1990 йилларда лойиҳа шаклида пайдо бўлиб, кейинчалик қоғозда қолиб кетган сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт консорциумларини тузиш фояси шу кунларда яна кун тартибига кўйилмоқда. Ўзбекистон Президенти томонидан эркин савдо зонаси ва умумий бозорни барпо этиш, туризм соҳасида умумий ID-карталар билан сафар қилишни йўлга кўйиш ташабbusлари илгари сурилди. Буларнинг барчаси, илмий нуқтаи назардан ҳам, интеграция жараёнининг энг асосий шартлари ва омилларидир.

Маслаҳат учрашуви арафасида Қозогистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг “Марказий Осиё Ренессанси: баркарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида” сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Унда янги гоялар, долзарб фикр ва мулоҳазалар байён қилинган. Хусусан, Марказий осиёликлар “яшай олмайдиган” давлатлар (failed states) қаторига қўшилиши тўғрисидаги башоратлар нотўғри бўлиб чиққани таъкидланади. Аксинча, бу минтақа яхлит бўлиб, жаҳон саҳнасида тобора ўзининг субъектлигини (мустақил ўрни борлигини) намойиш этмоқда.

Мақоладаги асосий фоя шуки, муаллиф Марказий Осиё давлатлари учун энди минтақавий хавфсизлик тизимини барпо этиш вақти келганини ургулайди. Унинг фикрича, Марказий Осиё атрофида мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият сақланиб келаётганини инобатга олган ҳолда, мудофаа ва хавфсизлик соҳасида кооперация ташкил қилиш зарурати туғиляпти. Айниқса, минтақавий хавфсизлик архитектурасини барпо этиш ҳамда таҳдидларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиши долзарб масалага айланмоқда. Қосим-Жомарт Тоқаевнинг фикрича, Марказий Осиёда “яхлит хавфсизлик макони”ни шакллантириш устувор вазифадир.

Қозогистон раҳбари “минтақавий ўзлик” (regional identity) тушунчасини муомалага киритиш зарурлигини таъкидлади. Бу тушунча охириги йилларда илмий доираларда кўп муҳокама қилингапти. Дарҳакиқат, минтақавий ўзликнинг шаклланиши ушбу интеграцион жараённинг энг ёрқин ифодаси. Масалан, Европа Иттифоқи доирасида айнан европалик ўзлик шаклланди ва бу интеграциянинг табиий натижаси бўлди. Лекин бизда, европаликлардан фарқли ўлароқ, минтақавий ўзликнинг шаклланиши эмас, унинг мавжудлиги ҳақида гапирсак, тўғри бўлади. Бошқача айтганда, агар “кўхна қитъа”да минтақавий ўзлик интеграция жараёни маҳсули бўлса, Марказий Осиёда бу кўп жиҳатдан минтақавий ўзликнинг мавжудлиги туфайли амалга ошмоқда.



“Минтақавий ўзлик” концепциясини кейинги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти ҳам, олим ва эксперплар ҳам илгари суриб, унинг мазмун-моҳиятини муҳокама қилиб келмоқда. Амалда бу воқелик минтақада тобора намоён бўлмоқда. Масалан, шу йил апрель ойида Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Икки давлат раҳбарлари Хива шаҳрида норасмий учрашувларга асос солди, десак бўлади. Қизиги, ана шу норасмий учрашувда Президентлар бундан буён тандем бўлиб ҳаракат қилишини эълон этишди. Бошқача айтганда, улар (яъни тандем) рамзий маънода қўл берриб, елкадош бўлиб, биргаликда минтақавий ва халқаро майдонда сиёsat олиб боришади. Демак, шу орқали умумий ўзликни намойиш этишди.

Яқинда минтақавий ўзликнинг яна бир рамзий ифодасига гувоҳ бўлдик: Париждаги Олимпиада ўйинларида қўшни халқлар ўзбекистонлик спортчиларнинг ютуқларидан хурсанд бўлди ва бу муваффақиятларни ўзлариникидек қабул қилди.

Келгусида минтақавий ўзликни янада ривожланитириш, унинг ҳаётий аҳамиятини мустаҳкамлаш лозим. Илмий ибора билан айтсан, бу умумий ўзликни капитализация қилиш зарур.

Давлатлар олдида жиҳдий синовлар турибди: энди улар минтақавий ва халқаро масалалар бўйича умумий позицияларини ишлаб чиқиб, ҳақиқатан ҳам бирлашганини намуна сифатида кўрсатишлари лозим. Зотан, стратегик шерик ва иттифоқдошлардан амалда айнан шу мақомда ҳаракатланиш тақозо этилади.

Маҳмудхұјса БЕХБУДИЙ

ҚОЗОҚ ҚАРИНДОШЛАРИ МИЗГА
**ОЧИК,
ХАТ**



Азиз қариндошларим! Мусулмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон демак туркий эл бўлиб, мундаги халқнинг қозоги, қирғизи, сарти, ўзбеги, туркмани, татари – ҳаммаси турк-мўғул болалари ҳамда жаҳонгир Чингизхон ва Темурнинг авлоди ёки оға-инисидурлар. Туркистондаги араб, хўжা ва саййидлар-да ўз тилларини йўқотиб, балки билкулли турклашиб ва ҳатто арабликларини эсларидан чиқариб, сиз турк ва мўғуллар ила ҳар жиҳатдан бирлашиб кетгандурлар. Туркистоннинг энг оз шаҳарларида ва баъзи тоғларида бироз форс, яъни тоҷиклар борки, алар ҳам камолан мусулмон ва сиз ила ҳаммазҳабдурлар. Тирикчиликларининг ўзбеклардан фарқи ўйқ даражададур.

Бовурлар! Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва, сиз билингки, “Ҳақ олинур, берилмас!”. Яъни “Мухторият”ни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб ғайрат ила олурлар, албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлиқ қилсанк ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъӣ қилмасак, албатта, ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам ўйқ қилурлар, бул, албатта, шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур.

Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, туркмани, араб, форс, хулас, Туркистондаги, Қозогистондаги ва Туркманистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иштироқ ила шу мухториятнинг амалга келишига саъӣ ва эҳтимом этмоғимиз лозимдур. Агарда бизга ўз бoshimiziga, шариат, урф ва одатимишга мувофиқ тирикчилик қилмоқ керак бўлса, ҳаммамиз вақтли низоъ ва “манман”ликни қўйиб, ҳамма нарсани эсимиздан чиқариб, ёлғуз “мухторият” учун ҳар нимарсамизни фидо этмоғимиз лозимдур. Мундай фурсат ва замоннинг бизга қайтиб келиши матълум ўйқ, қадрини билиб ишламоқ керакдур. Вақт ўтгандан сўнгра ўкинмоқ фойда этмас.

Шуни-да билингки, қозоқ ўз бошига, шаҳар халқи ва атрофи ўз бошига айрилиб, бошқа-бошқа

мухторият қилмоқчи бўлганда, иккиси ҳам муддаоға етмайдур. Сиз, қозоқ қариндошларимиз, оре, чўлдасиз, аммо сиздан бир кўп халқлар ҳам шаҳарларда ва шаҳарлар теварагиндадур. Тирикчилик шундай нимарсаки, чўл ила шаҳар ва қишилоқ халқини бир-бираға боғлагандир, бир-бирағдан ажралиб яшаёлмайдур. Шаҳар халқи ила бирлашиб мухториятни бошқарғанда сизларға зарар келмай, балки фойда келур.

Мухториятни бошқармоқ учун ёлғуз сиз-да кифоят этмаганингиз каби ёлғуз шаҳар ва атрофидағи халойиқ ҳам кифоят эмас, балки иккингиз-да кераксиз. Шуни-да билингки, сизлар турғун халқ ила бирлашиб мухторият қилған ила сиз ила турғун халқ учун биргина нав қонун бўлмай, балки сизнинг тирикчилик ва одатнингизга мувофиқ алоҳида сиз учун нафлиқ қонунлар ёзилур. Шариат ҳам кўчма ва чўл мусулмонларининг урф ва одатлариға кенглик бергандир. Сиз ўйланмангки, турғун халқи ва ё шарлати бизни қисадур. Йўқ, бильгас, сизга кераклик одатларингизни сизга қолдириб, сиз учун, сизнинг зиёли вакилларингиз учун-да бошқа-бошқа қонун тузалур.

Ҳатто Туркистондаги баъзи уезд ва шаҳарлар учун алоҳида қонунлар тузалур. На учунки, ҳамманинг тирикчилиги бир эмасдур. Яҳудий ва христианлар учун-да бошқа қонунлар тузга олур. Ҳар бир халқнинг одат ва мазҳабига риоя қилинур. Ҳуносас: мухториятни миллат мажлиси ҳар бир халқнинг нағини кўзда тутуб, қонун чиқарар. Агарда сиз, қозоқ биродарлар, турғун халқдан ажралиб, ўзга мухторият қилурмиз десангиз, мундан сиз-да ва турғун халқ-да зарар кўтар ва, эҳтимолки, иккингизга-да мухториятдан насиб бўлмас, азбаски куч таралур.

Бобонгиз Чингизнинг машҳур насиҳати бор, у ўз ўғуллариға қилиб ёдики, бирлашингиз. Масалан, бир даста таёҳни бирга боғласангиз, кимса синдиrolmas. Агарда ажратсангиз, бирин-бирин ҳар ким синдурадар. Мана, бобонгизнинг буйруғи.

Чироғларим! Бошқа халқлар, масалан, серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар, ҳатто, дунёнинг у бир

учидағи қариндошлари ила бирлашур эканлар. Бошқа катта ва қувватли давлатларга тобе бўйлуб, ютилиб, ҳатто тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқга жон ва қучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимишдаги қариндошларимиздан айрулсан, уятдур, аҳмоқликдур. Турк томуриға болта урмоқликдур.

Онгли қозоқлар ўйласинлар, тарихга қарасинлар, зиёли қозоқлар, Оврупонинг ихтилоф солиб, миллатларни ажратмоқ сиёсатига ва икки юзлигига қарасунлар эди. Бирлашғон Туркистон халқининг бўлунмоқиға ўзимиз сабаб бўлмасак эди. Барча ихтилофчилар ва бошқалар-да, албатта, зарар кўярлар ва алар ила баробар татарлар-да, бизда мундан зарар кўурмиз ва ихтилофимизнинг жазосини тортармиз. У кунларимизда ўиғлармиз, аммо фойда этмас.

Чироғларим, бирлашайлук! Кўрасиз, бу кунги руслар-да бирлашмоқдадурлар. Энди бирлашмоқ замонидир. Агарда сиз айрулсангиз, туркман қариндошлар-да айрулса, Туркистон турклари уч ерга бўйниб кетар ва барчага мухториятдан насиба чиқмай қолур. Еттисувдаги мусулмон қариндошларга ҳам айтатурғон сўзим шуладур.

Андаги христианларга келгунча, алар билсунларки, Еттисувда кўп бўлсалар-да, бутун тевракларини мусулмонлар айлантириб олғон ва аларнинг-да бизнинг мухториятга қўшилмоқлари, албатта, ўзлари учун лозим бўлғонидек, Туркистоннинг бошқа жойларидаги руслар учунда фойдаликдур. Чунончи, алар қўшилса, миллат мажлисинда рус аззолари кўпаюр. Бизнинг мухториятимиз жорий бўлғондан сўнгра, Еттисув русларнинг қўйушмасликлари асло мумкин эмасдур.

Ёлғуз сиз ила биз эмас, бутун Русия мусулмонларининг бирлашмоқлари шаръан ва ақлан фарздор.


“Ваътасимуу биҳаблиллаҳи жамиъан вала тафарраку” тангрининг сўзиидур. Бошқа газеталарнинг кўчирмаклари рижо улинур.

Манба: “Хуррият” газетаси.
1918 йил 26 январь.
Самарқанд шаҳри.

“НАМАНГАННИНГ РЕГИСТОНИ”ГА АЙЛАНАЁТГАН АХСИКЕНТ



Халқимизнинг узоқ тарихи ҳақида, асосан, археологик ёдгорликлар маълумот беради. Чунки ўтмишининг асосий қисми ёзма манбаларсиз даврга тўғри келади. Шу маънода, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил қилинаётган Ахсиент археология парки ниҳоятда катта аҳамиятга эга.



Абдулҳамид
АНОРБОЕВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Президентимиз топшириғига мувофиқ, 2017 йилда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент тарихий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш бўйича улкан ишлар бошланган эди. 2018 йил охири – 2019 йил бошларида бу ёдгорликнинг битта обьектида (VIII) Ўзбекистонда биринчи бўлиб “Очиқ осмон остидаги музей” ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 28 февраль куни Наманган вилоятига ташрифи чогида Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент археологик ёдгорлик мажмусини бориб кўрган, олиб борилаётган археологик қазишмалар билан танишиб, тегишли тавсия ва топшириқлар берган эди.

Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази Ахсикент комплекс экспедицияси томонидан Ахсикент ва Фарғона водийсининг бир неча ёдгорликларида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Уларнинг дастлабки натижалари 2023 йилда нашр этилган “Ахсикент археология парки” номли (ўзбек, инглиз ва рус тилларида) монография-альбомда ўз аксини топди.

Ушбу китобда Фарғона водийсида ибтидоий деҳқончиликнинг пайдо бўлиши, илк шаҳарлар ва давлатчилик шаклланиши, марказлашган давлат пайдо бўлиши, самовий тулпорлар учун Фарғона-Хитой уруши юзага келиши, Буюк Ипак йўли ва унда Фарғона давлатининг ўрни, Фарғона-Ахсикат шаҳри ҳамда бу ердаги ер ости ичимлик сув тармоғи ва шу ерда тайёрланиб, Дамашқда сотилган, дунёга машҳур “Дамашқ қиличлари” ҳақида маълумотлар берилган.

Сўхдан топилган иккى чипор илон тасвири туширилган тош ҳайкалча ҳамда сигир согаётган аёл акс этган бронзадан ишланган тўғноғич милоддан аввалги III-II минг йилликларнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида яшаган қабилалар ўзига хос маданият яратгани ва улар жанубий цивилизация вакиллари билан яқиндан алоқада бўлганидан дарак беради.

Бизга маълумки, милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида ҳозирги Ўзбекистон худудида сугорма деҳқончиликка асосланган деҳқонлар кўналгалари (манзилгоҳлар) ташкил топади. Жанубда Сополли маданияти гуруҳига киравчи Жарқутон ва Сополли ёдгорликлари,


Сўғдда Кўкте-па ёдгорлиги, Фарғонада Чуст маданияти гуруҳига киравчи ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Милоддан аввалги VII асрга келиб эса Бақтрия, Сўғд ва Фарғонада дастлабки марказлашган давлатлар

ташкил топади. Хусусан, милоддан аввалги II-I асрлардаги хитой манбаларида тилга олинган Фарғона давлатига милоддан аввалги VII-VI асрларда асос солинганига шубҳа йўқ. Ушбу давлатнинг пойтакти қаерда бўлганини ҳозирча билмаймиз. Лекин қадимги Поп шаҳри ҳаробаси ҳисобланмиш Қирқхўжра ёдгорлигининг шаҳристонида очилган зардуштийлик ибодатхонаси ва икки қисмдан иборат шаҳар қалъаси ўз маҳобатли кўриниши билан милоддан аввалги VII-IV асрлардаги Фарғонанинг сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар бермоқда. Милоддан аввалги 329 йилда ушбу давлатнинг жанговар армияси Искандар бошлиқ грек-форс кўшинларининг водий ичкарисига киришига йўл кўймаган.

Милоддан аввалги III асрда ҳозирги Ахсикент ёдгорлиги ўрнида Фарғона давлатининг янги пойтакти – Ахсикат шаҳрига асос солинади. Давлатни маълум қонун-қоидалар асосида Подшо ва Парламент (Оқсоқоллар кенгаши) бошқарган. Оиласда эркак ва аёлнинг тенглиги ўрнатилган. Милоддан аввалги 90-йиллардан кейин Фарғонанинг сиёсий ҳаётида ўзгаришлар юз беради. Давлат тепасига юечжи (тўҳорлар) қабилалари миграциясида қатнашган ва йўл-йўлакай Фарғонада қолиб маҳаллилашган ярим кўчманчи ҳамда кўчманчи туркий қабила вакиллари келади.

Худди шу даврда Фарғона водийсида 9-10 балли кучли зилзила содир бўлади. Ушбу фожиадан Шимолий Фарғона шаҳарлари, жумладан, пойтакт Ахсикат катта зарар кўради. Фарғонанинг янги ҳукмдорлари ҳозир-





ги Косонсой шахрининг шимолида жойлашган Мұғтепа ёдгорлиги ўрнида ўзларига янги сиёсий пойтахт қурадилар. Фарғона давлатининг пойтахти то милодий VII асрнинг ўрталаригача шу ерда қолади, сўнг бош кент яна аввалги жойига кўчирилади. Ушбу давр ичидаги Фарғона бир томондан Хитой, иккинчи томондан дастлаб Буюк Турк хоқонлиги, сўнгра Фарбий Турк хоқонлиги, учинчидан Кутайба бошлиқ араблар ва Араб-Тибет каналициясининг сиёсий таъсирида бўлади.

Ахсикент ёдгорлиги ўрнида бўлган пойтахт шаҳар ёзма манбаларда қадимдан то IX аср ўрталаригача Фарғона (хитойча “Юан”), тангаларда IX асрнинг иккинчи ярмидан XI асрни ўрталаригача Фарғона-Ахсикат, XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ёзма манбаларда фақат Ахсикат деб тилга олинган.

Ривожланган ўрта асрларда (IX-XII) пойтахт шаҳар Фарғона-Ахсикатнинг майдони 400 гектардан, аҳолиси эса 200 мингдан ошиб кетиб, ўз даврининг “мегаполиси”га айланади. Ушбу даврда шаҳар тўлиқ ер ости водопровод тизими билан таъминланади. Аниқроқ айтганда, 5 метр

чуқурликда ер остидаги водопровод тармоқлари бадавлат оиласларга тегишли уйларнинг тагидаги пишиқ ғиштдан қурилган гумбазли хона ичидаги ҳовуз орқали ўтган. Шу билан бирга, шаҳар ҳовузлари доимо ичимлик сувга тўла бўлган. Бу ердаги устахоналарда қаттиқ ва юмшоқ пўлатдан тайёрланган қиличлар Халифалик пойтахти – Дамашқ бозорларида сотилган. Ушбу қуролларни гарбий европалик рицарлар “Дамашқ қиличлари” деб атаган...

Давлатимиз раҳбарининг: “Ахсикент – жуда ноңдир ёдгорлик. У ердаги ишларни илм билан, миллий гурур билан, хурмат билан қилиш керак. Бу жой “Намангандон Регистони” бўлиши керак”, деган фикрлари асосида Ахсикент ёдгорлигига 6609 квадрат метрдан иборат 4 та объект (XI, XVIII, XIX, XXIV асрлар) “Очиқ осмон остида-

ги музей” комплекси қурилишга тайёрланди. Қурилиш-монтаж ишлари замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиб, 2024 йилнинг охиригача ниҳоялаш режалаштирилган.

Бу ерда 2100 йил аввал бунёд этилган шаҳарнинг маҳобатли мудофаа деворлари, деворий расмлар билан без-



атилган ўрта асрларга оид тураржой қолдиқлари, ушбу уйлар тагидан ўтган ер ости водопроводлар, канализация ва иситиш қурилмалари, ювениш хоналари, пишиқ гиштдан тикланган гумбазли ер ости тагхоналар ва бошқалар намойиш этилади.

Бу даврда Ахсикент комплекс экспедицияси илмий ходимлари Россия Фанлар академияси Ер физикаси институти ва Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институти илмий ходимлари билан ҳамкорликда Фаргона водийси археология ҳамда меъморий ёдгорликларида археосейсмологоик тадқиқотлар олиб бориб, муҳим илмий янгиликларни қўлга киритди. Натижада зилзилалар тарихи 3 минг йилга узайтирилди. Майдум бўлишича, ҳар 500-600 йилда 9-10 балли, 300-400 йилда 7-8 балли, 100-200 йилда 4-6 балли ер силкинишлари юз бериб, маҳаллий ҳалқ ҳаётида катта йўқотишлар ва қийинчилликларга сабаб бўлган экан. Масалан, бундан 2900 йил аввал содир бўлган 8 балли зилзилалар туфайли водийдаги 3 та шаҳар ва 80 дан зиёд қишлоқ бутунлай вайрон бўлган. 2100 йил аввал юз берган 9-10 балли ер қимирлашлари натижасида хитой манбаларида тилга олинган Фаргона-Ахсикат (хитойча “Юан”) ва Ючен (Эйлатан) ер билан яксон бўлган. Фаргона шаҳри қайта тикланади, лекин Ючен тарих саҳифасидан бутунлай ўчиб кетади.

Ушбу янгиликлар дунёнинг нуфузли илмий журналларида 20 дан зиёд илмий мақола кўринишида нашр қилинди. Бу илмий ютуқлар Американинг “Springer nature” ташкилоти томондан эътироф этилиб, 2019-2023 йиллар давомида Ўзбекистон фани рейтингига энг юқори 5 талика киргани эълон қилиниб, маҳсус сертификат билан тақдирланди.

Шу йил 11 июль куни Президентимиз Фаргона вилоятига қилган ташрифи чоғида Кўқон шаҳрининг 2000 йил аввалги қолдиқлари хисобланган Тепакўргон ёдгорлиги олдида соҳа олимлари билан учрашиб, археологик тадқиқотлар ва қўлга киритилган илмий янгиликлар билан танишди. Давлатимиз раҳбарига Учинчи Ренессанс ва Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдевори тикланаётган даврда Ахсикентда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда Кўқоннинг узоқ ўтмиш тарихи бўйича қўлга киритилган илмий янгиликлар ҳақида маълумот берилди. Жумладан, Сўхсойнинг қадимги ирмоқларидан бири Кўқонсойнинг каналга айлантирилиши, Кўқон шаҳри ва унинг атрофидаги ерлар бундан 3000 йил аввал ўзлаштирилиб,



кенг кўламда дехқончилик қилингани борасидаги дастглабки материаллар қўлга киритилди. Кўқон бундан икки минг йил аввал хитой манбаларида тилга олинган Фаргона конфедератив давлатига кирувчи худудий мамлакатлардан бирининг маркази бўлган.

Президентимиз мазкур археологик тадқиқотлар ва илмий янгиликларни маъқуллadi ҳамда келгусида қилинадиган ишлар юзасидан кўрсатмалар берди. Жумладан, ҳалқимизнинг узоқ ўтмишини ўрганишда археологик тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этиши, бунда асосий эътиборни шаҳарлар ва давлатчилик тарихига қаратиш зарурлиги таъкидланди. Кўқоннинг қадимги тарихини тиклаш мақсадида мазкур шаҳар ва унинг атрофидаги худудларда кенг кўламли археологик тадқиқотлар олиб бориш учун Республика бюджетидан 10 миллиард сўм маблағ ажратилиши эълон қилинди. Тепакўргон ёдгорлигида, Ахсикент тажрибасидан келиб чиқиб, “Очиқ осмон остидаги музей” барпо этиш ва уни туризм обьектига айлантириш вазифаси топширилди.

Умуман олганда, археологик ёдгорликларни замон талабига мувофиқ ўрганиш ва уларни “Очиқ осмон остидаги музей”ларга айлантириш ҳалқимизнинг узоқ ўтмиш тарихини яратишдаги долзарб вазифалардан бўлиб қолади. Зотан, Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдевори унинг шонли кечмиши билан узвий боғлиқдир.





Бахтиёр АЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Фанлар
академияси Абу Райхон
Беруний номидаги
Шарқшунослик
институти катта илмий
ходими, тарих фанлари
номзоди

CRITICAL SECURITY STUDIES
IN THE GLOBAL SOUTH
SERIES EDITORS: PINAR BILGIN · MONICA HERZ

Incomplete State-Building
in Central Asia

The State as Social Practice

Viktoria Akchurina

palgrave
macmillan

НОТУГАЛ ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИМИ ЁХУД НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИЛМАГАН КОНЦЕПТУАЛЛАШУВ?

1

Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон (муаллиф уларни “Марказий Осиё” номи остида умумлаштирган) “түгелланмаган, айрим бўлаклардан иборат” (“incomplete”¹) давлатлардир, деб ёзди Виктория Акчуринна “Incomplete State-Building in Central Asia: The State as Social Practice” (2022) номли китобида. Сирасини айтганда, у “incompletestate” сўзи замирида бу мамлакатлар тўла-тўқис суверен эмас, деган қарашни илгари суради.

Улбу тақризда В.Акчуринна келтирган далилларга нисбатан таңқидий муносабатни ва уларга зид бошқача қарашни баён этмоқчимиз. Яъни “incomplete” (“барбод бўлган”, “чала қолган” ёки “түгелланмаган”) тушунчаси китобда янглиш, ноўрин қўлланилганини, сиёсий транзитология (ўзгарувчанлик) ва тарқоқлик назариясидан келиб чиқилса, ўрганилаётган давлатларнинг бутунги ҳолатини ҳаққоний акс эттиришга, изоҳлашга имкон бермаслигини кўрсатиб ўтмоқчимиз. Колаверса, “incomplete” китобда мафкура-лаштирилган маънода ва ҳиссиётга берилган тарзда қўлланилган.

В.Акчуринна Марказий Осиё давлатларига нисбатан “failed state” (“такомилга етмаган”, “ўнгланмайдиган” давлатлар) атамасини қўллаш бир қадар ноўринлигини тан олса-да, ундан буткул воз кечмайди ва “incomplete state” (“нотугал”, “бўлакларга бўлинган” давлат) истилоҳидан фойдаланади (9-бет).

Муаллиф Ўзбекистон, Кирғизистон ва Тожикистонни, бу республикалардаги сиёсий, ирқий ва диний тўқнашувлар сабаб, “такомилига етмаган, муваффақиятсизликка учрайдиган” давлатлар дейди ва китобнинг 1-2-бетларида Қирғизистонда (2010 йил 10 июнда Ўшда бўлиб

ўтган қирғизлар ва ўзбеклар ўртасидаги тўқнашувлар; 2010 йил апрелдаги Бакиевга қарши намойишлар, оқибатда Қирғизистонда рўй берган “инқилоб”); Ўзбекистонда (2005 йил 13 майдаги Андижон воқеалари); Тожикистондаги (2010 йили Рашт ва Хўжандда экстремизм ва наркотрафикка қарши амалиёт; 2012 йили Бадаҳшондаги ҳарбий амалиёт; 2014 йил 5 октябрда мухолифатга қарши кураш; 2022 йил баҳорида Тоғли Бадаҳшон автоном вилоятининг Хорог шаҳридаги нотинчилклар) рўй берган воқеаларни санаб ўтади.

Таъкидланишича, “Оммавий нотинчлик, диний экстремизм, террорчилик хуружлари ва миллатлараро низолар давлатнинг аломатлари сифатида тан олиниади (state failure), шунингдек, демократия ва ҳалқаро хавфсизликка таҳдид деб қаралади” (FSI 2015), “Айни пайтда бадният элиталар ва истибододга асосланган идора усули давлатнинг нотугаллиги сабаблари сифатида кўрсатилади” (malign elites or despotic regimes have been seen as explanations for state failure), (2-бет).

Ёзилишича, Transitology approach (давлатнинг демократияга муваффақиятли ўтишини ўрганувчи сиёсий транзитология) ва state-building approach (давлатчилик асослари, тарихи ва амалиётини ўрганувчи давлат қурилиши назарияси) каби долзарб қарашларга хос “бирёқлама мантиқ” (linear logic)дан четлашиб, кўрсаткичлари даставвал турлича бўлган давлатни ва ижтимоий мухитни шаклантириш жараёни охир-оқибат бир-бирига ўхшаш натижаларга олиб келиши мумкин (kitobda бу уч мамлакатнинг нотугал, тарқоқ ҳолга келиши уларда давлат қурилиши лойиҳаларининг қўлланиши оқибати сифатида изоҳланган).

Методологик жиҳатдан муал-

лиф Майкл Маннинг “тарқоқ, нотугал, бўлакларга бўлинган давлатлар (...) давлат даражасида шакланмаган тузилмалардан хавфлироқ экани” (Michael Mann: “factionalized states are more dangerous (...) than failed states”) ҳақидаги фикрига таянади, шунингдек, давлатнинг ҳудудий ва функционал жиҳатдан тарқоқлиги, парчаланиши назариясини ишлаб чиқкан Чарльз Тилли қарашларига асосланади (3-4-бетлар).

Унинг фикрича, мустақилликнинг дастлабки йилларини ҳар учала мамлакат турлича бошлаган бўлса-да, иккинчи ўн йилликда бир хил давлат бошқаруви инқирозига юз тутган. Китобда давлат марказлашуви, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти либераллашувига турли даражада киришган уч республика охир-оқибат нима учун бир-бирига жуда ўхшаш натижага эришди, деган масала ўртага ташланган (3-бет).

Шунингдек, яна бир тадқиқталаб саволни, яъни давлат қурилиши лойиҳаларида шу давлатнинг ўзига вайронкор таъсир қиласидаги қандайдир жиҳатлар борми, деган масалани кўтаради. Бу саволга асос сифатида “демократиянинг қора томони”ни кўрсатган Майкл Манн мисол сифатида келтирган Сербия ва Хорватия миллатчилари, миллатчи-хутулар, Германия фашистлари билан боғлиқ воқеаларни санаб ўтади (4-бет).

2

Марказий Осиё мамлакатларидаги инқирозли ҳолатлар, муаллиф фикрича, мустақилликнинг 20 йили давомида уларнинг давлат сифатида тўла шаклана олмаганига тўғридан тўғри ишорадир (муаллиф “failed states”, “fragile states” ёки “failing states” сўзларини қўллади).

Унинг уқтиришича, Ўзбекис-

¹ Incomplete – 1) чала; 2) нотугал, нуқсонли; 3) ниҳояланмаган, охирига етмаган (Мюлпернинг инглизча-русча луғати). Матнда “түгелланмаган”, “парчаланган”, “бўлинган” ва ҳоказо маъноларда қўлланилган.

тон, Қирғизистон ва Тожикистон “кучли” давлат бўлиб шаклланмаганинг учта сабаби бор: 1) совет мероси (Soviet legacy) (чегаралаш ва ҳоказо); 2) ташқи омиллар (external factors) ва 3) маҳаллий элиталарнинг коррупцияга ботгани (local elites) (4-бет). Ва бу уч давлат “худудий жиҳатдан ҳам, функционал томондан ҳам бўлиниб кетган” (4-бет).

Келтирилган ушбу омиллардан кўринадики, муаллиф барабир сиёсий транзитология ва давлат қурилиши назариялари га таянади (ва бу қарашлардаги камчиликлардан кўз юмади), аммо бўлакларга бўлинган, бўлинмаган тарзидағи яна бир ўзгарувчан тушунчани қўллади.

Лекин, бизнингча, бу уч омил (мерос, ташқи сабаблар ва маҳаллий элиталар) янги замондан то бутунги кунгача ўзи империя бўлган, империя таркибига кирган ёки бошқа давлат таъсиридаги ҳар қандай мамлакатга хос хусусиятлардир. Худудий ва функционал тарқоқликка асосланиш ҳам ўзини оқламайди, негаки, бундай камчиликларни Европа мамлакатлари мисолида (Испания, Британия) ҳам, fragile or failed states деган таснифга сира мос келмайдиган бошқа давлатлар, блоклар, иттифоқ, бирлашма ва федератив мамлакатлар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Дунёнинг ҳеч қайси давлатида, ҳатто энг тараққий этганларида ҳам ҳокимиятдагиларнинг муайян даражада коррупцияга алоқадорлиги га шубҳа йўқ.

Қолаверса, иқтисод ва сиёсатдаги айrim муваффақиятлар давлатнинг “тўқису тугаллигини” англатмайди, чукур инқизоз эса дунёга турфа ёндашувларнинг (кенгроқ айтганда, борлик ҳақидаги турлича қарашларнинг) тўқнашуви бўлиб, давлатнинг “ноқису нотугаллигини” далилламайди. Транзитологияни танқид қилганлар ҳам бу назарияда европацентризмга оғиши кучлилигини, элиталарга ҳад-

дан зиёд ургу берилишини таъкидлашади.

Умуман, давлатнинг “тўқислиги, тугаллиги” ҳақида фикр юритиш учун солиширишга арзирли бенуқсон намуна керак. Лекин барча давлатлар интилиши шарт бўлган намуна бор дея бошқаларни ҳам шунга даъват этаверсан, бу камситишнинг бир шакли бўлади. Чунки ўша “бекам-кўст”-га салгина мос тушмаслик ҳам “нотугаллик”, “нуқсонлилик”, дея баҳоланади. Агар Европа мамлакатлари ва АҚШни тўқис, мукаммал намуна сифатида кўрсан, у ҳолда, муҳокама қилинаётган Марказий Осиёдаги уч республика ҳам, дунёдаги бошқа давлатлар ҳам (айrim истисноларни хисобга олмаганда) уларнинг нусхаси бўлолмади. Агар дунё ҳамжамиятининг бир қисми сифатида ҳар бир ҳалқнинг ўзигагина хос тарихий, маданий мероси, келажакка ёндашуви, тажрибаси, ҳақиқату орзулари, харитада ўз ўрни борлигини унутмасак, унда Марказий Осиёдаги бу уч мамлакат ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам давлат сифатида тугалликка эришган, дея оламиз. Дейлик, Марказий Осиёдаги бу уч республикада бор нарсалар Европа ва АҚШда йўқ, бундан келиб чиқиб, европаликлар ёки америкаликларни айни шу маънода нотугал, дейиш мумкини? Бизнингча, саволнинг жавоби маълум.

В.Акчурина институционал ташкилотлар ва жамиятдаги тузилмалар (автономия ва бир бутунлик, кўлам ва куч-кудрат, истибод ва инфратузилма) ўртасида тафовут, зиддият қидириб топишга интилади. Ва топганини шундай изоҳлайди: “Марказий Осиёда давлатнинг кучи, кудрати ёки мустабид ҳокимияти мавжуд, бироқ унинг кўлами ва инфраструктуранинг хукмронлиги мамлакат худудини ёки жамиятни тўла қамраб олмаган. Давлат жамиятга таъсири этувчи трансмиллий жараёнларни ёйиш ёки йўналтириш

имконига, жамият билан муносабатларга таъсири эта олиш курдатига эга эмас” (9-бет). Яъни, унингча, давлат ҳокимияти ижтимоий жабҳада ҳам, ҳатто худудий жиҳатдан ҳам (автономиялар сабаб) тўла ҳокимиятга эга эмас.

Китобнинг номида ҳам қайд этилган энг асосий атама – “incomplete” (“нотугал”) беихтиёр қиёслаш зарурлигини тақозо этади. Луғатда “incomplete” сўзи маъноси қуйидагича изоҳланган: “Something that is incomplete is not yet finished, or does not have all parts or details that it needs” (Collins COBUILD dictionary). Бу атама китоб матнида зиддиятни, ҳатто тузоқни юзага келтиради: муаллифга кўра, юқорида номлари келтирилган уч мамлакат “complete states”, яъни тугал, бенуқсон давлатларга айланиши учун макон (худуд) ва жамоат ташкилотлари устидан тўла назорат ўрнатиши лозим, акс ҳолда улар “нотугал”, “бўлакларга бўлинган” бўлиб қолаверади (Майкл Маннга кўра, бундай давлатлар ҳатто “давлат даражасида шаклланмаган тузилмалар”дан ҳам хавфли). Аммо муаллифнинг бу давлатлардаги ҳокимиятнинг мустабидлиги ҳақидаги қарашидан келиб чиқилса, уларнинг жамият ва инфратузилма устидан тўлиқ ғалабасию назорати номақбул, деган хуласага келинади. Бошқа томондан, “демократиянинг қора тарафи”, миллатчилару фашистлар хуружига ўхшаш эҳтимолий таҳдидлар хисобга олинса, тадқиқ этилаётган Марказий Осиё мамлакатларидағи, В.Акчурина даъво қилаётганидек, “нотугаллик” ва “бўлиниш”нинг ижобий жиҳатлари кўзга ташланади.

3

Агар В.Акчурина китобнинг кириш қисмига қўйган сарлавҳадагидек, “давлатга ижтимоий амалиёт натижаси сифатида” ёндашилса, Марказий Осиёдаги

вазиятга ўзгача нигоҳ билан қараш тақозо этилади ва назаримизда, бундай ёндашувда Марказий Осиё давлатларининг ҳозирги ҳолатига сабаб бўлган тे-ран “маънавий” омиллар яққол намоён бўлади.

Муаллиф Фукуяманинг² бир мулоҳазасини (9-бет) келтирадики, унда яхши фаолият юритувчи давлат институтлари ўзи-га хос ақл-заковатни талаб эта-ди, деган мухим фикр бор, лекин В. Акчурина бу гояни ривожлан-тирмайди.

Назаримизда, “нотугаллик” сабабини биз когнитив, “маънавий”, “идеал” аспектлар каби “кўзга кўринмас” жиҳатлардан излашимиз даркор. Бу жиҳатлар совет мероси, ҳокимиятдагилар-нинг коррупцияга берилиши ёки ташқи кучлардан кўра чуқурроқ (лекин уларнинг ҳам таъсири бор, албатта). Шу тарафдан қаралса, ҳокимият, иқтисодиёт ва жамиятда кечайтган жараёнларни тушуниб етиш осонлашади. Ишонч ва маъно бирламчи. Ўз-гариш аввал одамлар онгига рўй бериб, кейин ташқарига ёйлади. Гоялар бирламчи, уларни амалга татбиқ этиш эса кейинги ўринда. Муайян бир мамлакатдаги тарқоқлик ўша ердаги ғоя ва тасавурларнинг бир-биридан йироқлиги, уйғунлашмагани билан боғлик. Демак, ўша юртда “жамловчи”, бирлаштирувчи, бир бутунга айлантиришга қодир гоялар ўйлаб топилмаган. В. Акчурина айтиётган тарқоқ-ликнинг боиси ҳам шунда.

Собиқ иттифоқ парчалангач, Ўзбекистонда гарбий европа-ча, америкача атама, тушунча, назария ва гоялар, ҳатто исмлар, қиёфалар, тимсоллару орзулар (аслида уларнинг ўзи нотугал ва чекланган) шошилинч тарзда импорт қилинди-ки, улар ғоялар оламида ҳам, амалда ҳам бу худудга бегона

эди. Сунъий тарзда олиб кирилган мазкур образлар ва гоялар аввалдан мавжуд, совет замонидан бурунги ва шўро даврига хос тушунчалар билан қоришиб (Марказий Осиё собиқ иттифоқ минтақалари орасида энг “советлашган” ҳудуд бўлганини унутмайлик), аҳоли дунёқарашини алғов-далғов қилиб юборди: кўп қутбли, чалкаш, ўзаро зид маслагу гоялар оламини юзага келтириди. “Суверенитет” тушунчасини (бошқа сиёсий тушунчаларни ҳам) қандай қабул қилиш, англаш борасида яқдил тўхтамга келинмагунча, бу чалкашлик давом этаверади. Лекин бирор-бир ташқи куч бу борада мамлакатга ёрдам беролмайди. Чунки глобаллашган дунё бир томондан суверенитетнинг ижобийлигини инкор этса, бошқа томондан ушбу тушунчанинг (айниқса, Россия ва Хитойдан мустақилликнинг) ижобийлигини эътироф этади. Илмий тилда бу “ахборот хуружи” дейиладики, муайян бир масала ёки муаммо бўйича ўзаро зид ахборот хуружи йўнал-

тирилган мамлакат мўлжалидан адашади ва шу боис концептуаллашув амалга ошмайди. Демакки, “мустақиллик”, “суверенитет” тушунчалари амалда ишламайди, ўзлаштирилмайди. Тарихнинг мазкур даврида ушбу маконда “мустақиллик” нимани англатиши тушунарсизлигicha қолади; бугунги дунёнинг ушбу тарихий босқичида мазкур тушунча амалга татбиқ этилмайди, долзарб бўлолмайди. Дунёдаги вазият, шароитта уйғунлаша олмаслик эса европалик ва америкаликларга “ўхшаш”га халал беради ва бу, ўз навбатида, тушунмовчилик, нотўғри сиёсий баҳо беришга сабаб бўлади.

Хўш, ана шу сабабларни рўяч қилиб мамлакатни “муваффақиятсиз”, “нотугал давлат” дейиш тўғрими? Йўқ, албатта. Илмий томондан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам бундай дейиш хато.

Европача англаш ва мушоҳада юритиш тарзининг интеграцияси ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва гоявий кучга таянган ҳолда Ўзбекистонда шиддат билан амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Гарбий европача демократик ёндашувнинг юртимизга мажбуран тиқшиштирилишини мустамлакачиликнинг ўзига хос бир тарзи, дейшиш мумкинки, бу ўйсин сиёсий кураш, шунингдек, мамлакатдаги ўзгача фикрловчиларни жазолаш, айни пайтда ривожланган давлатлар томонидан Ўзбекистонга тазиик ўтказиши (бу ҳам “демократиянинг қора томони”) мақсадида қўйланилмоқда.

Шундай экан, Марказий Осиёдаги уч мамлакатнинг бугунги ҳолатини ҳокимиятнинг коррупциялашуви, собиқ иттифоқдан қолган мерос ёки ташқи таъсир билангина изоҳлаш нотўғри. Юзаки таъсирга эга ушбу омиллар мазкур давлатларни айни пайтдаги ҳолатга олиб келган асл сабаблар эмас.

² “While we know much about state-building, there is much we do not know, particularly about transferring strong institutions to developing countries. We know how to transfer resources, people, and technology, but well-functioning public institutions require habits of mind and operate in complex ways that resist being moved” (Fukuyama, 2004)

ТОШМУҲАММАД ҚОРИ-НИЁЗИЙ – АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ МУНОСИБ ВОРИСИ, ЎЗБЕК МАТЕМАТИКА АТАМАШУНОСЛИГИ АСОСЧИСИ

Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий – атоқли математик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Мехнат Қаҳрамони, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати.

У 1897 йили Хўжанд шаҳрида оддий косиб оиласида туғилган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг (1943-1947 йиллар) биринчи президенти.

У 1917 йил 20 ёшида Фарғонада илк ўзбек мактаби ва унинг негизида Кўқонда педагогика техникумига асос солади. Бу, ўша кезлар Фарғонада педагог кадрларни тайёрлаш бўйича муҳим марказ эди. Қори-Ниёзий ўзбек ёшлари орасида Ўрта Осиё давлат университети (ҳозир Ўзбекистон миллий университети) физика-математика факультетининг биринчи битирувчиларидандир. Олим 1931 йилдан 1933 йилгача мазкур олий ўқув юрти ректори лавозимида ҳам ишлайди. Унинг ўзбек илм-фанига қўшган ҳиссаси сифатида қўйидағи меҳнатлари алоҳида эътироф этилади: у ўзбек математика атамашуносиги, олий ва ўрта ўқув муассасалари учун математик адабиётлар асосчисидир.

Заҳматкаш олимнинг меҳнат фаолияти ҳам ўта ибратли. Жумладан, Ўзбекистон XKK қошидаги Фанлар қўмитаси президиумининг раиси, ЎзССР XKK раисининг фан, маданият ва санъат бўйича муовини, Ўзбекистон тарихий обидалар ва маданиятини ҳимоя қилиш жамияти президиумининг раиси муовини, Халқ университетлари Республика Кенгаши раиси,

“Фан ва турмуш” журнали муҳаррири, Халқаро астрономия жамияти аъзоси, 1968 йилда Фанлар тарихи бўйича 12-Халқаро конгрессда Бош Ассамблея аъзоси бўлган. Шунингдек, масъул лавозимларда ишлаш билан биргаликда “Улубекнинг астрономия мактаби” монографияси, “Шўро давридаги Ўзбекистоннинг маданияти тарихи” асари ва уч юздан ортиқ илмий ишлари нашр қилинган.

Қори-Ниёзийнинг “Ҳаёт мактаби” эсадаликлар китобида республикада фан, маориф ва маданият тараққиёти тарихи ўз аксини топган.

Академик умрининг сўнгги йиллари элементар математика, олий математиканинг дастлабки бўлимлари(аналитик геометрия, дифференциал ва интеграл ҳисоб, оддий дифференциал тенгламалар)нинг ўзбек тилидаги терминологиясини тузди. Унинг бу ишда пойдевор қилиб олган асосий принципларидан бири интернационал характерда бўлган атамаларнинг ўзини қабул қилиб, қолганлари ўрнига ўзбекча муқобилини топишдан иборат эди.

Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий 1970 йил 17 марта Тошкент шаҳрида ҳаётдан кўз юмган. Вафотидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган (2002 йил).



МИЛЛАТ ФИКРИ

Саводсиз одамга “үқи” дейиш, уни бир қадам олдинга ундаиди, аммо саводли, үқий олиш салоҳияти эгаларига “үқи” дейиш, маънони сийқалашибади. “Ярал”дан олдин яратилажак борлиқ тасаввур ёки жўнроқ айтилса, яратилмиши хилқатнинг моҳияти идрок қилинади. Маънони ифодаламайдиган, фикрга айланмаган сўз ҳам шунчаки товушлар итғиндисидан бошқа нарса эмас. Ўқилган, аммо англанмаган Сўзниңг ўқилмаган Сўздан ҳеч қандай фарқи йўқ. Ўқиши – алфавитларни ўзлашибади, уқиши, англаш – дунё, атроф ва борлиқ билан муносабатга киришишини, бани олам уйғулигини ҳис қилиши ва шу уйғунлик қонунларига амал қилиб, унга мос яшай олишини, соддароқ айтилса, Идрокнинг қамровини англатади.



Назар ЭШОНҚУЛ,
ёзувчи



Эҳтимол, минг йиллар олдин “ўқи” энг тўғри йўл бўлгандир, лекин бугунги алфавит нуқтаи назаридан саводли бўлган дунёда “ўқи”нинг ўзи камлик қиласди. Ҳозирги кунда борлиқни англаш, теварак-атроф билан муносабат қилиш учун идрок, тафаккур ва англам инсонни ўз ичидаги ва уни ўраб турган муҳит эрксизлигидан халос қиласди ёки халос қилиш йўлини тақдим этади...

Башарият тарихи, жумладан, ғоялар ва таълимотлар тарихи ҳам, гарчи бизга турли сабаблар рўйач қилинса-да, аслида Фикр учун курашлар тарихидан иборат. Шу пайтгача бўлган, хоҳ босқинчилик, хоҳ истиқтол, хоҳ миллий ёки Ватан, хоҳ шахсий ҳурлик учун бўлсин, барча мухорабалар, қатагон, таъқиблар, курашлар замирида Фикр эрки ётади. Фикр эрки – Шахс эркини англатади. Парвардигор ҳар бир одамни эрки билан


бир-бирига дахлсиз қилиб яратгани каби унинг фикрини ҳам дахлсиз қилиб қўйган, зотан, ҳар бир дунёга келган одам – бу янги фикрдир. Фикр – бу Шахсларнинг мавжудлигини намоён қилувчи далил. Унинг хоҳиши ва иродасини ифода қилган Шахс фикри каби миллатнинг ҳам хоҳиши ва иродаси акс этган ўз Фикри бўлади. Миллий фикр – бу миллатнинг мавжудлигини далиллаб турувчи восита.

Фикр эрки, энг аввало, ўзини ўраб турган олам билан тил топиш, мулоқот ва муроса қилиш, мана шу муносабатда ўзининг Фикрини яратиш ва пайдо қилиш идрокидир. Шахс ва Ватан эркига дахл қилиш Зулм саналади. Кейинги беш минг йиллик тарихнинг гувоҳлик беришича, Зулм ва ҳурлик истаги ўтмиш ва бутунги қирғинларнинг бош сабаби бўлиб қолмоқда. Тамаддунлар мана шу кураш натижаси ўлароқ пайдо бўлган, янгилangan. Шахсий

ёки миллий эркинликни сақлаб қолишга бўлган интилишлар ушбу истакка акс бўлган кучлар билан муроса йўлини танлай олмаса, қирғинлар билан якун топаверган: шахсий ёки миллий эркинлик ҳимоя қилинмаслиги оқибатида Шахс ёки миллат ҳамиша хавф ва хатарда қолаверган, ўзининг эркини, демак, ўз Фикрини ҳимоя қилолмаган элу элатлар тарих саҳнасидан ўчириб ташланган. Шу сабабли ҳам Шахс ёки миллий эркинлик ҳамиша асрариши, шахсий ёки миллий хавфсизлик ҳамиша қўриқланиши, ҳимоя қилиниши зарур бўлган инсоннинг ёки миллатнинг яшаб қолиш шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Шахс ёки миллий эркинлик, энг аввало, ўз Фикри ва унинг эркинлиги, даҳсизлиги билан ўлчанади. Шахсни ёки миллатни йўқ қилиш, биринчи навбатда, Миллат ва Шахснинг ўз Фикрини йўқ қилиш билан бошланади.

Биз “Мен ёҳуд мен мансуб халқ бўлмаса, бу замин нега керак?” ёки “Фақат менинг айтганларим ягона йўл” деган худбинлик ижтимоий характерга



айланиб бораётган аянчли даврда яшяяпмиз. Теварак-атрофимиздаги ҳодисалар, ер юзини ларзага солаётган силсилалар бевосита ёки билвосита миллат сифатидаги “ўз Фикримиз”га дахл қилияпти. Худбинлик, моҳиятан олганда, бошқаларнинг мавжудлигини, демак, фикрини инкор қилишдан ёки назарга илмасликдан туғилади. Худбинлик бор жойда фикр қаҳатчилиги юз беради. Фикр қаҳатчилиги – моҳиятни идрок этмасликка, мутаассибона ишончга, воқеликни кўр-кўёна қабул қилишга ёки бошқалар фикрини ўз фикри сифатида қабул қилишга олиб келади. Бу эса нафақат шахс тафқури, балки миллатнинг эртанги кунини ҳам хатарга солиб қўяди. Фикрдан холилик, фикрдан қўрқиши, мустақил фикри бўлмаслик моҳият эътибори билан миллатни ўзи ўсиб чиқсан илдиздан узиб олиб, ижтимоий тўдаларга айлантиради.

Фикрлаш – жамиятдаги эволюцияларнинг асоси. Фикр йўқ жойда оломончилик ва жоҳиллик қўпчииди ёки бошқалар фикри сизни истибодига олади. Миллат сифатида ўз фикри бўлмаслик, ўз фикрини баён қилолмаслик – мустамлакада яшашнинг хуфиёна кўриниши, холос.

Алалхусус, Фикр ҳақида гап кетар экан, бизнинг бугунги ижтимоий-маънавий қиёфамиз ҳар бир фикрловчи одамни ташвишга солмасдан қўймайди ва бу мулоҳаза “Биз асрлар оша орзу қилганимиз истиқлолга эришгандан сўнг ўзга Фикр мустамлакасидан озод бўлодикми, ўз Фикримиз борлигини намоён қилолдикми?” деган саволни ўртага чиқарди. Агар шу мантиқдан келиб чиқиб, бугунимизга, тийнатимизга разм солсак, келбати тоғлардай келадиган янам оғрикли саволлар қаршисидан чиқиб қоламиш.

Аслида бу саволларга социология фани холис баҳо бериши керак. Афсуски, бизда социоло-

гия фан сифатида шунчаки хўжакўрсинга ўқитилади ва энг фожиалиси, хўжакўрсинга қилинган таҳлиллардан иборат бўлади. Ваҳоланки, бу фан бизга бугун миллатнинг яхлит ва ажралмас куч бўлиши, уни ягона Фикрга сафарбар қилиш учун “Шўро тузумидан сўнг бўшаб қолган мафкуравий бўшлиқ нима билан тўлдирилди ва мабодо тўлдирилган бўлса, у умуммиллий миқёсда иш беряптими, ижтимоий ҳоҳиш-истакларда қандай психологик кўрсаткичлар устуворлик қилмоқда?”, деган саволга турли-туман жавоблар тақдим қилган бўлиши керак эди.

Расмий хужжатларга мослашган таҳлил эмас, холис, миллат ва Ватаннинг келажагини ҳам кўра олган, эртанги куни ҳақида хулоса чиқара оладиган таҳлил. Чунки бу саволларга жавоб топиш – Ватаннинг истиқболи ҳақида қайғуриш, ташвишида ниш дегани.

Шахсан мени ўша бўшаган мафкуравий бўшлиқ қандай гоялар, қарашлар, эътиқодлар, бошқача айтсак, Фикр билан тўлгани қизиқтиради. Чунки бу – миллат сифатида яшаб қолиш учун муҳим бўлган кўрсаткичлар.

Хўш, бўшаган “идиши” нима билан тўлди? Бу шунчаки риторик савол ёки тирноқ ичидан кир излаш эмас. Айнан бу “идиши” нима билан тўлган бўлса, бизни эртага шундай келажак кутиб олади. Бу Ватаннинг эртасини белгилайдиган хавотирли саволлар.

Агар жамиятимизнинг турли қатламларига эътибор берсак, шўро тузуми етмиш йилдан ортиқ лоф уриб келган “ижтимоий тенглик”, “ижтимоий адолат”, “миллий ҳамжиҳатлик”, “ижтимоий фароғат”, “коммунистик виждон” гоялари ўрнида бизда биронта умуммиллий эътиқод пайдо бўлмаганига гувоҳ бўламиш.

Жамиятимизда устуворлик қилаётган интилишлар ва пси-

хологик манзаралар биз истагандек умидли эмас.

Истиқлолдан сўнг жамиятнинг бир қисми диний мутаассибларка берилиб кетди ва миллатнинг туб илдизларига, яхлитлигига, бирлигига болта урадиган гоялар билан тўйинди. Ўзларини дин ортига яширган бу гоя тарафдорлари миллатнинг ўзлигини йўқ қиласидиган қарашларни тақдим қилишга киришиди. Агар хушёрроқ бўлиб, ижтимоий тармоқлар ёки матбуотда қўриниб қоладиган фактларни бир жойга тўплаб, таҳлил чиғирифидан ўтказсангиз, эртаниги кундан хавотир янада кучаяди. Хусусан, бугун диний таълим олиш мақсадида четда қанча ёшлар таҳсил қўряпти, шу ўқиётганларнинг қанчаси расмий диний муассасаларда, қанчаси хеч қандай таълим стандартига тўғри келмайдиган хужраларда, шубҳали мактабларда гўёки “диний таълим” олмоқда? Бизда бу борада статистика борми? Улар сони қанча? Социологик таҳлил қилинганми? Аниқ жавоб тополмаймиз, барибири.

Мен, масалан, ижтимоий тармоқлардаги шу каби хабарлару ёзишмалардан келиб чиқиб, бундай ҳоҳиш изидан кетганлар юз мингдан ошса керак, деб тахмин қиласман. Ўша юз мингдан эллик минги ҳақиқий, соғ диний билим олишаётгандир? Аммо қолган эллик минги-чи? Уларга ўзгалар Фикри сингдирилмайтими? Шу эллик мингнинг ўнг минг нафари дин ниқоби остида эртанги кунимизга таҳдид бўладиган гоялар билан тарбияланмаяптими? Агар шундай бўлса, бу катта куч. Энг хавотирлиси, айни тўданинг изидан янада қанча ўз фикрига эга бўлмаган, кўр-кўёна эргашувчилар бор?

Кўр-кўёна эргашиш ёки фикр қилмай ишониш – бугунги миллий характеримизнинг энг катта қусурларидан бири. Кўр-кўроналик бу кўз боғланган ҳолда ўзини бошлаб кетаётган-

нинг этагидан тутиб олганларга ўхшайди. Улар фикр, мулоҳоза қилиш учун шу тутиб олган этакларидан бошқа нарсани кўришмайди...

Яна бир қатлам нима қилиб, қандай восита билан бўлса ҳам, бойиб қолиш пайига тушди. Бу кабиларнинг интилишларида “Отангни сот, онангни сот, бойиб қол” деган эски мақол яққол намоён бўлиб турди. Улар молдунёни, ҳатто, Ватан ва миллат манфаатидан ҳам устун қўя бошлади. Бу – Миллий Фикрдан мосуво бўлган қатлам: улар учун Ватан ва миллат тақдиди, эртаси пул билан ўлчанади, шу кимсалардаги фикр тушунчалик фақат бойлик билан мезонланади. Ватан ва миллат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиш аслида миллий сотқинлик билан баравар жиноят. Бу каби бойишига интилиш ҳам аслида ақидапаст оқимлардан кам хатар эмас.

Бошқа бир қатлам эса, тирикчилик илинжида ўзга ўлкалардан ризқ терди, демак, маълум маънода ўша юрт мафкураси, ўзгалар фикрининг бевосита ёки билвосита мустамлакасига айланди ва айланмоқда. Ўз қорнини тўйғизиб турганлар мафкураси қурбонларига айланганларнинг ичимизда пайт пойлаб ётган “партизан”лардан фарқи йўқ: бўйруқ бўлиши билан улар ўша мияларини бўшатиб берган гоянинг куролига айланишади. Бу ҳам аслида социология фани аллақачон ўз хуносаларини тавсия қилиб, бонг урадиган хатарлардан бири.

Бошқа бир қатлам ўзлари билиб-бilmай миллий маданият ва қадриятларнинг кушандаси бўлган “оммавий маданият” муридлари ҳамда муҳибларига айланди. Биз бугун ижтимоий тармоқлардан тортиб, оддий майший ҳаётимизгача айни муҳибларнинг “ҳосилини териб” емоқдамиз: ҳозир омма олдига чиқиб, қайнотаси қандай қилиб тегажоғлик қилганини бемалол

айтиб ўтирадиган келинлар ҳангомасини хотиржам эшитадиган ва бу каби “эътироф”ларнинг рейтингни оширишдаги муҳим ролини ҳеч бир андишасиз муҳокама қиласидиган қунларга етиб келдик.

Миллий маданият шу миллатнинг ҳаётга, борлиққа, инсонга азалий муносабатидан минг йилликлар оралаб, қадриятларни ўзлаштирган ҳолда шаклланади, нажотбахш миллий ҳаётий тажрибалар билан тўйинади. Шу сабабли ҳам ҳар бир миллий маданиятда, энг аввало, миллий қадриятлар суюнч бўлиб турди. Ҳеч бир миллий маданият бошқа маданиятлардан узилган ҳолда тараққий этмайди, аммо бу жараён миллий қадриятларни сақлаган ҳолда эволюцион синтез жараёнини бошдан кечиради. Бироқ бугун ўзларини замонавий маданиятнинг вакиллари санаганлар ҳар қандай маданиятни кўр-кўроналик билан, ўз ҳолича олиб киришга ўтиши. Бу эса, табиийки, миллий маданиятта, миллий ўзликка, миллий Фикрга жуда катта хатар тутғидиради.

Яна бир қатлам эса, жамиятда яшашнинг энг осон ва қулай усули бўлган буқаламунликни касб қилди. Ушбу тоифа ҳар қандай вазиятга мослаша олишнинг устаси фаранглари даражасига етди. Агар тарихдан сабоқ оладиган бўлсак, айни кишилар миллатнинг нафақат тараққиёти, балки сиёсий истиқболи учун ҳам хатарли тўда саналади. Буқаламунлик – бу Фикрдан мосуволикни билдиради, уни ҳаёт тарзига айлантирганлар учун Ватаннинг чегараси, миллатнинг ўзлиги бўлмайди, улар бошқа бирорвлар манфаатларига ҳам тез мослаша олади, ҳар маҳал “дарвозаларни очиб беришга” тайёр турди. Бу ҳам аслида миллат ва Ватаннинг эртаси учун хатар саналади. Чунки бизнинг тарихий илдизларнинг ўсиб чиқкан миллий Фикримиз ор, шаън, гу-

тур, мардлик, ҳалоллик ва виждан деган устунларга суюниб турди.

Бу санаганларим – “бўшаб қолган идиш”га кириб олган хатарлар – йўл-йўлакай бир кичик мақола доирасида эслаганларим. Аммо, минг таассуфки, шу ўйларнинг ўзиёқ кишида хавотир тутғотади.

Афсуски, социологиямиз бу ҳақда бутунгача тўлақонли таҳлил тақдим қилолгани йўқ. Зеро, бу Ватан чегарасига йиғилаётган ёт қўшинлар каби хавотирли дараклардир. Миллат эртанги кунда ҳам ўзини сақлаб қолиши, тараққий этиши учун буларнинг ҳеч бирига суюна олмайди ёки суюнса, миллий қиёфасини, демак, ўзининг давлатчилик хусусиятларини бой бериб қўяди.

Фикрсизлик – лоқайдликка давват қилишдан бошқа нарса эмас. Гапда минг марта “Илм ол” деб, амалда эса унинг тескарисини қилсак, фикрсизлик оммавий хусусиятга, ҳатто миллий характеристика айланади.

Буларнинг ҳаммасига бизда қатъий миллий фикр, миллий виждан мўртлиги сабаб бўлди. Чунки тарғиботларнинг ургуни фикрга, фикрлайдиган Шахсга эмас, кўр-кўроналикка қаратдик. Кўр-кўronона итоат қил, кўр-кўronона овоз, кўр-кўronона баҳо бер, кўр-кўronона ишон. Кўр-кўronалик – бу фикрдан мосуволикни билдиради.

Миллат ўз-ўзидан мавжуд бўлмайди, мабодо тарихий силсидалар ва замонлар талотуми сабабли шаклланган тақдирда ҳам, ўзгалар ҳисобига умрини узайтирувчи ва ўзгаларни ямлаб ютиб юборишга тайёр турган глобал юҳо ғоялар ва фикрлар даврида миллатнинг ҳар бир фуқароси қўнглига экилган ва бутун жамиятни яхлитлаштириб турадиган ўзини ўзи асрорчи, ўзини ўзи сараловчи, ўзини ўзи муолажа қилувчи, ўзини ўзи ҳимоя қилувчи ва қўриқловчи, ўзини ўзи тикловчи ўз Фикрисиз

Накшларга сингган ХАЛҚ ТАФАККУРИ



Элмира ГУЛ,
Ўзбекистон
Республикаси Фанлар
академияси
Санъатшунослик
институти етакчи илмий
ходими,
санъатшунослик
фанлари доктори,
профессор

Санъат оламни образли тарзда англаш йўли сифатида турли ифода воситаларига эга. Ўрта асрларда Мавороуннаҳр санъатида нақш шундай мухим восита саналган. У орқали жуда кўп ва хилма-хил хабар-маълумотлар, чунончи, ижодкорларнинг нимага ишонгани, нимага умид боғлагани, орзу-умидлари, қайси уруғ-қабилага мансублиги, ҳаёт мазмунини нималарда кўриб-билгани, нималардан завқ-шавқ туйганини етказиш мумкин бўлган. Қадим замонлардан буён нақш – нафақат безаш воситаси, шунингдек, бутун бир билимлар мажмуи, яширин образлар ва сирли маъноларни ўз ичига олган ўзаро алоқа, фикр алмашувнинг универсал воситаси. Негаки, ҳар қандай жамият, одатда, турли тилли, ярим конфессионал ва хўжалик юритуви ҳамда бошқарувига кўра айрича бўлган ва шу боис нақшлар ҳам бир-биридан фарқланган. Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида маданий макон асосан шаҳар, воҳа ва даشتларда таркиб топган. Шунга биноан, биз нақш санъатининг уч мухим мажмуаси – шаҳар нақш анъаналари, қишилоқ (ўтрок дехқончилик) ва дашт нақшкорлиги ҳақида сўз юритамиз. Уларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб турди, бироқ бир-бирига яқин умумий жиҳатлари ҳам бор.

Профессионал шаҳар ва сарой мусаввирлари ижодига хос нақшлар

Шаҳар-пойтахт санъати, биринчи галда, сарой мусаввирлари ва моҳир усталар ижодига намоён бўллади. Ўрта асрларда маърифатли ҳукмдорлар ўз саройларида кўтаринки маънавий мухитни таъминлашни ва санъат кишилари истеъдодини юзага чиқариш учун ҳомийлик қилишни бурч, деб билишган. Мусулмонлик даврида юксак маҳоратли мусаввирлар ижодига нақш фавқулодда юксак аҳамият касб этган: ислом – нақшни ўзининг визуал (кўз билан кўриб кузатиладиган) ва



Паҳлавон Маҳмуд (Хива) мақбараси гумбазининг нағис безаклари ислом санъати ва маданиятида шаклланган профессионал бадиий анъанага хос илоҳий ижод гўзаллиги фоясини мукаммал акс эттиради.

муқаддас идентификациясининг мухим воситаси сифатида танланган кам сонли маданиятлардан бири.

Нақш мусулмон мусаввир учун, биринчи навбатда, илоҳий мавжудлик гўзаллигини акс этиришда энг аҳамиятли ва аниқ воситалардан бирига айланган. Мусулмон маданиятида нақш ҳар доим мавхум, чунки гўзалликни севувчи, тасвирини яратиш

мумкин бўлмаган Худо ҳақида фақат нозик ва нағис нақшинкор шакллар тилида сўзлаш имкони бор эди, холос. Қолаверса, нақш ҳамиша математик жиҳатдан муайян тартиб-қоида асосида яратилган. Нақшинкор шакллар замирига сингдирилган иррационал, яъни қонун-коидалардан холи, ақлдан ташқари ибтидо рационал (ақл-идрокка мувофиқ) геометрик ёки ўсимликсимон нақшлар билан ёнма-ён келади, улар аниқ ҳисоб-китобларга асосланган қатъий, тўғрилиги текширилган, қиёсланган шакллар. Зотан, исломда фан санъат билан узвий боғланган.

Профессионал мусаввирлар нақшнинг уч асосий турини қўллашган. Геометрик гириҳ – Худо яратган, бенуқсон бино қилинган ва ҳар жиҳатдан мувофиқлашган олам, коинотнинг ифодаси, ўсимликсимон-гулли ислими – жаннат боғининг бемисл рамзи. Нихоят, эпиграфли (бирор иқтибос, жумла ёки иборали) нақш – кўп ўқиладиган ва ўқилмайдиган битиклар – Худонинг каломини етказиш воситаси.

Нақш бинолар деворлари, турли ашё-буюмлар ва гиламни бирор очиқ жойини қолдирмай зийнатлаган. Европаликлар бундай усулни horreur vacui (“бўшлиқ таҳликаси”), деб аташади. Бироқ мусулмон маданияти бунда Худонинг яратувчилик қудратини назарда тутган.

Деҳқон аҳоли санъатидаги нақшлар

Бу гурух вакиллари шаҳарлик профессионал мусаввирлардан фарқли ўлароқ, ислом эстетикасидан (“Аллоҳ гўзал ва У гўзаликни севади”) илҳомланган ва Унинг гўзаллиги ҳақида сўзлаган. Бунда мавхум, мукаммал шаклларни қўллаган ҳалқ усталари табиатнинг ўзидан, шунингдек, атрофларини қуршаган предметли (нарса, буюмлар) оламдан илҳом олган. Улар ислом динига эътиқод (амал) қилишган, шунга қарамай, ўзларининг ижодий хаёлотида, муайян маънода, бу диннинг эстетик



Сўзана. Шаҳрисабз, XIX -аср ўрталари. Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Тошкент.

Табиат дунёси, ўсимликлар, гул меваалар – ҳалқ хунармандлари янги шакл-шамойилни излаб, тақрор ва тақрор мурожаат қилган бемисл илҳом сарчашмаси.

устуворлигидан йироқда бўлишган. Маълумки, ушбу ҳолат ҳалқ маданиятида исломгача бўлган эътиқодларга хос дехқончилик билан боғлиқ тақвимий байрамлар, образ ва рамзлар, тарихий хотирада муқаддаслаштирилган – зардӯштийлик, осмон ёритқичлари (ой, қуёш, юлдузлар), ўлаётган ва тирилаётган табиат ҳамда бошқаларга сигиниш ҳали ўз аҳамиятини сақлаб келгани билан боғлиқ. Бу маънавий қадриятлар, у ёки бу тарзда ҳимоя магияси (сехр, жоду, афсун) сифатида етакчилик қилган, кенг маънода айтганда, ўзига эзгулик фояларини сингдириган нақшларда яширинган.

Каштадўзлик Ўзбекистон нақш санъатининг ўзига хос, намунали тури саналади. Унда, мотивларнинг турли-туманлигига қарамай, икки туркум – гуллар ва юлдузлар етакчи ўринни эгаллаган. Ўсимликсимон нақшлар Тошкентдан ташқари деярли барча марказларда устувор бўлган табиат олами, ўсимликлар, гуллар ва меваалар – ҳалқ чеварларининг янги шакллар топиш йўлида тинимиз мурожаат этган асосий ман-

баларидир. Шунингдек, бунда халқ ҳаётига чукур сингиб қолган – ўлаётган ва тирилаётган табиатга сифиниш, қадимги байрамларнинг бирор-бир турдаги гуллар, айниқса, лолақизгалдоқ ва гуллолага боғлангани ҳам муҳим саналган.

“Баҳорда гулларнинг пайдо бўлиши табиат мұждаси бўлиб, у ерга ишлов берадиган вақт етганини дараклайди”, деб ёзди О. Сухарева¹; шу маънода, тўйга атаб тикилаётган кашталарга ҳам авлодлар бардавомлигини таъминлашга чоғланган бўйи етган қизнинг ўз ҳаёти янги босқичига тайёрлиги белгиси сифатида қараш мумкин.

Сирасини айтганда, гулли кашталарга аёл серпуштлигининг тимсолији кафолати сифатида қаралган; уларда халқ орасида севимли бўлган қизил гулга эҳтиром ўз аксини топганки, Наврўз қунлари шунинг шодиёнаси нишонланган.

Биз халқижоди намуналари-



Кигиз гилам. XIX-аср охири – XX-аср бошлари. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси. Чорвадорлар тайёрлаган кигиз гиламлари нақшларида олам чексиз коинот сифатида акс эттирилган.

да реал, таниш, гўё айнан ўзига қараб чизилган гулларни учратамиз. Булар – лолалар ва лолақизгалдоқлар, нилуфарлар ва гултохижўролар, атиргул ва чиннингуллар... Шу билан бирга, кашталарда хаёлотдан олиб тикилган, ўйлаб топилган, реал табиат олами билан боғланмаган гуллар ҳам кўп учрайди – бундай шакллар профессионал мусаввир-нақшшунослар томонидан “синчковлик билан кузатилган”. Мазкур серҳашам пальметталар, гулкосалар жаннат боғлари гўзаллиги рамзи бўлган ислимији нақшлар мотивларидир.

Қизиқ томони шундаки, профессионал мусаввирлар хазинасидан гулли мотивларни ўзлаштириб олган сўзана нақшларини чизувчи ҳаваскор рассомлар уларнинг кўпроқ тушунарли бўлишига, оддий ҳаётий аҳамият касб этишига эътибор қаратишган. Жаннат хазинасидан улги олинган серҳашам пальметта одатдаги ошхона жиҳози – *капгир* ёки тандирга обинон ёпишда ишлатиладиган маҳсус ёстиқча – *рапида* сифатида тушунилган; мавхумлаштирилган безакли гулкоса ҳам, гарчи ҳаваскор сураткашларга бирор-бир таниш гулни эслатмаса-да, барчага маълум шолғом шаклини олган, данданали барг кўз тегишидан асрайдиган пичноққа ўхшатилган, гулкосани ўраб олган жуфт-жуфт ислимији нақшлар “кучоқлашиш, бағрига босиш”² мотиви сифатида тушунилган. Мусулмон нақш санъатига хос, факат мушоҳадага асосланган, тажрибада синалмаган илоҳий тасаввурлардан четлашиб, реал ҳаётий-амалий тушунчаларга ўтилгани яна бир бор халқижоди профессионал бадиий анъаналарга хос мавхум фикрлаш тарзидан узоқ эканини кўрсатади.

Халқона нақш санъатига хос муҳим хусусият шакллар ва мотивлар номининг муттасил ўзгариб туришида намоён бўлади: ҳаёт нақш шакларидан кўра тезроқ ўзгаради ва матрица(ўй-

ма қолип)лар уларнинг маъно-мазмунини тушунишни енгиллаштиради. Айни пайтда янги маъно-мазмунлар ҳар доимгидек эзгулик ғоялари – фаровонлик, баҳор, тириклик ва табиатнинг гуллаб-яшнашини ифодалаб келган. Г.Чепелевецкая ёзганидек, “каштачиликнинг нақшкорлик мотивлари баҳт, фаровонлик тиляшга хизмат қилган, ҳосилдорлик тимсоли бўлган”³.

Тошкент интерьеर каштадўзлигига осмон ёритқичлари – юлдузлар ва ой мавзуси етакчилик қилади. Бу мавзулар ибодат билан боғлиқ қадимги тасаввурлар акс садоси ҳам эди: улар осмон ёритқичларининг ҳомийлигига, поклантирувчи ва маҳсулдорлик бағищловчи кучига ишонч-эътиқод билан боғланган. Юлдузли мумтоз кашталар – сўзананинг тошкентча нусхаси – палак, деб аталган, бу арабчада “коинот, осмон гумбази” (арабча *фалак*), деган маънони англатган. Ислом, ҳар қандай янги дин каби, одамлар онгидан ўзидан олдинги диний эътиқодларни сиқиб чиқаришта интилди, бироқ қадимги эътиқодлар билан боғлиқ рамзлар халқ санъатида асрлар мобайнида сақланди, ҳатто энг қадимги, исломгача бўлган илоҳлар тасвири кашталарда яшириниб қолди; Анахита билан шундай ҳол рўй берди, у алвастига айланди ва шартли шаклларда (*алвасти-бодом*) тўй чойшаблари – рўйи жога ёш келин-куёвни ёмон кўзлардан асрashi, келиннинг муваффакиятли ҳомиладор бўлиши умидида ҳимояловчи жияклар тикилди.

Дашт санъатидаги нақшлар

Ҳаёти нуқул кўчманчилик билан ўтган дашт аҳолиси санъатида ҳам нақшлар асосан мавхум, бироқ улар орасида, гарчи шартли шаклларда бўлса-да, яхши таниш нақшлар учрайди. Кашталарнинг асосий мавзулари – то-

¹ Сухарева О.А. Празднства цветов у равнинных таджиков // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. М., Наука, 1986. – с. 31.

² Сухарева О.А. Сузани. Среднеазиатская декоративная вышивка. М., Восточная литература, РАН, 2006. – с. 52.

³ Чепелевецкая Г. Сузани Узбекистана. Ташкент, 1961.

тем (уруг жамоалари сифинадиган ҳайвонлар, ўсимликлар, тош ва шу каби) белгилари билан ҳимояланган чек-чегарасиз коинот сифатидаги олам образи, вақту макон, тангрилар ва тотем ҳайвонлар, осмон ёритқичлари ҳамда тамғали белгилардир.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт тарзида яшайдиган, умрини мудом кўчиб юриб ўтказадиган, доимо табиат билан бақамти аёллар учун олам Даشتлар/Ер ва Осмон иттифоқи сифатида тушунилган. Улар наزارида уфқдаги узоқ тоғлар осмон тангрилари макони, ёнидаги ҳайвонлар – асрарувчи-тотемлар, ҳаёт ва фаровонлик манбаи. Коинот, тангрилар, шоҳдор асрарувчи-ҳайвонлар ва кўмак кўрсатувчилар – турмуш жиҳозлари ва кийим-кечаклардаги безаклар каштачиликнинг асосий мотивлари доирасини ташкил этган. Уларнинг бари у ёки бу тарзда санъатда – кигиз ўтовлардаги, кўплаб тўрва ва тўрвачалардаги, гилам ва кигизлардаги жумбоқли безакларда акс этган. Гиламлар, кигизлар, кийим-кечаклар, бошқа тўқимачилик маҳсулотлари нафақат амалий безак вазифасини бажарган, шунингдек, улар атроф-маконни сехру жоду билан ҳимоялаган ва муқаддас маъно-мазмун бахш этишга қаратилган, келажак авлодларга аждодлари кимларга ишонганлиги, кимларга топинганлиги, қайси ург-қабилага мансуб эканини англашибга қаратилган.


Санамларга эътиқод ўша мустаҳкам, мисоли бош устидаги осмондай пойдор, ўзгармас бўлган. Чўл одамининг олам ҳақидағи тасаввuri кигиз ўтовдан чиқаётib кўргани – чексиз дашт – она Ер, шунингдек, чексиз Осмон – ота-худо манзаралари таъсирида шаклланган. Тунлари ўтовининг чанғироғидан юлдузли осмонни кузатган чўл одами ўзини ўз маконида ҳис этган ва аждодлар руҳи билан мuloқot қилган.

Агар даштилик ахолининг диний эътиқоди – тангричиликка мурожаат этилса, сехрли нақшчиликнинг кўплаб маҳфий сирлари очилади. Тангричилик атамаси замираида мураккаб ибодат, то-

пиниш билан боғлиқ дунёқарааш мужассам. Унинг асосида олий илоҳ – Тангрига, Осмон худосига эътиқод ётади. Бу эътиқод билан мавжуд тотемга топиниш маросимларининг ёнма-ён, бирга кўшиб олиб борилгани, аждодларга сифиниш, шомонлик амалиёти ва улардаги нариги дунёнинг ҳамда руҳлар-ҳомийларнинг борлигига ишонч шомоннинг транс (жазавага тушиш, ҳушини йўқотиш) ҳолатига кириб, улар билан мистик (сирли, ғалати, ҳақиқатдан ўирок) мuloқotта киришган маросимларда намоён бўлган. Исломнинг кенг ёйилишига қарамай, бу диний эътиқод ҳануз Марказий Осиёдаги кўчманчи ахоли дунёқараши тизимида ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

Даштиклар санъатининг образлар оламида архаик (энг қадимий) тасаввур ва эътиқодларнинг сақланиб қолгани мантиққа зиддек кўринади, зеро, Осиёнинг кенг даштларини эгаллаган элатлар X асрда ёқ исломни қабул қила бошлаган ва Қораҳонийлар бу қаторда биринчилардан бўлган. Бироқ санъат буюмларидаги нақшли безаклар ҳунарманд-мусаввirlар ислом дини талабларига расмиятчилик юзасидан амал қилишганини тушунишга имкон беради, уларнинг ҳаётини эса даштнинг асрий қонун-қодидалири бўйича давом этган. Тадқиқотчилар даштикларнинг диний дунёқараши ҳар иккала дин симбиози (икки хил эътиқоднинг бир муҳитда бирга мавжуд бўлиши) билан белгиланишини бежиз таъкидлашмаган.

Умуман, ҳалқ санъатида нақш – ўтроқ дехқонларда ҳам, даштикларда ҳам – у ёки бу тарзда икки глобал ғоя билан боғланган. Биринчиси – оила ва уйни кўз тегишидан, зиён-заҳмат келтирувчи кучлардан асраб-авайлаш. Иккинчиси – ҳосилдорликка, авлодлар бардавомлигига эришиш умиди. Гиламлар, кашталар ва бошқа буюм-нарсалар тўйга атаб тайёрланган ва шу боис уларга сирли, сехрли афсунлар сингдирилган. Бунда ҳар бир унсур ёки мотивга уй ва унинг соҳибларини кўз тегиши, бало-қазолардан



Юлдуз палак. Тошкент / Пскент, XIX-аср охири – XX-аср бошлари. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.

Халқ нақшларида оммалашган яна бир мавзу юлдузли осмон тасвири эди. Халқ бадиий тафаккурида айни рамзларга бало-ю оғатлардан асрорчи образ сифатида қаралган.

асрайдиган ҳимоя воситаси сифатида қаралган.

Ҳар қандай нақш-безакни матнни ўқигандай ўқиши мумкин, улардаги белги-ҳарфлар сирли-афсунли формулалар тарзида жой олган. Қарийб ҳар бир мотив – бу бирор-бир тушунча ёки нарсанинг тимсолий тасвири; қатъий шакллар ва чизиклар ўзига дехқон ёки ҳунарманд ҳаётидаги ҳамроҳ бўлган жуда кўплаб образларни сингдирган. Яхлит композиция эса, бу – олам модели, гиламлар ёки кашталардаги ҳошия ва жияклар, безаклар бало-қазолардан асрайдиган қўриқлаш чегаралари маъносини беради. Символизм ва шаклларнинг шартлилиги манбаи узоқ ўтмишдаги архаик санъат бўлиб, кейинчалик анъанага айланган. Тасвиrlарда “кодлаштириш”ни уддалашда даштилик чеварларнинг ўзига хос бадиий тафаккури намоён бўлган.

Нақшнинг қайси маданий анъанага – профессионал ёки ҳалқона анъанага мансублигидан қатъи назар, у доимо эзгулик ғоялари билан сугорилган. Ҳатто айрим мотивлар унтилган ҳолларда ҳам, қадимги нақш-безаклар поэтик дунёқараши тақдим этади, ҳаётга ижобий ёндашишга ундаиди. Мумтоз нақш-безаклар бутун ҳам, гайришуурый даражада бўлсин ёки “генетик” (келиб чикиш – генезис билан боғлиқ) даражада бўлсин, айнан шундай таассурот қолдиради.

Хоразм суборалари

санъатнинг бетакрор дурдонаси

Дунёдаги ҳар қандай халқнинг
айтаётган қўшиғини келтиринг,
мен уни эшишиб, бу халқни қандай идора
этиш мумкинлигини айтиб бераман.

Конфуций



Хусан ЭРМАТОВ,
журналист

Хоразм сувораларини болалигимдан тинглаб келаман. Комилжон Отаниёзов ижро этган ўнлаб суворалар мен учун энг севимли ашулалар ҳисобланади. Отажон Худойшукуров ижросидаги “Она сувора” еса етиб бўлмас чўққига ўхшайди.

Суворалар кейинчалик Раҳматжон Курбонов, Фарҳод Давлетовлар талқинида янада “очилди”. Аммо... Келинг, шу ўринда бундан ўттиз йилча бурун бўлган бир воқеани эслаб ўттай.

Асли Панжакентда туғилган Шерали Сокин деган ажойиб акамиз бўларди (*Аллоҳ раҳмат қилисн*). У санъатнинг ашаддий мухлиси ва шу мавзуда кўплаб мақолалару асарлар битган таникли ёзувчи эди. Жумладан, машҳур ҳофизимиз Ортиқ Отажоновнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиланган китоб ҳам ёзганди. Қалбан яқинлигимиз боис у ҳар гал “Матбуотчилар уйи”га йўли тушса, “Ўзбекистон овози” газетаси таҳририятига кириб, мени йўқлаб қўярди. Бундан кўп ва хўб қувонардим.

Бир куни Шерали aka хонамизга қўзлари қизарган ва ўта афтода ҳолда кириб келди. Овозиям бўғиқ эди. Мен хавотирга тушиб, сабабини сўрадим:

– Ака, сизга нима бўлди, тинчликми?

– Э-э, дўстим, билсангиз, бу кеча мен гўёки қайта туғилдим, тушуняпсизми, бутунлай янгидан дунёга келдим.

– Хўш, хўш?..

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, то тонгга қадар Ҳожихон уста билан дардлашиб, ийглашиб чиқдим...

Ҳожихон Болтаев деган катта ҳофиз бўлгани ҳақида эшитгандим, албатта. Аммо ашулаларини бирор марта ҳам тингламагандим. Қолаверса, у пайтларда интернет йўқ эди. Бу ҳофиз ижро этган ашулалар

ёзилган кассеталар деярли ҳеч қаерда со-тилмасди ҳам. Радиода қачон берилишини эса билиб бўлмас, унинг дастурларини кузатишга ва тинглашга вақт топилмасди.

Шерали Сокиннинг айтишича, ўша тунда у Хоразм санъатининг забардаст вакилларидан бири, айникса, сувора ижрочилигининг устуни бўлган Ҳожихон Болтаев хонишларини эрталабгача эшитиб, мижжа қоқмаган ва ўзини йигидан тия олмаган. Учрашган пайтимизда ҳам тунги таассуротлари оғушида эди. Шунданми, хона ўртасида тик турганча ҳофиз куйлаган ашулалардан бирини хиргойи қиласди.

Мен бу воқеадан қаттиқ таъсирландим. Ўша куннинг ўзида радиоқўмитага бордим. Ҳоразм кўчасида жойлашган ушбу ижодий маскан ўзгача шукухга эга даргоҳ эди. Журналист сифатида бу манзилга киришим, эски дўстлар ёрдамида радиофонтекадан Ҳожихон Болтаев ижросидаги мумтоз ашулаларни магнит тасмасига ёздириб олишим унчалик қийин бўлмади.

Қийини эса...

Қийини... Аввало, Ҳожихон Болтаев ашуларини тинглашнинг ўзи “азоб” экан. Бошламасига битта ашулани охиригача тинглай олмадим...

Гапнинг индаллосини айтганда, мен Ҳожихон устанинг қалб нолаларини тинглашни ўрганишим учун қарийб олти ой “овора” бўлдим. Бу росмана машаққатли иш эди. Энди бу ижрони тинглаш шу қадар қийин бўлса, уларни куйлаш қанчалик оғирлигини тасаввур қиласверинг.

Бир вақтлар Ҳожихон Болтаев суворани айтиётган давраларга унча-мунча санъаткор ҳам киришга ботинолмаган. Соҳадаги қанча ҳаваскорлар бу мумтоз давраларга муносиб бўлолмагани туфайли санъатни тарқ этиб кетган дейишади. Чунки ўлчов жуда баланд бўлган. Суворалар тўла ҳикмат – матнию куйи! Ижросида ҳам ҳикматлар шода-шода терилган.

Шубҳасиз, сувора куйлаган, сувора ва савтлар куйларига мухаммасу ғазаллар боғлаган санъаткорлар назмнинг ҳам ҳақиқий нуктадонлари бўлишган. Шу боис улар танлаган мумтоз назм намуналарининг ҳар бири савияси юқори даражадаги, моҳиятан муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажralиб туради.

Айтишларича, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг Тошкентдаги хонадонида Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда бутун Ўрта Осиёнинг энг кучли санъаткорлари тез-тез тўпланиб, ҳафта-ён кунлаб ўзаро ижодий гурунглашар ва янги асарлар ижроси билан машғул бўлишар экан.

Бу, ҳозирги мезонлар билан ўлчанганди, ўзбек мумтоз санъатининг етиб бўлмас

намояндадарини жамлаган давра бўлгани, шубҳасиз. Унда нафақат ўзбекистонлик, балки Тожикистон, Туркманистандан келган санъат усталари ҳам бўлишган.

Ана ўша бетимсол санъат оқшомларидан биридаги гўзал хонишлардан кейин Мулла Тўйчи ҳофиз Ҳожихон Болтаевга “Сен бир сувора айт, мен тўйиб йиғлайн. Сенинг ўтили нолишларингдан недирки мен, балки жумлаи жаҳон йиғласин”, деган экан. Бу эътироф ўз-ўзидан айтилмаган.

Мулла Тўйчи ўша даврнинг энг нуктадон санъат даргаларидан бири эди. Нега энди у айнан Ҳожихонга шундай деган? Бунинг бир нечта сабаблари бўлиши мумкин. Энг аввало, Ҳожихон Болтаев ижроларининг юксаклиги. Ҳожихон Болтаев кўйлаганда, аввали сизни ўзига сеҳрлайди, бошида сокинлик билан, алла тинглаганингиздек чайқалиб, тебраниб бошланган ушбу нолалар секин-аста сиздан меҳнат талаб қила бошлайди, буларга мардлик, жасорат, шиддат талаблари кўшилади, чунки ҳофиз ўз мусиқаси билан сергаклантиради, охирни бу пардаларга етиш мумкинлигини тасавурингизга сифдира олмай ҳалак бўласиз. Кейин у етади ўша пардага, яна денг, ўша пардадан шоирнинг дарду изтиробларини ҳам кулогингизга қуяди. Сиз ашула, мақом эшиитмайсиз, сўз тинглайсиз, ўша сўзни сизга дона-дона қилиб уқтиради ҳофиз. Менда шундай тасаввур пайдо бўлди ва ажабки, ҳақ эканман: бир жойда ўқидим – “Мақом – соз тингламак, сувора – сўз тингламак”.

Яна бир ҳақиқат бор: асли суворалар нуфузли давраларда кўйланган, тингланган, яъни даврнинг хос ва юқори тафаккурли давралари! Эътибор қилинг, биз ўтмишдошлиаримиз билан фаҳрланар эканмиз, уларда битта уйғун жиҳат бор. Маданият ва санъат давр ҳукмдорларининг юксак тафаккури ва илму закосига баробар тарзда ривожланган, ўша маърифатли раҳбарларнинг илмга, шеърият, санъатга бўлган яқинлиги, теран тушунчага эгалиги ижодкор қавмга катта рағбат ўлароқ хизмат қилган.

Сувораларда сўз бирламчилигини англаш қийин эмас. Бу мумтоз қўшиқларнинг аксариятига ҳам хос. Нега деймиз? Назаримда, бу ерда куйнинг аввалдан борлиги ва унга энг муносаб сўзнинг кейин танлангани ҳам роль ўйнаган бўлса, ажабмас. Таъбир жоиз бўлса, сувора – росмана имтиҳон. У адабиётга бегона одамга тўғри келмайдиган, назмнинг моҳияти, шакли ва туб илдизига етмай туриб куйлаб бўлмайдиган санъат тури ҳисобланади. Сувораларда қасида, Аллоҳга ҳамду санолар, тасаввуфий шеърият намуналари кўпроқ ўрин тутгани ҳам балки шундандир.

– Ҳожихон устани санъат оламидағи Дев дегим келади, – дейди Хоразм суворалари, мумтоз санъатининг маҳоратли вакилларидан бири, таниқли ҳофиз Азамат Отажонов. – Қомилжон уста эса Дарё эканлигини кўп одам айтган. Иккисининг санъатини бу дунё тарозиси билан ўлчаб бўлмайди. Бу ишларни одам баҳарганидан ҳайратланиб кетаман. Мен Тошкент давлат консерваториясида кўплаб ҳалқларнинг санъати билан яқиндан танишдим. Ҳарқалай, дунёдаги барча ижро-чилик санъати турларини таҳлил қила оламан. Унинг ҳар бир йўналиши бўйича муайян билимга ҳам эгаман, лекин Ҳожихон отанинг ижроси алоҳида чўйқи, унга етадиган баланд санъат бошқа учрамайди, деб ўйлайман”.

Бу сўзларни ўқиётиб, эҳтимол, кимлардир “Ол-а-а-а”, деб юборишар. Мен эса уларга айнан Ҳожихон уста айтган суворалардан бирортасини, ёлғизлиқда қолиб тинглашини тавсия қиласман.



Ҳожихон Болтаев,
“Чапандози сувора”.



Уни қалби билан тинглаган одам кўплаб мухлислар сингари бошқа ашулаларни тинглашни истамай қолса, ажабмас.

Рости, бу таклифни асл санъатга меҳри баланд ҳар бир инсонга айтгим келади. Борди-ю, ҳақиқий санъатни тинглаш кўли-миздан келмас экан, унда бизда уни англаш баҳти ҳам етишмаслиги аён бўлади.

Тан оламан, бу анча оғир хулоса, аммо ўша лаҳзаларда мен билан муштлашсангиз ҳам фикримдан қайтолмайман.

Ана, кўрдингизми, ҳақиқий сувора қандай қудратга эга?!

Очиги, гоҳо руҳиятда маҳзунлик пайдо бўлганида, дўсту душман дилга озор берганида ва бу маҳзунлигу озорларга дош бериш

мушкуллашган дамларда қиши бир малҳам, далда излаб қолади-ку. Ўшандай онларда Сизга сувора тингламоқни тавсия қиласман.

Навоий ёзди:

*Мени мен истаган ўз сұхбатига
аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сұхбатин
күнглим писанд этмас...*

Шу икки қаторгинага жо бўлган улкан ҳақиқатни қайдан топасиз. Оғаҳий аччиқ ҳақиқатни асослайди:

*Фалакким яхшилар базмида
қадримни баланд этмас,
Дами йўқум ямонлар мажмаида
мустаманд этмас,
Бу ҳасратдин кўзим ашики йўлин
бир лаҳза банд этмас.*

Бу – назмий чўққи. Бунга муносиб куй – сувора, уни одамнинг қалб торларини чертиб, кўнглиниң қатига олиб кира биладиган, ўша ерга муҳрлаб, инсонни ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларидан хабардор, хушёр, сергак бўлмоғидан ва бунга рози бўлишдан бошқа имкони йўқлигидан огоҳ этадиган яна бир куч борми?



Комилжон Отаниёзовикросидаги олтинчи, “Она сувора”.



Бу ашулга нега классик дейилади. Чунки у қўйма, ҳар матн қўйма, уни чираниб, ўйланниб, ҳисоблаб, ўқиб-ёзib бўлмаслиги ҳақиқат. Уни англаш учун ҳам катта қалб керак.

Сувораларни куйлаш осон эмас, бу инсондан катта куч-кувват талаб қиласиган иш. Улар кишига бекорга таскин-тасалли бермайди. Чунки бу ашулаларда руҳни енгиллаштирадиган, дардга дармон бўладиган яна нимадир бор. Лекин унинг нималигини айтиш қийин. Балки шунинг учун ҳам суворани куйлашга ҳамма ҳофизу қўшиқчининг журъати етмайди. Чунки бунинг учун бетакрор қалб соҳиби бўлиши, бу ашу-

лаларни куйлаш учун ўша қалбнинг инжа торлари чертилиши лозим. Кейин одам роҳатланади, руҳи енгиллашади, дили хотиржам бўлади...

Мен ўнлаб сувораларни тинглаб, куйга солинган бирорта ҳам мухаммас ёки ғазал оддий эмаслигини, бильъакс, уларда ўзбек шеъриятининг оташин нафаси ўз ифодасини топганини, матнлар ҳам мукаммал танлов мақомида эканлигини кўрдим.

Суворалар учун кўпроқ Навоий, Оғаҳий, Машрабнинг ижодий бисотидан энг латиф газалларга боғланган мухаммаслар танланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ҳам назмий заковат даражасини билдириб турибди. Уларни танлаганларга тан.

Энг кўп сувора куйлаган ҳофизлардан бири Комилжон Отаниёзовдир. У “Сувораи Комил”ни, яъни олтинчи суворани ҳам яратган.

Комилжон Отаниёзов Хоразм санъатининг илдизлари бутун Марказий Осиёни қамраб олган чиноридир. Унинг яратган юзлаб санъат дурдоналари ҳали-ҳамон ўзбек қўшиқчилик санъатининг ҳам лирик ва бирдек мумтоз санъатида ҳам юксак марта-басини маҳкам тутиб келмоқда.

Комилжон Отаниёзов сувора куйлаганида бошқа бир парадоксни кузатаман. Ҳожихонни тинглаш қанчалик қийин бўлса, Комилжон ҳофизнинг ижроларида умуман тескариси, уларни тинглаш ўта енгил кечади. Улар ҳар қандай тингловчини ўзига сеҳрлай олади. Йўқ, бу оддийлик шунчаки оддийлик эмас, бунда ҳам улуғ ҳикмат бор, наздимда. Мисол учун, ана шу мумтоз дурдонанинг энг чўққиси бўлган “Катта Сувора” К. Отаниёзов талқинида бир лирик тарона каби енгил ижро этилганини кўриш мумкин. Хоразм санъати тадқиқотчиларининг айтишларича, Комилжон оға ҳар бир янги давра, янги тадбирга янги бир сувора тайёрлаб келар эканлар, яъники, суворанинг ўзи севиб куйладигани “Чапандози”-сига ўнлаб матнларни басталаганликларини кўриш мумкин. Ҳатто ўзи ҳам бир нечта мухаммаслар битиб суворага солганликларини биламиз.

Бу ўз ҳалқининг бебаҳо меросига бўлган чексиз муҳаббат. Айнан шундай! Комилжон Отаниёзов ўз даврининг энг сермаҳсул ижодкорларидан бири бўлган. У яратган юзлаб лирик ашулаларни тинглабининг сайин, буларнинг бари алоҳида-алоҳида дурдона асарлар даражасида эканини қўрамиз. Сувораларни эса навбатдаги бир қўшиқ сингари куйлайверадиган бошқа санъаткорни кўрмадим. Бугун давраларда ҳофизлардан сувора сўрасанг, кўп ҳолларда бунинг учун руҳий тайёргарлик истаб қолишиларини кўрасиз. Сувора шундай нарса!



Азамат Отажонов
ижросида
“Сувораи комил”.



Раҳматли Ортиқ Отажонов бир сұхбатда Ўзбекистон радиоси фонотекасида сақла наётган нодир санъат намуналарининг ёшлар талқинидаги вариантларида сўзлар бузиб айтилгани ҳақида куйиниб гапирган ва уларни тозалашга бел боғлаганини билдирганди. Ўз навбатида, вақти-соати келиб, келгуси авлод вакиллари “Ўша даврларда санъатнинг дарвозаси бўлмаганми? Устозлар нега жим юришган?” деган саволларни ўртага кўндаланг кўйишларидан истиҳола қилишини ҳам эслатиб ўтганди. Эътибор бердингизми, Ортиқ Отажонов йўл кўйилган хато ва ғализликлардан ор қилган, шу боис уларни иссиғида бартараф этиб, эртанги давр авлодлари олдида юзи ёруғ бўлишини истаганди. Одилона айтайлик-чи, қани энди шундай посбонлар?

Аслида ўзбек мумтоз санъати шундай бир оламки, унга инсон руҳан ва маънан тайёр бўлмасдан кирмаслиги керак. Унга кириш ва ифоридан завқ олиш учун эса инсон, аввало, ўзини чоғлаши, нимага қўл ураётганини яхши англаб, дилдан ҳис этиб, маънан тайёр бўлиши, шундан кейингина унга қадам кўйиши лозим.

Хоразмда ҳозир ҳам суворани санъатнинг ҳақиқий имтиҳони ўлароқ баҳолайдиган кучли қўшиқчилар етарли. Зоро, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарҳод Давлетов, халқнинг суюкли ҳофизларига айланган Азамат Отажонов, Очилбек Матчонов, aka-ука Эшчоновлар ва бошқа фидойи ука-сингилларимиз бор экан, бу санъат бардавомдир.

Фарҳод Давлетов куйлаган сувораларни бир тинглаб кўринг. Назаримда, у ҳозирга қадар ижро этилган бу йўлдаги энг чиройли нолаларни ўз ижроларида мужассамлаштиришга интилади. Улардан Ҳожихон Болтаев

ва Комилжон Отаниёзовдан тортиб Раҳматжон Курбонов ва Ортиқ Отажоновларнинг ҳам ўзига хос нолаларини топасиз.



Фарҳод Давлетов
ижросида
“Хушпарда сувора”.



Азамат Отажонов эса ўзгача. Унинг ҳар бир жонли ижросида битта суворанинг бир неча бор янгидан ранг-баранг товланишини кузатасиз. Бир пайтлар буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзов ҳар бир даврага кирганида суворани янги матн билан куйлагани ҳақида айтдик. Бундан асосий мақсади муҳлисларию шогирдларини шеъриятнинг серқирра жилвалари билан янада яқинроқ танишириш, мумтоз назм дурдоналарини халққа тушунарлироқ қилиб етказиш ва суворанинг бетакор нолаларини тағинда оммалаштириш бўлган. Ўйлайманки, буюк санъаткор бу билан иккала мақсадига ҳам эришган.

Азамат Отажоновнинг ҳар қайси жонли ижросида ҳам Комилжон оғаники каби суворанинг турли жилваларини кўрасиз. Матн бир, куй бир, товланишлар эса бошқа-бошқача. Бу жонли ижронинг кучи, санъатнинг қамровида чегара билмаслиги билан изоҳлансанда керак. Инчунин, жонли ижро инсон тафаккурини бойитади, унинг куй ва назм билан янада яхшироқ уйғунлашишига хизмат қиласи.

Азаматнинг шеъриятни чуқур англаши ҳам ҳайратланарли. Ҳофиз сувораларга танланган матнларни бирма-бир шарҳлаб беради. Нега айнан унинг танлангани ҳақидағи саволга ҳам жавоблари тайёр. Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзовларнинг улкан мероси ҳақидағи билимлари таҳсинга лойик. Уни бамисоли Хоразм санъатининг тансоқчисига ўхшатаман. Сувораларни бузиб ижро этиши мумкин эмаслигини бот-бот такрорлашдан, уддасидан чиқса-чиқмаса бу ишга қўл уриш санъатта хиёнат эканлигини

уқтиришдан чарчамайди.

Кези келганды тұхталиб ўтиши жоиз. Сүнгі йилларда Президентимиз томонидан мақом санъатига берилаёттан эътибор таҳсинга лойиқ. Бирок унинг амалда тұла рүёбга чиқиши мутасаддиларнинг ватанпарварлығи, малакаси, салоҳияти ва албатта, миллатига бўлган муносабатидан келиб чиқиб амалга ошади. Шу ўринда кўпчилик Хоразм санъати вакиллари ўтказилган мақом фестиваллари дастурига киритилган сувораларнинг мусиқалари баъзи ҳолларда бузиб юбориляётганидан оғринишашётгани эса кишини сергаклантиради, албатта. Бу жуда жиғдий эътироғ! Улар билан сұхбатлашар экансиз, кенг ҳалқ оммаси эътиборига ҳавола қилинадиган бундай тадбирларда мусиқа раҳбарлари ҳар бир йўналишда ўз усталарига мурожаат қилишлари зарур ва шарт бўлишини исташади. Баъзида ҳар бири алоҳида мукаммаллик касб эттага учта ижрочилик йўли бу дастурларда қоришиб кетаётганидан ёзғиришади.

— Улар Хоразм сувораларининг моҳиятини бузишмоқда, — дейди изтироб билан Азамат Отажонов. — Устига-устак, мақом фестивали дастурига киритилган сувора кўйларига шақилдоқлар қўшилганини сира оқлаб бўлмайди! Бу аслида Хоразм санъатини билмаслик, моҳиятини теран тушунмаслик оқибати. Ҳолбуки, Хоразм ижрочилик йўли ўзининг мукаммаллиги, ижро ва диапазон талаблари нуқтаи назаридан Самарқанд – Бухоро йўли билан бўйлашади. Буни эътироғ этмасликнинг иложи йўқ. Бас, шундай экан, бизга замондош бастанкорлар ушбу бой меросимизга мурожаат қилишдан олдин уларни чуқур билиб олишлари, сўнгра фойдаланишига киришишилари шарт.

Биз бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий бойликларимиз билан мақтаниш ва фахрланишини яхши кўрамиз. Лекин уларни ўрганиш ва қадрлашга кўпинча қунт-ҳафса сала қылмаймиз. Масалан, суворалар, “Чоргоҳ”у, “Сегоҳ”лардан росманасига завқланишга, уларни қалбимиз меҳвариға жойлашга эътибор етарли, деб бўлмайди. Президентимиз томонидан мумтоз ва миллий санъатни ривожлантириш, мақом, баҳшичилик ривожи учун барча имкониятлар, ваколат ва шароит яратиб берилган бир пайтда теле ва радиоэфирларда айнан миллатнинг маънавий мероси тарғиботи умуман қониқарли, деб бўлмайди. Ҳалқнинг диди ва маданий савиясини юксалтириш борасида жиғдий қадамлар ҳақида ўйлаётган мутасаддиларни топиш ҳам қийин бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, миллиардлаб маблағлар ажратилиб ташкил қилинаётган турли фестиваллар, бир-икки кунлик


кўнгилочар тадбирларнинг на ёшлар ва на миллатнинг руҳияти учун бирор фойдали аҳамият касб этмаётгани кундек равшан.

Ёки замонавий форматдаги турли усуллар орқали миллий санъатни, мумтоз дурданаларни тарғиб қилиш вазифамиз экан ва бу бизнинг келажак авлод олдидағи бурчимиз, улкан меросни яратган улуғ аждодларимиз олдидағи қарзимиз эканини англаш шунчалар қийинми? Бу ачинарли ҳол, албатта.

Бутун ёшлар нимага кўпроқ қизиқмоқда? Миллионлаб томошабин “топган” “Кўк жигули” каби лойиҳалар аслида бизни сергакликка, соҳадаги мутасадди ва раҳбарларни инсоға ундаши керак эмасми?! Санъатнинг тирикчилик индустрисига айланишида томошабин бўлиб турган вазирликдан рози бўлиш мумкинми? Саволлар кўп...

Сирасини айтганда, буюк аждодлари миздан бой ва жуда қимматли, баъзи ўринларда дунёнинг бўйи етмай қоладиган мерос қолган. Биздан кейинги авлодга у қандай етиб боради? Етиб борадими? Биз бу борада қачон ўйлаймиз?

Бизни масаланинг ана шу жиҳатлари кўпроқ безовта қилишини истаймиз.



(Отажон Худойшукоров
ижросида
“Якпарда сувора”)



Замона зайлидан келиб чиқиб, матбуотда босиладиган мақолаларга бу матнларнинг бошқа шрифтлардаги вариантларига ҳаволалар берилганини кўрганмиз. Биз эса таҳририят жамоаси билан келишиб, энг яхши сувораларнинг QR кодларини жойлаштиришини маъқул топдик. Ишончимиз комилки, шунда дилида суворалар маъносига етмоқ истаги пайдо бўлган ўқувчи уни мириқиб тинглаши имконига ҳам эга бўлади.

АЛП ГҮРҮҒЛИ – ЗҮР БОТИР



Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари
доктори

Ўзбек “Гўрўғли”сини
кўпчилик қирқ, баъзилар
етмиш икки, лақай
уруғидагилар юз йигирма
достон, деб айтиб келади.
Бу хил саноқ ҳам уни қардош
туркман, озарбайжон,
турк, қрим татар, қозоқ,
қорақалтоқ, тожик ва
бошқа версия ҳамда
вариантлардан алоҳида
ажратиб туради.
Ўзбекларда қаҳрамоннинг
туғилишидан бошланган
воқеалар унинг ўсиб,
камолга етиши, алп
сифатида дунёга донг
таратишию юз йигирма
ёшга бориб, умри поёнида
Сулдуз (Таваккал) ғорига
кириб, ғойиб бўлишигача
бўлган тафсилотни
сўзлайди. “Гўрўғлининг
туғилиши”, “Болалиги –
Райҳон пошибодан ор олиши”
достонлари эса туркумни
бошлиб беради.





Мавжуд ўзбек версия ва вариантиларида қаҳрамоннинг туғилиши тафсилоти икки хил – айрича талқин олган: бирида ҳомила табиий, қаҳрамоннинг туғилиши гайритабиий кўринишда берилса, (Пўлкан шоир (инв №19), Эгамберди Оллоберган ўғли (инв №1461), Раҳматулла шоир (инв №1692), Хайдар ота Бойчаев (инв №1170), Амин шоир Малик ўғли (инв №1515) ва Хоразм вариантиларида), бошқа версияларда ҳомила ҳам, қаҳрамоннинг туғилиши ҳам гайритабиий ифодаланганига гувоҳ бўламиз (Фозил шоир (инв №257), Лақай (инв №1533), Тош шоир (инв №1459), Наманганд (инв №1170), Сурхондарё-Қашқадарё вариантиларни мисол тариқасида киритиш мумкин). Уларда Гўрўғли худди Исодек илоҳий ҳомила топади.

Айни пайтда барча вариантилар орасида Кўргон баҳшиларидан ёзиб олинган намуналар бадиий жиҳатдан юксаклиги, тафсилотлари кенг баён этилгани, қўшимча образ ва мотивларнинг баҳшилар томонидан маҳорат ила кўйлангани билан ажralиб туради. Шу сабабли ҳам бу пайтгача Кўргон баҳшиларидан Пўлкан шоир, Эгамберди Олломурод ўғли ва Раҳматулла Юсуф ўғли вариантилари нашрга тайёрланиб, кенг китобхонлар оммасига етказилган.

Кўргон вариантида қаҳрамоннинг отаси Равшан, деб аталади. Ўзбек “Гўрўғли”сининг Хоразм версияси ва қардош озарбайжон ҳамда туркман достонтиларида қаҳрамоннинг яна бир номи Равшан бўлиб келади.

Ушбу ном замирида “гўрўғли” сўзининг қадимий маъно қатламларига йўл топишимиз мумкин. Гўр/кўр сўзининг ёруғ, ойдин, нур, ёғду маънолари даврлар ўтиши билан архаиклашиб, сўнгги босқичда “равшан” номи асосий исм муқобили сифатида оммалашган. Хусусан, достоннинг туркман версиясида азизлар Хизр эрандан: “Нега оти Гўр ўғли бўлди?”, деб сўрашганида, “Қоронғу юртдан ёруғлик оламига ўтгани учун шундай номланди”, деб изоҳланади. Гўр сўзининг қадим ёруғ, нур маъноларини ушбу изоҳдан аник англашимиз мумкин. Достонда бу хил исемдаги изоҳли маънони Жунус (Юнус) парига ёндош Мисқол пари номида ҳам кузатамиз. Мисқол Жунус – жундай енгил маъносини ифодалаб беради.

Эпоснинг тили – рамз ва тимсоллар тилидир. Барча санъат асарлари қатори мумтоз эпос намуналарида воқелик бир неча қатlam маънога эга бўлади. “Гўрўғли” достонтиларида ҳам ҳаётий-маиший, ижтимоий-гоявий ва эзотерик маъно қатлами мавжуд. Талқин этувчи қайси бир қатlam мазмунини асос сифатида олса, ушбу мазмуннинг юзага чиқишига асос бўлувчи манбаларни топади.

Биргина мисол: достон аввалида эранлар Гўрўғлидан “От керакми, зот?” деб сўрашади. Гўрўғли Отни танлайди. Ана шунда ОТ ва ЗОТ муаммоси ҳал бўлади. МУСБАТ қувват МАНФИЙга эврилади. Гўрўғлининг ОТга эгалиги-ю, ЗОТи йўқлиги улкан тимсол, чунки ҳеч бир ҳалқ тепасида бир авлод, насл узлуксиз ҳукм юргизмайди. ЗОТлар алмашади, лекин ОТ давом этади. Улкан салта-

нат ОТИ бир миллатга тегишли бўлиши мумкин, лекин унинг қувватини шу ном билан чеклаш ҳам моҳиятни тор англашдир.

Аслида салтанат тузувчи – Гўрўғлидек алплар бағрикенглик сиёсатини юргизган толерант шахслар хисобланади. Улар ўзи мансуб “локомотив” қабила атрофида кўплаб миллат, эл, элатларни бирлаштириб, уларнинг бирдек камол топишига шарт-шароит яратади. Гўрўғли Аҳмад сардордек маҳдуд, майда, миллатчи, зотпараст эмас эди. Унинг салтанатида Авазхон (Гуржистондан), Ҳасанхон (Ваянгандан), Тўлакботир (Қандахордан), Ҳолдорхон, Асад-Шодмон каби турли элат, уруғлардан бўлган қирқ йигит бирлашиб Чамбилининг – озод, эркин ўлқанинг гуллаб-яшнашига ўз қувватини кўшишига имкон яратилган. Уларнинг барчаси чамбилик бўлишган, шу ўлка шаъни, шарафини улуғ тутишган, Аҳмад сардордек тор феълилк бўлишмаган. “Гўрўғли” туркумидаги бир қанча достонлар салтанатдаги ана шу “сардорчилик” кутқуси натижасида келиб чиқсан оғрикли вазиятларга бағищлангани бежиз эмас. Алал-оқибат ҳақиқат қарор топган. Гўрўғлининг Гўрўғлилиги шундаки, у Аҳмад сардорни ҳам тушуниб, уни кечира олган, тўғри йўл топишига имкон берган. Шу сабабли ҳам туркум достонлари Гўрўғли алп номида бирлашган.

Аслида ҳар нарсадан айб ахтарадиган одамнинг зуваласида айби бўлади. Аниқроғи, дунёқараши қусурли. Ҳаётда яхшиликни, фазилатни кўриш қийин. Уни топиш, намойиш этиш оғир юқ. Яхшилик, фазилат кўп кум ичидаги олтин заррасига ўхшайди. Бир дона заррани ажратиш учун қанчалар кўп кумни ювиш керак. Бу кум-ку, деб қўл силтаб кетишдан осони йўқ. Комиллик йўлидаги одам олтин ажратувчидир. Алп ана шундай бағрикенг ШАҲСидир. Одам ОДАМ мақомидан қуи эниб маҳлукот мақомида туғилади. Яна Одам мақомида камолга эришиш имкони унга берилади. Ким ушбу мақомга етиша олса, ОДАМдир. Бу йўлда на жинс, на ирқу миллат, на касбу кор, на бойлигу мартаба тўсиқ бўлолади. Алплар тузган салтанат кўпчиликнинг ОДАМ бўлишига шарт-шароит яратади.

Батан ва мамлакат тақдири, шаъни, шавкати билан нафас олувчи Эрлар бор экан, бу салтанат завол топмайди. Гўрўғли шундай Эр эди. Унинг ўйи, сўзи, амали Чамбил билан боғлиқ эди. Ўйлаганинг ҳаётингга, айтганинг (ёзганинг), амалинг тақдирингга айланади. Эпос халқнинг бадиий тақдириномасидир. Эпоснинг сабоги кўп. Эпосни уқиб ўтмиш, бугун, келажак моҳияти тушунилади, англаб етилади. Бу хил хуласаларни бутун туркумликни яхлит идрок этиш баробарида чиқариш мумкин.

Ўзбек фольклоршунослигига достон куйловчиси бахши аталади. Ҳалқ ва мутахассислар достон яратувчисини ҳам бахши деб билади. Аммо “Гўрўғли” достонида эпосни яратувчи бошқача талқин қилинади. Достонларнинг яратувчиси ва эл орасига ёйувчилар сифатида Юнус, Мисқол ва

Гулнор парилар айтилади. Эпик талқинига кўра, Юнус пари кўк, Мисқол пари тоғ, Гулнор пари Хиндиистон подшосининг қизи саналиб, улар Чамбил мамлакатида Гўрўғли сабаб яшашади. Гўрўғлининг бу париларга етишуви алоҳида-алоҳида достон қилинган. Париларнинг Гўрўғли талабига кўра, унинг ҳаётини йўқлов тарзидаги кўшиқ қилиб айтганлари, аввало, “Бўтакўз” достонда келади. Пўлкан шоир ижро этган “Бўтакўз” достонида Гўрўғлининг париларга мен ўлсам, қандай йиглайсизлар, деган вақти парилар навбат билан йиглаб беришади. Париларнинг “ёлғон” йифисига Аваз ва Ҳасан ташқаридан сездирмай гувоҳ бўлиб туришади. Улар қуруқ томошабин эмас, достонлардан кино санъатига ҳам ўтган, кинода муҳим саналган “воқеага гувоҳ бўлиш” бадиий усулига уйғун санъат қўлланилади, баҳши тасвирига сиртдан гувоҳ кўяди. Гувоҳлар Аваз ва Ҳасан эди.

Юнус, Мисқол, Гулнор парилар йигида Гўрўғлининг туғилишидан то парига уйланишигача бўлган воқеаларни қисқача баён этиши баробарида, париларнинг яна бир миссияси айтилади. Бу хизмат достонда шундай куйланган:

“Мисқолжондан ҳат қолар,
Хафа бўлманг шотўрам,
Истрофил сур тортганча,
Сиздай марддан от қолар.
Кўп китоблар қиласмиз,
Сизни ҳатга солармиз,
Хафа бўлманг шотўрам,
Кўп қиёмат бўлганча,
Юртга сиздан ҳат қолар,
Тура келинг шотўрам!

Гўрўғлибек. Сакраб жойидан турди. – Эй қаддингдан, – деди. Юнужон, Мисқолжон, Гулноржон, рўзгорнинг савобига учдан бир қилдим, сизлар маҳларингни ўтинглар, – деди”.

Маълум бўлмоқдаки, парилар Гўрўғлига унинг тарихини достон-китоб қилишни ваъда қилишади. Лакай баҳши Аҳмаджон Сойибназар куйлаган “Гўрўғлининг ғойиб бўлиши” достонида воқеанинг давоми айтилганини кузатамиз. Гўрўғли горга кириб ғойиб бўлгач, икки пари Кўхи Қофга борса, парилар сизнинг бетингиз қора, Гўрўғлидан фотиҳа олиб келмабсиз, бизга қўшилмайсиз, бориб фотиҳа олиб келинг, деб қайтариб юборишгани ва париларнинг ғорлабида ўтириб, Гўрўғлининг қилган ишлари, мардликларини етмиш икки шоха достон қилиб айтгани, бу достонларни шу атрофда қўй боқиб юрган чўпонлар эшитиб, эл-юрга ёйгани, Гўрўғлининг достонлари шу асосда пайдо бўлгани, сўнгтина Гўрўғлиниг уларга дуо бергани айтилади.

Бахши-шоирларнинг достон яратувчилари ҳақидаги бу талқиннинг бошқа фикр-

лар билан кесишибадиган ўринлари бор. Умуман олганда, “Гўрўғли” достонлари яратилиши, ривожи, ёйилиши алоҳида мавзу, биз ўрни билан бу масаларни ҳам ёритамиз. Лекин баҳшилар талқини бу пайтгача тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда эди, эътиборингизга ушбу талқинни ҳавола қилдик.

Эргаш шоир куйлаган термадан тинглаймиз:

Сардорларнинг сардори,
Қабатида лашкари,
Ортида бор кўп обрў,
Гурўғлибек – зўр ботир.

Ҳаёти ҳалқ баҳти, шону шавкати билан чамбарчас боғланган Гўрўғли сингари алплар ҳамиша эл ардоғида бўлган, обрў топган, зўр ботир, деб таърифланган. Чиндан-да, ГЎРЎҒЛИ ЗЎР БОТИР!



ПОЛЬ ПЕЛЛИОНИНГ ТУРКИСТОНГА САЁХАТИ

*Ушбу мақолада 1906-1908 йилларда
Марказий Осиёга уюштирилган,
шунингдек, ҳозирги Қыргызистоннинг
жануби ва Хитойни оралаб ўтган
француз илмий экспедициясининг
Ўзбекистонга оид қисми баён этилган.
Париждә, Гиме номидаги Осиё санъати
миллий музейида сақланаётган мазкур
сафарга доир архив материаллари
Поль Пеллионинг йўл хотиралари
ва унинг ёзиши маляридан иборат. Бу
материаллар Туркистон ҳақидаги ноёб
хужжатлардир.*

Янги геосиёсий ва илмий мақсадлар мазкур экспедицияни ташкил этишга турткى берган. XIX аср ўрталарида Марказий Осиё минтақаси кам ўрганилган, ёмон ҳариталаштирилган ҳудуд эди. Бу пайтга келиб Ипак ўйли ўзининг асосий геосиёсий ва савдо тармоғи сифатидаги мавқенини бой берганди. Аммо Россия билан Англия ўртасидағы рақобат туфайли ушбу минтақага ҳалқаро миқёсда эътибор яна кучайди. Козоқ даштлари ва Марказий Осиёдаги хонликларни ишғол этган Россия империяси бу ҳудудларни ўрганишга

йўл очиб берди. 1873 йили Парижда ташкил этилган шарқшуносларнинг илк ҳалқаро анжумани ва рус олимларининг Туркистон маданияти тарихига бағишлиланган маъruzalari бу ўлкага қизиқиши янада оширеди. Ҳиндистондаги Британия армияси зобити Гамильтон Бауэр (1858-1940) 1889-1890 йиллар Хитой Туркистонига ташрифи чоғида ҳарид қилган санскритда битилган кўлёзма ҳиндшуносликда шов-шувли воқеа бўлди. Бу соҳа мутахассислари эрамизнинг биринчи минг йиллигига Марказий Осиёда буддавийлик

тамаддуни гуллаб-яшнаганини аниqlадилар.

Минтақани жуғрофий ва этнографик тадқиқ этиш, айниқса, археология соҳасида кескин фоллашди: Шарқий Туркистонга ҳинд, шунингдек, эрон ва юон таъсирини ўрганиш бу изланишларнинг илк ҳаракатлантирувчи омилига айланди. Европадаги қудратли давлатлар, қолаверса, Япония фаол иштирок этган мазкур илмий тадқиқотлар XIX-XX аср ўрталарида янада кучайди. Экспедицияларни ўзаро мувоғиқлаштириш ҳамда ҳалқаро илмий ҳамкорликка кўмаклашиш



Гезве АЛЛЕЗ,
Француз Марказий
Осиё тадқиқотлари
институти
(IFEAC, Бишкек,
Қыргызстан)
етакчи илмий ходими

мақсадида 1899 йили Марказий Осиё ва Узок Шарқ тарихий-археологик, лингвистик ва этнографик тадқиқотлари халқаро ассоциацияси ташкил этилди. Моддий ёдгорликларни ўрганиш ва уларни сақлаш ҳамда минтақани тадқиқ этишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ушбу ташкилот фаолиятининг асосий мақсадига айланди. Сиёсий ва ҳарбий разведкани бутунлай инкор этмаган ҳолда, изланишларда илмий фарзлар устунлик қилди.

Пеллионинг миссиясида ҳам шундай илмий мақсадларни амалга ошириш кўзда тутилган эди. Вазифалар аниқ белгилаб олинганди: Шарқий Туркистандаги археологик топилмаларни ҳужжатлаштириш, санъатга оид ашёлар ва қадимги кўллэзмаларни йиғиши.

Йигирманчи аср бошида Франция Марказий Осиёга бир неча бор экспедиция уюштиришга ултурган Германия, Буюк Британия, Россия империяси ва Япониядан анча ортда қолган эди. Айнан шу сабабдан ҳиндшунос Эмил Сенар бошлигидаги Халқаро ассоциациянинг француз бўлими Марказий Осиёга экспедиция ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Тузилманинг энг ёш аъзоси Пеллио мазкур сафар раҳбарлигига таклиф этилди: малакаси, бир неча тилларни билиши ва Пекинда боксчилар исёнини бостиришдаги саъй-ҳаракати унинг муносиб номзод эканини кўрсатган эди.

Пеллионинг ўша пайтлари Шарқий Туркистанни ўргангандиган бошқа тадқиқотчилардан устун томони минтақада кўлланадиган тилларни билиши эди. Ҳамкаслари ва “рақобатчилари” бўлмиш ҳиндшунос ҳамда эроншунос археологлардан фарқли ўлароқ, у хитойчани пухта ўзлаштирган, санскрит ва форс тилларини ҳам яхши эгаллаганди. Экспедиция давомида Пеллио Марказий Осиё халқлари (ўзбек, қирғиз ва уйғур) тиллари билан танишади. Шу боис



унинг Марказий Осиё ва Хитой аҳолиси вакиллари билан эркин мулоқоти анча осонлашганди. У сафар чоғида кўплаб қимматли маълумотларни тўплади ва бу фактлар муҳим аҳамият касб этидиги.

Илмий экспедицияга тайёргарлик

Экспедицияга ҳозирлик 1904 йилнинг ёзида бир неча француз муассасалари раҳбарлигига бошланди. Маблағ Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Кўллэзмалар ва нафис адабиёт академияси, Табиий тарих музейи, етакчи географик жамиятлар ҳамда алоҳида шахслар томонидан ажратилди. Ҳомийлар орасида Наполеон оға-иниларидан бирининг набираси, географ ва ботаник шаҳзода Ролан Бонапарт (1858-1924), бадавлат муруватпеша Жозеф-Флоримон, герцог де Луба (1831-1927) бор эди.

Экспедициядан мақсад буддизм даврига оид археологик ёдгорликларни ўрганиш ва эрамизнинг биринчи минг йиллигига доир Хитой Туркистани кўллэзмаларини йиғищдан иборат эди.

Натижаси жуда муҳим саналган ушбу йирик миссия учун Пеллио шахсан ўзи ватандошлиари – болаликдаги дўсти, пиёда аскарлар шифокори Луи Вайян ва Парижда фаолият юритган мустақил фотосуратчи Шарль Нуэтни ҳамроҳликка чорлайди. Истилочилик урушида фаол қатнашган Луи Вайян 1902-1904 йилги Тонкин жангларида ўзини кўрсатган эди. Луи Парижга қайтгач, Поль Пеллио ундан хариташунослик ва жуғрофий тадқиқотлар билан шуғулланиш учун бирга Марказий Осиёга боришини ўтиниб сўрайди. Шарль Нуэтт эса режа, харита ва моделларни қайта тикилашга ихтинослашган эди. Бу тажрибаси Пеллионинг унга мурожаат этишига сабаб бўлганди.

Икковлон археологик фотография усуллари ва фототасвир учун мослама танлаш устида қизғин иш олиб боришидади. Экспедициянинг Гиме номидаги Осиё санъати миллий музейида сақланыётган фотосуратлар жамланмаси 1530 негативдан иборат. Самарқанд ва Тошкентда олинган суратлар илк бор ушбу мақола билан бирга напр



этилмоқда). Дастраб Пеллионинг ўзи Москвага бориб, рус тилини ўрганиш учун ўша ерда бир неча ой яшайди. 1905 йилги инқилоб экспедицияга тайёргарлик ишларини ортга сурди, фақат 1906 йилнинг бошида Пеллио сафарга жиддий киришади. Экспедиция билан боғлиқ ташкилий масалаларни рус хукумати билан келишиш зарур эди. У пайтлар Франция Россия билан илиқ муносабатда эди. Бу ҳолат Пеллионинг рус хукумати билан музокараларини анча енгиллаштиради. Француз экспедицияси Россия худудини кесиб ўтиб, Иркештомдаги Хитой чегарасигача етиб, ўша ёқдан Қашғарга боришга рухсат олади.

Тошкент. 1906 йилнинг июли

Россия томони қўллаб-қувватлагач, Пеллион икки француз ҳамроҳи билан 1906 йил 15 июнда Парижни тарқ этиб, 25 июнда поездда Москва орқали Тошкентга этиб келади. Улар ҳозирги Ўзбекистон худудида бир ой қолиб, сўнгра Ўшга, у ёқдан эса Олой орқали Қашғарга йўл олишади. Тошкентда

ҳам экспедицияга тайёргарликни давом эттирган Пеллио рус шарқшунослари йифинларида қатнашади, франциялик муҳожирлар билан учрашади.

У Эмиль Сенарга¹ ёзган мактубларидан бирида Тошкентга сафарини шундай баён этади: “Охирги ҳатим Сизга Тошкентда бир ойча яшаб, кетаётган чогимиизда юборилган эди. У ёқда бизни “ярим ватандошлар” жуда илиқ кутуб олишди, асл французлардан кўра кўпроқ ёрдам бершиди. Айниқса, икки кишининг кўмаги жуда аскатди: булар – Тошкент трамвайларининг бельгиялик раҳбари (“Эмпен” компанияси)² жаноб Мэнжи ва Тошкент лицейида француз тилидан дарс берган собиқ ўқитувчи жаноб Мюллер. (...) Кейинги 25 ийлда Тошкентда бўлган французларнинг барига – Бонвало, Капю, Марсель Монье, Мадам Массье, Лаббэ, Бонэнни, шунингдек, яқиндангина Буйан де Лакост ва Ансельмни, ва ниҳоят, бизнинг ўзимизни ҳам жаноб Мюллер қўллаб-қувватлади, боз устига, холис, беғараз ёрдамини аядади”.

Пеллио ва унинг икки дўс-

ти Мэнжи ва Мюллер билан иноқ әдилар, улар билан бирга Тошкентни сайр қилишганди. Фотосуратлардан бирида ушбу ҳамроҳларнинг эски шаҳар манзарасини томоша қилишагэйтгани акс этган. Пеллионинг йўл хотиралари, мактублари, шунингдек, у фойдаланган ҳужжатларда ҳам француз миссиясининг Тошкентда бўлиб тургани тафсилотлари қайд этилмаган. Улар қаерларни бориб кўрганини фақат Нуэтнинг фотосуратларидан билиш мумкин. Гарчи бу жойлар сиёҳларбоп манзиллар бўлмасада, гарбликлар ўртасида қизиқиши уйғотарди. Суратларда зиёратгоҳлар, бозорлар, хуллас, Шарқ ва Африкада ғарблик сиёҳларни қизиқтирадиган одатий манзаралар акс этган. Экспедиция қатнашчиларини кўпроқ маҳаллий аҳоли ва ёдгорликлар қизиқтирган.

Кенг тарқалган яна бир суратда уйининг эшиги олдида турган тошкентлик мартабали ўзбек қиёфаси акс этган. Унинг кимлиги ҳақида маълумот йўқ. Шу ўринда Пеллионинг Тошкентда маҳаллий аҳоли билан муносабати ҳақида савол туғлади. У Николай Петрович

¹ Эмиль Сенар (1847-1928) – хиндунон, XIX аср охиридан то ҳаётдан кўз юмгунгача француз ва халқаро шарқшунослар ўртасида алоқани боғлаб турган олим.

² Бельгиянинг “Empain” компанияси 1896 йили Тошкентда трамвай йўлини куриш ва ундан фойдаланишга рухсат олган, 1901-1903 йиллари иккита трамвай йўлини ишга тушибган.

Остроумов маслаҳати билан ёлланган ўзбек тили муаллимидан бошқа тубжойлик бирор кишининг номини қайд этмаган. Тошкентда ўтган бир ой давомида Пеллио ўзбек тили асосларини ўзлаштиришга улгурган. У аксарият шарқшунослар каби қадимги тилларни ўрганиш билан чекланиб қолмаган, доимо маҳаллий аҳоли билан мулоқотга киришишга уринган. Пеллионинг сафарномалирида туркий тиллар, шунингдек, хитой тили бўйича қиёсий тилшуносликка доир фикр-мулоҳазалар мавжуд.

У Тошкентда истиқомат қилган рус шарқшунослари билан ҳам сұхбатлашиб турарди. Бу борада шаҳардаги илмий ва интеллектуал давраларда мұхим мавқега эга Остроумовнинг күмаги ҳам жуда аскоттан эди.

“1906 йилнинг 20 июли. Демак, бу ердаги ишларни ниҳоясига етказиб, жўнаш вақти етди. Яна талай маълумотларни ўқиб, Остроумов, Петровский, Қалмиқов билан сұхбатлашгач, йўлга отлансан ҳам бўлади”, деб ёзади сафарномалирида Пеллио.

У Тошкентдаги олимлар билан фикр алмашишдан ташқари, Шарқий Туркистонга оид кўплаб нашрларни мутолаа қиласди. Мавжуд илмий нашрларни ҳаётда кўрганлари билан танқидий қиёслашни канда қилмасди.

Самарқанд. 1906 йил 16-18 июль

Июль ойи ўрталарида уч француз Самарқандни бориб кўришга қарор қилишади ва Маннергеймни дастлаб ўша ерда учратишади. Шаҳар европаликларни ҳайратга соганди. Уларга Ортиқ исмли ўзбек йўлбошловчисини ким тавсия қилгани номаълум. Рус шарқшунослари ёки Тошкентдаги бирор таниш француз маслаҳат берган-

дир, эҳтимол. Афтидан, Пеллио Самарқандда рус амалдорлари билан алоқага киришмаган.

Станциядан шаҳарга кириб боришдаги таассуротларини у қуидагича қайд этган:

“Хозирча бу ернинг катта шаҳар эканидан ҳеч нима дарак бермаяпти. Бу орада, Регистон майдони ҳақида сўраб-суршиштирғанимдан сўнг, секинаста шаҳар қалъасига яқинлашиб, кейин эски шаҳарга кириб бордик. Нақшинкор ганж безаклар, маҳаллий йўлбошловчи тили билан айтганда, “мозаика” билан жилоланган уч иирик мачит ўртасидаги Регистон майдони, яъни бозор қаршилизда очилиб борди. (...) Майдонни қуршаган Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларини бирин-кетин кириб кўргач, Шоҳи зинда мајмусига ўтдик. Шоҳи зинда мақбаралар мајмуги бошқа ёдгорликлардан кўра яхшироқ сақланган экан. Кейин Бибихоним иншиотига қайтдик. Бу ёдгорлиқда каминага айтишган хитойча унсурларни топа олмай жиндеҳ хафа бўлдим. Ушбу иншиотда хитойча меъморчилик таъсири бошқаларидагидан сира ортиқ эмас. Бибихонимга кираверишидаги пештоқлар саккиз тиллар бурун юз берган зилзилада вайрон бўлибди. Гўри Амирдаги минора ҳам иккى ўйлаб аввал қулаган экан. Бу ёдгорликларинг бари, айниқса, Бибихоним яқин орада буткул вайрон бўлиши муқаррар...”.

Маълумотига кўра, хитойшунос бўлган Пеллио кейинчалик ўзида катта қизиқиш уйғотган туркийлар ва мўғуллар тарихини ҳали ўрганишга киришмаганди. Ўша пайтда унинг кузатувлари, шарҳлари хитой манбаларидан ўзлаштирган салмоқли билимига асосланган. Олимнинг сафарномаларини ўқиганда, бунга қайта-қайта иқрор бўласиз.

Француз экспедицияси бориб кўрган сўнгги иирик маскан – Афросиёб.

“1906 йил 17 июль. Тонгда Афросиёбни бориб кўриш учун машина ёлладик. Юзлаб йиллар тупроқ остида ётган сополидиши парчаларини таёқ билан ковлаб олдик. Наҳотки, бу кўхна Мароқанд қолдиқлари бўлса? Лекин топганларимизнинг аксари ўрта асрларга тегишили. Бартольд бу ерда бош-қош бўлган бир неча қазилма ишлариням бориб кўрдик; афтидан бу айнан Чингизхонни кўрган-бильган ўша Самарқандга ўхшайди”, деб ёзади Пеллио.

Самарқандда Нуэт олган яна иккита суратда таниқли қози-мирзо Ниёз Муҳаммад Ҳусайнбоев акс этган. Улардан бирида Пеллио ва Вайян гўё Тошкентда юқори мартабали амалдор ёнида суратга тушгандек қозининг икки тарафида туришибди. Қози билан учрашув тафсилоти, сабаби ҳақида маълумот берилмаган.

Самарқандга ташрифи мобайнида Пеллио Марказий Осиёга сафар қилган бошқа ғарблик сайёҳлар каби эски буюм-ашёлар, айниқса, қадимги тангаларни сотиб олишга интилган. Унинг қайд этишича, ўша пайтда камёб буюмлар бозорда Тошкентда эмас, асосан, Самарқандда жойлашган экан. Хотираларида у қадимги нодир нарсалар билан савдо қилувчи тужжорлар, жумладан, бир афғонни тасвирлайди. 1906 йилга келиб бу бозорда чиндан ҳам ноёб буюмлар жуда камайиб кетган, борлариям ўта қиммат бўлган. Шаҳарга ундан олдин келган сайёҳлар аксарият ноёб ашёларни аллақачон харид қилишганди. Охир-оқибат ўзи истаган нодир буюмларни тополмаган Пеллио бозордан жуда кам нарса сотиб олиш билан кифояланган.

Мана, унинг сафарномаларидан айрим парчалар:

“1906 йил 17 июль. Бозордаги тангалар кўнглумга ўтирмағач, мени яқиндагина Балхдан бирталаи қадимги танга олиб келган афғон табибининг ёнига олиб бо-

ришиди. Сартлар уйининг иккинчи қаватида акаси билан табиблик қўлибчи, қиёфаси тундроқ барваста йигит эди у. Хона табибдан маслаҳат сўраб келган беморларга тўла, ҳамто боласини қўтариб келган рус аёли ҳам бор эди. Ортиқ табибга нега келганимизни тушунтиргач, ўша афғон ҳеч бир ҳаракатимизни кўздан қочирмай, тангаларини ёйди. Камина 13 та мис, 10 та кумуш ва бир дона жуда яхши сақланган чиройли тилла танга таъладим, барни ҳинд-скиф тангалари эди. Нархни келишаётганимизда табиб узоқ ўйлаб, охири маслаҳатлашгани акасининг ёнига чиқди. Мис тангалар ҳам, кумушлариям 200 рубль, битта тилла танга эса 400 рубль туради, деди қайтиб келгач. “C'est très cher” (роса қиммат экан), деди менга французчани оз-моз биладиган Ортиқ хижолат тортиб. Чиндан ҳам, қимматлиги боис ўрнимиздан туриб, хонадан чиқдик. Ортиқ, сал униқсан бўлсаем, бу ерларда камёб санаалган японча пардаларни менга яна кўрсатди. Сўнг каминани эски-тускиларни туллаётган иккى арманнинг ёнига олиб борди, уларда арзирли ҳеч вақо ўйқ экан.

1906 йил 18 июль. Афғондан ҳали жавоб олмадик. Қадимги буюмлариям бор, лавҳаларга ёзув битувчи рус рассоми ёнига бордик. Харидсиз кетмаслик учун ундан иккита нарса – унчалик бежирим бўлмаса-да, асл хитой чиннисидан ясалган гулдон билан, ҳам хитойча ҳарфлари, ҳам қисқагина туркча ёзуви бор чиннига ўхшатиб сополдан ясалган шу ерликларинг иди-

шини олдим. (...) Улуғбек мадрасасидан бир жуфт кошин келтиришиди. Ўн рубль сўраши-ю, охири тўрт рубла келишидик. Афғон тангаларининг нархини тушуравермагач, савдомиз пишмай, жўнашга мажбур бўлдик. Балх ҳинд-юнон археологиясида муҳим ўрин тутгани боис, тангаларни сотиб ололмаганимдан афсусландим. У ёқса бирор руснинг қадами етмайди. Бақтрияда илк бора қазилма шиларини олиб бориш инглизлар ёки ўшаларга кўмаклашувчи Стейннинг хизмати чекига тушган”.

Ғарб саёҳларининг антиквариатга қизиқиши шарқшуносларга пуллаш учун Шарқий Туркистонда сохта кўләзмалар тайёрлаган хўтандик уйғур Ислом Охунга ўхшаш қаллобларнинг кўпайишига олиб келди. Пеллио ҳам уларга ўйлиқкан.

“Қайтаётуб, ноёб бўлмаса-да, нархи баланд айрим тангалар, шунингдек, кумуш нақшли араб мис тангалари ҳақида гаплашидик. Бозорда камёб, дея мақталса-да, каминага яп-янгидек туюлган, жуда бежирим бир жуфт мис тангани кўрсатишиди. Ортини ўгириб қарасам, Париж ёки Лондонда майдада-чўйдалар ясовчиларнинг муҳри тушурилган экан”, деб қайд этади Пеллио.

Андижон.

1906 йил 27-28 июль

Самарқанд сафаридан сўнг Тошкентга қайтган уч француз маъмурий масалалар ҳал этил-

гач, Андижонга йўл олишган. Улар ўша ердаги темир йўлнинг сўнгти станциясидан юклари ни – 67 та қутидаги уч тонна асбоб-анжом ва озиқ-овқат, шу жумладан, шампан виноси, ром ва арманъяк шишлари солинган қутиниям олишлари керак эди. Андижонга қисқагина ташрифи давомида Пеллио Туркестоннинг обрўли кишиларидан бўлмиш Сайд Фани билан учрашганини сафарномасида ҳам қайд этади³. Улар русчага ўзбекчани аралаштириб сұхбатлашишган.

Пеллио бу сұхбат тафсилотини қуйидагича баён қилган:

“1906 йил 27 июль. Андижондаги “Москва бўлмалари” меҳмонхонасига кела солиб, тошкентлик жуда бадавлат сарт, Сайд Каримнинг укаси, Ориф Ҳожининг амакиваччаси Сайд Фани билан танишдим. Сафимизда шифокор борлигини эшишган заҳоти, Сайд Фани ундан маслаҳат сўрамоқчи бўлди, биз учратган бошқа сартлар қатори у ҳам рус дўйхтириларига шионмас экан. Эртаси куни шифокоримиз қабулига келадиган бўлди. Савдо-сотиқ ва экспедицияга тайёргарлик кўришида Сайд Фанининг ўзи бизга хизматкорлари орқали ёрдамини таклиф этди.

1906 йил 28 июль. Халат, қуритилган мева ва яна бир нималар харид қилгани Сайд Фани билан шаҳарга тушдик. Нарх-наво бизга айтишганидан кўра баландроқ экан”.

Эмиль Сенарга ёзган хатда Сайд Фани билан учрашув батаф-

³ Сайд Азимбой Муҳаммадбоев (1825-1881) – Сайд Карим ва Сайд Фанининг отаси. У XIX аср ўрталарида Россия билан савдо-сотиқ қилиб, Тошкентдан Россияга қатновчи карвонларга бош бўлган. Рус тилини, Европача тартиб-таомилларни ўрганиб, кулдорликка қарши тараққиёт тарафдорига айланган. Ўз ихтиёри билан барча кулларини озодликка чикарган Сайд Азимбойдан Тошкентдаги бошқа савдогарлар ҳам ўрнак олишган. У 1866 йили маҳаллий аҳолининг ижтимоий ҳаётига доир турфа муаммоларни, миллий урф-одатлардан келип чиқиб, ҳал қилиш учун тузилган, Тошкентда ўз-ўзини бошқарувчи маҳсус муассаса – “Маҳкамा”га раис бўлган. Кейинчалик тижорат ишларини ўйиллари кўлига топширган. Сайд Фани (1866 - ?) раҳбарлик қилган Тошкентдаги йирик қурилиш фирмаси Сергей Радонежский черковини бунёд этишда фаол қатнашган. XX аср бошида туркестонликлар учун ҳаж сафарини ташкил этишгаям Сайд Фани бош-қош бўлган. Сайд Азимбойнинг тўнгич ўғли – Сайд Карим (1862-1916) Тошкент шаҳар Думаси депутати эди. 1907 йили у тижорат ва савдогарлар ҳаётига доир турфа мақолалар эълон қилган, ўзбек тилида чоп этилган “Тужкор” газетасини очган. 1909 йили Сайд Карим раҳбарликка сайланган “Кўмак” жамияти камбағаллар учун шифохона, амбулатория, ошхоналар курдиш, қария, етим-есирларга, талабаларга кўмак бериш каби ижтимоӣ ишлар билан фаол шуғулланган. Ака-укалар археология ихлосмандларининг Туркистон тўғрагига аъзо эди. Ориф Ҳожи Азизхожинов – ўз даврининг обрў-этиборли сиёсатчиси, ишбильармон. Чармдан пойабзал ва кийим-кечак тайёрлайдиган корхоналар эгаси. Шаҳар марказида йирик савдо маркази курган.

силроқ баён этилган:

“Мөхмөнхонага ёки бу ерда айтишганидек, “бўлмалар”га жойлашганимиздан кўп ўтмай, европача кийинган сартини учратдим, у аслида Тошкентда истиқомат қиласаркан. Мамлакатнинг энг бадавлат кишиларидан бўлмиш бу сартиниг оиласи узоқ йиллардан бери руслар билан алоқада экан. Унинг акаси – Сайд Карим Думага Тошкентдан сайланган иккита депутатдан бирни бўлиб, ўша ёқдаги катта ерлар эгаси, миллионер Ориф Ҳожининг амакиваччаси экан. Ориф Ҳожи уйланган кавказлик мусулмон аёлнинг рўмол ўрамаслиги тошкентлик мусулмонларни ранжитаркан. Мен ўша аёлни биз Тошкентда тўхтаб ўтган, аслида Ориф Ҳожига тегишили мөхмөнхонада учратган эдим. Бунача тафсилотлар иши билан Андижонга келган Ориф Ҳожининг амакиваччаси Сайд Фанига хайриҳоҳлигимизни дарров оширди. Сайд Фани русларни гоҳ шунчаки, гоҳ мутлақо жиiddий, лекин ҳар сафар туб жойликларнинг уларга умумий муносабати сезилиб турган қатъий оҳангда койи-койи, бизга Андижонни курсатди. Янги дўстимиз Ўшда мусулмонча хилхоналари бор ишонган вакилига телеграфда хабар ўйлаб, ўша ерда бизни кутиб олиб, ётоқ билан таъминлашини тайинлар экан”.

Ўш. 1906 йил 29 июль – 10 август

Сайд Фани билаң учрашув ва илиқ муносабат французларнинг Ўшда туриб экспедицияга тўла-тўкис тайёрланишларига ҳар жиҳатдан ёрдам берди. Рус империясининг марказий ҳокимияти маҳаллий маъмуриятларга француз тадқиқотчилари га қулай шароит яратиб беришни буюрган бўлса-да, Пеллио



маҳаллий аҳоли вакиллари даврасида ўзини эркинроқ ҳис этган:

“Ўшда мөхмөнхона йўқлиги боис, Андижонга келгач, рус уезди маъмурига телеграфда хабар юбориб, бизни тураржой билан таъминлашини илтимос қилган эдик. Бизга ҳарбий даҳадан кўпти билан бир ё икки хона ажратишларини, сонсаноқсиз юкимизни у ёқка жойлаш ҳам, ўша ерда карвон ташкил этиши ҳам амримаҳоллигини олдиндан билиб турардик. Дарвоҷе, жаноб Петровскийнинг маслаҳатига кўра, Туркестоннинг ҳар қаерида бўлганидек, рус шаҳридан ажратиб қўйилган эски шаҳарда қўним топмоқчи эдик. Шу боис экспедициямиз аъзолари учун Сайд Фанининг таклифи айни муддао бўлди. Унинг курсатмасига биноан дастурхон ёзилган стол ва кўрпа-тўшакли каравотлар ихтиёrimизга берилди. Одатга кўра, дастлаб ҳўл меваю ширинликлар билан безатилган дастурхон ёзиг, чойдамлаб кутиб олишиб-да, сўнг анъанавий таом – палов сузиди. Козимча Ҳожи Маккага ҳажга борган рисоладагидек мусулмон бўлса-да, биз билан бирга рус аргидан ичиб, уч-тўрт кружска пивониям кўрдим демади. Тошкентдаёқ мусулмонлар диний тақиқ масаласига унчалик жиiddий қарамасликлари сезилган эди. Нихоят ётиб ухляпмиз, вақт ҳам алламаҳал бўлди, чамамда”.

От-улов ва керакли асбоб-анжом харид қилиб, узоқ экспедицияга тайёрланиш мақсадида французлар Ўшда икки ҳафта қолишади. 11 август куни улар ҳозирги Қирғизистон жанубидағи Олой йўлига чиқиб, Иркештот деган жойда Россия – Хитой чегарасини кесиб ўтишади. Хитойдаги экспедиция икки йилча давом этиб, 1908 йил охирида Пекинга этиб борган Пеллио 1909 йили Францияга қайтади. У Хитой сафари мобайнида тўплаган материал, ҳужжат ва буюллар Парижга 1909 йил охирида этиб боради ва кўплаб илмий кашфиётларга асос бўлади. Пеллио қидириб топган, эрамизнинг биринчи минг йиллигига оид қўлёзмаларни ўқиб-ўрганиш асносида Хитой, Марказий Осиё, буддавийлик ва несторианлик тадқиқида янги-янги саҳифалар очилмоқда.

ТИЛ ТАРИХИДАГИ НОЁБ ҲОДИСА

**Хива хонлигига XIX асрда ёқ
тил ислоҳотига қўл урилган**



Калта минор. Г.Кристов, 1873 йил



Нурёғди ТОШОВ,
Тошкент иқтисодиёт ва
педагогика институти
доценти в.б.,
тарих фанлари
номзоди

Қадимги Хоразмнинг тарихий-маданий устувор хусусиятларидан бири шундаки, бу ўлқада XII асрдан бошлаб туркий тил Марказий Осиёning бошқа ҳудудларига қараганда кенг муомалада бўлган. Туркийда битилган ёзма ёдгорликларнинг салмоқли қисми айнан Хоразм заминида, асли шу ерлик бўлган адиллар томонидан яратилган. Бу ёзма ёдгорликларнинг айримлари, шу жумладан, Куръоннинг туркийга қилинган (қисман) таржимаси ҳақида атоқли олим Заки Валиди Тўғоннинг “Хоразмда ёзилмиш эски туркча асарлар” ҳамда Мехмет Фуад Кўпрулунинг “Чигатой адабиёти” мақолаларида қисқача маълумот берилган. Ўзбек, рус ва ғарб олимлари бу битикларнинг айримларини кенгроқ тадқиқ этишган, баъзиларининг матнлари нашр қилинган.

Вақт ўтиши билан Хоразмда туркий тилнинг мавқеи тобора ортиб борган, кейинги асрларга келиб етакчи тилга айланган. Бунга далил сифатида бир фактни эслаш ўринлидир: Хива хонлиги – тарихнавислик тўла-тўқис туркий тилда олиб борилган ўтмишдаги ягона давлат ҳисобланади.

Бу мавзуда сўз юритилганда, Хоразм таржимачилик мактабининг ҳайратланарли натижаларини таъкидлаш жоиз. Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги даврида юзлаб асарлар араб, форс ва усмонли турк тилларидан ўзбекчага ўгирилган, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий, Муҳаммадюсуф Баёнийдек атоқли адиллар таржима билан фаол шуғулланишган. Ўзбек тилига ўгирилган асарларнинг мавзуси, жанри, давр ва жуғрофияси ниҳоятда кенг қамровлидир. Хоразм таржима мактаби илк Аббосийлар даврида Бағдоддаги ва XVIII-XIX асрларда Усмонийлар салтанатидаги таржимачилик билан бир қаторда туради.

Гайриоддий ўзгариш

Хоразм маданий ҳаётида тил билан боғлиқ бир тарихий эврилиш юз берганки, уни том маънода ноёб ҳодиса, дейиш мумкин. Гап ҳужжатлар, аникроқ айтганда, васиқалар тилидаги ўзгариш ҳақида боряпти. Хоразмда “қозихат”, деб аталадиган бу васиқалар олди-сотди (байъи боти ботот), ижара, гаровга қўйиш (байъи жойиз) шартномалари, мерос

тақсими (хатти тарика), вакфнома каби қўплаб ҳужжатларни ўз ичига олади ва улар қозиллар томонидан муҳр босиб тасдиқланган.

Бу ҳодисага дастлаб Марказий Осиё, хусусан, Хива хонлиги тарихи бўйича йирик мутахассис Юрий Брегель эътибор қаратган. Унинг аниқлашича, Хива хонлигидаги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳижрий 1274 йилнинг жумодул-аввал ойигача форс тилида, ундан кейин эса фақат эски ўзбек тилида ёзилган. Мазкур ҳижрий сана милодий

1857 йил 17 декабрдан 1858 йил 15 январгача бўлган даврга тўғри келади. Юрий Брегель Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви (олдинги Марказий давлат архиви) ҳамда Фанлар академияси Шарқшунослик институти “Чеклар” фондида сақланаётган, Хива хонлигига тааллуқли тарихий ҳужжатлар билан танишиш асосида шундай хуносага келади. У мазкур масалага оид кузатишлари ва хуносаларини рус тилида ёзган “Хива хонлари архиви (Янги ҳужжатларнинг дастлабки



Муҳаммадраҳимхон II ёрлиғи.
1867 йил. Ушбу ҳужжат Ичан-
Қалъа музей-қўриқхонасида сақ-
ланади.

шарҳи” ҳамда инглиз тилидаги “Хива хонлигида сартлар” мақолаларида баён қилган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида сақланаётган уч юздан зиёд “Хоразм ҳужжатлари” орасида чиндан ҳам мазкур санадан кейин форс тилида, ундан олдин эса туркийда ёзилган ҳужжатни учратмадик. Муҳими, Ю.Брегелнинг ўзи кўрмаган минглаб ҳужжатлар ҳам унинг хулосасини тасдиқламоқда. Хивадаги “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонасида сақланётган қарийб 1500 васиқа фикримизга далилдир.

2001 йили япониялик ва ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан “XIX-XX аср бошлирига оид Хива қозилик ҳужжатлари каталоги” нашр этилган. Унда тавсифланган 1713та ҳужжатдан бештаси мазкур санадан кейин форс тилида ёзил-

гани қайд этилади. Бироқ бу хужжатларнинг аслияти текширилганда уларнинг санаси ёки ёзилган тили нотўғри кўрсатилгани маълум бўлди.

Хива ҳужжатлари тилининг бир кунда форсийдан ўзбекчага ўтгани 2007 йили Тошкентда шарқшунос Элёр Каримов нашр этган “XVII-XX аср бошлиари Хива хонлиги қозилик ҳужжатлари ва хон ёрликлари регистрлари” номли русча каталогда яққол кўзга ташланади. Унда ҳужжатлар хронологик тартибида жойлаштирилган. Аммо иккитаси беихтиёр “тартиббузар”га айланганки, бу – эътиборсизлик оқибати: бир ҳужжатнинг санасини (ҳижрий 1339 йил) григориан тақвимига ўтказиб ёзилаётганда хатога йўл қўйилган (1921 йил ўрнига 1821 йил ёзилган), бошқасининг санаси эса нотўғри (ҳижрий 1272 йил ўрнига 1277 йил) ўқилган.

Хоразмда битилган бир қўл-ёзма юқоридаги хуласаларга зиддек туюлади. Бу қўл-ёзмадаги баъзи форсча ҳужжатларда хижрий 1281 (милодий 1864-1865) ва 1291 (милодий 1874-1875) саналари қайд этилган (ЎзРФА Шарқшунослик институти қўл-ёзмаси, рақами 7799, 1896 ва 1956-варақлар). Бироқ ушбу тўпламдаги саналар, уларнинг бир қисми тузувчи томонидан ўзбoshimchaliq билан қўйилганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бунга қўйидаги бир ҳолат мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Кулни озод этишга доир бир ҳужжатда (хатти итоқ) ҳижрий 1300 (милодий 1882-1883 йил, қайд этилган 276-варақ). Кўрсатилган йилда бундай ҳужжат тузилган бўлиши эҳтимолдан йироқ. Чунки Хива хонлигида қулчиллик 1873 йилда расман бекор қилинган, Россия протекторати остида бўлган хонликда ошкора кул-чўри сақлаш имконсиз эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тарихий ҳужжатларнинг

vasiқalardan бошқа турлари (қонун чиқариш актлари, иш юритиш ва идора ҳужжатлари), улар қайси вақтда битилганидан қатъи назар, ҳам форсий, ҳам туркий тилда ёзилаверган. Масалан, хон ёрликлари Хоразмда, асосан, туркий тилда битилганига қарамай, XVIII асрга доир форсийда ёзилган учта ёрлиқ бизгача етиб келган.

Бироқ бундан фарқли ўла-роқ, мавжуд бир неча минг ҳужжат Хива хонлигига тил билан боғлиқ ислоҳот чиндан-да юз берганини аниқ-равshan кўрсатмоқда. Сирасини айтганда, ҳужжатлар тилининг ўзгаришини ҳижрий 1274 йилнинг бутун бошли бир ойи, яъни жумодул-аввалга тааллуқли дейишимиз – чорасизликдан. Аслида бу ўзгариш бир кунда содир бўлганининг эҳтимоли жуда катта. Бироқ ушбу ойнинг ҳар бир кунига оид ҳужжатлар сақланниб қолмагани боис биз ўша кунни аниқлай олмаймиз.

Нима бўлганда ҳам, бундай кескин, ижтимоий-сиёсий моҳиятига кўра, ўта миллий характердаги ўзгариш олий ҳукмдорнинг иродасисиз амалга оширилиши амри маҳол эди, албатта. Лекин, афсуски, ушбу мазмундаги, яъни расмий тилни, ҳужжатлар тилини форсчадан ўзбекчага ўтказиши ҳақидаги ёзма фармойиш ҳозирча бизда мавжуд эмас. Эҳтимол, бўлган тақдирда ҳам бизгача етиб келмаган ёки ҳали топилмаган. Аммо мазкур масалада бизни қизиқтирган ва ўрганишимиз шарт бўлган бошқа бир жиҳат бор: бу ҳужжатлар тили ўзгаришининг сабабидир.

Бунга сабаб нима эди?

Бир қарашда, бу ўзгаришга олиб келган омил ўз-ўзидан аёндек. Юқорида Хива хонлиги таржима мактаби тўғрисида

сўз юритдик. Аслида ҳужжатларнинг ўзбекчада битила бошлаганини ҳам шу жараёнга боғлаб тушунтириш мумкин. Лекин шуниси аниқки, таржима иши билан ҳужжатлар тилининг ўзгариши ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Маълумки, айрим ҳужжат турлари хонлик тугатилгунга қадар форс тилида ёзилаверган. Бунинг сабаби равшан: асрлар давомида кўплаб тарихий давлат бирлашмаларида идора (канцелярия) ишлари форс тилида олиб борилган, анъана эса шунчаки воз кечиб кетиладиган нарса эмас.


Ю.Брегель бу ерда баҳс юритилаётган ўзгариш илдизини бош вазир Муҳаммадяқуб меҳтарнинг 1274 ҳижрий йил Сайд Муҳаммадхон (хукмронлик йиллари: ҳижрий 1272-1281 / милодий 1855-1864) томонидан қатл этилишидан излайди. Муҳаммадяқуб меҳтар хонликнинг “сартлар” деб аталувчи этник гуруҳига мансуб бўлиб, сартлар форс тилида ҳам сўзлашибган, деб ҳисобланади. Меҳтарнинг бутун қариндош-уруғлари билан бирга қатл этилишига олиб келган асосий сабаб эса унинг таҳт алмашувига аралашгани, Муҳаммадаминхон (хукмронлик йиллари: ҳижрий 1262-1271 / милодий 1846-1855) Сарахс жангидан ҳалок бўлганидан сўнг хукмрон қўнғиротлар сулоласининг бўғинига мансуб бўлган Сайд Абдуллахон (хукмронлик йили: ҳижрий 1271 / милодий 1855) ни таҳтга кўтаргани эди.

Вазир Муҳаммадяқуб ва умуман сартларнинг сиёсий қудрати, хонлик ҳаётига таъсири қанчалик юксак бўлмасин, ҳужжатлар тилини ялпи ўзгартиришдек кескин ҳамда гайриоддий чорани фақат шу билан изоҳлаш унчалик тўғри эмас, назаримда. Масалага бироз кенгроқ қараш, чуқурроқ сабабларни излаб кўриш жоиз кўринади.

Юқорида эслатилган Сарахс

жангидан сўнг Хива хонлиги қора кунларни бошдан кечира бошлади. Хонликка тобе туркманлар ҳамда қорақалпоқлар исён қўтариб, туркманларнинг қўзголонлари 1867 йилга қадар давом этди. Анчадан буён хонлик қўшинининг кучли бўғинини ташкил этиб келган ярим кўчманчи жамшидий эли ҳам Хоразмдан кўчиб, асл юрти бўлмиш Афғонистонга кетди. Фалайёнлар ва бошбошдоқликлар Хива хонларининг халқаро майдонда йил сайин юксалиб бораётган сиёсий нуфузига, таъсир доирасига салмоқли путур етказди, хонлик жанубий Туркманистондаги назоратини йўқотди, Афғонистон ҳудудидаги кичик давлатларга таъсиридан маҳрум бўлди. Шундай бир таҳликали вазиятда таҳт тепасига келган Сайд Муҳаммадхон шароитдан келиб чиқиб сиёсат юритиши табиий эди. У вазиятни ўнглаш учун ҳар турли чораларга қўл уриб, кимларнидир қаттиққўллик билан жазолади, кимларгадир, аксинча, ён босишга мажбур бўлди. Хива хонлиги ҳудудида Русия фойдасига жосуслик қилиб юрган кимсалар берган яширин маълумотларга кўра, Сайд Муҳаммадхон деярли барча аъёнлару қариндошлирига ишончсизлик билан қарап, шу боис бошқарув ишларини ўз шахсий назорати остига олишга ҳаракат қиласди. Ҳужжатлар тилини тўла туркийга ўтказиш ҳақидаги олий топшириқ ҳам шу йўлдаги ишлардан бири бўлган эса, не ажаб.

Ҳужжатларнинг ўзбек тилига ўтиши тадқиқотчилар олдига бир неча саволларга жавоб топиш вазифасини қўяди. Жумладан, бунда ҳужжатлар формулярида (яни таркибида) қандай ўзгаришлар юз берганини, форсча атамалар қайси ўзбекча муқобиллари билан алмаштирилганини аниқлаш мухим аҳамиятга эга.



Тилхат. 1878 йил. Ушбу ҳужжат Иchan-Қalъa музей-қўриқхонасида сақланади.

Қонун ва анъана кучи

Ҳужжатлар билан танишар эканмиз, ўзбек тилига ўтгани билан уларда арабча клаузулалар (хотима қисмida) ва формулалар ҳеч қандай ўзгаришга учрамаганига ишонч ҳосил қиласиз. Кўплаб ҳуқуқий атама ва иборалар ҳам деярли ўзгаришсиз қолгани кўзга ташланади. Бундан биргина олди-сотди ҳужжатлари истисно бўлса керак. Уларнинг айримларида (байъи) “боти ботот” ибораси ўрнига (сотдим) “узил-кесил” ёхуд “байъи қатъий бирла” иборалари ишлатилган, бироқ биринчи шакл ҳам жузъий ўзгаришлар билан кўлланаверган.

Форс тилидаги аксар ҳужжатлардан фарқли равища, ўзбек тилидагиларида саналар асосан сўз билан ёзилган, аммо баъзан сўз ёнида рақам ҳам қайд этилган ҳоллар учраб турди. Бундан ташқари, тангалар тавсифида янги тафсилотлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, ҳужжатларнинг ўзбек тилига ўтиши билан



Сайд Ҳудойдодхон ёрлигининг орқа тарафи. 1764 йил. Ушбу ҳужжат Иchan-Қалъа музей-қўриқхонасида сақланади.

боғлиқ энг катта ўзгариш лексикага, яъни оддий сўзларга тегишли. Табиийки, ҳужжатларда учрайди-ган сўзларнинг бир қисми Хоразм шевасига оид. Бу диалект эса, бошқа кўплаб шевалар қатори, ҳали яхши ўрганилмаган. Қолаверса, ҳужжатларда архаизмлар ҳам учраб туриши табиий ҳол.

Турфа маънолар

Юқоридаги фикрларга мисол ўлароқ Хива хонлиги васиқаларида кўп учрайдиган “қат” атамасига эътибор қаратамиз. Бу сўз доимо сонлар билан бирга келади: “икки қат хона”, “бир қат жой” сингари. Замонавий ўзбек тилида ушбу сўз “қават”, “қатлам”, “ора”, “қатор”, “марта” каби маъноларга эга. “Қат” сўзининг нумератив (яъни саноқ) экани, бинобарин, форс тилидаги “дар” ва араб тилидаги “боб” нумеративларининг муқобили ўлароқ ишлатилганига шубҳа йўқ. Шундан келиб чиқилса, васиқалардаги “бир қат уй”, деган сўз бирикмаси битта уйни англатиши маълум бўлади.

Аммо масаланинг бошқа

жиҳати ҳам бор. Баъзан олди-сотди ва бошқа турдаги битимларнинг обьекти сифатида “10 қат уй”, “7 қат жой” кабилар қайд этилган. Бундай ҳолларда “қат” сўзи уйдаги хоналар сонини билдириши тайин. Шу ўринда эслатиб ўтиш керакки, тарихан ўзбек тилида алоҳида хонани англатувчи сўз бўлмаган, уй ҳам, хона ҳам битта “уй” сўзи билан аталган. Форс тилидан ўзлашган “хона” сўзининг қўлланана бошлиши кейинги даврларга оид. Қишлоқлар ва кичик шаҳарларда ҳали-ҳануз “уй” сўзи хона маъносида ҳам ишлатилади, фақат баъзида турли сифатлар билан бирга келади (“катта уй”, “беш болорли уй” каби). Тўғри, “хона” сўзидан ҳам фойдаланилади, бироқ одатда улар мураккаб сўзлар таркибида учрайди (мехмонхона, ошхона). Ҳаттоқи форс тилидаги ҳужжатларда “хона” сўзи ҳам уйни, ҳам хонани ифодалашини таъкидлаш ўринли. Арабча “байт” сўзининг кўплиқдаги “буют” шакли форс ва ўзбек тилидаги васиқаларда гап фақат ҳовли ҳақида кеттандаги на учрайди.

Юқорида эслатилган “жой” сўзи нимани англатади? Кўплаб васиқалар таҳлили шундан далолат берадики, бир сўз бир неча маънога эга. Биринчидан, у “уй” ҳамда “хона” сўзларининг маънодошидир. Унинг айнан шу маънода қўллангани қўйидаги мисолда кўринади. 1317 ҳижрий (милодий 1899) йилга оид бир олди-сотди висиқасида “йигрма ағри ер муштамал етти қат жойи мусаққафот ва икки табақа дарвоза” 500 тиллага сотилгани иқорор қилинган. Бу ерда “жой” сўзи, шубҳасиз, уйни билдиради. Демак, етти хонали, усти бостирилган, дарвозали уй 20 ағри ери билан шунча маблағга сотилган. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам “жой” сўзи шундай маънода ишлатилишини, баъзида “уй-жой” сингари жуфт сўзлар таркибида киришини эслайлик.

Ушбу сўзнинг иккинчи маъноси ердир. Аммо экин экиладиган ер эмас, балки қисман иншо-от(лар) қурилган ер. Мисол учун, бир нечта васиқада “бир тахта дўкони жойимизни” ёки “бир тахтабанд баззоз дўкони жойимни”, деган иборалар учрайди. Шу маънода баъзан “ер” сўзи ҳам қўлланади, бироқ унинг асосий маъноси барibir экиладиган майдон бўлиб, у форсий “замин” сўзининг синоними саналади.

Биз ўрганаётган ҳужжатларда, шунингдек, сўзларни қисқартириб ёзиш, иккита алоҳида сўзни бир-бирига қўшиб юбориш, араб ёзуви қоидаларига хилоф равищда қисқа унлиларни ва форсий изофани ёзувда ифодалаш, бўғин қўчириш сингари ҳоллар ҳам учраб туради. Мисол учун, бир олди-сотди битимида Мухаммадраҳим коши деган исм зикр этилган. Шу ҳужжатнинг ўзида яна икки нафар карвонбошининг исми борлигига қараганда, коши – бу карвонбошининг қисқартма шаклидир.

Бир қанча ҳужжатларда русча сўзлар (самовар, номер, инженер ва бошқа) ёхуд исмлар учрайди. Қизизи, улар ҳам “маҳаллийлаштирилган”: “запас” сўзи “зрафас” шаклида берилганидек. Бундай айрим ўзига хосликлар Марказий Осиёда яратилган барча туркий тилдаги ёзма ёдгорликларга хос.

Хулоса

Юқорида баён этилган муаммолар ва келтирилган мисоллардан қўриниб турганидек, тарихий ҳужжатларни ўрганиш умуман ўтмишни тадқиқ этиши билан чамбарчас боғлиқ. Бир томондан, ҳужжатлардаги мавжуд маълумотлар тарихнинг айрим қоронгу саҳифаларига ойдинлик киритса, иккинчи томондан, тарихни бошқа манбалар асосида чукур ўрганиш ҳужжатларни янада яхшироқ тушуниш-


га, улардаги түрли-туман жумбокларни ечишгә күмаклашады.

Дипломатия соҳасида қилиниши зарур бўлган, бироқ ҳамон етарли даражада эътибор қаратилмаётган ишлардан бири бу фиқҳ, яъни ислом ҳуқуқшунослигига оид асарларни кенг тадқиқ этишdir. Зоро, бунинг натижасида ҳужжатлардаги кўплаб масалаларнинг назарий асосларини билиш, шу асосда уларни яхшироқ тушуниш ва талқин қилиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, кўлёзмалар хазиналарида сақланаётган кўп сонли формулярникларни ўзаро солишириб ўрганиш яхши самара бериши шубҳасиз. Улар орасида таникли қомусий олим Абу Ҳафс Умар ан-Насафий қаламига мансуб “Матла‘ ан-нужум ва мажма

ал-улум” асарида келтирилган ҳужжат намуналари алоҳида аҳамият касб этади.

Навбатдаги қадам эса атамалар луғатини тузиш билан боғлиқ. Луғатда истилоҳларнинг замон ва макондаги фарқи ҳамда хусусиятлари акс эттирилса, нур устига нур бўларди.

Сўзимиз сўнгтида яна бир нарсага эътибор қаратишга эҳтиёж бор. Хива хонлиги ҳужжатлари тилида кечган ўзгаришни билишнинг амалий аҳамияти ҳам мавжуд. Хива ҳужжатларининг илмий тавсифи билан шуғулланган шарқшунослар ушбу мақолада баён қилинган ислоҳотдан хабардор бўлганларида ва шунга диққат қилганларида эди, юқорида санаб ўтилган хатоларга йўл кўйилмаган бўларди.



Олди-сотди шартномаси. 1816 йил. Ушбу ҳужжат Иchan-Қalъa музей-кўриқхонасида сақланади.



Мухаммад Раҳимхон мадрасаси. Ҳудойберган Девонов. 1935 йил.



Сергей Николаевич Абашин

1965 йил 21 апрелда Москвада туғилган. Рус тарихчиси, этнолог ва антрополог. Тарих фанлари доктори.

1987 йили М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг тарих факультети “Этнография” кафедрасини тамомлаган.

1990 йили СССР Фанлар академияси Н.Н. Миклюхо-Маклай номидаги Этнография институтининг Ўрта Осиё ихтисослиги бўйича аспирантурасини тугатган ва илмий ходим лавозимига қабул қилинган. Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Қирғизистонда дала тадқиқотлари билан шуғулланган.

1997 йили “Замонавий ўзбек қишилогида ижтиёмий муносабатлар: Фарғона водийси материаллари асосида” мавзусида тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган.

2008 йили “Ўрта Осиёда этнографик билим ва давлат қурилиши: XIX-XXI аср бошларида сарталар муаммоси” мавзусида тарих фанлари доктори илмий даражасини ёқлаган.

2023 йилдан буён Миллий тадқиқот универсitetinining Олий иқтисодиёт мактаби Гуманитар фанлар факультети Классик Шарқ ва антик давр институтида дарс беради.

“Этнографическое обозрение”, “Central Asian Survey”, “Cahiers d’Asie centrale” илмий журналлари таҳрир ҳайъати аъзоси.

Илмий қизиқишилари ва тадқиқот йўналишлари: миграция антропологияси, миллатчилик ва этник ўзига хослик, ислом, постколониал тадқиқотлар ва империяларни ўрганиш, Марказий Осиё.

Россияда Ўрта Осиё мамлакатлари ижтиёмий антропологияси ва тарихини Сергей Абашинчалик биладиган илм одамлари бармоқ билан санарли. Унинг қуйидаги мақоласида бир минтақа мисолида мустамлакалар ва метрополия ўртасидаги муносабатлар қандай йўлга қўйилиши мумкинлиги ва нега улар ҳозир СССР давридагидан-да ёмонроқ экани ҳақида сўз боради.

**КОЛОНИЗАЦИЯ ВА
ПОСТКОЛОНИЗАЦИЯ:**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ
МАМЛАКАТЛАРИ
ТАЖРИБАСИ**

Бироз бўлса-да, Қозоннинг забт этилишию, Кавказ ишғолини эслаймиз – бу ҳақда Пушкин ҳамда Лермонтов кўп ва хўб ёзган. Ўрта Осиёнинг забт этилишини эса кўпчилик билмайди. Рус маданиятида бу ҳақда фақат Верешчагининг суратларигина “сўзлайди”, холос (ҳатто Салтиков-Шчедриннинг “Жаноб тошкентликлар” китоби ҳам, аслида, Тошкент ҳақида эмас, у ижтимоий муаммоларга бағишланган).

Сұхбатимизда бутунги кун таъбири билан Марказий Осиё эмас, айнан собиқ Иттифоқ даврида истеъмолда бўлган Ўрта Осиё атамасини ишлатат-ётганимнинг ўзига хос сабаби бор. Яъни, ўша пайларда бу худуд – Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қозогистоннинг жануби уч хонлик тасарруфида эди. Ҳозирги Қозогистоннинг шимоли анча олдин забт этилганди.

Хуллас, Ўрта Осиё истило қилинаётганда ҳам кўздан панада эди. Истило яшин тезлигига, қонли кечиб (ўша пайларда бу ифтихоримиз асоси эди: Осиёда кучни яхши кўрадилар ва биз уларга кучимизни кўрсатдик), 1862 йилдан 1880-йилларнинг ўрталарига қадар давом этди ва либерал-эркчи Александр II даврида юз берди. Олти ё еттита ҳарбий экспедиция жуда катта қурбонлар ва вайронагарчиликлар олиб келди, шаҳарлар тўпга тутилди, қишлоқларга ўт қўйилди. Натижада ўша пайдаги Ўрта Осиё давлатларининг барчаси ўз мағлубиятини тан олди, бир қисми тобе сифатида Россия империяси таркибига кирди, Бухоро ва Хива ички сиёсатда мустақил протекторатлар тузди, лекин ташқи сиёсатни Россиянинг назоратида олиб боришига мажбур бўлди.

Ушбу фатҳнинг муфассал баёнини на музейлардан ва на дарслклардан топасиз. У хотирамиздан деярли ўчиб кетди. Бу Россия империясининг сўнгги улкан истило бўлса-да, рус жамияти биз уни нима учун забт этаётганимизни унчалик англамасди. Ички ишлар вазири Пётр Валуевнинг кундалигига қизиқ бир ёзув бор: “Бугун генерал Черняев Тошкентни эгаллагани ҳақида хабар келди. Нега ва нима учун бундай қилганини ҳеч ким билмайди”. Коррупция, ўғирлик сабаб кўплаб суриштирувлар бўлди, аммо жанубда нима учун бунча катта пул ва куч сарфлашимиз кераклигини, кимга нимани исботламоқчи бўлаётганимизни ҳеч ким тушумасди.

Бундай муносабат Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва уни давлат таркибига қўшиб олишга бўлган уринишлар тугагунига қадар давом этди. Михаил Горбачёвнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган бошқа бир Черняев (Анатолий Сергеевич Черняев – таржимон) кундакларида шундай ёзади: “...худди Туркманистонда 70 йилдан бери совет ҳокимияти бўлмагандек, алламбало ишлар бўляпти... Шундай бир вазиятда уларни бошимизга урамизми?

Улардан воз кечсак ҳам, ҳеч нарса ўзгармайди”.

Ўрта Осиё истилоси даврида ва орадан 125 йилдан ошиқроқ вакт ўтиб, собиқ Иттифоқ қўёши сўнаётган бир пайтда нималар дейилганидан қатъи назар, XIX аср ўрталарида мустамлакачиликни оқловчи вожлардан бири, гарчи кечиктирилган бўлса-да, иқтисод фойда эди: минтақада олтин ва пахта бор – Британиянинг бутун иқтисодиёти шу хомашё ҳисобига ўси, Америка пахтаси эса фуқаролар уруши туфайли Европа бозорига кирмай қўиди. Геосиёсий сабаб ҳам бор эди: бу – нотинч минтақа, у ерда доим урушлар бўлиб турди, савдо йўллари йўқ, қуллик гуллаб-яшнаган. У ерга тинчлик, илм-фан, маданият ва эҳтимол, православликни олиб кириш керак.

Шу билан бир қаторда, яна бир жуда муҳим геосиёсий манфаатни инкор этиб бўлмасди: муваффақиятсиз Қрим урушидан кейин Ўрта Осиё Британия Ҳиндистонига таҳдид қилиш ва Британия империяси билан савдолашиш воситасига айланishi мумкин эди. Генерал Скобелев Ўрта Осиё бизга щунчаки эмас, балки Константинополга айрбослаш учун керак, дейишни хуш кўради.

Қолаверса, Россия империяси янги ерларни бошиб олаётган эди, чунки Ғарб ҳам шундай йўл туваётган эди. Ўша кезларда Достоевский шундай деб ёзган: “Европада биз бечора ва қул эдик, лекин Осиёда биз хўжайн сифатида пайдо бўламиз”. Ноқислик, Европага бизнинг улардан кам эмаслигимизни исботлаш истаги билан ўзимизнинг устун эканлигимиз ҳисси бирлашди: мана, қўринг, биз мустамлакаларга Ғарбдан кўра яхшироқ муносабатда бўляпмиз, биз забт этмаяпмиз, балки қўшиб оляпмиз, қолаверса, анча вазмин ва инсонпарварлик билан қўшиб оляпмиз, дея Ғарбга нималарни дир исботлашга уриндик.

Умуман олганда, биз ҳали ҳам Европага нисбатан қарамлигимизни ва иккинчи даражали эканлигимизни ҳис қиласиз, шундай бўлса-да, у билан баҳслашишдан чарчамаймиз. Аммо биз Ўрта Осиё билан баҳслашишни эп кўрмаймиз ва у ерда нима бўлаётгани кўпчиликни қизиқтирмайди ҳам.

Келинг, яна Чор Россияси даврига қайтайлик. Россия империясидаги мусулмон фуқароларнинг мақоми ва хукуқлари бошқа мустамлака ўлкаларда бўлгани каби поймол қилинган эди: гарчи мусулмон аҳоли минтақанинг қарийб 95 фоизини ташкил этса-да, иккинчи Думага сайловлар давомида Туркистондан 13 нафар – мусулмонлардан 6, мустамлакачилардан эса 7 нафар киши сайланган эди. Табиийки, бундай империянинг қулашини минтақа аҳолиси хурсандчилик билан қарши олди. Қолаверса, кўпчилик тарихчилар, аслида, бу ҳалокат Ўрта Осиёдан бошланган, деган фикрни илгари суради. 1916 йилда, Февраль инқолобидан ярим йил аввал, кучли аксилимпериал қўзго-



лон бўлиб ўтди – бу Николай II қонунни четлаб ўтиб, амалга оширмоқчи бўлган Биринчи Жаҳон уруши фронтига маҳаллий мусулмонларнинг сафарбар қилинишига жавоб эди. У шафқатсизларча бостирилди, кейин Туркистонга қўзғолонни ўрганиш учун комиссия юборилди. Унга Тошкентда униб-ўсанг Александр Керенский бош бўлди (Керенскийнинг бўлажак рақиби генерал Корнилов ҳам туркистонлик эди). Қайтиб келгач, Керенский Думада нутқ сўзлаб, подшоликнинг минтақадаги сиёсатини қаттиқ қоралади. Умуман олганда, инқилобларнинг ислари қўпинча колонияларга, чекка худудларга олиб боради. Сталин ҳам Жанубий Кавказнинг мустамлака музофотларидан эди.

Шубҳасиз, мусулмонлар учун инқилоб бир имконият эди. Аҳоли ўз манфаатлари ва талабларини илгари суриш имконига эга бўлди. Большевиклар Туркистон автономиясини эълон қилиб, ўз аъзоларини маҳаллий элитага қўшдилар ва кўплаб мусулмон фаоллар сиёсий жабҳада ўзини наамоён эта бошладилар. Бошқа томондан, минтақани қайта қонли бўйсундириш жараёни бошланди:

1918 йилда Туркистон мухторияти тор-мор этилди, 1920 йилда Хива қўлга киритилди, Бухоро тўпга тутилди. Большевиклар маҳаллий қўзғолончиларга – совет киноларида босмачилар, деб атагланларга қарши курашдилар.

Қандай бўлмасин, Россия империяси ҳақида тугал консенсус бор: бу, албатта, мустамлака империяси эди. СССР бўйича эса консенсус йўқ. Иттифоқни ҳам мустамлака империяси деб ҳисблайдиган тадқиқотчилар билан бир қаторда, уни жамоавий амалиётга эга (яъни, у нафакат бостирган, балки озод қилган) империя сифатида кўрадиганлар ҳам бор. Бу энди империя эмас, балки тез фурратларда модернизацияга эришиш учун истисносиз барча фуқароларга тоталитар тартиб ўрнатган элитар турдаги сафарбарлик давлати, деган фикрни илгари сураётган мутахассислар ҳам йўқ эмас.

Менинг нұқтai назарим иккинчи ва учинчи фараз ўртасида. СССРда биз tengsizlikning кўплаб исботларини топамиз: пахта Ўрта Осиёни хомаш базасига айлантирди, маҳаллий аҳоли учун марказий элита сафига кириш қийин эди. Шунингдек,



оммавий руслаштириш жараёнига гувоҳ бўламиз: Иккинчи жаҳон урушидан сўнг маҳаллий тиллар ижтимоий ҳаётдан йўқола бошлади. Норасмий ксенофобия ва ирқчилик ҳам авж олган эди. Аммо биз кўплаб эмансиپаціон жараёnlарга ҳам дуч келамиз: расмий тенглик бор эди, барча истисносиз таълим ва тиббиёт билан қамраб олинганди. Ўрта осиёликлар баъзан Москвада юқори лавозимларни эгаллаб, миңтақа манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин эди, у ерга жиддий сармоялар киритиларди. Иттифоқдаги энг юқори мақомга эга аёл – Олий Кенгашнинг Миллатлар кенгashi раиси ўзбек Ёдгора Насриддинова эди.

Хозир биз кузатаётган нотинчлик сабабларини совет давридан қидириш урф бўлган. Аммо постколониализм колониализмдан сўнг келмаслиги ҳам мумкин. У баъзан ўз ички асосларидан юзага келади. Бугунги кунда бу 1920 йиллардаги иттифоққа қараганда кўпроқ. Ўрта Осиё давлатлари мустақил бўлди, лекин ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан Россияга аввалгидан кўра кўпроқ қарам. Улар учун ўта муҳим темир йўллар ва қувурлар Россия орқали ўтади. Бўйсуниш ва тенгиззлик кўпроқ, ксенофобия авж олган. Манфаатларни ҳимоя қилиш қийинлашган, миңтақага рус сармоялари келмаяпти: Россияга энди бу керак эмас.

Мигрантлар нуқтаи назаридан олиб қараганда эса колониаллик СССРга қараганда ошган. 1970-1980-йилларда миграция режали эди.

Москва Ўрта Осиё услубида маҳсус яратилган совхозларга чегараланган ишчиларни кўчириб келар, бу одамлар дарҳол поликлиникалар, касалхоналар, мактаблардан фойдалана, маҳаллий аҳоли билан тенг маош олар, расман улар билан ҳуқуқларга эга бўлар эдилар. Энди Ўрта Осиёдан Россияга меҳнат миграцияси собиқ мустамлакалардан метрополияга – Шимолий Африкадан Францияга, Покистондан Британияга миграцияга ўхшаб кетади. Мигрантлар мақоми ҳамиша муаммоли, улар иқтисодий жиҳатдан эксплуатация қилинади, уларни депортация қилиш ёки қамоққа ташлаш осон, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва таълим олиш имкониятлари ҳам анча чекланган.

1960-йилларда совет халқи миллатми ёки миллат эмасми, деган баҳс-мунозаралар бўларди. Миллат эмас, балки инсонларнинг тарихий ҳамжамияти деган қарорга келишди, бугун, эҳтимол, постмиллий ҳамжамият деб аташлари мумкин эди. Чунки миллий фарқлар, ўзига хосликлар ва тилларни йўқотиб бўлмайди. Шу боис советларнинг ўзига хослиги ва маданийи миллийликнинг устига қурилган эди. Албатта, совет деганда кўпинча рус назарда тутиларди: рус тили совет кишисининг ўзига хос хусусияти эди, Москва Кремли каби рус рамзлари умумсовет рамзи сифатида тақдим этиларди. Гарчи совет халқининг тоғаси ортида руслаштириш ва

маҳаллий халқларни метрополияга интеграция қилиш ғояси турган бўлса-да, ҳамма билардики, уларни русларга айлантириб бўлмайди, фақат ҳар бир минтақа учун фарқли совет ва миллий комбинацияларни яратиш мумкин эди, холос. Аммо, барибир, фильмлар, китоблар ва бошқалар ёрдамида аллақандай умумсовет ўзига хослик шаклланди. Ўша даврни кўрган одамлар бугун учрашиб қолсалар, сухбатлашиш учун умумий мавзуни осон топа оладилар. Аммо ҳозирги Ўрта Осиё аҳолисининг аксарияти Иттифоқ парчаланганидан сўнг туғилган ва уларда бундай ижтимоийлашув тажрибаси йўқ. Бўлмайди ҳам. Шу боис улар ўтмишни кўмсаб яшайди, уни қайтириш учун овоз беради, деб ўйлаш – катта хато.

1991 йилдан кейин Ўрта Осиё мамлакатлари Иттифоқдан ажralишнинг турли йўлларини бошдан кечирди: уларнинг барчасида турлича ресурслар, Россияга ҳар хил даражадаги боғлиқлик (қарамлик даражаси эса хотира сиёсатининг шаклланишига таъсир қиласиди), шунингдек, фарқли нуфусга эга русийзабон жамоат бор эди. Аммо ҳамма жойда қандайдир амалиётлар бўлди ва бу ҳозир ҳам мавжуд. Маҳаллий тилларнинг мақоми кўтариляпти, топонимиya ўзгаряпти, рамзлар ва ёдгорликлар йўқ қилиньяпти, совет меъморчилиги аста-секин яширияпти, ё бузиб ташланяпти. Қарама-қаршиликлар ҳам кўзга ташланади: масалан, Тошкентда Қатағон қурбонлари хотираси музейи бор, 31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни Ўзбекистоннинг бутун раҳбарияти музейга бориб, совет ва ундан олдинги даврларда қатағон қилинганларни хотирлайди. Яна худди ўша Тошкентда 1855 йили шаҳарга ҳужум пайтида ҳалок бўлган аскарларга, жумладан, Тошкентни эгаллаган генерал Черняевга ёдгорлик ўрнатилган. Замондошларнинг фикрича, бунинг нимага ва ким учун қилингани ҳалигача номаълум.

Россиянинг ўзида ҳам мустамлакачиликка қарши кун тартиби ўтган йиллар давомида турли нуқталарда бўй кўрсатди – Бурятия, Ёкутистон, Забайкалье (Бойкўлорти), Доғистон... Бу муҳим, лекин шуни ёдда тутиш лозимки, ҳар қандай зўравонлик ва бўйсундиришни ҳам мустамлакачилик деб бўлмайди. Акс ҳолда, бу сўз ўз маъносини йўқотади, академик, таҳлилий ва қонуний атама эмас, балки метафора ёхуд тамғага айланади. Мустамлакачиликнинг бир қанча аниқ белгилари бор: бу бир мамлакатнинг бошқа мамлакат (ёки бошқа халқ ёки минтақа) томонидан босиб


олинишидир. Ушбу ҳолатда бири тамаддун олиб келади, иккинчиси уни қабул қиласиди, биз метрополия қаердаю, колония қаердалигини яхши тушнамиз, иккаласининг аҳолиси ҳар хил мақом ва имкониятларга эгалиги кўзга ташланади. Шу боис биз бугунги Россияни мустамлакачи империя дея таърифлай олмаймиз. Эҳтимол, у миллийлаштирилаётган давлатдир: чунки биз рус дунёси, тили, халқи ҳақидаги фаол риторикани кузатяпмиз. Маҳаллийлаштирилаётган давлат аҳолининг турли гуруҳларига нисбатан кўллаётган пост ёки постколониал амалиётлар ҳақида гапириш ҳам мумкин. Балки, вазиятни тавсифлаш учун янги таҳлилий базисни, дунёнинг ўзгача бир тасвирини яратиш вақти келгандир. Зоро, сўнгги 200 йил ичидаги жуда кўп ўзгаришларга учради. Аммо бу янги концептуал аппаратда зўравонликка, турли одамларнинг тенгсиз мақомига, иерархияга нисбатан сезгирлик сақлаб қолинса, яхши бўларди. Чунки улар “колониаллик” ва “постколониаллик” сўзларида аниқ мавжуд.



*Сергей Абашиннинг ушибу фикрлари
“Мамлакат ва дунё ҳақида” (“О стране и мире”)
каналида эфирга кетган баҳс-мунозара асосида тайёрланди.*


“Мусулмончилик” ва совет кишиси: АМАЛГА ОШМАГАН ИДЕНТИКЛИКМИ?

Паоло Сарторининг
“A Soviet Sultanate Islam in
Socialist Uzbekistan (1943-
1991)” (“Совет султонлиги:
Социалистик Ўзбекистонда
ислом”) номли китоби ҳақида
айрим мулоҳазалар





Абдулазиз ҲАКИМИЙ,
филология фанлари
номзоди,
мустақил эксперт



Охиригина ўн йилликда гарб илмида мустамлакадан сўнг (постколониал) Марказий Осиё минтақасида юзага келган вазият нуқтаи назаридан исломни ўрганишга қизиқиш кучайди. Гарблик олимлар советча модернизациялаш ва динга қарши қураш муҳитида ислом ақидалари қандай моҳият ва шакл касб этганини тушунишга уринишаётир. Айтиш жоизки, ўзбек илм-фани вакиллари ҳам шўро давридаги исломни ўрганишда четда қолишгани йўқ (масалан, Б.Бобоҷонов, Н.Тошев ва бошқалар).

Аксарият ҳолларда гарблик олимлар ўзбекистонлик ҳамкасларининг ишлари ва гоялаидан фойдаланишади. Марказий Осиёда собиқ Иттифоқ давридаги ислом ақидаларини ўргангандан сермаҳсул тадиқотчилардан бири Австрия фанлар академиясининг илмий ходими доктор Паоло Сартори ҳисобланади.

Олимнинг янги “A Soviete Sultanate Islam in Socialist Uzbekistan (1943 – 1991)” (Vienna: Austrian Academy of Sciences Press, 2024, 355-бет) номли китоби совет Ўзбекистонида урушдан кейинги даврда исломнинг мавжудлиги ва унинг ақидаларини ўрганишга бағишиланган. Муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, бу асан оддий

одамлар ва олимлар билан суҳбатлар асносида юзага келган. Айтиш жоизки, ундағи материалларнинг аксарияти аллақачон журналларда эълон қилинган. Шу боис бу китоб муаллифнинг Ўзбекистонда шўро даврида исломни ўрганиш ва тушунишга турткি берган мулокотлари, ўй-фикрлари, ўқиб билганлари ҳосиласидир.

Асан кириш, беш боб ва хulosадан таркиб топган. Доктор Сартори сўзбошини Мавлавий Ҳиндистоний тахаллуси билан танилган ислом олими Муҳаммаджон Рустамовнинг таржимаи ҳоли баёни билан бошлайди. Зоро, муаллиф совет Ўзбекистонида исломнинг ҳолатини ушбу уламо ҳаёти орқали кўрсатишни жуда муҳим деб ҳисоблади.

М.Ҳиндистоний Кўконда тутилган, 1937 йили қамоққа олининб, уч йил ҳибсада сақланган. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, 1944 йили Минск остонасида ярадор бўлган. 1947 йили Душанбе шаҳрида имомлик қилган. Кейин қайта қамоққа олинган ва ўлимидан сўнг оқланган. Тоҷикистон Фанлар академиясида илмий ходим бўлиб ишлаган, “хўжра”да яширинча дарс бериб, исломшунос олимларни тайёрлаган.

Доктор Сарторининг фикрича, М.Ҳиндистоний совет Ўзбекистонида таниқли шахс бўлган. Шўро ҳокимияти, Сарторига кўра, маҳаллий мусулмонлар учун икки ёқлама сиёсат олиб борган: одамларга ўз мусулмонлигини намоён этишига рухсат бериб, айни пайтда атеизмни илгари сурган. Қизиги шундаки, оддий инсонларнинг одатдаги гап-сўзларида совет сиёсий элитаси монархия тарзида талқин қилинган. Масалан, коммунистик партиянинг Биринчи секретарини подпоҳ, деб аташган, яъни мусулмон сиёсий маданияти категорияларидан келиб чиқилган. Бу факт П.Сарторига Ўзбекистондаги бошқарувни “Совет сultonлиги”, деб аташга имкон берган. Олим аҳоли орасида ва тақволи зиёлиларда мусулмон сиёсий маданияти яшовчан бўлганини кўрсатишни муҳим, деб билган.

Асаннинг биринчи бобида расмий Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси (ЎОМДБ)

қишлоқ сўфийлари билан қандай қураш олиб боргани ва уларга қарши фатволар чиқаргани ҳақида батафсил ёзилади.

Иккинчи бобда муаллиф фуқароларнинг мусулмончиликни тушунишда бош диний идора – ЎОМДБнинг кўрсатаётган босимидан шикоятларини кузатади.

Учинчи бобда қишлоқ сўфиyllарининг фаолияти ҳақида сўз юритилар экан, уларнинг муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш каби амаллари маҳаллий аҳоли мусулмончилигига таъсир кўрсатгани баён қилинади.

Тўртингчи бобда маҳаллий ислом ва мусулмон аҳолига жиддий таъсир ўтказган руҳлар тўғрисидаги этнографик тадқиқотлар, дуолар китоблари ва хусусий ирим-сирим амалиётлари ҳақида ёзилади.

П.Сартори китобининг бешинчи бобида совет Ўзбекистонида ислом ва мусулмончиликнинг ҳолатидан расмий бюрократия қанчалик ташвишланганига алоҳида эътибор қаратади. Мисол тариқасида 1981 йили бўлиб ўтган коммунистик партиянинг 26-съезди материаллари келтирилади. Бу съездда Афғонистондаги уруш ва Эрондаги ислом инқилоби совет мусулмонларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланади.

Олим учун “Muslimness” (“мусулмончилик”) муҳим тушунча саналади. Муаллиф бу атамани ўзбек тилидан таржима қилиб олганини эътироф этади. Унингча, “мусулмончилик” анъаналар, эътиқодлар, мусулмон қандай бўлиши кераклиги, аниқроғи, мусулмон ахлоқи квантэссенциясини (асосий моҳият, мағиз) англатади. Сарторининг таъкидлашича, “мусулмончилик” атамаси тарихий илдизларга эга ва бу хонлик замонларига бориб боғланади. “Мусулмончилик”ни замонавий тушуниш бевосита империя даври билан боғлиқ, зоро, ушбу даврда “мусулмончилик” исломий ақидаларни ҳаётда қўллашни билдириган. Айнан совет атеизм сиёсати ва исломий амалиётларнинг рад этилгани халқнинг ўз-ўзини идентификациялаш жараёнини юзага келтирдики, аҳоли ўзини “мусулмончилик”нинг эгаси, сақловчиси

сифатида кўра бошлади. Сартори “мусулмончилик”ни Иттифоқнинг худуддаги ғайридиний сиёсатида юз тутган муваффақиятсизлиги ва бу борадаги саъй-ҳаракатлари барбод бўлиши замирида тушунишга интилади.

Шунингдек, муаллиф ахолининг мусулмон сифатида ўзи ҳақда қандай фикрда бўлганини, аниқроқ айтганда, бундай сиёсий вазиятда мусулмончилик қай тарзда намоён бўлганини билишни муҳим, деб ҳисоблайди. Сарторининг бу китобни ёзишдан мақсади ҳам Марказий Осиё ахолисида “мусулмончилик” тушунчасининг шаклланишини рағбатлантирган, диний қарашлари ва руҳоний амалиётларига таъсири кўрсатган омилларни тушунишдан иборат бўлган. “Мусулмончилик” нега оила, хонадон шароитида, маҳаллада намоён бўлганини, яъни диний ақидалар оила миқёсигача олиб тушилганини олим яхши англайди.

Сартори дин ва “мусулмончилик”нинг боғлиқлиги ҳақида фикр юритаркан, “мусулмончилик”ни диндорликнинг узвий ва яхлит, бутун кўриниши, деб тушунишни рад этади. У “мусулмончилик”ни турмушдаги ҳаётий амалиёт, деб билади. Муаллифнинг алоҳида таъкидлашича, совет ҳокимияти исломни дин сифатида христианлик ва иудаизм билан бир қаторга қўйиб англашга ҳаракат қилди. Яъни шўро ҳукумати христианлик диний расм-руsumларидан келиб чиқиб, ислом ақидалари ҳақида тасаввурларни мажбуран қабул қилдиришга уринди. Совет фанидаги бундай тасаввур илмий ҳамда сиёсий доираларда ислом ақидалари ва “мусулмончилик”ни нотўғри тушунишга олиб келди.

П.Сартори “мусулмончилик” феноменини Ўрта Осиёда миллатларнинг шаклланиши орқали изоҳлашга интилади. Муаллифнинг алоҳида таъкидлашича, Иккинчи жаҳон урушидан кейин “халқлар дўстлиги” атамаси шаклланди. Айтиш жоизки, “миллат”, “халқлар дўстлиги” ва “мусулмончилик” маҳаллий аҳоли онгига қатъйлашиб, муайян типдаги совет кишисини пайдо қилди. Бу идентиклик худудда яшовчилар-

нинг диний ва сиёсий ўзлигини англашига таъсири кўрсатди.

Унинг уқтиришича, 1936 йилги совет Конституциясида эътиқод эркинлиги кафолатланган эди. Шўро ҳокимияти томонидан диндорларнинг мавжудлиги тан олингани мусулмон жамиятига ўз таъсирини ўтказди. Сартори мисол тариқасида коммунистик партияниң Қорақалпоғистон бўлими ҳужжатларини келтиради. Уларда ёзилишича, муллалар колхозларга бориб, маҳаллий аҳолига Конституцияни тушунишишган, совет ҳокимияти уларнинг болаларига ислом динини ўқиб-ўрганишига рухсат берганини айтишган.

Маълумки, 1943 йили Марказий Осиёда ислом институализация қилинди, яъни Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси (ЎОМДБ) ташкил этилди. Сарторининг фикрича, ҳудди шу вақтдан бошлаб маҳаллий аҳоли онгига “ислом” ва “совет давлати” тушунчалари ўртасидаги зиддият йўқола борди. Айни пайтда, муаллифнинг қатъий фикрича, Ўрта Осиёда ислом ақидалари советча нуқтаи назарда мавжуд бўлганини ҳисобга олиш керак. Ва бу нуқтаи назар ўша пайтдаги Афғонистон ҳамда Эрондагидан кескин фарқ қилган.

Китобда бир пайтнинг ўзида ҳам мусулмон, ҳам совет кишиси бўлишнинг ўзига хослиги нимада, деган жуда яхши савол қўйилади. Муаллифнинг фикрича, мусулмоннинг идентик(ким)лиги билан совет идентиклигини мусулмонларнинг Диний бошқармаси боғлаб турган. Яъни ЎОМДБ мусулмонлар билан совет ҳокимияти ўртасида кўприк ёки медиатор бўлган. ЎОМДБ орадаги маданий тафовутни текислаб, совет мусулмонининг идентиклигини шакллантирган. Масалан, П.Сартори Ж.Эденнинг фикрига таяниб, ЎОМДБ аҳолини шўро армиясида хизмат қилишга даъват этганини айтади.

Олим ЎОМДБ тарихи тадқиқотчиси Э.Тасарнинг “мусулмончилик”ни ЎОМДБ фаолиятидан келиб чиқиб ўрганиш керак, деган фикрини унчалик маъқулламагани эътиборни тортади. Китоб муаллифи бошқа бир йўналишни тавсия этади: “мусулмончилик”ни





диний ақидалар ва маросимлар, яъни қабрлар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш нұқтаи назаридан ва совет кишисининг онгни хисобга олган ҳолда ўрганиш лозим.

П.Сартори фикрича, ЎОМДБ, легал ҳолатга ўтган ислом ўзбек жамиятияга унчалик таъсир ўтказа олмаган. ЎОМДБ асосан совет давлати ва жамияти ўртасида кўприк вазифасини ўташга интилган. Бир вақтнинг ўзида легал, расмий ислом билан норасмий ислом ҳам мавжуд бўлган ва кейингиси Марказий Осиё мусулмончилигида катализатор вазифасини ўтаган. Қизиқ томони шундаки, айнан совет Марказий Осиёсида икки типдаги — расмий ва норасмий ислом юзага келган. Тадқиқотчилар фикрича, айнан норасмий ёки яримлегал ислом (мисол учун, М.Ҳиндистоний фаолияти) диний маконнинг муҳим таркибий қисми бўлган ва мусулмончиликни дунёвий тушунишда ўз таъсирини ўтказган. Бундан яримлегал ислом совет ҳокимиятига муҳолиф бўлган, деган фикрга бормаслик керак. Аслида яримлегал ислом ва ислом ақидалари совет муҳитига жалб этилган эди. Бу муҳитда норасмий ислом гоялари ва ақидаларини қабул қилиш учун ижтимоий макон етарли эди. Совет Ўзбекистонида турли ақидаларнинг мавжудлиги шуни кўрсатадики, ислом амалиётлари, асосан, совет ҳокимиятининг дин борасидаги сиёсати замирида ривожланди ва Иттифоқ қонунчилиги ҳамда мағкурасига зид келмади. Бундай қарашнинг асосий далили шуки, ўша пайтда кўплаб масжидлар фаолият юритган, улар рўйхатдан ўтказилмаган, одамлар муқаддас қадамжоларни зиёрат қилганда турли маросим, расм-русумларни амалга оширган.

П.Сартори китобини ёзишда турли манбалар — мемуарлардан тортиб этнографияга доир материалларгача, поэзия, уламолар ўртасидаги ёзишмаларгача — барчасидан фойдаланган. Унинг таъкидлашича, мусулмон уламолари асосан арабчада ёзган ва ўзларининг тилини “мусулмонча” дейишган, яъни руҳоний доиралар “ўзбекча”, деган атамадан қочишган.

Уламоларнинг араб алифбосини ишлатишганини муаллиф шундай тушунтиради: айнан араб алифбоси мусулмон руҳонийларини совет ҳокимиятидан фарқлаб турган. Бу билан уламолар ўзларининг алоҳидалигини ва қандайдир автономияга эгалигини уқтиришган. Бундай вазият кўпроқ қишлоқ жойларда намоён бўлган. Эҳтимол, шу боисдан ҳам П.Сартори китобида фойдаланган асосий манбалар қишлоқ жойларга тегишли эканини ёзди. Олим бундай танловини изоҳлаб, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон, Чирчиқ ва Ангрен каби саноқли саноатлашган шаҳарларни айтмаганда, асосан қишлоқ жойлардан иборат эди, дейди.

Бошқа ғарблик тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, муаллиф Афғонистондаги уруш ва Эрондаги инқилоб Ўзбекистонда мусулмончиликни тушунишга унчалик таъсир ўтказмаганини эътироф этади. Аксинча, П.Сартори А.Калиновскийнинг тадқиқотларига таяниб, ўзбек жангчилари Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этганини ишонч билан қайд этади.


Хуносада шундай табиий савол туғилади: собиқ Иттифоқнинг диний соҳада олиб борган сиёсати мувваффақиятсизликка юз тутди, дейиш мумкинми? Мусулмончилик совет Ўзбекистонида қанчалик самарали эди? П.Сартори шўро атеистик сиёсатини барбод бўлган сиёsat, деб ҳисоблади. Бироқ унинг қарашлари ҳар доим ҳам қатъий эмас. “Мусулмончилик” ўша давр ахолиси онгидаги дунёвийликка асосланган совет мағкураси билан қоришиб кетган эди. “Мусулмончилик” муайян даражада ўзгаришга юз тутди: қиплоқ сўфизми, шаҳар зиёлilarининг билимдонлиги, шўро диний институти — ЎОМДБ ва аҳолининг дунёвий тафаккури қоришиб, чатишиб, “мусулмончилик”да ўз ифодасини топган эди. Бу маданий қоришиқ, советча янгиланиш жараёнлари, Афғонистондаги уруш ва Эрондаги инқилоб — барчаси Ўзбекистон аҳолисининг диний ақида ва амалиётларида ўз изини қолдириди.

Боймирза Ҳайит КИМ ЭДИ?

XX асрда инсоният кетма-кет иккита жаҳон уруши билан рўйбарў келди. Ана шу суронли давр ўзбек халқи ва унинг қондошу қардошлири бошига ҳам оғир кўргиликлар соганига тарих шоҳид.

Шундай маشاққатли синовларга қарамай, ўша машъум вақтда ўзбек халқи кўплаб буюк даҳоларни етиштириб, жаҳон тарихи саҳнасига олиб чиқди. Шу табаррук тупроқда ўсиб-улғайган қатор миллат ойдинлари келажак авлод учун бебаҳо маънавий месрос, ўлмас дурдона асарлар қолдирди.

Аммо, таассуфки, айни авлод тақдири дарду ситамларга қоришиқ кечди: кўни отилди, тирик қолганлари Ватандан бадарға қилинди. XX асрнинг дастлабки ўн йилликларда туғилиб, тақдир тақозоси ҳамда мавжуд сиёсий ҳокимият тазиёки остида ўзга диёрларга бориб яшашига маҳкум қилинган муҳожирлар орасида ўзбекнинг икки буюк фарзанди – тошкентлик Вали Қаюмхон (1902-1993) ҳамда на-манганлик Боймирза Ҳайит (1917-2006) ҳам бор эди.



Йирик олим, жамоат ва сиёсат арбоби, Туркистон миллий ўрдуси раҳбарларидан бири, халқаро Чўлпон мукофоти соҳиби, машҳур тарихчи, фалсафа фанлари доктори Боймирза Ҳайит Маҳмудмирза ўғли 1917 йил 17 декабрда Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Ёркўрғон қишлоғида, дехқон оиласида туғилди. Отаси Маҳмудмирза ва онаси Робия Ҳайит қизи ўз даврининг маърифатли инсонларидан бўлган.

У дастлабки таҳсилни жадид мактабларида олди. 1934-1939 йилларда Тошкент сиртқи педагогика институти Тарих факультетида ўқиди, сўнг Уйчи тумани маориф бўлими мудири лавозимида ишлади. 1939 йил декабрдан қизил армия сафида ҳарбий хизматни ўтади. Бироқ Иккинчи жаҳон урушида яраланиб, 1941 йил 4 июляда Германия қўшинлари томонидан тутқун этилди. Ҳарбий асирилка туркистонлик жангчилардан ташкил қилинган Туркистон миллий ўрдуси (баъзи адабиётларда Туркистон легиони) сафига кирди (1942 йил март) ва Туркистон миллий қўмитаси президенти Вали Қаюмхоннинг асосий ёрдамчисига айланди. Бу тузилмада гоявий масалалар билан шуғулланди. Туркистон тарихига оид дастлабки мақолаларини Берлинда ўзбек тилида нашр қилинган “Миллий Туркистон” журналида (1942-1944) чоп эттириди, “Туркистоннинг қисқа тарихи” (Берлин, 1944, ўзбек тилида) китобини ёзди.

Иккинчи жаҳон уруши тугағач, 1946-1950 йилларда Мюнхен университетининг фалсафа факультетида таҳсил олиб, “Қўқон ва Алаш Ўрда ҳукumatlari” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди (1950 йил). Ўша даврдан бошлаб ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида мунтазам илмий тадқиқотлар билан шуғулланди. Германиянинг Кёльн шаҳрида яшаб, Туркистон тадқиқотлари институти (1974 йил ташкил этилган) раҳбари сифатида ўлкамиз тарихи-

га бағишланган илмий ишларга бошчилик қилди.

Боймирза Ҳайит умри давомида 25 та йирик китоб, 10 дан ортиқ рисола, 450 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолаларни немис, инглиз, турк, ўзбек, қозоқ, рус ва бошқа ўнлаб тилларда нашр эттириди.

Ўз докторлик диссертацияси орқали Туркистон тарихининг ўзак масалаларига Европа олимлари ва халқаро жамоатчилик эътиборини қаратди. XX асрда бу мавзу бўйича ёнг теран тадқиқотчига айланиб, хорижлик забардаст илм-фан намояндадари эътирофига сазовор бўлди.

“Туркистон XX асрда” (Дармштадт, 1956; немисча) номли дастлабки йирик асарида олим бу минтақанинг XX аср биринчи ярмидаги тарихини ёритиб, совет режими туркӣ халқлар бошига солган саноқсиз кулфатларни тасвирлайди. Бошқа асарларида ҳам Шарқий Туркистон тарихи, Туркистон мухторияти ҳукумати, жадидлик ва истиқлолчилик ҳаракати, шўро ҳокимиятининг қатагон сиёсати, Ўзбекистонда ислом дини аҳволи ҳусусида тўхталиб ўтади. Унинг “Совет Россиясининг шарқ сиёсати Туркистон мисолида” (Кёльн-Берлин, 1962; немисча), “Туркистон совет-рус мустамлакаси ва империализми” (Остерхут, 1965; немисча; Анқара, 1966; туркча), “Туркистоннинг иқтисодий муммомлари” (Анқара, 1968; немисча), “Турк дунёсида рус империализмининг излари” (Анқара, 1975; туркча), “Туркистон Евроосиё марказида” (Кёльн, 1980; немисча), “Ислом ва Туркистон Россия таъсири остида” (Истанбул, 1987; инглизча), “Совет Итифоқида турклик ва исломнинг баъзи масалалари” (Истанбул, 1987; туркча), “Туркистон тарихий фактор ва сиёсий ғоя сифатида” (Кёльн, 1988; немисча), “Туркистон ҳақида маълумотлар ва изланишлар” (Кёльн, 1997; немисча) асарлари шулар жумласидандир.



Қаҳрамон РАЖАБОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Фанлар
академияси Тарих
институти бош илмий
ходими, тарих фанлари
доктори, профессор



Боймирза Ҳайит “Туркистон Русия ила Чин орасинда” (Амстердам, 1971; немисча; Истанбул, 1975; туркча), “Босмачи. Туркистонда 1917-1934 йиллардаги миллий кураш” (Кёльн, 1992; немисча), “Туркистон давлатларининг миллий мужодалалари тарихи” (Анқара, 1995; туркча), “Босмачилар”. Туркистон миллий мужодала тарихи (1917-1934)” (Анқара, 1997; туркча), “Миллий Туркистон ҳуррият даъвоси” (Анқара, 2004; ўзбекча), “Русларга қарши босмачилик ҳаракати. Туркистон туркларининг миллий мужодаласи”



(Истанбул, 2006; туркча) каби асарларида минтақа халқларининг совет режимига қарши олиб борган миллый истиқлол қураши моҳиятини очиб беради, бу асло “босмачилик” ҳаракати эмаслигини таъкидлайди.

Боймирза Ҳайит чор империяси ва СССРнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши дунё жамоатчилигини ёёқлантириди. Ватандошимиз асарларида биргина Фарғона водийсида ҳаракат қилган 9 нафар лашкарбоши ва 69 нафар йирик кўрбоши фаолияти ҳақида маълумотлар мавжуд. Айнан шунинг учун ҳам унинг китоблари XX аср 50-йилларидан бошлаб коммунистик мағқура томонидан тақиқланди ва кескин зарбага учради. Олим “буржуа миллатчisi” сифатида “Ватанга хиёнат қилган”ликда айланди, урушда мажбурий тарзда асир тушгани эса “сотқинлик” деб қораланди.

Хайриятки, Узбекистон мустақилликка эришгач, унинг айрим мақолалари мамлакатимиз матбуотида чоп этилди, серқирра фаолиятини ўрганиш сари

дастлабки қадамлар қўйилди.

Шу ўринда Боймирза Ҳайитнинг яқинда ўзбек тилида илк бор нашр қилинган икки китоби – “Босмачилар”. Туркистон миллый қураши тарихи (1917-1934)” [Тошкент: Akademnashr, 2023. 376 бет] ҳамда “Туркистон Россия ва Хитой оралиғида (XV аср иккинчи ярмидан – XX аср сўнгига қадар)” [Тошкент: Янги аср авлоди, 2023. 528 бет] китоблари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

“Босмачилар”. Туркистон миллый қураши тарихи (1917-1934) асари 1992 йили дастлаб немис тилида Кёльнда чоп этилган. Муаллиф бу китобда сўзни русларга қарши Туркистонда 1916 йилда кўтарилилган кўзғолон оқибатларини кўрсатишдан бошлайди. Сўнгра Туркистон ва Кўқонда эълон қилинган муҳторият ҳамда Оренбургда тузилган Алаш Ўрда ҳукумати, Фарғона водийсида халқимизнинг совет режимига қарши миллый қураши бошланиши, большевиклар ҳамда арман дашноқларининг Кўқондаги вахшийликлари, Хива хонлиги

ҳамда Бухоро амирлигига қизил армиянинг бостириб кириши, истиқололчиларнинг совет империясига қаршилиги, кўрбошилар фаолияти, туркиялик ҳарбий қўмондон ва давлат арбоби Анвар Пошонинг Бухорага келиб, Туркистондаги истиқололчилар ҳаракатига умумий раҳбарлик қилиши, совет режимига қарши мужодаланинг кейинги босқичлари ҳақида фикр юритади. Бу асар немис тилидан ташқари 1997 йили Анқарада турк тилида “Basmacilar”. Türkistan Milli Mücadele Tarihi” (1917-1934) номи билан ҳам чоп этилади.

Боймирза Ҳайитнинг “Туркистон Россия ва Хитой оралиғида” асари ҳам аввал 1971 йили Амстердамда немис тилида, 1975 йили Истанбулда туркчада босилган эди. Бу китоб 13 бўлимдан иборат. Унда муаррих Темурийлар ва Шайбонийлардан сўнг марказлашган Туркистон (Турон) давлатининг майда хонликларга ажраталиб кетиши, ўрта асрлар сўнгидаги мустақил ўзбек давлатлари, Русия ҳукуматининг Туркистонга

бостириб кириши тарихи ҳамда 42 йил (1853-1895) давом этган турккий халқларнинг русларга қарши ҳаёт-мамот курашини баён қиласди. Шунингдек, Хитой томонидан Шарқий Туркистоннинг босиб олиниши, миңтақада мустамлакачи рус ҳокимиятининг бошқарув усули, “Оқ подшо” даврида ўлкамиздаги миллӣ мустақиллик ҳаракатлари, 1917 йилдаги Февраль инқилоби ва Туркистон, рус большевикларининг 1917 йил ноябрда Тошкентда ҳокимиятни босиб олиши қаламга олинади.

Бундан ташқари, 1917-1924 йилларда Туркистон Мухторияти, Алаш Ўрда ҳукумати, Бухоро ва Хоразм миллӣ республикалари ҳамда уларнинг тутгатилиши, Шарқий Туркистондаги рақиб кучлар билан уйғур туркларининг миллӣ уруши, большевикларнинг 1924 йилда Ўрта Осиё республикаларида миллӣ-худудий чегараланиш ўтказиши натижасида ташкил қилган “совет миллӣ давлатлари” ҳамда шўро империясининг инқирози ва тутгатилиши каби масалалар ҳам ёритилган.

Бу китобнинг ўзбекча нашрияга муаллиф томонидан унинг туркча, немисча, французча, инглизча босмаларида бўлмаган “Совет империясининг тутгатилиши ва Туркистон” номли алоҳида бўлим киритилган.

Қарийб 70 йилга яқин вакт давомида мухожирликда яшашга мажбур бўлган муаррих бу икки асарида ҳам Туркистон ғояси ва тушунчасига содиқ қолиб, китоблари саҳифаси қатига Ватанга садоқат ва халққа эҳтиром ҳамда миллӣ-лик туйғусини сингдириб юборган. Унинг тарихий битиклари XX аср 60-70-йилларидан бошлаб ўзбек зиёлилари ва ёшларини коммунистик мафкурага қарши курашда илҳомлантириб келган.

Айнан 1989-1990-йиллардан эътиборан ўзбек матбуоти, хусусан, “Мулоқот” ва “Шарқ юлдизи” журнallарида олимнинг баъзи мақолалари чоп этилди. Ҳатто 1992 йил бошларида “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”

журналида олим асарлари библиографияси эълон қилингани ноёб ҳолат бўлган эди.

Мустақилликдан сўнг Боймирза Ҳайит шахсиятига қизиқиш ва эътибор янада кучайди. Бироқ юртимизнинг бъази марказий нашрлари уни “сотқин ва хоин” атаб, коммунистик мафкуранинг алмисоқдан қолган туҳматларини янгича овозда такрорлай бошлади. Ўша пайтда жамиятимизда Ҳайит шахсияти ва асарлари ҳақида кескин баҳс мунозаралар кечгани ҳозир ҳам ёдимда.

Ана шундай вазиятда, яъни 1992 йил июль ойида олимнинг ўз Ватани – Ўзбекистонга келиши жамоатчилик томонидан турлича қабул қилинди. Илмий ва адабий доиралар, янги сиёсий партиялар фаоллари унинг юртимизга ташрифини катта хурсандчилик билан кутиб олган бўлса, бъази

собиқ коммунист ҳамда совет тузуми тарафдорлари “сиёсий идора” ҳомийлигидага унга қарши кенг кўламдаги ташвиқот ва тарғиботни бошлаб юборишиди. Оқибат шундай бўлдики, Боймирза Ҳайит бир сутка ичида юртимиздан чиқариб юборилди.

Ватандошимиз атиги 15 кун давом этган қисқа ташрифида Ўзбекистон ФА Тарих институтида ҳам бўлиб, республика илмий жамотчилиги, хусусан, олимлар ва ёшлар билан учрашишга ултургурган, ўша мулоқотда институт аспиранти бўлган камина ҳам қатнашган эди.

Ватан дарди. Ватан изтироблари. Ватан соғинчи. Ватан меҳри. Ватансизлик фожиаси... Булар – Боймирза Ҳайитнинг ҳаёт йўлида ҳам, жўшқин ва серқирра ижодида ҳам ўқилдиз бўлиб ётган қўйма ота сўзлардир, бобо битиклардир...

Боймирза Ҳайит – 2006 йил 31 октябрда, 89 ёшида, мухожирликда, Германиянинг Кёльн шаҳрида вафот этди. Унинг бой кутубхонаси ва архиви ўлимидан сўнг Истанбул университетига топширилди ва ҳозир шу ерда сақланмоқда.

Хуллас, жонкуяр ватандошимизнинг серқирра илмий фаолияти ҳамда ижодида Туркистон тарихининг турли жиҳатлари ёритилган. У ўз китобларида Россия ва совет империяси таркибига мажбуран киритилган Туркистоннинг мустамлакачилик даврини қаламга олар экан, туркий халқлар келгусида босқинчилар қўлидан озод бўлиб, мустақиллигини қайта тикилашига ишонч билдиради.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришилар, бугун айниқса, тарихимиз, миллӣ ўзлигимизни тикилаш ийлида улуғ бир ҳаракатга йўл берди. Ўтган даврда турли сабаб ва баҳоналар билан тақиқлаб қўйилган мавзулар, ғоялар бугун ҳаётимизнинг бош мезонига айланди.

Мен мамлакатимизда мустақилликдан кейин ҳам таъқибга учраган Боймирза Ҳайит асарларининг чоп этилишини ана шу эзгу сиёсат меваси, деб биламан.

Ўзбек давлатчилигининг йирик намояндаси, маърифатпарвар ҳукмдор **Муҳаммад Шайбонийхон**

Муҳаммад Шайбонийхон асосан урушлар билан ўтган 60 йиллик умри давомида юқори савияли бадиий асарларни ҳам мерос қилиб қолдирганини кўпчилик яхши билмайди.

Ўзининг (1451-1510) ҳаётлиги чоғида ёзилган турли манбаларда, шу қаторда Муҳаммад Солиҳнинг чифатой-туркий тилидаги “Шайбонийнома”, Фазуллоҳ бин Рӯзбеҳоннинг форсча “Меҳмонномай Бухоро”, Бинойнинг форсча “Шайбонийнома”, Ҳасанхожа Нисорийнинг форсча “Музаккири ахбоб” асарларида ушбу ҳукмдор даврида фан ва маданият ривожлангани, Шайбонийхон эса фан ва маданиятга ҳомийлик қилгани, ўзи ҳам ўқимишли, ўткир, бадиий ва ижодий дид эгаси бўлгани кўрсатилган.

Кейинги давларда яратилган тазкираларда ҳам Шайбонийхоннинг туркий ва форсий асарлари ҳақида маълумотлар учрайди. XX аср бошларида Закий Валидий Тўғон Шайбонийхоннинг Туркияда сақланётган девони, девон мундарижаси, асарларининг айрим бадиий хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни мақола тарзида “Янги Туркистон” журналида эълон қиласди. 1948 йилда чоп этилган “Навоий замондошлари” тўпламига ҳам Шайбонийнинг асарлари ҳақидаги маълумотлар киритилган.

Шоир ижодини ўрганиш бўйича Туркияда ҳам маълум ишлар амалга оширилди. 1989 йили турк олими Яқуб Корасой Шайбонийхон девони бўйича докторлик диссертациясини ёқлади. Муҳаммад Шабонийнинг Туркияда сақланётган ва ҳозирга қадар ягона нусха сифатида қаралаётган девонидан олинган фотонусха Темур Хўжа ўғлиниң ташаббуси билан Ўзбекистонга илк бора 1991 йилда келтирилди.

Тадқиқотларда Муҳаммад Шайбонийхоннинг илмий-ижодий фаолиятида тўрут асар мавжуд бўлгани айтилади.

Биринчиси, “Баҳр ул-худо” (“Ҳақиқий ёрнинг денгизи”) рисоласи. Кўлёзма нусхаси Лондоннинг Бритиш музейида, Адд 7914 й, 16-226 рақами билан сақланади. 1508 йилда ёзилган бу диний-ахлоқий мавзудаги маснавий арузнинг фоилотун-фоилотун фоилотун фоилун баҳрида бўлиб, ўғли Темур султон

(1486-1514)га атаб ёзган панд-насиҳатлардан иборат китобdir.

Иккинчиси фиқҳ илмига оид асар бўлиб, бу рисола ҳозирча топилмаган. Шайбонийхоннинг шундай асари мавжудлиги ҳақида Нисорий “Музаккири ахбоб” асарида ҳам маълумот берган.

Учинчиси, туркий тил қонун-қоидалари тўғрисидаги асар. Бу ҳақда Ҳасанхожа Нисорий Шайбонийхоннинг туркий тил қоидаларига бағищланган бир рисоласи ҳам борлигини эслатади (мазкур рисола ҳозирча топилиб, тадқиқ этилмаган).

Тўртинчи асар – Шайбонийхон “Девон”идир. Муҳаммад Шабоний лирик меросининг мажмуаси бўлмиш Шабоний девони (Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейида (инв. 2436 рақами билан) сақланади) унинг ҳаётлик чоғида тартиб қилина бошланган, бироқ ҳалок бўлганидан сўнг охирига етказилмай қолган.

Шоир девонида шеъриятнинг тавҳид, наът, газал, рубоий, туюқ, муаммо, таърих каби жанрларида ёзилган 416 та шеър мавжуд. Турли манбалар ва тадқиқотларда Шайбонийхоннинг исми ва тахаллуси турли шаклларда айтилиб келинмоқда. Шабоний, Шибон, Шибоний, Шайбоҳ, Шайбек, Шоҳибек, Шоҳбаҳтахон ва ҳоказо. Аслида “Шабон” номи туркий “шўбон” сўзидан олинган. Шўбонни подшоҳ, эл-юртни бошқарувчи инсон сифатида қўллаш Навоий асарларида ҳам бор.

Адабиётшунос олим Мусо Тожибоев Шайбонийхоннинг девонида тахаллусларнинг қўлланиши ҳолатини қўйидагича таҳлил қиласди: девондаги 266 та шеърга Шабоний, 65 тасига Шабон, 7 тасига Шоҳбаҳтахон ва 1 дона шеърга Шоҳбаҳт деб тахаллус қўйилган. Демак, шоирнинг девони “Девони Шабоний” деб аталиши ва тахаллуси Шабон ёки Шабоний тарзида қўлланиши тўғридир. Аммо унинг номи анъанага мувофиқ ҳукмдор сифатида Муҳаммад Шайбонийхон тарзида қўлланилиши оммалашган.

**Акбар ЗАМОН,
Тошкент Кимё ҳалқаро университети
“Тарих” бўлими мудири, профессор**



Муҳаммад ШАЙБОНИЙХОН

Олтун вафак иғра күз қароси бирла

ҒАЗАЛЛАР

ЁР ДАРДИНГҒА

Дарду ғам бечора кўнглум сори оқилди яна,
Мени кўруб шиқ ўти боштин яна¹ келди яна.

Гунчадек кўнглум ғами ҳижронидин қон боғлади,
Муждайи васлин² эшишиб, кўнглум очилди яна.

Ҳажр ўтинда нотавон³ жисмим фироқинг кечаси,
Шамъдек боштин-аёқ фурқат⁴да ёқилди яна.

Кезлоб⁵ эрдим ишқини элдину лекин найлайнин,
Холатим Мажнун киби оламга ёйилди яна.

Фурқат отидин йиқилдим, ёр келди сўрғоли,
Эй Шабоний, ёр дардингға даво қилди яна.

ИЧИНДА

Юзунгни кўрдум ул чорток⁶ ичинда,
Очилмиш тоза гул япроқ ичинда.

Табассум қилсанг ул ғунча лабингдин,
Дегайсен бол томар қаймоқ ичинда.

Неча кўзлодинг, эй раъно ғизолим⁷,
Мени ёндумогил авлоқ ичинда.

Карам⁸ қилғил, кел эмди, эй азизим,
Ўтурғил дидайи муштоқ⁹ ичинда.

Жаҳоннинг кўзи ҳаргиз кўрмиши ўйқ
На қилди лабларинг сўрмоқ ичинда.

Кел эй соқий¹⁰, юкунуб бир аёқ¹¹ тут,
Манго дилбар била қишлоқ ичинда.

Манго жавр айладинг, эй бағри тошим,
Кўнгулни сақламай дил ток¹² ичинда.

Мухолиф¹³ Вахш¹⁴ни қишилаб турурда,
Туруш бермай турур турмоқ ичинда.

Черикнинг¹⁵ гардини кўрмой қочиттур
Масалдур: – Қул қочар ўрмоқ ичинда.

¹ Яна – ёна, аланга олиб.

² Муждай васл – висолнинг ёқимли хабари.

³ Нотавон – заиф, бемор.

⁴ Фурқат – айрилик.

⁵ Кезлоб – яшириб, пинхон тутиб.

⁶ Чорток – тўрт киррали айвон; кўшк, ёзги сарой.

⁷ Нафис гўзал; чиройли кийик.

⁸ Мехрибонлик, илтифот.

⁹ Муштоқ кўз.

¹⁰ Соқий, май узатувчи.

¹¹ Қадаҳ маъносида келган. Қўш аёқ – икки шахснинг қадаҳ уриштириши.

¹² Берк бурчак.

¹³ Карши чикувчи.

¹⁴ Йиртқич; вахший. Вахш дарёсининг қишида тез оқар ҳолатда бўлмаслиги маъносида ҳам келган бўлиши мумкин.

¹⁵ Аскар, сипохий, ҳарбий маъносида.

Шабонийға берібтүр һұсратин¹⁶ қақ¹⁷,
Қовуб мен хұсрави¹⁸ чақмоқ ичинда.

ТАРК ӘТ

Әй оқилон, әй оқилон, тарк әт, сен әмди бу жаҳон,
Жон булбұлы парвоз этар манзилгаңидур осмон.

Бутхонани вайрон қилиб, майхона ободон қилиб,
Гулхан әмасдур манзилнг, гулшан ҳавас құлғыл равон
Барҳам уроінін ақлу ҳүш, вайрон қилоінін нағси ҳүш,
Бегонани ошно қилиб, туну-күн күзайғыл баҳти хон.

Күнглум ғамин бегам қилиб, ҳақ дардини маҳрам қилиб,
Бұлса жароҳат әм қилиб, бўлғыл табиби меҳрибон.

Тортіб Самарқанд лашкарин, юруб мұғул устиға мен,
Ислом тигін тез этиб, барҳам уроінін қолмоқон.

Ислом мен-ислом мен, күффору қуфри найласуң,
Күффор бехин¹⁹ кесойін, қолмосуң андин ҳеч нишон.

Шаҳбоз²⁰ бўлди чингизи, Семурғу Анқо қойдадур,
Мен-мен мұхитнинг жавҳари жавҳарни билмас инсу жон

Эй қаҳрабо, маъмур²¹ этай кўп дуррү маржонлар тўкуб,
Эй дилбарнинг дарди била ўтқа ёнар мен ҳар замон.

Шайбоний, сўзинг қисқа қил, юрур йўлингни рост қил,
Тўти сўзи шаккар турур, мурдор²² қарға нокасон.

РУБОИЙ

Гар бўлса киши қоши қароси бирла,
Сўз яхши турур жигар яроси бирла,

¹⁶ Ғалабасини.

¹⁷ Ғалабасини мұхрла маъносида келган.

¹⁸ Подшохни.

¹⁹ Илдиз.

²⁰ Лочин, ов куши.

²¹ Обод, ҳаёт мавжуд бўлган.

²² Ўлаксахўр, ифлос.

²³ Ўзбек мұмтоз адабнётида кенг қўлланувчи туюқ сўзлардаги шаклдошлиқка асосланған жаңр. Мұхаммад Шайбонийхон томонидан ёзилған туюклар ҳам жарангли ва бетакор.

²⁴ Ушбу туюқ Шайбонийхон 1500 йилда Самарқандни илк бор эгаллаш учун юриш қылғанида, қалъа ташкарисидан туриб ёзилған.

²⁵ Ёбу – ўзбек уругларидан бири.

²⁶ Насли үнча яхши бўлмаган, асосан қишлоқ ҳўжалигига ишлатилған, баҳайбат от тури.

²⁷ Бунда шоир “ё булар” деб ўз аскарларини кўрсатган ҳолда, олмошни қўлламоқда.

²⁸ Афсонавий қуш.

²⁹ “Оқ юз” маъносида. Менг “хол” маъносида.

³⁰ Гулменгиз “тулизли” маъносини ташимоқда.

³¹ Кулманг, “мазах қилманг”.

³² “Ўт ёқади”, “олов қалайди”, “жонимни ёндиради” .

³³ “Хуш ёқади”, “завқлантиради”.

³⁴ “Ёқа”, “кайимнинг ёқаси”.

³⁵ Шайбонийхон бошқаларда учрамайдиган туюкнинг олти мисралик шаклини ҳам қўллайди. Мазкур шеърда “кеч” сўзи тўрт марта – биринчи, иккинчи, тўртинчи ва олтинчи мисраларда келтирилади. Биринчи мисрадаги кеч сўзи “кеч бўлди” маъносида келган.

³⁶ Секин иш киладиган.

³⁷ Туни билан роҳат фарогатда бўлибсан маъносида келган.

³⁸ Кўлни кеч.

Зулғу юзи васфини битурман туну күн,
Олтун варақ ичра кўз қароси бирла.

ТУЮҚЛАР²³

ЁБУЛАР²⁴

Сўғд ичида ўлтурурлар ёбы²⁵лар,
Ёбуларнинг минган оти ёбы²⁶лар.
Ёбуларнинг илгидан эл тинмади,
Ё булар бўлсин бу ерда ё бу²⁷лар.

КУЛМЕНГИЗ

Анқонинг²⁸ юзин кўрарсиз кулменгиз²⁹ –
Оқ соколидур юзинда гулменгиз³⁰.
Ул қаршиликдин тили кўп қисқадур,
Ким анинг юзин кўрарсиз кулменгиз³¹.

ЁҚАДУР

Неча дилбар жонима ўт ёқадур³².
Жонимунг дардина дармон ёқадур³³.
Оқ тўнунг кўрганда ёнмоқ ҳуаштурур.
Хошиясинда билмадим не ёқадур³⁴.

Эй Биноиу бу китобинг, бўлди кеч³⁵.
Бир сенингтеп қайда бўлғай қўли кеч³⁶.
Бизга Урганч юрушида ярамай,
Сен фарогатда бўлупсан кулли кеч³⁷.
Кетди ўш молинг, қароқчи қўлидин,
Не турурсен энди анда кўлли кеч³⁸.

ХЕЛЛАДОС

Ҳикоя

Нодар ДУМБАДЗЕ
(1928-1984 йй.)

Грузин ёзувчиси. Илк ҳикоялар тўплами – “Қишлоқ болалари” (1958). Дастрабки йирик асарлари – “Мен, бувим, Илико ва Илларион” (1960) қиссаси ва “Қуёшини кўряпман” (1962) романида Иккинчи жаҳон уруши шилларидаги грузин қишлоқларининг оғир ҳаёти акс этган. “Қуёш кечаси” (1967), “Оқ байроқлар” (1972) романларида мұхим ижтимоий-ахлоқий масалалар кўтарилган. “Абадият қонуни” (1978) романида инсоннинг жамиятдаги ўрни, яшашнинг маъноси мавжуд ҳаётий лавҳалар, шахслар орқали акс эттирилган.

Думбадзе асарлари чуқур лиризм билан сугорилган, уларда драматизм юмор билан уйғуналашиб кетган. Асарлари ўзбек тилига таржима қилингандан (“Қуёшини кўряпман”, 1969; “Қўрқманнг онагинам”, 1982; “Абадият қонуни”, 1983 ва б.). “Абадият қонуни” асари асосида ўзбек тилида телеспектакль яратилган (1985).

Адабнинг бир қанча асарлари таниқли таржимон Низом Комил томонидан ўзбекчага маҳорат билан ўгирилган. Ҳусусан, “Vatan” журнали муштарилилари эътиборига ҳавола этилаётган “Хелладос” ҳикояси ҳам истегъодоли грузин адаби ижодининг энг ёрқин саҳифаларидан биридир.

– Жамол – скрипка!
 – Янгули – мишиқи!
 – Жамол – чүчқа!
 – Янгули – ипириски грек!
 – Жамол – сассиқтака!
 – Чивинботир!
 – Эшшак!
 – Чувринди!
 – Безори!
 – Тбилисилик ландовур!
 – Шени деда ватире, Янгули!
 – Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Янгули – сухумилик грек Христа Александридининг ўғли. Чўпдай озгин, елкалари туртиб чиққан, қиррабурун, кўзлалири чаросдек қоп-қора, қўллари узунлигидан тиззасига тушиб турадиган ўн тўрт ёшли бу бола ён-атрофдаги тенгқурлари учун накд азроилнинг ўзи эди. Муштлашиша ҳеч ким унга бас келолмасди. Ана-мана дегунча бирваракайига икки-уч болани ерга чалпак қилиб қўяверарди. Мушукдай чаққон, қайишдай чайир бола эди. Қишин-ёзин олди очиқ қора сатин кўйлак кийиб юарди.

Янгули отаси билан Венециан кўчасида, Чалбаш дарёсининг бўйида яшарди. Онасини эслолмайди – чақалоқлигига даёқ етим қолган. Ота-боланинг борйўқ давлати бир парча томорқа, биттагина сигир ва эшакдан иборат. Ошкўк, сут-қатиқ сотиб кун кўришади.

Янгули ҳеч қаерда ўқимасди. Отасининг юмушларига қарашар, ахён-ахён эшакда қўшниларга сут-қатиқ тарқатар эди. Ўзига ўзи инъом этган бор вақтини у кўчада ўтказарди. Темир йўл кесиб ўтиладиган жойда мактабдан қайтадиган болаларни пойлаб турар, биттама-битта уларнинг чўнтакларини тимирскилаб, тамакими, сариқ чақами, соат занжирими ёхуд рангли қаламми – нимаики бўлса, барини шипшийдам қилиб олиб қўяр эди. Эртасига эса ўша нарсаларни яна ўша

болаларнинг ўзига арzonроққа пуллар, сўнг тушган ақчага улар билан қимор ўйнаб, ношуд шерикларининг бор-будуни обдан шиларди-да, чўнтакларини қаппайтириб уйига қайтарди. Худонинг берган куни аҳвол шу эди...

Ўн тўрт ёшли бу золим Венециан қўчасида истиқомат қилувчи барча устидан, жумладан, холаваччам Кока устидан ҳам танҳо ҳукмронлик қиласди.

Хулласи калом, Янгули даҳанинг тан олинган сардори эди.

Бизнинг танишувимиз ўттиз саккизинчи йилнинг кузларида бошланган. Нина холам мени Тбилисидан олиб келган куннинг эртасига ёк бутун Сухумига номи кетган мусиқа муаллими Елена Михайловна Навродскаянинг уйига бошлаб бориб, ўзини таппа унинг оёқлари остига ташлади:

– Етимчага раҳмингиз келсин! Онаси скрипкага олиб борарди... Оллоҳнинг иродаси экан, бир кунда онасидан ҳам ажралди, скрипкасидан ҳам жудо бўлди... Шу болани тарбиянгизга олинг... Қанча сўрасангиз ҳам майли...

Навродская эшитиш қобилиятимни текширди, ҳар турли ноталарни ўқитиб кўрди, бармоқларимни кўздан кечирди, иягим остидаги қадоқни сийпалади. Сўнг бироз иккиланиб турди-да, нариги хонадан скрипка кўтариб чиқиб, уни созлашни буюрди. Холам типирчилаб қолди, аммо топшириқни туппа-тузук уddaлаганимни кўриб сал хотиржам бўлди.

– Энди Бетховеннинг “Сурка”сини чал! – Елена Михайловна шундай деди-ю, креслога ястанганча чалишимни кута бошлади.

Бетховеннинг номини эшишиб, холамнинг авзойи бузилди.

– Муҳтарам Елена Михайловна, балки бошқа, мундоғроқ

композиторни танлаган маъқулмикин? – деди у рўмолчаси билан пешонасидаги терни артиб.

– Ие, “Сурка”ни чалолмайдими ҳали? – деда ҳайратдан Навродскаянинг қошлари чимирилди.

Ҳаётимдаги орзиқиб кутилган дақиқалар етиб келди. Олти ёшимдан бўён мени эзib-янчиб келаётган шафқатсиз мусиқа жабр-зулмидан биратўла ва бир умрга халос бўлиш имконияти тугилган эди. Шу тобда биргина “Йўқ!” деган афсунгар сўз оғзимдан чиқса, бутун азобларим барҳам топган бўларди. Аммо... холамнинг ёлворгандай мўлтираб қараб туришими, Навродскаянинг таажжубланганими ёхуд ўн уч яшар боланинг ғуруrimi – билмадим, ишқилиб, аллақандай сеҳрли куч мени камончани қўлга олишга мажбур қилди-ю... хона ичи “Сурка”нинг содда ва бемисл оҳангларига тўлиб кетди...

Ниҳоят, куйни чалиб бўлдим. Холамнинг кўзларида лиқ-лиқ ёш, Навродскаянинг чехраси эса ял-ял ёнарди.

Елена Михайловна рози бўлди...

Уйга қайтатуриб, темир йўл кесиб ўтиладиган жойда, кўпrik устидаги ўтирган болага кўзимиз тушди. У бир парча ғишт билан зўр бериб ёнгоқ пўстини ишқаларди.

– Салом, Нина Ивановна! – деди у.

– Салом! – деди холам қурукина қилиб.

– Кока қаерда?

– Мактабда-да, қаерда бўларди? Ҳамма сенга ўхшаган бекорчими?

– Ким бу бола?

– Ишинг бўлмасин! – деб жавоб берди холам елкамга ниқтаб.

Янгули чўзиб ҳуштак чалиб қўйди. Биз йўлга равона бўлдик.

– Ҳе-ей, скрипка!

Мен ўғирилиб қарадим.

Янгули тилини чиқазганча бир күзини қисиб, худди скрипка чалаётгандай, ўнг қўлини чап билагига ишқади. Жон-поним чиқиб кетди.

– Маймун! – деб қичқирдим узоқдан мушт ўқталиб.

– Эртага бизнисига кир, мушт ўқталишни ўргатиб қўяман! – деди у хаҳолаб.

– Қачон безорилигинг қолади, а? – Холам куйиниб бошини сарак-сарак қилди.

– Ким бу?

– Грек бола, Янгули. Отаси уйимизга сут опкеб туради... Унга яқинлаша кўрма! Безори у... Куну тун кўчага танда қўйган.

Мен яна бир бор ўғирилиб қарадим. Янгули ёнгоқ ишқалаганча масхараомуз тиржайиб туради.

Холам мени жойлаштирган ўн учинчи мактаб темир йўл кўтармасининг нариги томонида бўлганидан деярли ҳар куни Янгулига дуч келишим муқаррар эди.

Қарийб бир ойгача у менга мутлақо эътибор бермади. Ўзининг одатий машғулоти – атрофига ўртоқларини йиғволиб, ошиқ ташлаш ёки қимор ўйнаш билан андармон бўлиб юраверди. Аммо ҳар гал мен яқинлашганимда Янгули болалардан бирортасига ташланиб қолар – гоҳ телпагини кўзига бостириб қўйса, гоҳ ҳеч нарсадан ҳеч нарса ўйқ, юмшоқ жойига тепар эди. Шунда негадир нигоҳини мен томондан узмасди.

Айни пайтда мен ҳам ўзимни на Янгули, на унинг ўртоқлари зигирча ҳам қизиқтирумайдигандай тутардим. Аслида эса ҳозироқ болаларга қўшилиб кетгим келиб туар – уларга ўзимнинг нималарга қодирлигимни

кўрсатиб қўйишини истардим. Бироқ маҳаллада янги одам эдим, ён-атрофимда Кокадан бўлак ёр-дўстим йўқ эди, бинобарин, Янгулининг каллакесарларига яқинлашишга юрагим дов бермасди. Аммо ўртамиздаги бетараф майдон тобора қисқараётганини, вишиллаб ёнаётган пилик пистонга яқинлашиб қолганини, бир кунмас-бир кун портлаш юз беришини кўнглим сезиб турарди.

Орадан роппа-роса бир ой ўтгач, ана шу кун келди...

Елена Михайловна ичкарида бошқа бир шогирди билан машғулот ўтказар, мен даҳлизда навбат кутардим.

Доира стол устида аквариум туар, унинг ичидаги сув ўтлари, бири биридан чиройли чиганоқ ва тошлар оралаб тилла балиқчалар сузиб юрар эди. Балиқлар оғзини кап-кап очиб, пуфакчалар чиқареверганидан негадир уларнинг қорни оч, деган хулюсага келдим. Дарров чўнтағимдан қоғозга ўроғлик бир бўлак қора нон билан пишлөқни чиқардим-да, апил-тапил ушоқлаб, аквариумга сепдим. Балиқчалар аввалига ҳуркиб кетиб, тошлар ортига беркинишди, кейин, гўё ниятим ёмонмаслигини сезгандай, бирин-кетин пана жойларидан чиқиб, емишга ташланишди.

Мен сув ичидаги кўтарилиган олтин қуюнни завқ билан томоша қила бошладим. Аквариум бамисоли жажжи океандек жўш уриб, бурқиради. Аста-секин тўлқин босилди. Нафси ором олган балиқчалар сув ичидаги яна у ёқдан-бу ёққа хотиржам сужа бошлашди. Айримлари аквариумнинг шиша деворига яқин келишарди-да, худди менга миннатдорлик билдиргандай, думларини хиёл қимирлатиб, жил-

панглаб қўйишиарди. Тўсатдан балиқчалардан бири – энг каттаси – тўнкарилиб қолди. Кейин яна биттаси шундай бўлди. Ҳаял ўтмай аквариумдаги жамики балиқчалар қорнини осмонга қилиб, орқаси билан сужа бошлади. Қўлимни сувга тиқиб, жониворларни ўнглаб қўйишига ҳарчанд уринмайин, улар яна лип этиб тўнкарилиб қолишарди. Шундагина ножӯя иш қилиб қўйганимни англаб етдим. Ҳашпаш дегунча аквариум ичидаги ҳаёт сўнди. Заҳарланган балиқчалар сув юзасига қалқиб чиқди... Даҳшатдан юрагим орқага тортиб кетди. Скрипка солинган филофимни кўтариб секин жуфтакни ростламоқчи бўлиб турувдим – э, воҳ! – ичкаридан шогирдини кузатиб Елена Михайловна чиқиб келди.

– Кир! – деб мурожаат қилди у менга. Қоқкан қозикдек турвердим.

– Кирақол! – деди у яна елкамдан эшик томон сал ниқтаб. Турган жойимдан жилмадим.

– Нима бало, дарсингни қилмадингми? – Елена Михайловнанинг овози ўзгарди. Миқ этмадим. У менга таажжубланиб қаради, сўнг нигоҳи нигоҳимга эргашиб, аквариум томон оғди-ю... фақат балиқшуносларгина тасаввур қила оладиган ҳодиса юз берди. Елена Михайловнанинг тиззалиари қалтирай бошлади, бир зумда лаблари кўкариб кетди, аранг бориб креслога ўтириди-ю титроқ овоз билан менга сўз қотди:

– Сен... нима қилиб қўйдинг, ярамас!

– Билмаб-
ман,
Елена
Ми-
хайлов-

на... Қора нон билан пишлоқ сепдим, холос...

– Заҳарлабсан! – деди у инграб. Кейин, худди бирор арзанда боласини бўғизлаб қўйгандай, иккала кафтини юзига бошиб ҳўнграб юборди.

Бир нималар деб ғудранганим, ўзимни оқлаганим, аламзада аёлни юпатишга уринганим эсимда. Қани энди нафи тегса. Аёл ўрнидан туриб, аквариум ёнига борди. Сувдан жонсиз балиқчаларни биттама-битта олиб, ҳар бирини алоҳида алоҳида ўпиб, яна аквариумга ташларкан, йиғи аралаш нукул:

– Азизларим, олтиналарим, нуридийдаларим... Сизларни заҳарладилар, ўлдирдилар! – деда саннарди.

Кейин у менга юзланди. Күти ўчган, ияги титрар, кўзларидан дув-дув ёш қуйилар эди. Қўққисдан Елена Михайловна юзимга тарсаки тортиб юборган эди, ағдарилиб тушишимга сал қолди.

– Жўна бу ердан, ваҳший! Иккинчи қадамингни босма!.. Йўқол!

Шапалоқ оғригини ҳам, бўғзимга қадалиб турган алам ёшларини ҳам базур ичимга ютиб, хонадан чиқдим.

Эсанкираган, шармандаю шармисор, чала ўлик бир аҳволда уйга қараб жўнадим. Темир йўл кесиб

ўтиладиган жойда, одатдагидек, Янгулининг тўдаси уймаланаарди. Беихтиёр бошим ўша томон оғди – ҳозир уйга боришдан нима фойда! Болаларга яқин қолганда қадамимни секинлатдим-да, атайин энгашиб, ботинкамнинг ипларини титкилай бошладим.

– Ҳе-ей, скрипка!

Янгулининг овозини дарров танидим.

– Нима дейсан?

– Бу ёққа кел!

– Ишинг бўлса – ўзинг кел!

Янгули ўзидан ҳам баттар тажжубланган ўртоқларига бир қараб қўйди-да, аста мен томонга юра бошлади.

– Кимлигимни билмайсанми ҳали? – деб сўради у кишининг гашига тегадиган бир оҳангда.

– Биламан, – дедим кўзларига тик қараб.

– Бўлмаса, нега чақирганда келмайсан?

– Ким бўпсан мени чақирадиган? – дедим яна беписандлик билан, аммо, ҳар эҳтимолга қарши, скрипка солинган филофни ерга қўйдим.

Янгули ўйинни ҳам унугиб, бизни қуршаб олган болаларга яна бир-бир қараб чиқди.

– Янгули, кимлигингни бир кўрсатиб қўй! – деди болалардан бири.

– Сол, Янгули! – деда қўшимча қилди иккинчиси.

– Бир шапалоққина! – деб маслаҳат берди учинчи бола.

– Олдин зўрлигини бир кўрайлик-чи!

Янгули шундай деб, юзимни бир сийпалаб қўйди.

– Кўлингни торт! – деб бақирдим унга.

– Ол-ла! – деда ҳайрон бўлди Янгули.

– Уни қаранглар-а!

– Папиросни чиқаз! – деди

Янгули бирдан қўлини чўзиб.

– Чекмайман!

– Пулни ол!

– Пулим йўқ.

– Чўнтакларингни ағдар!

– Ўзинг ағдар!

Болалар пичирлаша бошлишиди. Янгули довдираб қолди, аммо дарров ўзини босиб, скрипкага қўл чўзди.

– Торт паншахангни! – деб бақирдим скрипка устига энгашиб. Лекин Янгули ўзгирилик қилди – филофни очиб, асбобни менга узатди.

– Қани, бирорта куй чалиб болаларни хурсанд қилгин-чи!

– Чалмайман!

– Нега бўлмаса бу даҳмазани кўтариб юрибсан? Эси йўқ эшакмисан?

– Бер скрипкани!

Янгули асбобни орқасига яшириб, бир қадам тисарилди.

– Петя, Фема, Курлик, Панчо, Тена! Умрларингизда скрипка овозини эшитганмисизлар, – деди у болаларга мурожаат қилиб. Улар бараварига чулдирашди.

– Радиодан эшитганман! – деди Петя.

– Бўлақол, Янгули, бир кўрсатиб қўй!

Скрипкамнинг овозини ҳаммадан олдин ўзим эшитдим: Янгули қуличкашлаб туриб скрипка билан бошимга туширди. “Зи-и-нг... қарс...” этган товушдан сўнг асбоб иккига бўлинди. Унинг қорни, худди шартта чопиб ташланган қўлдай, нозик симларга осилганча лапанглаб турарди. Болалар хаҳолаб, ерга думалашди. Юрагим гўё тўхтаб қолгандай бўлди, миямга қон урилди, қулоқларим битиб қолди. Мен ҳеч нарсани эшитмас, сезмас эдим, фақат қорнини чанглаб қулаётган болаларни, пачоқ бўлган скрипкани ва Янгулининг туртиб чиқкан



озгин иягини илғардим, холос. Бирдан бор кучим билан ана шу ияк остига мушт солдим.

Эс-хүшимни йигиб олганимда Янгули кўпrik устида ўтирап, менга ҳайратомуз тикилганча ўнг қўли билан иягини ишқалар эди. Болалар чурқ этишмасди.

Шартта бурилиб, уйга жўнадим.

Ўша куни кечқуруноқ қўшнимиз ва Янгулининг ўнг қўли ҳисобланмиш Петя мажақланган скрипка билан гилофни уйимизга олиб келиб, остоная ташлади-да, “қўённи сурворди”.

Фигони фалакка чиқсан холам аввал Петяни, сўнг Янгули Александридини, охирида ўзимни бисотида бор ёмон сўзлар билан қарғашга тушди:

— Ҳа-а, ер ютсин сени, Петя қасофат!.. Илойим, бўйгинанг гўрда чирисин!.. Сен ҳам бир, кўкатфуруш отанг ҳам бир! Сенлар скрипканинг қадрига етасанларми? Паганиними, Страдиварими, арракашми сенларга бари бир!.. Энг аввал сенинг гўштингни қиймалаш керак эди, Янгули Александриди! Ҳайф сенга мусиқа! Эшакнинг ҳанграшини эшитиб катта бўлган бола мусиқани тушунармиди! Ҳаммасига уйимдаги янги безори айбдор! Мана шуни оёғидан осиш керак! О, опажоним Анико! Ўзимнинг ташвиш иметаётумидики, яна манови ғурбатни бошимга бало қилиб ташлаб кетдинг-а! Нима гуноҳ қилдим, эй парвардигор...

Ўша куни мусиқа оламидаги саргузаштларимга нуқта қўйилди. Ҳаётимда янги давр – яшаш учун кураш даври бошланди...

Эртаси куни Янгули билан Петя бизни мактаб дарвозаси олдида қарши олишди. Юрагим шув этди, аммо, гўё кеча ҳеч нарса бўлмагандай, ёнидан бепарво ўтиб кетдим.

— Скрипка! – Петянинг овози эди бу.

Тўхтадим.

— Гаплашволишимиз керак! – деди Янгули ёнимга келиб.

— Нимани гаплашамиз?

— Бу ер ноқулай, – дея у мактабдан чиқиб келаётган ўқувчи ва муаллимларга ишора қилди.

— Қаерда бўлмаса? – деб сўрадим.

Темир йўлнинг нарёғида, кўпrik остида.

— Ихтиёргинг.

Янгули йўл бошлади, Кока иккаламиз унга эргашдик. Петя эса орқада келарди. (“Кочиб кетмаслигимиз учун”, деган ўй кечди кўнглимдан).

— Тамом бўлдик! – деди саросимага тушган Кока. У мендан икки ёш кичик, бунинг устига, Янгулининг тарсакилари ёдидан кўтарилемаган эди.

— Кўрқма! – дедим унга тасалли бериб, лекин ичимдан ўтганини ўзим билиб туардим.

Темир йўл кўтармасидан пастга тушаётганимизда Кока қочиб кетмоқчи бўлди, базўр билагидан ушлаб қолдим:

— Қаёқقا?! Шарманда бўлгинг келяптими?

— Сен уни билмайсан! Иккаламизниям дабдала қиласди! – деди Кока ялинчоқ овозда.

— Қилса қилас! Ўлдирмайди-ку ҳарқалай!

Кока худди қурбонликка аталган бузоқдай чор-ночор яна менга эргашди.

Янгули темир йўл кўприги остида тўхтаб, атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқ эди.

— Мана, келдик. Хўш, нима демоқчисан? – дедим.

Янгули бироз индамай турди, кейин аста сўз бошлади:

— Кеча мени болаларнинг олдида шарманда қилдинг... Қаттиқ урдинг, қўққисдан... Ўрнимдан туролмадим, шунинг учун ҳам сен насибангни олмадинг... Турмоқчи бўлдим-у, туролмадим.

Янгулининг бундай очиқ, саимии гапиришидан анграйиб қолдим.

— Мен раҳбарман. Маҳал-

ланинг хўжайнинман, шундай бўлиб қоламан... – дея давом этди у.

— Бўлсанг бўлавер, лекин мени тинч қўй, – дедим мен ҳам ўшандай самимилик билан.

— Мендан катта бўлганингда – майли эди! Лекин мендан ёшсан, шунга қарамай, қўл кўтардинг... Бунақаси кетмайди. Поздада серка битта бўлиши керак – ё сен, ё мен!

— Айтдим-ку, менга ҳеч нарса керак эмас! – деб такрорладим мен.

— Йўқ, урғочи гап бу... Муштлашамиз!

— Майли, – дедим рози бўлиб.

— Фақат ҳалол муштлашамиз!

— Ҳалол деганинг нимаси?

— Петя билан Кока аралашмайди! Сўкишиш йўқ! Тош билан уриш йўқ! Йиқилганга тегилмайди!

— Бўпти!

— Агар бугун сени енгсам, эртага кечаги болаларнинг олдида яна бир марта ураман. Шу билан тамом.

— Кўрамиз ҳали ким кимни енгади...

Янгули қора сатин кўйлаганини еди. Кенг, таранг кўкраганини кўриб, сесканиб кетдим. Бу ҳам майли, чап тўшининг устига қўкиш рангда нақшланган лотин ҳарфларидаги ёзув мени негадир буткул довдиратиб қўйди: “Hellados”.

Янгули Петяга грекчалаб бир нималар деди. Петя миқ этмади.

Янгули яна такрорлади. Петя истамайгина иккала чўнтағидан иккита каттакон тошни чиқарип, бир четга улоқтириди. Янгули Кокага қаради. Кока шоша-пиша қоқ-куруқ чўнтакларини ағдариб кўрсатди.

— Бошладик! – деди Янгули.

— Бошладик! – дедим мен ҳам.

Олишув икки-уч дақиқагина давом этди. Мен муштларимни

тугиб, Янгули эса беш панжаси билан уради. Мен урганда овоз чикмас, аммо Янгули ҳар туширганда атрофдан қарсилаган акс садо келарди. Петя Янгулига грекчалаб далда бепар, Кока эса менга грузинчалаб бидирлар эди:

— Калла қил, Жамол, калла қил!

Муштлашганда калла қилиш нималигини ўзим ҳам биламан, бироқ Янгулига яқинлашиб бўлмаётган эди: унинг чайир, терлаган гавдаси ҳар гал сирғалиб қўлимдан чиқиб кетаверарди.

Яна бир қарсилаган товуш ёшитилди-ю, бурнимдан тизилаб қон отилди. Конни артгунимча Янгули тағин бир марта тушири; натижаси шу бўлдики, кеча худди Янгули ағдарилгандай гуп этиб ерга қуладим, фақат битта фарқи бор: ҳозир мен турадиган ҳолдаман, аммо Янгули кеча ўрнидан туролмаган эди.

Нима бўлганда ҳам бугунги олишувнинг якуни маълум: мен ютқаздим. Янгули бироз кутиб турди, муштлашишни давом эттириш ниятим йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шошмасдан қўйлагини кия бошлади. Нигоҳим яна қўксидаги галати сўзга тушди: “Hellados”.

— Эртагача! — деди Янгули. Устки лаби шишиб кетганини, чап қоши ёрилганини шундагина пайқадим.

Янгули билан Петя тепага кўтарилиб, темир йўл ёқалаб кетишди, Кока иккаламиз пастда қолдик.

— Ҳечқиси йўқ, у ҳам оладиганини олди! — деди Кока менга тасалли берган бўлди.

— Эртага барибир уни енгаман! — дедим.

— Олдин бир ойнага қараволсанг бўларди! — деди хўрсиниб Кока.

— Юзим ёмон шишибдими?

— Кўпчиған хамирнинг ўзгинаси! — деди Кока четга қараб.

— Ў-ў, ярамас!

Бу гал холам индамади. Юзимга авайлаб ҳўл латта босди. Эртасига эрталаб худди ўшандай хотиржамлик билан қатик тўла ҳурмачани Христо Александридининг бошига уриб синдириди, байни Янгули скрипкани менинг бошимга уриб синдиргандай. Кейин, совет пионерини ваҳшийларча калтаклагани учун безори ўғлингни қамоқда чиритаман, дея унга обдан пўписа қилди.

Эртасига мактабга бормадим — юзимдаги шиш ва мўматалоқларни даволадим. Учинчи куни темир йўл кесиб ўтиладиган жойда Янгулидан бошқа деярли бутун маҳалланинг болалари тўпланиб турганини кўрдик. Улар бизни хуштак ва таҳқирлар билан кутиб олишиди.

— Қалай, Скрипка, тавбангга таяндингми?

— Энди уни тинч қўярсан? Ё ўлгинг келяптими?

— Бу ер сенга Тбилиси эмас!

Бутун тўда ўтган кунги мағлубиятимни ёшитиб бўлган эди.

Уларнинг гап-сўзларига эътибор бермай сумкамни аста ерга қўйдим, ўзим ҳам ўтириб, Янгулини кута бошладим.

— Келяпти! — деб қичқирди кимдир бирдан.

— Ҳозир кўрамиз томошани!

— деди яна бирор.

— Салом! — Янгули ҳамма билан сўрашди, кейин менга кўзи тушди-ю, бақа бўлиб қолди.

— Мана, Янгули, лаҳм гўшт ўз оёғи билан келди. Тезроқ еяқол! — деди Петя уни гижгижлаб.

— Шундоқ еяверасанми, икра ё сариёб биланми?

Янгули амирона ишора билан ҳамманинг овозини ўчирди, сўнг бамисоли қабила оқсоқолидай ўз қавмига юзланиб, тарихий нутқ ирод этди:

— Болалар! Мен, Янгули Александриди, сизлар сайла-

ган сардор, сизларга, Венециан кўчасининг ҳур фарзандларига мурожаат қиласман! Рўпарангизда тбилисилик рангпар лақма билан унинг жияни — ватан ва қабила хоини, мишиқи Кока турибди. Мана бу рангпар келгинди бизнинг меҳмондўстлигимиз ва муруватимиздан баҳраманд бўлиш ўрнига — худо сийлаган еримизни, денгизимизни, жамики дарёларимиз, олтин ва кумушларимиз, ўтлоқларимизни ўзиники қилиб олмоқчи...

— Бас қил майнавозчиликни!

— дедим унинг гапини бўлиб. — Муштлашамиз!

Янгули менга тикилиб турди-да, сўзида давом этди:

— Ҳозир сизларга рангпар гўштдан қандай қилиб қовурдок тайёрлашни кўрсатиб қўяман.

— Олифтагарчилик қилма! Бошлаймиз!

— Хўй мишиқи! — Янгули Кокага мурожаат қилди. — Югар, “Тез ёрдам”га қўнгироқ қил, беш дақиқадан кейин келиб холоваччантни олиб кетсин. Унгача бехуш бўлади.

Болалар ҳузур қилиб кулишиди.

— “Тез ёрдам” бугун сени олиб кетади! — шундай деб, ўрнимдан турдим.

Томошибинлар давра олишиди.

Янгули Петяга икки оғизги на пичирлади. У камарини еча бошлади. “Наҳотки, камар билан урса?” деган ўй ўтди кўнглимдан.

Петя камарни Янгулига узатиб, даврага қайтди. Янгули тўпланганларга викор билан бир назар ташлаб чиққач, деди:

— Мен бу рангпар билан икки қўллаб муштлашмайман. Бунга битта қўл ҳам кифоя. Петя, чиқбу ёқقا, қўлимни боғла!

Атрофдан “Койи-ил!” деган хитоблар эшитилди, менинг эса юрагим орқага тортиб кетди. Бу яна қанақа найранг! Петя ўрта-

га чиқиб, Янгулининг чап қўлини гавдасига қўшиб боғлаб қўйди.

— Масхарабозликни бас қил! Чиқаз қўлингни! — дедим мен.

— Йўқ, сен билан икки қўллаб муштлашиш менга уят!

Болалар тағин завқланиб кулишиди.

— Э-э, унақада муштлашмайман! — Мен сумкага энгашдим.

— Кўрқяпсанми? — деб сўради Янгули.

— Йўқ, қўрқаётганим йўқ, хоҳламайман. Чиқаз қўлингни! Барибир бугун калтак ейсан!

— Бошли, кейин афсусланасан! — Янгулининг жаҳли чиқабошлади.

— Солсанг-чи, нимани қутяпсан! — деб шивирлади менга Кока.

Бош чайқаб туравердим. Ахийри бўлмагач, Янгули яқин келиб, тарсаки тортиб юборди. Юзимдан олов чиқиб кетди, лекин қўлимни қўмирлатмадим. Янгули яна урди, кейин яна. Сезиб турибманки, бор кучи билан урмаяпти. Унинг тарсакилари рақибига зарба беришдан кўра ўйинқароқ болага пўписа қилишга ўхшарди. Жавоб қайтармаётганимни кўриб Янгули қўлини туширди. Мен шартта бурилиб, бир оғиз ҳам гапирмай, жанг майдонини тарк этдим. Болалар индамай йўл бўшатишиди.

— Хў Скрипка! — Бу Петянинг овози эди, шу заҳотиёқ чарсиллаган товуш ҳам эшитилди. Янгули Петянинг юзига тарсаки тортган эди.

Орқамга қарамадим — мен йиғлардим, болалар қўзёшларимни кўришларини истамасдим. Йиғлардим-у, лекин бугуни олишувда голиб чиққанимни ич-ичимдан ҳис этардим.

Тонготар, хали ғира-шира пайтда мен Александридилар дарвозаси олдида турардим. Христо эшакка тўқим урар, Янгули эса унга ёрдамлашар эди. Мени кўриб ёнимга келди.

— Ҳа, арз қилгани келдингми? — деди у отаси томон бош иргаб. Христо орқа ўгириб турганидан мени кўрмасди.

— Ким кепти? — деб бақирди у ишидан кўз узмай.

— Ўртоғим.

— Янгулининг вақти йўқ, бозора боради! — Христо ўгирилиб мени кўрди-ю, ҳайрон бўлди: — Ие, ярашдингларми?

— Ярашдик! — деб жавоб қилдим мен.

— Ҳа, мана бу бошқа гап! Икковинг ҳам зўр йигитсан-ку! — Христо суюниб кетди. — Кир бу ёққа!

— Раҳмат, шошиб турибман... Қачон қайтасан?

— Кечки пайт, — деб жавоб берди Янгули.

— Кўпrik тагида кутаман!

Шундай дедим-у, изимга қайтдим.

У келди, индамай эшагини бир четга боғлади-да, қўйлагани ечиб тўқим устига ташлади, шунда яна қўксидаги афсунгар сўзга кўзим тушди: “Hellados”.

Бугунги олишувимизга фақат эшак шоҳид бўлди. Муштлашиш узоқ давом этди. Ҳар қанча уринмайин Янгули ўзғирлик қилди — биринчи зарбани у берди. Мен йиқилмадим, фақат чайқалдим, холос. Иккинчи марта ҳамла қилганида чаққонлик билан гавдамни орқага ташладим, қўли бурним ёнидан шувиллаб ўтиб кетди. Аммо у шу қадар шиддат билан қулоч отган эдики, мувознатини йўқотиб, мункайганча бир қадам олдинга ташлади. Шунда... Хў ўша биринчи бор муштлашганимизда бўлганидай, озгин ияги ўнгимга келиб қолди. Мен ҳам ўша ияқ остига қаттиқ мушт солдим. Янгули йиқилди, бир муддат қўмир этмади. Энди ўрнидан туролмайди, деб ўйланган эдим. Аммо у бирдан сапчиб турди-ю, яна менга ташланди. Унинг очиқ панжаси билан менинг муштим нишонга бир вақтда тегди. Кўзим тиниб, чўккалаб қолдим, беихтиёр кафтларимни

юзимга босган эдим, бурнимдан тизиллаб қон оқаётганини сездим. Сал ўзимга келиб қарасам, Янгули ҳам чўккалаганча ёрилиб кетган лабларидаги қонни артаяпти. Бир амаллаб қаддими ростладим. Янгули ҳам ўрнидан турди.

Биз бир-бири мизга узоқ тикилиб қолдик. Пишиллаб нафас олаётганимизни ҳар иккамиз ҳам эшитиб турардик. Мен Янгулининг яна ҳамла қилишини кутардим, аммо, таажжубки, муштлашишга менда на хоҳиши, на кайфият қолган эди. Бироқ энди ҳеч қачон Янгули менга зўравонлик қилолмаслигини ҳам билиб турардим.

— Бас! — деди Янгули кутилмаганда.

— Бўлти! — Мен ҳам рози бўлдим. — Лекин эртага болаларнинг олдида муштлашамиз! — деда қўшиб қўйдим ҳар эҳтимолга қарши.

— Кераги йўқ. Зўр бола эканингни болаларга ўзим айтаман. Лекин, билиб қўй, биринчиликни сенга бермайман!

— Кераги ҳам йўқ!

— Хоҳласанг, иккинчи бўлақол.

— Менга ҳеч нарса керак эмас! Сенинг йўлинг бошқа, менинг йўлум бошқа!

— Мен кетишга чоғландим.

— Тўхта! Бунақаси кетмайди. Ҳар куни муштлашавермаймиз-ку, ахир. Ке, келишволайлик: эртадан бошлаб фақат сўкишамиз. Ким қойиллатса — ўша голиб!

— Майли, розиман.

Мана, яна болалар қуршовидамиз. Бу гал ўртамида даҳанаки жанг авжга чиқсан.

— Жамол — эшакмия!

— Янгули — кўкатфуруш грек!

— Тўбилисилик мишиқи!

— Эшакбоқар!

— Тўнгиз!

— Чириган бодринг!

— Тошбақа!

— Итбалиқ!

— Медуза!

– Овсар!
– Паганини!
Бисотимдаги ҳақоратбоп сўзлар тугади. Янгули кутиб турарди – навбат менини эди.
– Бўлақол, ютқазасан! – деб турткилади Кока.
– Менда бошقا йўқ!
– Онасига ўт!
– Йўқ, онани аралаштириб бўлмайди!
– Шени деда ватире, дегин!
Уят жойи йўқ буни!
– Ўрисчасига нима дегани?
– Сен грузинчасига айтавер!
У барибир тушунмайди! – Кока ҳол-жонимга қўймасди.
– Янгули, шени деда ватире!
– грузинчалаб шундай дедим-у, жавобини жон ҳовучлаб кутиб турардим.
– Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Сездимки, Янгули ҳам онамга тил теккизди, аммо бу сўзлар шу қадар хушоҳанг, шу қадар ёқимли эшитилдики, гўё у гўзал бир қўшиқни бошлагандай бўлди, назаримда. Мен яна тақрорладим:

– Шени деда ватире, Янгули!
– Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Бу ҳол ярим йилча давом этди. Сўнг эҳтиросларимиз аста-секин сўнди. Иккаламизнинг ҳам ҳақорат репертуаримизда биттаю битта жумла қолди, ҳар учрашганимизда мен: “Шени деда ватире, Янгули!” дердим, у бўлса: “Имана су ине простикаса инека, Жамол!” дерди.

Офтоб чараклаб турарди. Кока иккаламиз мактабдан қайтардик. Темир йўл кесиб ўтиладиган жойда, одатдагидек, Янгули ўртоқлари билан ивирсиб ўтиради. Мени кўрди-ю, шартта ўрнидан туриб, истиқболимга юра бошлади.

– Янгули, шени деда ватире!
– дея ўзғирлик қилдим мен.

У тўхтаб, маъюс нигоҳ билан узоқ тикилиб турди.

– Шени деда ватире, Янгули!

– деб тақрорладим яна.

Янгули бошини эгди, кейин бурилиб, аста... уйи томон кета бошлади. Мен донг қотиб қолдим.

– Кўрдингми қуён бўлганини?! Энди хўжайнинлик қилолмайди! – дедим Кокага.

– Йўқ, энди бошланди! – Кока мийигида кулиб қўйди.

– Қанақасига?

– Шунақасига-да. У сени енгди, Жамол!

– Нега сўқинмади бўлмаса!

– Кеча ойингни суриштирган эди: ким, қаерда... Мен нима дейин... Шунақа, шунақа... ҳалиги... Йўқ... ўлган, дедим. Шунинг учун ҳам сўқмади-да сени...

Фалати бўлиб кетдим.

– Аҳмоқ, овсар! Нега кеча шуни менга айтмадинг?

– Қайдам...

– Янгули! – деб қичқирдим орқасидан. Аммо у анча узоқлашиб кетган, овозимни эшитмасди. Ё эшитса ҳам, эшитмаганга олдими...

Шу ондан бошлаб Янгули ўн баравар улғайгандай бўлди менинг назаримда. Орамизда ганимлик бўлмаганидек, яқин дўст ҳам бўлолмадик у билан. Учрашиб қолганимизда бир-бirimizga жилмайиб, қўл силкиб қўярдик, холос. Ахён-ахён, отасининг ўрнига уйимизга сут ёки қатиқ олиб келганида уч-тўрт оғиз гаплашардик. Шунда ҳам сухбатимиз сут-қатиқнинг баҳосию эшакдан нарига ўтмасди.

Ўша куни Янгули сут опкелди. Ҳовлида унга кўзим тушди-ю... таниёлмай қолдим. Башараси мўматалоқ бўлиб кетган эди.

– Нима бўлди? – деб сўрадим ажабланиб.

Ақл бовар қилмасди – бу атрофда Янгулига ким қўл кўтариши мумкин?! Ёки бирорта каттароқ ёшдаги одамнинг ишимикан бу?

– Ҳеч нарса! – деди у четга қараб.

– Афтингга бир қарагин...

– Ҳечқиси йўқ! – дея жилмайди у.

– Янгули, ким урди? Агар кучинг етмаган бўлса, бирга борамиз!

Янгули бош чайқади.

– Эшагингни боғла, ҳозироқ борамиз! – деб сут солинган хурмачани зинага қўйдим.

– Кераги йўқ, унга барибир кучимиз етмайди! – деди Янгули синиқ қулимсираб.

– Нега етмас экан?! Иккаламизниям-а?

– Иккаламизниям, бутун Венециан қўчасиниям...

– Ким экан у муштумзўр?!

– Отам!

– Отанг?

– Отам.

– Нима гуноҳ қилувдинг? – дея унинг шишиб кетган чаккасига авайлаб қўлимни текказдим.

– Сабаби бор-да...

– Нима иш қилиб қўйдинг?

– Уч кундан кейин Сухумига Грециядан пароход келади. Бу ерлик греклар Элладага қайтишяпти. Отам ҳам...

– Хўш, нима қипти?

– Кетмоқчи эмасман... Отамнинг гапига қараганда, бизнинг ватанимиз, она тупроғимиз ўша ерда... Бизни аждодлар руҳи чақираётганим, бу нидога қулоқ солиш шарт эмиш...

– Нега бирга кетмоқчимассан? – деб сўрадим астойдил таажжубланиб.

Янгулидан анча вақтгача садо чиқмади. Нуқул эшагининг қулогини силарди. Силаб турганида қулоқ кафтига ётар, аммо қўйиб юборди дегунча, худди сухбатимизни эшитолмай қолищдан кўрққандай, дарров яна диккайиб олар эди.

– Қандоқ тушунтиурсамикин...

– дея гап бошлади у ниҳоят. – Онам йўқ, ҳатто эслолмайман ҳам. Отам уззукун томорқада ёки тириклилек ташвишида... Мен кўчада, Венециан қўчасида катта бўлдим... Менинг вата-

ним, менинг Элладам бу – Сухуми, кўча, Чалбаш; бу – Кока, Петя, Курлика, Фема, Қора денгиз, кўприк... – У бир ютиниб олиб, давом этди: – Бу – Мида... қолаверса, сен...

Миданинг исмини менинг олдимда Янгули биринчи марта тилга олаётган эди. Аммо мен Мида – бир ахбаз кишига турмушга чиқкан грек аёлининг қизи эканини, Сухумида ундан гўзал қиз йўқлиги ни, Янгули уни яхши кўришини билардим.

– Тушундингми энди?

Аъзойи баданим жимиirlаб кетди. Бунаقا сўзларни умримда биринчи марта эшитаётган эдим.

– Бу нима бўлмаса? – Мен Янгулининг кўрганини очиб, баланд овозда ўқидим: – Hellados.

– Бу – нақш, Жамол. Ватан – ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида! – Янгули қўлини кўксига қўйди.

Ўпкам тўлиб, томоғимга аччиқ бир нарса қадалди, унга яна бир нималар демоқчи эдим-у, аммо Янгули эшагини нўхтасидан етаклаб, ҳовлидан чиқиб кетди.

Орадан уч кун ўтгач, эрта тонгда ҳовлимизга эшагини етаклаб Янгули яна кириб келди.

– Отам ҳамма нарсанি сотди: сигирниям, уйниям, бошқа лаш-лушларниям. Эшакни ҳеч ким олмаяпти. Биламан, сизлар уйда эшак сақламайсизлар, урф-одатингларга тўғри келмайди. Лекин чакки қиласизлар. Бундан беозор жонивор йўқ дунёда – меҳнаткаш, беминнат дастёр... Нима қиласизлар буни энди? Грекларнинг ҳаммаси кетяпти... Кўчага ҳайдаворлмайман-ку... Кўрқма, бунга парваришнинг кераги йўқ. Бир тутам хашак бўлса кифоя... – Янгули тутилиб-тутилиб гапирап, тўхтовсиз эшакнинг бўйинини силар эди.

– Сен-чи? Сен ҳам кетяпсанми?

– Кетяпман... Эшакни опқоласанми?

– Бўлти!

– Лекин ҳайдаворма!

– Йўқ, йўқ!

– Нина Ивановнага ҳам айтиб қўй, ҳайдамасин!

– Албатта айтаман.

– Кока ёрдамлашади... Эшакка кўп нарса кепрак эмас. Бир тутам хашак...

– Ташибланма, Янгули.

– Исли Аполлон.

– Биламан.

– Авайлайсанми?

– Хотиржам бўл.

– Майли, мен кетдим... Пароход кечқурун жўнайди...

– Борақол...

– Хайр, Жамол!

– Кечқурун портга чиқаман, Янгули!

Биз қучоқлашдик. Янгули анча вақтгача мени бағридан бўшатмади. Кейин шартта бурилиб, гўё

аллақандай мудхиш ва ёвуз нарсадан қочгандай, чопиб чиқиб кетди...

Кечқурун портга бутун Сухуми кўчиб чиқди.

Ҳаммаёқ гулга кўмилган, оркестр жааранглар, одамлар қўшиқ айтиб, рақсга тушишар эди. Вағир-вугур орасидан “раҳмат”, “хайр”, “омон бўлинглар” деган сўзлар қулоққа чалинар, аммо кўз ёшлари ундан ҳам бисёр эди. Сухумиликлар ўzlари билан эт-тирноқ бўлиб кетган қадронлари – греклар билан хайрлашишарди. Греклар аллақачон нуқрадай оппоқ “Посейдон” кемасига чиқиб олишган, ўша ердан туриб қўл силкишар, грекча, русча, грузинча, арманча лафзда бир нималар деб қичқиришар эди.

Мен болаларга қўшилиб, соҳилдаги панжара деворга қапишганча, нигоҳим билан Янгулини излай бошладим. Ва уни топдим. Этнида ўша ўзи ёқтирадиган олди очиқ қора сатин кўйлак.

– Янгули, Янгули! – дея қийқиришга тушдим қўл силкитиб. Янгули кузатувчиларга узоқ, жуда узоқ разм солди ва бирдан мени кўриб қолди. Иккала қўлини баланд кўтариб, нидо берди:

– Жамол, эго агапо имана су!

– Жамол, ойингни яхши кўраман!

У грекча нимадир деб бақирди-ю, аммо менга қўшиқ айтгандай туюлди. Тағин шу нарсани сездимки, назаримда, кемадан қочиб кетмасин дебми отаси уни билагидан маҳкам ушлаб турарди. Яна унинг қўшигини эшитишга, яна унга мўлтираб туришга бардошим етмади. Кемага терс ўтирилдим-да, йиглаганча уйга жўнадим.

Орадан бир кун ўтиб, Келасури дарёсининг қўйилиш жойида денгиз тўлқинлари бир болланинг жасадини соҳилга чиқариб ташлабди. Тўғрироғи, уни кекса балиқчилар сувдан тортиб олиб, қумга ётқизишибди. Сўнг мурданинг кимлигини аниқлаш учун шу атрофда ўйнаб юрган болаларни чақиришибди.

Марҳумнинг башараси шу қадар дабдала бўлиб кетган эканки, уни ҳеч ким танимабди.

Уни мен танидим. Чап тўшининг устидаги “Hellados” деган сехрли ёзувни кўргандан кейин танидим.

Нафасимни ичимга ютганча соҳилдан, сўнг темир йўл бўйлаб, кейин Венециан қўчасидан тўхтовсиз югуриб, телбаларча уйга отилиб кирдим.

– Ха, нима бўлди!!! – Холамнинг капалаги учиб кетди.


– Нина хола... Янгули қайтиб келди...

Сўнг холамнинг олдида чўқкалаб, оёқларини қучоқлаганча хўнграб йиғлаб юбордим...



МУНДАРИЖА

Оллоҳшукур Пошшозода:	2
Ўзбекистон – доимо юрагимда!	
Мамлакатимиз IT-HUBга айланмоқда	6
Тамаддун пойдевори илм-фандир	12
Ўйфонаётган арслон	16
Қадимий Буюк ипак йўлининг замонавий тимсоли	22
Қозоғистон – Ўзбекистон: Янги тараққиёт босқичидаги муносабатлар	26
Қирғизистон – Ўзбекистон: Уларнинг ҳар бирига кучли ва фаровон қўшни керак	30
Минтақа: бизга умумий ўзлик не учун даркор?	34
Маслаҳат учрашувлари ва истиқболдаги интеграция	38
Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат “Наманганинг Регистони”га айланадиган Ахсикент	42
Нотугал давлат қурилишими ёхуд ниҳоясига етказилмаган концептуаллашув?	44
Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий – ал-Хоразмийнинг муносиб вориси, ўзбек математика атамашунослиги асосчиси	52
Миллат фикри	54
Нақшларга сингган халқ тафаккури	58
Хоразм суворалари санъатнинг бетакрор дурдонаси	62
Алп Гўрўғли – зўр ботир	68
Поль Пеллионинг Туркистонга саёҳати	72
Тил тарихидаги ноёб ҳодиса	78
Колонизация ва постколонизация: Марказий Осиё мамлакатлари тажрибаси	84
“Мусулмончилик” ва совет кишиси: амалга ошмаган идентикликми?	90
Боймирза Ҳайит ким эди?	94
Ўзбек давлатчилигининг йирик намояндаси, маърифатпарвар ҳукмдор	
Муҳаммад Шайбонийхон	98
Ҳелладос	102



МУҚОВА: Муҳаммад Шайбонийхоннинг портрети.
Камолиддин Бехзод асари. XVI аср боши.

Муассис:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳир ҳайъати:

Кудратилла Рафиқов (таҳир ҳайъати раиси, лойиха раҳбари), Иброҳим Ғафуров, Ҳуршид дўстмуҳаммад, Акмал Сайдов, Эркинжон Турдимов, Абдусаид Кўчимов, Сирохиддин Сайид, Отабек Ҳасанов, Азamat Зиё, Сайфулла Аҳмадов, Иркин Умарахунов, Қозоқбай Йўлдош, Шуҳрат Сирохиддинов, Улугбек Жалменов, Ўрол Содик, (адабий муҳаррир), Анвар Қўлмуродов, Раҳматилла Қорабоев (маркетинг менежери)

Бош муҳаррир

Хусан Эрматов

Масъул котиб

Мехридин Шукуров

Мусахҳид

Фарруҳ Бұтаев

Журнал саҳифаларида Исимиддин Эшонкулов суратлари ва иллюстрацияларидан фойдаланилди.

Журнал мӯқоваларидағи сураттар мұалифи Абдугани Жума

Манзил:

Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-й.

е-mail: vatan2024@inbox.ru

Тел.: 71 256-25-36 (қабулхона);

71 256-52-78 (маркетинг ва реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигидан 20.02.2024 йилда
N2227510-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Бир йилда тўрт марта чоп этилади. Журналдан кўчириб
босилгандა маёнга қайд этилиши шарт.
Босишга 14.09.2024 йда руҳсат берилди. Бичими 60x90 1/8.

Офсет усулida босилди.

Босма табоги 11.0. Бюортма №

Жами агади 7500 нуска.

ISSN 3030-3583

Журнал “EuroAsia Print” МЧК босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани 11-мавзе, 1-үй.





Кизилқұм томонларда...

Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ma'rifiy jurnal

VATAN

ISSN 3030-3583

2024-yil 3-son



Муҳаммад Шайбонийхоннинг портрети. Қалолиддин Бекзод XVI аср боши.

Ўзбек давлатчилигининг йирик намояндаси, маърифатпарвар ҳукмдор
Муҳаммад Шайбонийхон






MKBANKNING “MAVRID” ILOVASI BILAN IMTIYOZLI KREDIT OLING!

OILAVIY TADBIRKORLIK

yo‘nalishida imtiyozli kredit olish
uchun ortiqcha vaqt sarflashga
hojat yo‘q.

TEZ VA
OSON



“Mavrid” ilovasi orqali
OILAKREDIT.UZ
platformasining imtiyozli
kreditlariga ariza yuborishning
o‘zi kifoya.

Ilovamiz orqali yana kredit so‘ndirishdagi afzalliklar va ko‘plab xizmatlarning
yangilangan imkoniyatlaridan foydalanishingiz mumkin.

mkbank.uz

MAVRID

1285